

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

2(79)/ 2021

Ministry of Higher and Secondary Special

Education of the Republic of Uzbekistan

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.

№2 (79), 2021.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институти

Таҳрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
МИРСАНОВ Ғайбулла
НАСРУЛЛАЕВА Нафиса
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2021 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.

№2 (79), 2021.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
MIRSANOV Gaibulla
NASRULLAEVA Nafisa
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

*The journal is included in the list of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher Attestation
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

*The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,
2021



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Сафаров Ш. Тил бирлиги ва воқелик муносабати	5
Умурова Г. Шеърятда эстетик идеал ва эстетик идрок масаласи.	9
Халова М. “Аёллар адабиёти”нинг шаклланиш эволюцияси.....	14
Сулайманова Н. Олам лисоний манзарасининг баҳоли шаклланиши.....	18
Karimova S. Hindiston forsiy adabiyoti tarixi.....	25
Асланова Ҳ. «Девони Гадо» XV аср туркий ўзбек девончилигининг дебочаси сифатида.. ...	31
Содиқова Н. К вопросу о тенденции к аналитизму в современном немецком языке	36
Хўжақулов С. XX аср бошлари тожик жаҳид шеърятти эврилишининг айрим тамойиллари.....	40
Маматқулов А. Француз тилида “Le politiquement correct”(нутқий хушёрлик) ҳолатини ифодалашда литота воситасининг ўрни	45

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Исмаилов А. Вопрос формирования педагогической культуры в современной методике преподавания иностранных языков.....	49
Сувонова Н., Исламова О. Фразеологияда “оқ ранг”нинг лингво-психологик талқини (француз ва ўзбек тиллари материалида).	57
Обруева Г. Инглиз тилидаги атоқли отларнинг фразеологик бирликлар структурасида ишлатилиши..	66
Шодиев С. Таркибли атамаларнинг синтактик деривацияси	70
Shukurova R., Islamova O. Fransuzcha defisli qo'shma so'zlar tahliliga doir.....	75
Жураев Б. Адвербиал бирликлар ёрдамида ифодаланадиган итератив семантика (инглиз тили мисолида).	79
Бегматов Қ. Иккинчи чет тили ўқитувчисининг касбий-педагогик сифатлари ва функциялари..	84
Sayitqulova Z. Abdulhamid Cho'iponning “Kecha va kunduz” romanidagi ijtimoiy-insoniy munosabatlar lisoniy tahlil obyekti sifatida	88
Акрамова Т. Экспрессивно-стилистические и художественные особенности авторского стиля Эдгара Аллана по.....	95
Шукуров У. Матн ва унинг ички структур-семантик хусусиятлари	100
Рофеева Ш. Инглиз ва ўзбек мақолларида “билим” тушунчасининг семантик майдони.....	105
Мардонова С. “Walk” юриш ҳаракати феълининг семантик тараққиёти... ..	110
Файзуллаева М. Диний маркерланган аллюзив антропоним ва топонимларнинг символик аҳамияти.....	114

ТАҚРИЗ

Tug'laji Gulshah. “Turk dunyosidan bolalar she'rlari” nomli antologiya xususida.....	120
---	-----



CONTENTS

REPORTS

Safarov Sh. Interrelation of a linguistic unit and the world.	5
Umurova G. «The Problem of Aesthetic Ideals and Aesthetic Perception in Poetry».....	9
Khalova M. “The evolution of the formation of “women's literature”.....	14
Suleymanova N. The formation of values of lingual world picture.	18
Karimova S. The history of Indian-Persian literature.....	25
Aslanova Kh. "Devoni Gado" as one of the first samples of XV century Turkish-Uzbek devons. .	31
Sodikova N. To the question about the tendency of analytizm in the modern German language. ...	36
Xujakulov S. Some peculiarities of Tajik Jadid poetics of the beginning of the 20 th century.....	40
Mamatqulov A. The role of litota in the expression of “political correctness” in the French language.	45

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Ismailov A. The problem of the formation of pedagogical culture in the modern methodics of teaching foreign languages.....	49
Suvonova N., Islomova O. Linguo-psychological interpretation of "white" colour in phraseology (in the example of the French and Uzbek languages).....	57
Obrueva G. The use of proper names in the structure of phraseological units of the English language.	66
Shodiyev S. The syntactic derivation of terms.	70
Shukurova R., Islamova O. The analysis of compound words with hyphen in French.....	75
Djurayev B. Iterative semantics which is expressed with the help of adverbial units.....	79
Begmatov K. Professional and pedagogical qualities and functions of a teacher of a second foreign language.	84
Sayitkulova Z. The linguistic analysis of humans inter relations in the work "Kecha va Kunduz".	88
Akramova T. Expressive stylistic and artistic features of Edgar Allan Poe's writing style.	95
Shukurov U. The text and its internal structural-semantic features.	100
Rofeeva Sh. The semantics of the notion “knowledge” in the English and Uzbek proverbs.	105
Mardonova S. The semantic development of the verb "walk".	110
Fayzullayeva M. The symbolic significance of religiously marked allusive anthroponyms and toponyms.....	114

CRITICAL REVIEW

Tug‘laji Gulshah. About the anthology "Children's poems from the Turkish world"	120
--	-----



ТИЛ БИРЛИГИ ВА ВОҚЕЛИК МУНОСАБАТИ

Сафаров Шахриёр,

СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори

Калим сўзлар: лисоний белги, маъно, денотат, сигнификат, воқелик, муносабат, тушунча, тафаккур.

Тил ва воқелик муносабати анъанага биноан турли ёндашувлар татбиқида муҳокама қилиниб келинмоқда. Шулардан бири тилнинг мустақил тизим сифатида талқин қилиниши ва тил бирликларининг мундарижаси ҳамда мазмуни аниқланиши билан боғлиқ. Маъно семасиологлар томонидан даставвал идеал ходиса, тафаккур бирлиги кўринишида тавсифланиб, унинг тил бирлигининг моддий жиҳати билан боғлиқлиги таъкидланади. Баъзилар эса маънони лисоний белгининг бошқа белгиларга муносабати, бажарадиган вазифаси кўламида аниқлашни маъқул кўрадилар.

Айтиш жоизки, ушбу таснифларнинг ҳар иккаласи ҳам Соссюр истеъмолга киритган лисоний белги тушунчасига бориб тақалади. Лисоний белги ифодаловчи ва ифодаланишининг ўзаро боғлиқлигидан иборатлигини қайд этган Соссюр тил бирлигини инсон онгида ассоциатив алоқа асосида юзага келадиган рухий образнинг акси эканлигини таъкидлайди. Бу ҳолатда тил ҳам тўлиғича психологик ходисага айланади (Соссюр 1977: 99). Сўзнинг товуш қатламини тил моҳиятидан ажратиб кўйиш ҳақиқатга унчалик мос келмайди. Албатта, товуш (моддий) қатламининг маъно билан боғланиши акустик образ–тимсол воситасида кечади. Аммо, айнан ушбу моддий қатлам тил бирлигининг мавжудлигини ва унинг мулоқот муҳитида қўлланишини таъминлайди.

Соссюр тилни “тушунчаларни ифодаловчи белгилар тизими” сифатида тавсифлаганини эслайлик. Олим тушунчани тил бирлигининг бир жиҳати

деб ҳисоблаб, лисоний белгининг тушунча, яъни “ифодаланувчи” билан алоқасининг эркинлигини айтган эди (Соссюр 1977: 101). Лекин, ҳар қандай белги моддийликдан жудо бўлолмайди. Тил бирликларида моддийлик ва идеаллик уйғунлашади, уларнинг бири иккинчисини тақозо қилади.

Шу аснода, биз муҳокама қилаётган муаммо идеал ходисанинг реал воқелик билан боғланишига бориб тақалади, зотан тил воқелик билан маъно– мазмун кўламида алоқадордир.

Шунинг билан биргаликда, тилдаги идеаллик воқелик билан кўпинча билвосита алоқадор бўлади ва шу сабабли тилда акс топадиган объектлар турли онтологик табиатга эга бўлиши мумкин. (Комлев 2007). Бу ерда “акс топиш” тушунчаси идеал образ хусусиятларни умумлаштириш жараёнида юзага келишига қарамасдан, маълум даражада воқеликнинг нусхаси эканлигини ва унинг шаклланиши объектив олам билан шартланишидан дарак беради. Демак, маъноси воқелик аксининг идеал шакли сифатида намоён бўладиган тил бирлиги воқелик билан қандайдир шартли муносабатда бўлган эркин семиотик белги бўла олмайди.

Воқеликнинг тилнинг маъно қатламида акс топиши инсонларга олам ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бундай билимнинг мавжудлиги инсонга жамоадан ўрин топишга ва фаолият кўрсатишга шароит яратади. Тилшунослар узоқ пайтлардан буён янгидан идрок этилаётган предмет–ходисаларга олдиндан мавжуд бўлган



нарса–ходисалар хусусиятларига қиёсан ном беришларини таъкидлаб келишади (Смирницкий 1955). Лекин, бундан ҳар бир тил бирлиги ёки нутқий тузилманинг маъноси ҳақиқатга мос келиши керак, деган хулосага келмаслик керак. Шундай бўлганида тил ўрганишни ҳақиқатни излашга тенглаштирган бўлар эдик. Аслида, тилнинг коммуникатив имкониятлари чексиз, унинг воситасида ҳар қандай фикр–хулосани (унинг рост ёки ёлғонлигидан қатъи назар) ифодалаш қудратига эгамиз.

Соссюр “лисоний белги” тушунчасини қўллаётиб, ушбу тушунча лисоний бирликнинг шакли (моддий томони) ва маъносини бирданига қамраб олишини қайд этади: “белгининг ҳиссий томони унинг яхлитлигини тақозо этади” (Соссюр 1977: 100). Тушунчанинг белги таркибига кириши ҳақидаги қайдни англаш баъзан мушкул туюлади.

Соссюрнинг яна бир қайдни ўқиймиз: “тилнинг туб табиатини англашни истаганлар, энг аввало, унинг бошқа шу хилдаги тизимлар билан умумийлигига эътибор қаратишлари лозим” (Ўша асар, 55 бет). Аммо, “лисоний белги” умумий семиотик табиатга эга бўлса, у ҳолда у ўзидан ташқаридаги бирон нарсани воқелантириши керак. Демак, тил белгилари идеал ҳодисани воқелантириши мумкин ёки бу ҳодиса унинг таркибига кирмайди. Бундай ёндашувларнинг ҳар иккаласи ҳам лисоний белги ёки тил бирлиги таркибида моддийлик ва мавҳумлик уйғунлашуви ҳақидаги фикрни инкор қилади.

Ўз пайтида Ю.С.Степанов сўз таркибидаги белгилик муносабатлари турли босқичларда кечишини исботлаш измида бўлганлигини унутмаймиз. Унинг тақсимотича, биринчи босқичда сўзнинг талаффузи (“фонетик сўз”) онгда пайдо бўладиган мазмуннинг белгиси бўлса, иккинчи босқичда худди шу фонетик сўз ўз мазмуни билан ҳамроҳликда предмет белгиси вазифасини ўтар экан. Ниҳоят, учинчи босқичда нутқ сатҳида фонетик сўз, мазмун ва предмет яхлитликда бошқа

бир, янги предметнинг белгисига айланар эмиш (Степанов 1975: 9-10).

Бизнингча, ушбу талқин бир муаммони бошқаси билан алмаштиришдан бошқа нарса эмас. Агарда фонетик сўз мазмунга нисбатан белги ролини бажарадиган бўлса, унда товуш ва маъно яхлитлиги қандайдир эркин, мустақил белги бўлишини тасаввур қилиш қийин. Энг ҳайрон қоларлиси, Ю.С.Степанов учинчи босқичда иккита моддий объект, яъни сўзнинг талаффузи ва предметини бир мажмуага бирлаштиришидир. Воқелик объекти бўлган предмет қандай қилиб сўзнинг таркибидан ўрин олиши ва тил белгисининг алоҳида қисмига айланиши мумкинлигини тушуниш қийин.

Сўзнинг идеал томони ўз–ўзидан ёки бирон бир бошқа томон билан ҳамроҳликда лисоний белги ролини бажариши муаммолидир. Зотан, идеал воқеликнинг онгда акс топиши маҳсули, унинг образидир. Ҳақиқатан ҳам “лисоний белги” ва “тил бирлиги” тушунчаларини чалкаштирмаслик лозим. Уларнинг бажариладиган вазифалари ва имкониятлари фарқ қилади. Энг муҳими, бундай ёндашув (белгининг бир томонлама ҳодиса сифатида қаралиши) тил бирликларининг моддийлик ва идеаллик хусусиятларига бир пайтда эга бўлишини инкор этмайди.

Идеал маънонинг лисоний белгидан ажратилиши ушбу белгининг оламдаги предмет ва ҳодисалар билан муносабати тўғрисидаги муаммони янада қаятийлаштиради. Дарҳол туғиладиган савол: сўзнинг талаффузи, моддий қиёфаси нимага нисбатан белги вазифасини бажариши ҳақидадир. Ушбу вазифа фақат идеал вазифага нисбатан воқеланадиган ёки бевосита предметга нисбатанми? Мабодо лисоний белги доимо идеал маъно билан боғлиқ бўлиб ва у орқали предмет билан боғланса, унда маънони белгидан ажратишнинг аҳамияти йўқ. Предмет ва сўзнинг моддий қатлами ўртасидаги алоқа мустаҳкам эмаслиги равшан. Тилнинг мавжудлиги борасида изланишлар олиб борган А.И.Смирницкий ёзганидек, “сўзнинг эшитилиши ва номланаётган



предмет–ходиса ўртасида албатта алоқа мавжуд, лекин ушбу алоқа бевосита, тўғридан–тўғри кечмасдан, у предметнинг онгда акс топишидан бошқа нарса эмас” (Смирницкий 1954: 83). Бир неча йил кейин, белгининг бир томонлама ҳодиса эканлигини эътироф этган В.М.Солнцев ҳам Смирницкийнинг фикрини қўллаб–қувватлаганини эслаймиз: “маъно белги ишора қиладиган” ҳодисадир (Солнцев 1977: 26).

Бирок, лисоний белгининг биртомонлама ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрни ҳам саволсиз қолдириб бўлмайди. Лисоний белгини фақат моддийликда кўрадиган бўлсак, унинг бошқа моддий объектлардан фарқи нимада? Равшанки, лисоний белгининг асосий хусусияти унинг бирон бир нарсани лисоний воқелантиришида ва вазифа бажаришида намоён бўлади.

Худди шунингдек, белгининг маъносини унинг номланаётган предметга муносабати доирасида талқин қилиниши ҳам семасиологияни тилшуносликдан узоқлашишига олиб келиши ҳамда тил ва тафаккур муносабатини нотўғри изоҳланишига сабаб туғдириши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг инсон билиш фаолиятидаги ўрнини инкор этиб, тилни “соф” муносабатлар оғушидаги тизим сифатида эътироф этишдек, ножўя хулосалар туғилишига дучор қилади (Сафаров 2013).

Баъзи тилшунос ва файласуфлар ҳозиргача тил бирлиги бир пайтнинг ўзида моддий ва идеал жиҳатларга эга бўлиши мумкинлигига ишонмасдан келмоқдалар. Уларнинг қайдича, тилнинг моддий ва идеал яхлитлиги фалсафий асосга эга эмас. Зеро, тил нутқий фаолиятда мавжудлиги боис, у фақат моддий ҳодиса кўринишида ўрганилиши керак экан. Бу тақдирда маъно ҳам белгининг предметга муносабати кўринишини олади.

Идеалликни моддийликдан ажратиш ҳақиқатан ҳам қийин масала. Идеаллик онгли фаолият натижасида юзага келаётиб, биринчидан, моддий оламнинг бевосита ёки билвосита умумлаштирилган аксидир, иккинчидан, у фонетик

воқелантириш орқали мавжуд бўлади. Шу боис, тилни белгининг оламга муносабати орқали юзага келадиган моддийлик сифатида талқин қилиш муаммо туғдиради. Белги вазифаси тил бирлигининг моддий қатламида табиатан мавжуд эмас. У лисоний жамоа аъзолари онгда мавжуд ва ассоциатив хусусиятга эга. Мабодо у ёки бу фонетик тузилмага маълум бир маъно бериш қобилятига эга инсонлар бўлмаганида ушбу тузилма ҳеч қандай белги вазифасини бажара олмас эди. Демак, белги вазифасини моддий объектларнинг табиий хусусиятларига тенглаштириб бўлмайди.

Белги вазифасини лисоний моддийлик тушунчаси билан қориштиришни истаган рус шарқшуноси И.В. Вардуль моддийлик ва идеалликнинг фарқини уларнинг келиб чиқиш манбасидан эмас, балки қандай кўринишда мавжуд бўлишидан излаш кераклигини уқтирмоқчи бўлган эди. “Ҳар бир тил белгисига маълум бир ахборот мансублиги боис, бу ахборот мазкур белгининг хусусияти сифатида мавжуд бўлади. Демак, тил бирлигининг маъноси худди унинг ифода плани каби моддийдир” (Вардуль 1977: 24-25).

Олимнинг берган изоҳига ишониш қийин, чунки белгининг бирон нарсага ишора қилиш хусусияти шартли бўлиб, у инсон онгидан ташқарида ўз аҳамиятини йўқотади. Бунда юзага келадиган ҳодиса (маъно)ни фақат моддийликдан иборат деб қараш мумкин эмас.

Когнитив тилшунослик йўналишидан исботлаганидек, лисоний белгининг нутқий фаоллашувида у бир пайтнинг ўзида моддий ва тафаккур бирлиги кўринишида воқеланади. Белгининг моддий жиҳати товушлар ва график воситалар орқали воқеланса, мазмуний – идеал томони эса коммуникантлар онгда маълум бир ахборот юзага келишида намоён бўлади. Оқибатда, нутқда лисоний белги иккитомонлама ҳодиса сифатида фаоллашади.

Нутқнинг моддий томони оғзаки ва ёзма шаклларга эга ва шу йўсинда



идеаллик ҳам билвосита акс топади, зотан, маълум тилни биладиган шахс онгида оғзаки ёки ёзма матнни идрок этиш пайтида маълум турдаги ахборот шаклланади. Шунингдек, тилни ўзлаштираётган шахс онгида лисоний белгиларнинг талаффузи шакли ҳар хил ахборот туғилишига туртки беради ҳамда ўзлаштирган белгилар ўртасида алоқа занжири ҳосил бўлиб, улардан нутқда фойдаланиш қоидалари шаклланади. Оқибатда, ҳар бир шахс тил тизимининг алоҳида қисмини хотирада сақловчи ва ундан фойдаланувчига айланади.

Шундай қилиб, тил бирлиги оламдаги предмет – нарсаларни акс эттирувчи идеал жиҳатга эгаллигини инкор

этишга ҳеч қандай асос йўқ. Тилнинг моддий томонини воқелик билан боғлашда белгилик вазифаси фақат инсон онгида мавжуд эканлигини унутмаслик лозим. Бир моддий объектнинг бошқаси учун белги вазифасини ўташи фақат ушбу белгининг ахборот манбаси бўла олишида намоён бўлади.

Лисоний ҳодисаларнинг воқелик билан алоқаси билвосита характерга эга ва объектив борлиқнинг тил бирлиги маъносида акс этиши орқали воқеланади. Сўз ва предмет муносабатини тафаккур доирасидан сиқиб чиқариш тил бирликларини ўзлари ифодаляётган объектлардан узиб қўйиш билан баробар.

Адабиётлар:

1. Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики. – М.: Наука, 1977.
2. Комлев Н.Г. Слово в речи: Денотативные аспекты. – М.: Изд-во ЛКИ, 2007.
3. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: Баёз, 2013.
4. Смирницкий А.И. Значение слова // Вопросы языкознания, 1995. № 2.
5. Смирницкий А.И. Объективность существования языка. – М.: Изд-во МГУ, 1954.
6. Солнцев В.М. Языковой знак и его свойства // Вопросы языкознания, 1977. № 2.
7. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977.
8. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975.

Сафаров Ш. Взаимоотношение языковой единицы и действительности. Проблема “язык и действительность” обычно рассматривается в двух аспектах: 1) отношение к действительности языка как системы; 2) отношение к действительности речевых высказываний. В данной статье автор останавливается, в основном, на первом аспекте проблемы, непосредственно связанном с принятием языкового знака, а именно, с определенной трактовкой его содержательной стороны. Исследование связи языка с действительностью показывает, что эта связь носит опосредованный характер и осуществляется на основе отражения реальности идеальной стороной языка.

Safarov Sh. Interrelation of a linguistic unit and the world. The problem of “language and real world” is usually studied in two aspects: 1) relation of the language system to the world; 2) relation of utterances to the world. In this article main attention is paid to the first aspect of the problem under discussion. This aspect concerns the notion of linguistic sign, especially, with interpretation of its ideal content. This investigation verifies the hypothesis about indirectness of the relation of language with the world, as this world is reflected in the ideal part of language.



ШЕЪРИЯТДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА ЭСТЕТИК ИДРОК МАСАЛАСИ

Умурова Гўзал Ҳотамовна,
СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори

Калит сўзлар: эстетик дид, эстетик идрок, бадиий олам, шоир шахси, маҳорат, илҳом, истеъдод.

Эстетик идеал масаласи ҳар бир ижодкор фитрати билан боғланган даражада намоён бўлади. Унинг ҳар бир воқеликка холисона баҳо бериши, миллат ва жамият ҳаётининг муҳим бўғини саналган адабиётнинг мавжуд ҳолатидаги ўзгаришлар, аксланаётган идрок турфалиги, жозиб туйғулар силсиласи санъатнинг мағзини тайин этади. Буюк рус мунаққиди ёзганидек: «Қай ердаки илҳом сохта бўлмаса, ўша ерда поэзия бор ва илҳом кимнинг табиатиға қондош бўлса, шоир - ўша» (1, 114). Дарҳақиқат, шоира Зулфия табиатан вазмин ва сермулоҳазали, камтарин ва теран мушоҳадали инсон бўлган. У ҳар бир шогирдига ибрат бўлар экан, ҳам ҳаётда, ҳам ижодда қилган амаллари билан инсоний бўлишликка даъват қилган. Дарвоқе, Зулфия таъсирида камол топган шоирлар бугунги кунда уни ёрқин хотиралар билан эслайдилар. Бу ўз навбатида шоирга кўрсатилган чуқур ҳурмат ва эҳтиром эканлигидан далолат беради.

Санъат ва адабиётдан маълум: ижодкор ўз тақдирини ижод тақдири билан бевосита боғлаб кўяди, айнан мутаносиблик замирида туйғулар реаллиги қабариб кўринади. Шоира Зулфия ҳам ўз қисматини иккита сўз бағрига жо қилгандек гўё: ҳижрон ва айрилиқ. Айниқса, унинг суронли кайфиятга тушиб қолиши Ҳ.Олимжоннинг вафоти туфайлидир. Бу оғир йўқотиш инсонга бахт ўрнига бахтсизлик, қувонч ўрнига ғам-ғусса ато этиши шубҳасиз. Академик Л. Қаюмов шоира Зулфия ҳақида ҳажман катта – адабий портретни ёзган. Унда «қисмати шоирлиги – шоирлиги қисмати» масаласига мантикий урғу берилади. Мазкур китобнинг «Автобиографик поэзия» деб номланган фаслида мунаққид «шеър ва шоирлик» мавзусини теран

илмий таҳлиллар билан бойитади. Бунда битта муҳим жиҳат олимнинг диққат-эътиборини тортади ва уни феномен даражасига олиб чиқади. Бу феномен Ҳамид Олимжондир. «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган шеъри мазкур жиҳатларга муҳим асос вазифасини ўтайди. Олим ушбу шеърни «инсон туйғулари ифодасининг гултожи» (2, 59) эканлигини асосли таърифлайди.

Маълумки, «шодлигу хуррамлик ҳам, ғаму ҳасрат ҳам, бахт-саодат ҳам, фожа ҳам – барча-барчаси юракка пайванд. Шу боисдан ижодкорни қалб таржимони деб аташади» (6, 25). Айнан шу маслак Зулфия ижодий қарашларининг, лирикасининг бош бўғинини ташкил этади. Бир қарашда самимийлик ва соддалик уфуриб турган мўъжаз сатрларда – ўзбек аёлининг бахту саодатга ташналиги, ҳижрон туфайли «не-не» ажиб туйғулар сўлиши, қандайдир ички эзилиш заминида қабариб кўринади.

Баҳор келди сени сўроқлаб...

Мазкур биргина сатрда шеърнинг ҳам мавзу, ҳам мундарижаси, ҳам туйғулар реализми, ҳам поэтик образнинг ўзига хослиги жамулжам:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг
қўлимда,*

Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.

Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,

Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

(4, 30)

Автобиографик характерга эга ушбу жозиб шеърда шоира Зулфия тақдирида неки бор, барчасини англаш мумкин. Айрилиқ ҳукмига кўникиш қийин. Лекин шундай бўлса-да, пешона ёзуғи - тақдирдан қочиб бўлмайди. Мусибатнинг қароргоҳи – юрак. Шоира юрагини безовта қилаётган биргина сўз – «баҳор келди сени сўроқлаб...»



жумласидир. Риторик сўроқ гап замирида бутун шоира ҳаёти ўз аксини топгандек гўё. Ўн етти банд шеърга кўчиб ўтган шахсият моҳиятида бир инсон қисматининг поэтик жилвасини кузатиш қийин эмас.

Баҳор – поэтик ахборот ташувчи сўз. Воқелик призмасидан сизиб чиқаётган мушоҳада замирида аёл садоқати-ю, пок муҳаббати ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Севги ва садоқат тушунчаларини мантикий далиллаш ушбу шеърда янада тиникроқ акс эттирилган. Эстетик камров табиатан «шеърга кўчган шахсият» билан боғлиқ тарзда кечади. Ҳижрон тушунчаси шоир наздида – идеал тушунча! Аслида ҳам шундай дейишимизга муайян асос ҳам мавжуд. Проф. Д. Қуронов шундай ёзади: «Сўфий ҳаққа яқинлашгани сари мавжудликнинг моҳиятини теранроқ идрок қилгани каби ижодкор ИДЕАЛга яқинлашгани сари ҳаётнинг, инсоннинг моҳиятини теранроқ илғайди. Сўфийлик йўлининг ибтидоси ҳам интиҳоси ҳам ҲАҚ бўлганидек, ижодкор фаолиятининг *мотиви* ҳам, *мақсади* ҳам ИДЕАЛдир» (3, 164). Аёнки, Зулфия лирикасидаги ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ҳаётга яқинлиги, ҳаётбахшлиги, қалбда кечаётган реал жараёнларнинг ифодаси ўлароқ шаклланган. Демак, тадрижий ривожланган поэтик табдил негизида – ИДЕАЛ тушунчаси кўп қатламли ва мураккаб аҳамият касб этиб борган. Антитеза усулида бир-бирига пайвандланиш тушунча камровини янада теранлаштирган. Мавжуд воқеликка параллель тарзда қад ростлаган эстетик идрок поэтик мутаносибликни далолатлайди, ҳамда бир бутунликни юзага келтиради.

Шоиранинг давр муаммоларини интим кечинмалар таъсирида идрок қилиши табиий ҳолат эди. Унда шахснинг орзу-умидлари теран мушоҳада сахнига олиб чиқилади. Булар қай жиҳати билан олам ва одам хусусида қанчалик ўйга толдирмасин, «*этиқодда бутунлик*» оний сурурни гавдалантиради. Булар ўз навбатида ҳаёт йўлларининг чигалликларини, ирода йўналишининг

собитлигини англатади. Ижодкор, аввало, шахс мақомига кўтарилар экан, мавжуд воқеликка қай тарзда муносабатда бўлиши билан чегараланмайди, умумруҳият мезонларидан туриб назар ташлайди. Зулфиянинг поэтик оламида қабариб кўринган образ бадий тадрижи ҳам «ИДЕАЛ» тушунчасига монанд аксланади. Бир қарашда оддий туюлган поэтик ахборот замирида – миллат руҳияти ўзига хос тарзда жилваланади. Мушоҳадага бой ва теран сатрларда ўзбекона руҳ, қадрият мужассамлиги поэтик инкишоф қилинади.

Одатда сўз либос, унга юклатилган мазмун жамики унсурларни бирлаштиради. Шаклий-услубий камров негизида турфаланган поэтик мазмун ижодкор фитратидан озикланади. Зулфия қалбининг теран фалсафий қарашлари фақатгина бахт ва саодат тушунчасини идроклаш билан кифояланмайди, реал ҳаёт сувратига бошқача мазмун ато этиши ўзига хос кўпқатламли талқин ранг-баранглигини юзага келтиради. Айтиш жоиз, эстетик идрок ҳаётни англаш жараёнида, унга монанд тушунча теранлиги, мантиқ устуворлигини ҳам далолатлайди. Поэтик тафаккурга хос эркинлик – шеъринг матнда жўшқин кайфиятни юзага чиқаради. Лекин, шоира Зулфия ҳам ҳаётда, ҳам ижодда табиатан хурсандчиликни ошкор этмайди. Пинҳон тутилган поэтик талқин негизига жамики руҳиятига алоқадор бўлган қалб кечинмалари сингдирилади. Уни асосли далиллаш учун мазкур жараёнга мантикий ёндашиш лозим. Булар бир неча хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, шоира Зулфия ҳаёт ҳақиқатига тарихий сахнада рўй бераётган воқелик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашади, иккинчидан, шоира фикр камровини миллий қадриятлар воситасида ифодалашга жиддий эътибор қаратади, учинчидан, шахснинг тақдири унинг яшаб ўтган ва эртанги кунидан кутган умид учқунлари теран мулоҳазалар билан пайвандланади, тўртинчидан, шеър ёзишга ундаган асосий куч (туртки) ҳиссий-интим кечинмалар сабаб юзага келишини, ундан умидворлик, садоқатга талпиниш, ирода



йўналишини аниқ белгилаб олишда кабариб кўринади. Шу боис, шоира портретига умумсифатлардан келиб чиққан ҳолда тўғри баҳо бериш, «вафо ва садоқат» тушунчаларини янада мукамалроқ англаб етишга замин ҳозирлайди.

Шоира Зулфиянинг эллик йил муқаддам яратилган «Мушоира» шеърида эстетик идеал янада тиникроқ талқин қилинган. Мазкур шеърда эпик қамров насрий асар каби теран фазилатларни ўзида жамлайди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ушбу шеърга ўша даврдаёқ юксак баҳо берилган. Таниқли шоира Вера Инбернинг қайд этишича: «Шеър тасвирий воситаларнинг бойлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Унда хотин-қизларга хос кузатувчанлик эпик кенглик билан уйғунлашиб кетади. Фикрларнинг теранлиги туйғуларнинг тўлқинлилиги билан ҳамоҳанг. Унда ҳамиша халқларнинг тинчлик ва бахт-саодати учун янграган поэзиянинг садосини эшитиб турасан, киши. Бу асарни дадиллик билан адабиётнинг дурдонаси деб айта оламиз» (9, 446). Ушбу таърифдан ҳам англашиладики, мазкур сифатлаш шоира Зулфия поэтик оламининг ранг-баранглигини, теран фалсафий мушоҳадаларга бойлигини, гўзаллик билан суғорилганлигини тўлалигича далолатлайди. Кузатиш мумкинки, шоиранинг «Мушоира» шеъридаги бадийлик негизида – умуминсоний муаммолар манзараси акс эттирилади. Булар ўз навбатида шоиранинг теран талқинларида – шахс комиллиги бўй кўрсатганлигини янада аёнлаштиради.

Шоира Зулфия эстетикасида алоҳида ажралиб турадиган муҳим жиҳатлари ўзбек аёлининг мардонаворлиги, улуғ ғояларни тараннум қила олиш қобилияти, аждодларга хос зукколик, Нодира, Увайсий, Анбар Отин сингари мумтоз шоиралар маслағига мослигида кўринади. Булар шоиранинг асл орзулари ушалишида, шеъриятда аёл образининг теран мушоҳадакор фикрлар билан чизилишида кўринади.

Одатда ёниқ қалб эгалари доим истиқболни куйлайди. Эртанги кундан умид, ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариш ушбу ижодкорларнинг ҳаёт аъмоли саналади. Шу тарзда ЭСТЕТИК ИДЕАЛ макон ва замон сувратини тўғри баҳолайди. XX аср ўрталарида адабиётнинг мазмуний қамрови ҳар томонлама мафкуравийлаштирилмасин, ижодкор бу ёлғон ғоя куни келиб тамом бўлишини олдиндан сезган эди. Шоира Зулфия «эл ардоғида» бўлиб, ҳар бир сўзида яширин тарзда миллий мустақиллик тушунчасига ишора қилганлигини кузатиш қийин эмас. «Йиллар садоси» тўпламида жамланган шеърлар – жуда олис йиллар бағрида етилмасин, унда истиқлол тараннуми поэтик инкишоф қилинади:

*Ҳали бор олдинда ўтмаган бурчим,
Ўтайман кўзимда тирик турса нур.
Умримдаги барча фасллар учун
Ўзига бек халқим, Сенга ташаккур.*

Ушбу шеърда шоира Зулфия ижодининг муҳим қирраларидан бири – ҳар бир сўзга образлилик бағишлай олиши кўринади. Негаки, «образ моҳиятига кўра ҳаракатдаги воқеликдан иборат» (7, 27) экан, «Халқимга айтар сўзларим» шеъри замирида шоира қалбининг дарду қувончлари, ҳаяжону талпинишлари зухур этилган. Шоира «умридаги барча фасллар»ни Аллоҳ инъом қилган неъмат дея қадрлайди.

Маълумки, бирор ижодкор ҳақида сўз айтганда ўтмиш ва бугун нуқтаи назаридан ёндашилади. Ижодкорнинг тарихий жабҳадаги ўрни, адабиётга олиб кирган сўзи, эътиқоди, маслағи, муҳаббати, жамики эзгулик учун харж қилинган умумэстетик ғоялари, ибратли ва шарафли ҳаёт йўли хусусида теран илмий мунозаралар айтилади. Шоира Зулфия шахси ҳақида гап кетганда аввало мунаққид-олимлар битта нарсага алоҳида эътибор қаратишган: ижодкор яратувчи, уни тарих саҳнасида олиб кирган ижодий йўналиши миллат руҳиятидаги азим эврилишлар натижасида, миллий қадриятларга юксак ишонч ва ҳурмат билан қараши асносида камол топган.



Яъни руҳият нимани истаса шунга монанд шакл ахтаради. Бошқача айтганда «нимаики мазмун бўлса, шаклда ифодасини топади» (1, 93).

Бинобарин, шеърий матн таркибида сўз воситасида ифодаланган образли фикр ўзига хослик касб этади. Аҳамиятли томони шундаки, Зулфиянинг жуда кўпчилик шеърларида баҳор ва унинг элчиси – турфа гулларга ўзгача маъно юклаш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бу ҳолат ҳар бир шеърида муайян маъно ташувчи сўз бўлибгина қолмай, Зулфия табиатининг, ёниқ қалбининг ҳамдардларидек таассурот уйғотади. Булар шеърнинг умумий руҳига шуқуқ бағишлайди. Зукко китобхон дил торларини аллалайди, меҳру муҳаббат нашидаси ўлароқ, қалбларга заъфарон туйғуларни тухфа этади. Демак, давр комил инсон тарбиясини тақозо этса, шоира Зулфия шу сафнинг бошида турган ўзбек аёлининг қудратини, жамики нафосатини, назокатини, латофатини рўёбга чиқаришга интилади.

Шоира «Зулфия шеъриятига хос фазилатлар – китобхонни ўйга толдириш, кимнингдир дардига ҳамдардлик қилиш, кимнингдир сўниқ дилига умид учқунини ташлаш, умуман эзгулик йўлидаги

хизматга ўзини бурчли сезишдир (Бахтиёр бўлардим шеърларим билан, Шу дўстлар қалбига киролсам агар») (8, 16).

Эзгуликни куйлаш, уни ҳар бир инсонга фазилат даражаси дея тушунтириш, аввало, шоирлар елкасидаги улкан масъулият ҳиссидир. Бундай мақомга эришиш учун ижодкордан катта билим ва малака, салоҳият, истеъдод талаб қилинадиким, бусиз асар ўз мазмунига мос тушмайди. Шоира Зулфия ҳар бир талқинида битта нарсага мантиқий урғу беради. Унинг меҳвари олижаноблик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик, меҳнатсеварлик ва миллатпарварлик, ватанпарварлик ва садоқат ғояларидир. Булар бор экан, шеър ҳам, шоир ҳам ўз овозига эга бўлади. Дарвоқе, «Зулфияда ўзбек халқининг бутун назокати, эзгу феъли жамулжам» (Светлана Сомова), «Ўзбек шоираси Зулфиянинг қутлуғ қадами туфайли Шарқ адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоиралар бутун бир пляядасининг овози баралла янграй бошлади» (Чингиз Айтматов) (5, 8). Мазкур таъриф ва тавсифдан ҳам англаш мумкинки, шоира Зулфия ўз даврида – ўз мактабини яратди.

Адабиётлар:

1. Белинский Г.В. Адабий орзулар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
2. Қаюмов Л. Зулфия. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1975.
3. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: «Академнашр», 2013.
4. Зулфия. Йиллар садоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
5. Умуров Х. Шеърият маликаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.
6. Худойберганов Н. Ёшлик илҳомлари. – Т.: «Ёш гвардия», 1975.
7. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: «Фан», 2004.
8. Султонова М. Зулфия. – Т.: «Фан», 1985.
9. Инбер В. «За много лет». – М.: Просвещение, 1964.

Умурова Г. «Проблема эстетических идеалов и эстетического восприятия в поэзии». В статье представлена информация по проблеме творческого эстетического идеала и эстетического восприятия. Эти явления раскрываются через личность и художественный мир поэтессы Зулфии. Автор анализирует стихи Зулфии и реагирует на ее эстетические взгляды.



Umurova G. «The Problem of Aesthetic Ideals and Aesthetic Perception in Poetry». The article provides information on the issue of creative aesthetic ideal and aesthetic perception. These events are revealed through the personality and artistic world of the poetess Zulfiya. The author analyzes Zulfiya's poems and reacts to her aesthetic views.



“АЁЛЛАР АДАБИЁТИ”НИНГ ШАКЛЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

*Халова Мафтуна Абдусаламовна,
СамДЧТИ доценти, филология фанлари доктори (PhD)*

Таянч сўз ва бирикмалар: лирик кечинма, қалб деаликтикаси, бадиий маҳорат, таҳлил ва талқин, поэтик олам, аёл қалби, она сиймоси.

Ҳар бир миллий адабиётдаги аёллар образига келсак, у шу миллатнинг фитратига, давр руҳига мувофиқ акс этади ва идрок қилинади. Шу боис ҳам, бир хил шароитда бир хил ҳаракат қиладиган характерлар ҳар қайси адабиётда ҳар хил гавдаланади. Адабиётда кўплаб тарихий-диний, бадиий адабиёт намуналари орқали аёл, она образларининг турли талқинларда намоён бўлиши шоирларимиз, ижодкорларимиз асарлари орқали гўзал поэтик тасвирланган. Жумладан, буддизм ғояларидан озикланган “Олтин ёруқ” достонидаги “Шаҳзода ва барс” афсонасида малика – Она сиймосида гавдаланади. Қаҳрамон мушфиқ аёлларга хос бўлган оналик меҳри, оналик туйғуси устунлик қилади. Бу ҳол оналар яралгандан бошлаб қалбида болам, дея талпинишларини тасдиқлаш баробарида даврлар ўтиши билан инсоннинг онгу тафаккури такомиллашиб борганига қарамай унинг қалби, туйғулари ўзгаришсиз, асл ҳолича қолавериши мумкинлигини кўрсатади. “Ўғузнома” достонида Ўғуз ҳоқонга йўлиқиб, унга фарзандлар ато этган аёлларда парига хос сифатлар акс этади. Аёллар инсонни хушидан айирувчи малак тимсолида пайдо бўлади. Улар ҳоқон наслининг давомийлигини таъминлашни зиммасига олган парилар сингари таассурот қолдиради (2, 331). Улуғворлик, буюклик, меҳр-шафқат, севги-муҳаббат тимсолида доимо она образи гавдаланган. Халқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналаридаги аёллар образларида қаҳрамонлик тимсоллари етакчилик қилса, баъзиларида қоришиқ образ сифатида ҳам қаҳрамонлик, ҳам оналик, баъзиларида эса қаҳрамонлик ва севикли ёр тимсоли бирдек гавдаланади. Тўмарис, Зарина,

Тўнжукнинг қизи Пафабек, ҳатто жаҳонни забт этган Александр Македонский ҳам ҳужум қилишга ботина олмаган амазон аёллари, Бухорода ҳукмронлик қилган Тухшода хотунлар ҳукмдор ва жанговар аёллардир. Бизгача етиб келган халқ оғзаки ижодининг айрим намуналарида “Барчин, Гулойим, Юнус пари, Мисқол пари, Холдорхон, Гулчехра; Малика айёр; Гулихиромон ва Хон Далли каби аёллар гўзаллиги, оқилалиги, ишқда вафодорлиги, жангу жадалларда қўрқмаслиги ва эпчиллиги билан аждодларимиз хотирасида чуқур из қолдирган” (7,5).

“Алпомиш” достонида қалмоқ алпларининг таҳдидларини писанд қилмаган, садоқатда тенгсиз, ғурури осмонлар қадар улуғ Барчиной, меҳрибон сингил, оқила қиз Қалдирғоч, “Гўрўғли” туркумидаги достонларда парилик хусусиятларидан воз кечиб, Гўрўғлига йўл-йўриқ кўрсатган, унга ёрдам берган Юнус пари, Мисқол пари образлари характерлидир. Бу образларда миллий ғурур, жасорат, мардлик, ибод, ҳаё, садоқат туйғулари бугунги кунда ҳам ибрат, шарқона тарбия намунаси дур.

Мумтоз адабиётдаги “Тул ва Наврўз” достонида Гул садоқатли ёр, ботир ва жасоратли жангчи аёл. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” достонларидаги Ширин, Лайли, Дилором – бош қаҳрамонга муносиб, оқила, доно жуфтлик тарзида тасвирланади. Уларнинг ақл-идроки шунчалар мукамалки, ўз жуфтлари билан бирга салтанатни идора этишган, халққа ғамхўрликлар қилишган. Шунингдек, бу достонларда энага образи ҳам юксак талқинини топган. Чунки энагалар ҳукмдор наслини тарбияловчи,



жисмонан ва маънан соғломлигининг химоячилари ҳамдир.

Аёл образи, сирли олами, гўзал кечмиши жаҳондаги барча халқлар адабиётида етакчи мавзулардан бири бўлиб келган. Улар бадиий асарларининг поэтик гўзаллигини таъминлашда, туйғулар нозиклигини ҳис қилишда катта вазифани бажаришган. Ижодкорнинг хаёли билан яратилган ва яратган аёл образини бадиий ижоднинг барча жанрлари ва турларида топиш мумкин. Аёлнинг ижтимоий ҳолати унинг оиладаги ўрни билан бевосита боғлиқ. Оила жамиятнинг кичик бирлигидир ва жамиятдаги одамларнинг муносабати, қарашлари, афзалликлари, хаёллари табиий равишда оиладаги муҳитни акс эттиради.

Жумладан, англиз ёзувчиси В.Скотт асарларида мумтоз, шотланд аёлларига хос типик хусусиятларни ўзларида мужассам этган аёллар ҳам, қилган қилмишлари учун тавбага тиз чўккан гуноҳкор аёллар, золим ва қонхўр оналар, содиқ хизматкор аёллар образлари ҳам бор (5, 24).

Америкалик тадқиқотчилар фанга “Аёллар адабиёти” деган тушунчани олиб киришди. Зеро, XX аср ўрталарига келиб жаҳон феминизацияси (феминизм – лотинчада социал ва ижтимоий фаолиятда аёллар ҳуқуқи учун ҳаракат) ўз таъсирини сўз санъати бўлмиш адабиётга ҳам ўтказаяётган эди. Н.Бейм 1978 йилда “Аёллар адабиёти” номли китобини нашр қилди. Н.Бейм аёллар асарларининг ўзига хос типологик хусусиятларини кашф этди (1, 7). Унда XIX асрнинг ўрталарида катта машҳурликка эга бўлган, бироқ кейинчалик исмлари актуаллигини йўқотган аёл ижодкорларнинг асарлари таҳлил қилинган. Булар Кэтрин - Мария Седжвик, Сара Хейл, А.Дж. Грейвс, Мария Макинтош, Эмма Саутуорт ва Каролина Ли Хенц, Мари Каминс ва Мариам Коулс Харрис. Юқоридаги ижодкорларнинг асарлари таҳлил қилиш борасида Нина Бейм “аёллар романининг”ўзига хос типологик хусусиятларини кашф этди. Адабиётшунослиқда “Аёллар адабиёти” борасидаги кузатишлар “Аёллар

адабиётшунослиги” терминологик тушунчани юзага келтирди. Бу фан ҳали тараққиёт даврини ўз бошидан кечирмоқда. “Аёллар адабиётшунослигига” муносиб ҳисса қўшган англиз адибаси Вирджиния Вульф (3, 73) саналади. Япон адабиётшунослари “Япония аёллар адабиёти”ни шакллантирган адибалар ижодини ўрганиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, аёл ижодкорларнинг қаҳрамон образини яратишдаги гендерлик аломатларини аниқлади. Ю.Румак машҳур ёзувчилар асарларини таҳлил қилиб, уларда генетик жиҳатдан фарқни кўрсатди. Чунончи, япон адибалари асарларини японча ёзув (идеографик силлабик, яъни аралаш ёзув) билан, эркак ёзувчилар эса хитойча ёзувда ёзган. Чунки ўрта асрларда Японияда хитой тили илм-фан тили, расмий ҳужжат ва олимлар тили деб ҳисобланган. Мураккаблиги боис хитой тилини япон аёллари ўргана олмаганлар (4, 23). Худди шундай ўзбек адабиётида поэтик мактаб яратган аёл ижодкорлар ҳам мавжудки, уларнинг адабий меросини, эстетик оламини тадқиқ этиш бизларни мана шу каби фикрларга олиб келади.

Ўзбек адабиётида ҳам аёллар адабиётини кенг тадқиқ этиш учун етарлича манбаа мавжуд. Чунки, ўзбек мумтоз адабиётида аёл ижодкорларнинг ўрни ва ўз нуфузи бўлган. Саройларда шоирларнинг, ижодкор аёлларнинг махсус мушоиралари, адабий анжуманлари бўлишган. Уларнинг асарлари эътирофларга, таҳсинларга сазовар бўлишган. Жумладан, шоира Нодира, Жаҳон Отин Увайсий, Дилшоди Барно, Анбар Отин каби ижодкор аёлларнинг ижодий мероси ўзбек адабиётида аёллар адабиётининг анча илгари пайдо бўлганига ишорадир. Чунки бу ижодкор шоиралардан катта адабий мактаб қолганки, бу мактаб анъаналари бугунги кунда ҳам тадқиқ этилмоқда. Улар яратган адабий мактабларда юзлаб ёш шоиралар шаклланган, аёлларнинг илмли, зиёли, диний ва дунёвий билимларни мукаммал эгаллаши ижодининг пафосига айланган. Тарихий ёдномаларда, таъриқларда уларнинг адабиёт назариясининг



билимдони эканлиги, адабиётнинг бир қанча жанрларида ижод қилганлиги эътироф этилган.

Ижодий жараёнда аёллар образи тасвири билан аёллар адабиётини ўзига хос фарқли жиҳатлари мавжуд. Ўзбек адабиётининг энг сара асарлари аёлларга бағишланган, уларни мадҳ этган асарлардир. Шунинг билан бирга ўзбек шоирлари ва адибалари, уларнинг ижоди, адабий мероси, маҳорати ҳам ўзига хосдир. Ўзбек адабиётида мактаб яратган шоирларимиз томонидан яратилган адабий мактабларнинг – аёллар адабиётининг шаклланишида ўрни беқиёс. XX аср ўзбек адабиётида мана шундай адабий мактаб яратган шоирлар сирасига шоира Зулфия адабий мактабини киритишимиз мумкин. Чунки шоира Зулфия адабий мактаби Т.Содиқова, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиёва, Г.Жўраева, Ҳ.Ахмедова сингари бир қанча истеъдодли шоирларни етиштириб берди. Шубҳасиз, адабий мактаб, ижодий муҳитни истеъдодлар яратади. Айни пайтда бу муҳит етишиб чиқаётган ижодкорларнинг савиясини белгилайди. Ҳар бир адабий мактабнинг ўрни унинг ижодкорларининг истеъдоди орқали баҳоланиши мумкин. Аёл ижодкорларнинг ижодида аёл образи, аёл қалби тасвири ўзгача тасвирланади. Аёл ижодкорлар аёл кишининг руҳиятини эркак ижодкорлардан кўра чуқурроқ идрок этади.

Шоира Зулфия эстетикасида алоҳида ажралиб турадиган муҳим жиҳатлар ўзбек аёлининг мардонаворлиги, улўғ ғояларни тараннум қила олиш қобилияти, аждодларга хос зукколик, Нодира, Увайсий, Анбар Отин сингари мумтоз шоирлар маслагига мослигида кўринади. Булар шоиранинг асл орзулари ушалишида, шеърийта аёл образининг теран мушоҳадакор фикрлар билан чизилишида кўринади. Испан файласуфи

Хосе Ортега-и-Гассет шундай ёзади: “Ҳар қайси санъатнинг тарихи инсон қалбининг томонларидан бирини ифодалашга бўлган қатор уринишлардир. Худди шу нарса уни бошқа санъатлардан ажратиб туради. Бу уринишлар шундай бир эгри чизикни ташкил қиладики, санъат камалакнинг энгил ўқи каби шу чизик бўйлаб замон қаърига ўз мақсади сари интилади. Интихосиз уфқдаги шу нуқта ҳар қайси санъатнинг йўналишини, моҳиятини ва маъносини кўрсатиб туради” (6, 307). Ҳақиқатан ҳам, ижодкор фитратидан ўсиб чиққан улўғ ғоялар оптимистик кайфиятга бориб туташади. Барча санъат асарларида бўлгани каби сабаб ва оқибат фалсафаси туйғулар реализмини юзага чиқаради. “Аёллар адабиёти”да аёл қалби тасвири, қалб суврати айнан икки мавжудлик жумбоғини таҳлил қилишда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Борликни бадий инкишоф қилишда эстетик муносабат муҳим аҳамият касб этиши синалган ҳодиса. Ушбу назарий ақида ва тушунча шеърий шакл тадрижида ижодкор идеали билан чамбарчас боғлиқ тарзда юзага чиқади. О.Гассетнинг ижодкор оламшумул воқелик билан оммага танилиши аниқ, аммо унда юксак санъат асари учқунлари бўлмаса узок яшай олмайди, деган таърифи XX ва XXI асрлар адабиёти кўзгусида ўзининг ҳақиқат эканлигини исботлаб турибди. Бугун аёл ижодкорлар оламидаги мана шу яшовчанлик давом этиб, “Аёллар адабиёти”нинг шаклланиши ва давомийлигини юзага чиқариб турибди десак янглишмаган бўламиз. Истиқлол даври адабиётида Ҳалима Ахмедова, Фарида Афрўз, Зебо Мирзо, Хосият Рустамова, Хосият Бобомуродова каби ижодкорларнинг поэтик олами, уларнинг бадий ижоди адабиётнинг шаклланишида, маънавий хазинанинг юксалишида ўз ўрнига эгадир.

Адабиётлар:

1. Baym N. Woman's fiction: F guide to novels by a. about women in America, 1820-1870. – Nhaga; London: Cernel unif.Press. 1978. – 320 p.; Бу ҳақда қаранг: Умурова Г. Зулфия бадий олами ва поэтик мактаби. Филол. фан. д-ри (DSc)... дисс. – Самарқанд: 2019.



2. Раҳмонов Н., Болтабоев Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 1-жилд. – Тошкент: Фан, 2003.
3. Rigney В.Н. A wreath upon the grave? The influence of Virginia Woolf on feminist critical theory// Criticism and critical theory.- L.: Arnold, 1984.
4. Румак Ю.С. Факторы формирования гендерных образов в культуре Японии: Автореф. дисс ... канд. культурологи. – Саратов: 2010.
5. Пакина Е.В. Типология женских образов в романах В. Скотта: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород: 2004.
6. Хосе Ортега-и-Гассет. Одам Ато жаннатда. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: «Маънавият», 2010.
7. Фолима М. Туроннинг алп қизлари. – Тошкент: Ёзувчи, 1997.

Халова М. Эволюция формирования “Женской литературы”. В данной статье речь идёт о возникновении “женской литературы” и её месте в узбекском литературоведении. Рассматриваются теоретические взгляды на этапы развития и прогресса “женской литературы”. Анализируется поэтическое наследие творцов, которые внесли свой вклад в развитие “женской литературы”.

Khalova M. “The evolution of the formation of “women's literature”. The article provides information about “women's literature” in Uzbek literature and its emergence. The stages of development of “Women's Literature”, the attitude to the theoretical views on its development. The poetic heritage of the artists who made a worthy contribution to the formation of “Women's Literature” are analyzed.



ОЛАМ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИНИНГ БАҲОЛИ ШАКЛЛАНИШИ

Сулайманова Нилуфар Жаббаровна,

СамДЧТИ доценти, филология фанлари доктори (PhD)

Калит сўзлар: диалектик фалсафа, сифат–хусусият кўрсаткичлари, когнитив тилшунослик, семасиология, коммуникатив тилшунослик, маданиятшунослик соҳалари, баҳо ва сифат категориялари, когнитив–дискурсив йўналиши.

Дунёдаги барча нарсалар–предметлар маълум бир сифат, хусусиятга эгадирлар. Худди шу сифат кўрсаткичлари воқеа–ҳодисалар тавсифига ҳам кўчади. Шу боис, сифатни мантикнинг онтологик категориялари қаторига киритилиши диалектик фалсафада анъанага айланган. Муҳими, баҳо фаолиятида етакчи мезонлар қаторидан ўрин олади.

Тилшунослик фанида илдам ривожланаётган когнитив–дискурсив йўналиш янги категорияларнинг ажратилишига ва олдиндан мавжудларининг янада чуқурроқ тақик қилинишига имкон яратмоқда. Тадқиқ жараёнига ахборотни шакллантириш ва қайта ишлаш механизмларининг жалб қилиниши воқеликдаги объектлар, шахслар, воқеа–ҳодисаларнинг сифат кўрсаткичлари, фарқловчи хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва уларни когнитив тилшунослик, семасиология, коммуникатив тилшунослик, маданиятшунослик соҳалари нуқтаи–назаридан таҳлил қилишга йўл очиб берди.

Тилшуносликнинг асосий тадқиқ объекти сифатида “матндан ташқари, уни тушуниш учун зарур бўлган нолисоний омилларни ҳам (олам ҳақидаги билим, унинг борасидаги фикр, адресантнинг мўлжали ва мақсади) қамраб оладиган мураккаб коммуникатив ҳодиса” [8, 5-11] бўлган дискурсининг танланиши миллий ва шахсий менталитетнинг маданият билан алоқасини ёритишга тўртки беради. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, коммуникантлар онгида акс топадиган олам манзарасининг лингвокогнитив ва дискурсив–прагматик қатламлари

тадқиқининг истикболи тобора ойдинлашмоқда.

Олам лисоний манзарасининг шаклланишида категорияларнинг роли, профессор З.Г.Бурдинанинг таъбирича, “унинг тавсифида муҳим ўрин эгаллашдан иборатдир” [5, 40]. Сифат категорияси, атрофимиздаги воқелик ҳақида, мулоқот иштирокчилари ва уларнинг қадриятлар борасидаги хулосалари ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда, инсон ҳаётининг барча жабҳаларида (ишлаб чиқариш, маънавий, маданий, ментал, шахслараро муносабат каби) намоён бўлади. Айнан сифат кўрсаткичлари гўдакнинг илк нутқий ҳаракатларида акс топади ва унинг когнитив фаолияти шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур кўрсаткичлар кўламида биз олам манзарасига оид маълумотларга эга бўламиз, мулоқот иштирокчиларининг ички дунёсидан хабар топамиз.

Баҳо ва сифат категориялари чамбарчас алоқада, уларнинг лисоний воқеланишида мулоқот матнининг миллий–маданий мундарижаси шакл топади. Уларда жамиятнинг маданий–тарихий хусусиятлари, маълум жамоага хос бўлган мулоқот нормаси, этик–эстетик меъёрлар, менталитет, қадриятлар тизими акс топади. Буларнинг барчасидан хабардор бўлиш маданиятлараро мулоқотнинг самарасини таъминлаш учун нақадар муҳимлигидан кўпчилик хабардор. Чунки маънавият, қадриятларга оид тушунчалар кўпинча алоҳида маданиятга хос бўлиб, улар мулоқот шароитларида миллий калоритга бой мазмун соҳибига айланадилар. Маънавият бўйича беш тиллик луғат муаллифлари таъкидлаганидек, ўзбек миллати вакиллари



учун яхши таниш бўлган андиша, мурувват, мехр—оқибат, орият, ибо, хаё, мулозамат тушунчаларини бошқа тилларга ўгириш қарийб имконсиз [10, 4].

Дарҳақиқат, маънавият маданият каби байналминал бўла олмайди, зотан маънавият ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, менталитети, тарихи ва табиати билан боғлиқ ҳолда шаклланади ва кўриниш беради. Лекин, бундай бирор бир тушунчани бошқа бир тилда тамоман бериб ёки изоҳлаб бўлмайди, деган хулосага келиш ҳам нотўғри. Шундай бўлганида кўлимиздаги луғатни тузишга ҳожат ҳам қолмас эди. Унинг тузувчилари андиша сўзини инглиз тилига *prudence*, *wisdom*, *foresight*, *taking into consideration the necessary points* кабилида, мурувват сўзини эса - *mercy*, *humaneness*, *generosity*, *indulgence* кўринишида ўгириш билан бир қаторда, орият тушунчасини *shame*, *pride*, *honour* мазмунида таржима қилаётганларини кўрамиз. Ориятга уят (*shame*), ғурур (*pride*) кабилар қанчалик даражада муқобил бўла олишини билиш қийин-у, бироқ, ушбу тушунчанинг *proper high opinion of oneself* изоҳининг олиши ҳақиқатга жуда яқин. Бундай изоҳларнинг берилиши таржимашуносликда “вазифавий муқобил” (қаранг: *functional equalence*) атамасини олиб улгурган [12].

Юқорида эслатилган тушунчалар миллий қадриятлар билан боғлиқ ҳолда, уларнинг жамиятдаги роли кўламида юзага келади ва умумхалқ мулкига айланади.

Қадрият, аслини олганда, алоҳида шахс ва жамият оралиғида, уларнинг учрашувида юзага келадиган ҳодисадир. Америкалик руҳшунос К.Клакхонинг таърифича, “қадрият—алоҳида шахс ёки кишилар гуруҳига хос бўлган онгли равишда ёки беихтиёр шаклландиган истак-ҳоҳиш ҳақидаги тасаввурдир. Ушбу тасаввур одамларнинг, имкониятдаги восита ва усулларни эътиборга олган ҳолда ҳаракат мақсадини танлашига таъсир кўрсатади” [18, 395]. Олим бу *value* “қадрият мўлжали” билан бир қаторда туришини уқтиради. Унинг талқинича, кейинги тушунча (*value orientation*)”

табиат, инсоннинг ундаги ўрни, кишиларнинг ўзаро муносабати, уларнинг хатти-ҳаракатлари, инсоннинг табиатга муносабати кабиларни акс эттирувчи концепциядир” (Op.cit., p. 411).

Файласуфлар қадриятларнинг инсон фаолиятини шартловчи белгилардан бири эканлигини қайд этадилар. Улар бирор нарсага қаттиқ ишониш ёки уни тамоман рад этиш манбасидирлар. Шунингдек, қадриятлар сафига баҳо ҳаракати бажарилиниши воситаси бўлган стандартлар, меъёрий ўлчовлари ҳам киритилади. Улар кўмагида коммуникантнинг танлови, баҳолаш мезони шакллантирилади. Қадрият ва инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари ўртасидаги ўзаро тобелик муносабати тўхтовсиз давом этади: “Қадриятлар доимо инсоннинг лисоний фаолияти ва руҳий, жисмоний хатти-ҳаракатларида доимо акс топади” [16, 18].

“Қадрият мўлжали” (*value orientation*), ўз навбатида, жамоавий онгнинг муҳим кўринишларидан бири бўлиш билан бир қаторда унинг асосий бўлагидир. Психологист Д.А.Леонтьев қадрият мўлжалани субъектнинг ўзи учун қадрли бўлган нарса ҳақидаги онгли тасаввур деб қарайди [9]. Немис олим учун эса бу тушунча “маданий структур хусусиятдир” (*ein Kulturelles Strukturmerkmal*) [19, 80]. Шу хусусиятга асосланган ҳолда кишилар дунёни тартиботли тасаввур қиладилар.

Қизиғи, “қадрият” тушунчасининг ушбу хусусиятлари луғат ва қомусларда ҳам қайд этилади. Жумладан, инглиз тили изоҳли луғатларида “қадрият” маълум гуруҳ ёки жамоаларнинг ҳаёт тарзи ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган тамойиллар кўринишида тавсифланади:

value – a set of principles, beliefs which influence behavior and the way of life of a particular group or community [20, 1588].

Энциклопедик луғатда эса қадрият жамоа аъзолари қатъиян эмоционал-баҳо муносабатида бўладиган идеаллар, анъаналар сифатида талқин қилинади:



the deals, customs, etc. towards which the people of the group have an affective regard [22, 2013].

Ўзбек тили изоҳли луғатидаги изоҳда ушбу тушунчанинг “воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий, ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиши” таъкидланиб, “инсон ва инсоният учун аҳамиятли барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар”нинг қадрият ҳисобланиши қайд этилган [14, 207].

“Фалсафа комусий луғати”да берилаётган изоҳ ҳам юқоридагидан унчалик фарқ қилмайди: қадрият–воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий–ахлоқий, маданий–маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча” [15, 476].

Келтирилган луғавий таърифлардан ушбу тушунчанинг мундарижасидаги асосий маъно бўлакларида бири “ишонч” эканлиги маълум бўлади. Бироқ, бир нарсага нисбатан ишонч одамга танлаш ҳуқуқини беради ва маълум ҳаракатни бажаришга ундайди. Шунинг билан биргаликда, “Маънавият” луғатида қадрият тушунчасининг инглиз тилига *spiritual property, spiritual value* кўринишида ўгирилиши [10, 194] ушбу тушунчанинг мазмун–мундарижасини тўлиқ акс эттирмаслигини айтиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, қадриятларнинг ҳаммаси ҳам бир текис маънавиятга хос бўлавермаслиги маълум. Иккинчидан, қадрият сўзининг яна бир маъноси “қиймат, аҳамият” эканлигини биламиз (бу луғатлардаги сўзликда ҳам қайд этилган). Демак, биз нарса ва ҳодисаларга қиймати, шахс ва жамоа учун аҳамиятига нисбатан баҳо берамиз ва шу аснода уларни кадрлаймиз.

Шундай экан, “қадриятнинг мўлжалли” фақат омма онгининг оддийгина намоиши бўлибгина қолмасдан, балки баҳо фаолиятининг энг асосий нуктасидир. Унинг ҳаракати, тараққиёти идрок этилаётган объектнинг сифат

кўрсаткичлари ҳақида ишончли хулосага етаклайди.

Айтиш жоизки, “қадрият мўлжалли” турғун ёки батамом ўзгармас ҳодиса эмас. Қадриятнинг анъанавийлиги, барқарорлиги тушунчаси нисбатан тушунилиши лозим. Ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт, тадрижий ва инқилобий бурилишлар маълум қадриятлар мазмунидаги силжишларга сабаб бўлади, уларнинг инсонлар учун аҳамияти, жамоадаги қиймати кучайиши ёки пасайиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир маданиятда, умумбашарийларидан ташқари, ўзига хос қадрият мўлжалли амал қилади. Мисол тариқасида “муҳаббат” тушунчасининг ўзбек ва грузин миллатларидаги кадр–қимматини қийслайдиган бўлсак, улар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада эканлигини кўрамиз. Этнолог Г. Гачевнинг таърифича, грузин миллати учун дўстлик муҳаббатдан устун туради. Шунинг учун ҳам грузин эпосининг қахрамони муҳаббат учун эмас, балки дўстлик учун ақл–ҳушини йўқотади. Шеъриятда хотин севгили, суюкли рафиқа сифатида эмас, балки сингил рамзида улуғланади [7, 253]. Бизнинг миллат онгида муҳаббат йўлида “мажнун” бўлиш мустаҳкам жойлашган, шоирларимиз дўстликдан кўра муҳаббат ҳақида кўпроқ ёзадилар. Хотин дўст бўлиши мумкин, лекин, ҳеч қачон опа ёки сингил ролини бажармайди.

Англосаксонлар ва германларнинг қадриятдаги мўлжаллари тарихан мустақиллик, жавобгарлик, шахс эркинлиги тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, ҳаёт кечириш тарзлари “қонун ва тартибга бўйсунуш”, “хавфсизликни таъминлаш” тамойилларига асосланганлиги маълум. Ушбу қадриятларнинг аҳамияти ҳозиргача сезилиб турса–да, лекин, кейинги эллик йил давомида ижтимоий–иқтисодий ўзгаришлар уларнинг даражаси таъсир ўтказмасдан қолмади. Шу ўринда немис жамиятшунослари ўтказишган социологик тадқиқотлар натижаларига мурожаат қилишни маъқул топдик. Тадқиқотчилар 1967 йилда бола тарбияси билан боғлиқ



бўлган 15 та саволдан иборат сўровномани тарқатганлар. Орадан беш йил ўтгандан сўнг ушбу мундарижадаги сўроқнома яна бир карра такрорланди. Натижалар ҳайрат қоларли даражада: агарда 1967 йилда “хурмат” қадриятини респондентларнинг 81 % маъқуллаган бўлса, 1972 йилга келиб бу кўрсаткич- 50 %; “ишни вижнон бажариш” қадрияти 1967 йилда 72 % даражасида баҳоланган бўлса, кейинги тадқиқдаги кўрсаткич – 52 %. Шунингдек, асрлар давомида аҳамиятли бўлиб келган “интизом ва тартибот” қадрияти замонавий немис ёшлари онгидан ўчиб бормоқда.

Қадрият ва қадрият мўлжали баҳо фаолиятида бевосита намоён бўлишини айтдик, шу боис баҳо ҳам ўз мўлжалида, мезонига ва қолип меъёрларга амал қилиши турган гап [6]. Қадр–қиммат, нарса–ходисанинг баҳоси ҳақидаги фикр ёки ҳукм бўлганлиги сабабли, ундаги маълум сифатни белгилайди. Баҳо хулосасига келаётган шахс предметлар, кишилар, ходисаларни сифатлайди ва гуруҳларга таснифлайди.

Демак, объектларга берилаётган баҳо кўпгина ҳолатларда субъектив хусусиятга эга, зеро, бирон бир объектнинг қийматини аниқлаш, уни баҳолаш учун “киши уни руҳан ҳис этиши зарур, яъни баҳонинг табиати инсоннинг табиатига мос бўлади. Баҳолаш пайтида инсон воқеликни акс эттирувчи мўлжалдир. Баҳолаш инсонсиз содир бўла олмайди” [1, 181].

Лисоний фаолият ва тил тизими бирликларининг когнитив таҳлили гувоҳлик беришича, инсоннинг тафаккур қобилияти натижаси бўлган лисон воқелик борасидаги объектив билимни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш жараёнида баҳо хусусиятига эга бўлган билимни жамлайди ҳамда ифода этади. Ушбу ҳолат баҳо билан боғлиқ концептуаллашув ва категориялаштириш ҳаракатларини оламни билишнинг муҳим жараёнлари сифатида ўрганишга ундайди.

Баҳоли концептуаллашиш– воқеликдаги нарса–ходисаларни баҳо бериш йўли билан идрок этиш натижаси бўлиб, унинг якунида инсон онгида баҳо

концепти ҳосил бўлади. Шунга биноан, баҳоли категориялаштириш предмет ва ходисаларнинг қадри, қимматига нисбатан гуруҳлашдир. Ушбу категория шаклланишининг когнитив асосида баҳо концепти туради. Маълум турдаги баҳо концепти гуруҳларнинг таркибини белгилайди [3, 104].

Баҳо категориялари асосан оламни субъектив билиш маҳсули эканлигига гумон йўқ, бироқ, бу уларнинг мундарижасида жамоавий билим унсури йўқ дегани эмас. Маълум жамоада мужассамланган қадриятларга асосланган олам манзараси баҳо концептларидан ҳам ўрин олади. Баҳонинг индивидуаллиги эса у ёки бу мазмуннинг аниқлашувида ва нарса ёки ходиса ҳақидаги фикрнинг баҳоли шаклланишида намоён бўлади. Н.Н.Болдирев ёзаётганидек, “баҳоли категориялаштириш моҳиятан икки турдаги концептуал тизимлар кесишувида шаклланади” [4, 181]. Бу тизимларда олам идрокиннинг икки томони, яъни моддий, бевосита кузатувдаги томон идроки билан воқеликнинг қадрият, қиймат белгиларига асосан қайта идрок этилиши натижаси бўлган баҳоланаётган томонлари учрашади. Демак, “у ёки бу объектнинг маълум бир табиий категорияга киритилиши баҳоли категориаллаштириш натижаси эмас. Масалан, бирон бир кишини “айиқ” деб атаётиб, биз унинг онтологик мақомини белгилай олмаймиз ёки уни ҳайвонлар қаторига киритмаймиз” [4, 181]. Баҳоли концептуаллашувнинг асосий вазифаси нарса ва ходисаларга ижобий ёки салбий сифатларни беришдир.

Буларнинг барчаси баҳо категорияларининг ички тузилиши шаклланиш хусусиятларини белгилаб беради, ушбу категориялар таркибида ўзаро ҳеч қандай муносабатда бўлмаган, лекин, кишига бир хилда таъсир кўрсатадиган унсурлар бирикади. Баҳолаш амалини бажараётган инсон маълум намуна, эталонларга мурожат қилади ва намуналар турлича қийматда даражаланади: биров учун ЯХШИ бўлган нарса, бошқага ЁМОН кўриниши мумкин ёки бирига ЁҚҚАНИ иккинчисига



ЁҚМАСЛИГИ ҳеч гап эмас. Бундай фарқлар, албатта, нутқий фаолиятда ўз аксини топади, масалан, ёш йигит ва ёш ўқитувчи ибораларини бир хил контекстда қўллаб бўлмайдими, чунки биринчисидан инсоннинг ёши ҳақида гап кетса, иккинчисидан ўқитувчининг сифат кўрсаткичи (ҳам тажрибасизлиги) таъкидланмоқда.

Баҳо категорияларининг объектлари бўлган воқелик ҳодисалари турли мезонлар татбиқидан гуруҳланадилар ва шу боис, улар турли, баъзан ҳатто ўзаро қарама-қарши категориялар аъзосига айланадилар. Масалан: beautiful and expensive coat “чиройли ва қимматбаҳо пальто” – beautiful but expensive coat “чиройли, аммо, қиммат пальто”; a good person but bad actor “яхши одам, лекин, ёмон актёр”; a clever person but a fool one “яхши одам, лекин, аҳмоқ”. Мазкур қарама-қарши баҳолар ифодасида лисоний унсур-уюштирувчи ва ажратувчи боғловчиларнинг иштирок этаётганига аҳамият беринг.

Баҳо концептлари негизда турадиган меъёрий намуналар турли асосларга эга эканлиги сабабли баҳоли категориялаштириш ҳам сезгига оид, рационал ва эмоционал бўлиши муқаррар. Ушбу турдаги баҳо категорияси тил тизимида акс топиши ҳам қутулган ҳолдир.

Сезгига оид баҳо воқеликнинг сезги органлари билан боғлиқ ҳолда лисоний воқеланишида юзага келади. Масалан: Tea is cold “Чой совуқ”, “This apple is sour” “Олма нордон”, Sugar is sweet “Шакар ширин”; The room is warm “Хона илиқ” ва ҳ.к.

Рационал баҳо категориялари нарса-ҳодисаларнинг маълум меъёр ёки намунага мос келиши ёки келмаслигини аниқлашни назарда тутаяди ва турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, этик - good behaviour / bad behaviour “яхши ҳаракат / аҳмоқона ҳаракат”; эстетик – beautiful face / ugly face “чиройли чеҳра / хунук юз”; интеллектуал - a fool pupil / a clever pupil “калтафаҳм ўқувчи / ақлли

ўқувчи”; амалий – useful thing / useless thing “фойдали нарса / фойдасиз нарса”.

Эмоционал баҳо категориялари инсоннинг воқеликка муносабати доирасида шаклланиб, у муҳим деб ҳисоблаётган меъёр ва хатти-ҳаракат дахлдор бўлади. Шу сабаб, эмоционал баҳо шахс фикрини акс эттириб, субъектив характерга эга бўлади, зеро, ушбу баҳо воқеликнинг алоҳида шахс томонидан идрок этилиши, унга тегишли қийматлар мезони билан боғлиқдир.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, баҳоли категориялаштириш кўпчилик ҳолларда тавсифий ёки антропоцентрик хусусиятга эга бўлиб, маълум миллий маданиятларга хос қадриятлар тизимида, умумий ва хусусий фикр ҳамда меъёрий кўрсаткичларга асосланади. Кўрсатиб ўтилган ҳодисалар баҳо категорияси шаклланишига туртки беради. Қадриятлар тизими, у алоҳида шахсга ёки умумжамоага тегишли бўлишидан қайти назар, мазкур шаклланишнинг бевосита иштирокчиси тилдир. Тил воситасида категориялар воқеланади, баҳо даражалари, ўзгаришлар юзага келади. Бундай воситачилик вазифасини ўтаётган тил бирликлари, ўз навбатида, миллий-маданий хусусият, белгиларга эга ва маълум лингвомаданиятда ҳукмрон бўлиб турган қадриятлар тизимидан озукланади.

Ш. Сафаров қайд этганидек, “инсон ва воқелик муносабатида лисон ўзига хос боғловчи, воситачилик ролини ўйнайди. Лисон ўзида воқеликни акс эттиради, маданият эса ушбу воқеликнинг ажралмас қисмидир. Воқеликнинг ўзини ҳам миллий деб аташ мумкин ва бу миллийлик лисонда дунёни ўзига хос “кўриш”, уни идрок этиш натижасида ўз аксини топади” [11, 63]. Демак, инсоннинг оламни идрок этиши жараёнида юзага келадиган турли концептларнинг когнитив моделлари ҳам этномаданий хусусиятлардан бутунлай холи эмаслигини эътироф этиш лозим. Кўпчилик олимлар қайғу, изтироб, ҳафачилик, ғам, яққалик туйғуларини умумбашарий эканлигини қайд этишиб, уларни ифодаловчи лисоний бирликларни



синонимлар деб ҳисоблашни маъқул кўрадилар [17, 87; 21, 57]. Аммо, когнитив моделлар намунаси бўлган “маданий сценарий”ларнинг (cultural scripts) оламда кечаётган ҳодисаларни фикран ва лисоний вокелантиришда тутган ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаётган Ш. Сафаров, табиий тил тизимининг маданият инсон онгида акс топишида етакчилик қилишини кўрсатиб ўтади. Айни пайтда, маълум маданиятда амалда бўлган когнитив

бирлик бошқа бир тилда вокеланмасдан қолиши ҳам мумкин экан. Масалан, ёлғонни яхши кўрадиган шахс ўзбек тилида “ёлғончи”, рус тилида “лгун”, инглиз тилда “liar” шаклларини олади, аммо, тўғри сўзловчи шахсни ўзбеклар “ростгўй, тўғрисўз”баҳо номинаторлари билан атайдиган бир пайтда, инглиз тилида бундай лексик номинаторни топиш қийин [11, 73].

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 875 с.
2. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную лингвистику. – Тамбов: Изд-во ТГУ, 2014. – 235 с.
3. Болдырев Н.Н. Процессы концептуализации и категоризации в языке и роль в них имен абстрактной семантики // Горизонты современной лингвистики: Традиции и новаторство. – М.: Языки славянской культуры, 2009. с. 38-50.
4. Болдырев Н.Н. Структура и принципы формирования оценочных категорий // С любовью к языку. – Москва – Воронеж, 2002. – С.103- 115.
5. Бурдина З.Г. Традиционное и инновационное в теории категоризации // Материала международной конференции, посвященной научному наследию М.Д.Степановой. – М.: МГЛУ, 2001. – С. 38-43.
6. Вольф Е.М. Оценочное значение и соотношение признаков “хорошо / плохо” // Вопросы языкознания, 1986. -№ 5. – С. 98-106.
7. Гачев Г. Ментальности народов мира. – М.: Алгоритм, 2008. – 541 с.
8. Караулов Ю.Н., Петров В.М. Вступительная статья // Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. -с.5 - 11.
9. Леонтьев А.А. Языковое сознание и образ мира // Язык и сознание. – М.: РАН, 1993. – С. 16-21.
10. Махмудов Н., Саидкулов З., Сотимов Ф., Нишонов М., Абдуллаев А., Байназарова А. Маънавият луғати. – Т.: Маънавият, 2012. – 224 б.
11. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах.: Сангзор, 2006. – 91 б.
12. Сафаров Ш. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. – Т.: Наврўз, 2019.
13. Смирницкий А.И. Лексикология янглийского языка. – М.: Учпедгиз, 1956.
14. Ўзбек тили изоҳли луғат. V–жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – 592б.
15. Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.
16. Barrett D.N/ Values in America. – Notre Dame – London: University of Notre Dame Press, 1967. – 182 p.
17. Kemper T.D. How many emotions are there? Wedding the social and anatomic components // American Journal of Sociology, 1987. Vol. 93. – P. 263-289.
18. Kluckhohn C. Values and Value – Orientations in the Theory of Action. An exploration in Definition and Classification. Harvard University Press, 388-433.
19. Malerzke G. Interkulturelle Kommunikation: zur Interation zwischen Menschen verschiedner Kulturen. - Opladen: Westdt. Verlay, 1996. – 80 s.
20. MED–Macmillian English Dictionary for Advanced Learners. L.: Radstock, 2002.
21. Plutchik R. The Psychology and Biology of Emotion. – L.: Harper and Collins, 1994.



22. WEUDEL – Webster’s Encyclopedic Unbridged Dictionary of the English Language. N.Y.: RandomHouse, 1996.

Сулайманова Н. Формирование оценки языковой картины мира. Настоящая статья исследует когнитивно-дискурсивное направление в современной лингвистике. Языковая деятельность взаимосвязана с языковой системой посредством восприятия человека, в котором формируются оценки объективного мира.

Suleymanova N. The formation of values of lingual world picture. The present article investigates cognitive-discursive aspect in modern linguistics. Lingual activity is connected with language system through human’s perception in which the values of the objective world are formed.



HINDISTON FORSIY ADABIYOTI TARIXI

Karimova Safiya Rasulovna,

SamDCHTI katta o'qituvchisi, filologiya fanlari nomzodi

Kalit so'zlar: forsiy badiiyat, kulliyot, oriylar, eroniylar, fors klassik namunalari, muqaddima, ilmiy-tadqiqiy talqinlar, hind forsiy so'z san'ati, izlanish, tadqiqot, tafakkur, qo'lyozma nusxa, adabiy aloqalar, meros, madaniy hamkorlik, mushtaraklik, noyob topilmalar.

Fors-tojik adabiyotining Hind yarim oroli sarhadiga yetgunicha bosib o'tgan davriy yo'llari ilm-fanda ko'p va xo'b o'rganilgan. Bu xususdagi tadqiqotlarda nazariy jihatdan hatto shunday xulosa bildirgan olimlar ham borki, ular forsiyzabon badiiyatning o'zga o'lkalarga kirib kelishi va o'zlashuvi voqeligini go'yo «ushbu so'z san'ati vatanining ortidagi bir qismi» sifatida ta'riflaydilar. Ammo, bunday munosabatning istisnolari ham bo'lgan, bosharti hindistonlik shoirlar asarlarining saviyasi fors klassik namunalari sathiga ko'tarilish nasib etgan bo'lsa, masalan, xuddi Amir Xusrav Dehlaviy, Mirzo Bedil yoki Mas'ud Salmon kabi. Lekin afsuski, hind forsiyzabon adabiyotiga nisbatan bildirilgan «provinsial» ruhiyatidagi baholar qarshisida, bu voqelikka undan-da nisbiyroq nazarda qarashlar ham bo'lgan. Ya'ni «Hindistondagi ulkan forsiyzabon adabiyot nafaqat maxsus tadqiqot uchun nomunosib mavzu sanalgan, balki uning original emasligidan tashqari, estetik qiymati yo'qligi ham ta'kidlangan. Balki shuning uchun yaqin-yaqinlargacha fors-tojik adabiyoti tarixining qamrovli jild-jild kulliyotlarida hind forsiyzabon badiiyatiga joy ajratilmagan bo'lsa kerak»¹. «Yangi forsiyzabon adabiyot» tadqiqotiga nisbatan muqaddam ilmiy munosabat qandayin bo'lmasin, mazkur badiiyatning asl g'oyaviy va estetik qiymatini uning ibtidosidayoq qadriga yetuvchi muxlislari bo'lgan va ular o'z izlanishlari bilan Hindiston forsiyzabon adabiyoti tadqiqotini dolzarb mavzu darajasiga olib chiqishda fidoyilik ko'rsatganlar. Fanda fors tilining Hindistonga kirib kelishi tarixi oriylar migratsiyasidan

keyingi davrlar bilan bog'liqlikda taxmin qilinadi. Tadqiqotchilarning aksariyati oriylarning asl vatanini Qora dengizdan shimolga tomon cho'zilgan cho'llik yerlar, deb hisoblaydilar. Hind-yevropa jamiyati miloddan avvalgi uchinchi mingyillikda tanazzulga uchrab, o'sha paytlardan boshlab hind-evropa qabilalari Bolqon, Kichik va O'rta Osiyoga tarqalib, shundan keyin Hind yarim oroliga yurish qilganlar. Chunki «Xarappa va Mohenjodaro ustki qatlamlari hamda janubiy Belujistonning qadimgi qal'alaridan topilgan qoldiqlar ham shimoli-g'arbiy Hindistonga ajnabiy qabilalarning g'arbdan kelganligini ko'rsatadi»². Shunga ko'ra, «Hind-yevropa tillarida so'zlovchi oriylar bu o'lkada miloddan avvalgi ikkinchi mingyillikda qaror topganlar. Bu davrda yerlik qabilalar yarim orolning markaziy va shimoli-g'arbiy xududlariga tarqalgan bo'lib, tibet-birman qabilalari esa, shimoli sharqda yashagan. Hindistonda ham xuddi hamma yerlarda bo'lganidek, qadim vaqtlardan irqar va xalqlarning o'zaro assimilyatsiya jarayoni bo'lib o'tgan». Demak, hind va eroniylardan tashkil topgan «hind-eroniy etnik jamoasi» ham shu davrga taalluqli bo'lishi kerak. Buni ular tillarining o'zaro yaqinligi, quyosh va ahd muqaddasligi ramzi Mitra xudosi yoxud xos marosimlarda sarmast etuvchi «soma-xaoma» ichimligining iste'mol qilinishi ham dalillaydi. Hind-eroniylar orasida keng tarqalgan «oriy» atamasi, o'sha davr qabilalari ittifoqida rahbarlik lavozimini egallagan oliy nasabli kishilarga taalluqli bo'lganligiga ishora qiladi. Mantiqan, bu «tabaqalanish» dan shunday ma'no chiqadiki, oriy atamasi jamiyatda dastlab irqiy emas, balki etnik va

¹Алиев Г.Ю. Персоязъичная литература Индии. М.: Наука, 1968. – 96 с.

²Низомиддинов Н. Бобурийлар даври Хиндистон туркий тили ва адабиёти. Тошкент, 2010. 651-б.



ijtimoiy ma'no kasb etgan»³. Ayrim zamonaviy tadqiqotlarda oriylar va eroniylarning muayyan davrlarda bir xil ilohlarga sig'inganligi, diniy manbalari va marosimlarining ham o'zaro o'xshash bo'lganligi ko'rsatilgan. Va bunday omilga asos sifatida Rigvedaning Avesto matniga yaqin ekanligi ta'kidlangan. Hattoki, til va e'tiqoddagi mushtaraklikdan kelib chiqib, ba'zi nashrlarda qachonlardir har ikki xalq qabilalarining bir yerda yashaganliklariga ishora qilingan. Ha, vedizm va eronliklar diniy e'tiqodida o'xshash tasavvur va unsurlar bo'lgan, masalan, jannat, do'zax, olov kulti va qurbonliklar jarayonining mohiyati borasida. Shuningdek, yana diniy duolar atamallari hamda ilohlar va mifologik personajlar nomida ham.

Diyorimizda istiqloq yillari tariximiz va milliy qadriyatlarimizni tiklash bilan bir qatorda, shuningdek, xorijiy mamlakatlardagi ilmiy-ijodiy merosimizni izlash va to'plash bo'yicha ham talay xayrli ishlar amalga oshirildi. Shuning uchun, endilikda ilm va ijod ahli oldidagi dolzarb vazifa – bu qo'lga kiritilgan madaniy-ma'rifiy boyligimizni yaqin o'tmish, ya'ni sho'rolar ma'naviyati talab-taqozolaridan farqli o'laroq, uning o'z asl mag'z-mantig'i asosida tadqiq va targ'ib qilishdan iborat. Bunday mavzu «muqaddima»sining ikkinchi bir muhim tomoni shundaki, uzoq muddatli safarlarda kuzatilgan Dehli, Kalkutta, Haydarobod va boshqa o'nlab qo'lyozma fondlaridagi forsiy manbalar adadi shu darajada salmoqliki, ular kelgusi avlodlar ilmiy izlanishlari uchun ham shubhasiz bir xazina!

«Hindiston forsiy adabiyoti» tadqiqi tarixi bilan tanishishda uning g'oyaviy jihatdan O'rta asr Hindistoni «Bhaqtiy va tasavvuf poeziyasi» bilan mushtarak jihatlari hamda o'ziga xos ishqiy lirikasi haqida so'z yuritish mumkin. Sir emaski, har bir tarixiy davrda neki ijtimoiy-siyosiy tuzum bo'lmasin, unda hamisha ilg'or adabiy-g'oyaviy yoki ilmiy-tadqiqiy talqinlar tamoyili va mahsuliga ters keluvchi to'siqlar bo'lganidek, ularning asl mazmuni va maqsadining qadriga yetuvchi

zoti shariflar ham topilgan. Shu bois buyuk ajdodlarimiz qadimdan bashariyatning diniy-falsafiy, adabiy-tarixiy va boshqa sohalarga doir manbalarni o'rganib, ular haqidagi o'z fikr-mulohazalarini kelgusi zurriyotlarga yetkazishga harakat qilganlar. Masalan, bu xususda Beruniy va Boburning nainki faqat o'z xalqi, balki shuningdek, hindistonliklarga ham qoldirgan bebaho asarlari shular jumlasidandir. Aynan shu an'anaga ko'ra, sobiq sho'rolar davrida ham milliy ma'naviyat ruhi yo'g'rilgan manbalarga nisbatan jiddiy bir munosabat mavjud bo'lgan sharoitda, ularni saqlab qolish borasida izchil faoliyat ko'rsatgan ilm-fan fidoyilari bo'lgan. Aytaylik, shulardan biri – marhum prof. H.Sulaymonov dunyodagi turli qo'lyozma fondlaridan o'nlab o'zbek shoir va nosirlari asarlari borligini aniqlab, ulardan nusxalar ko'chirib, nodir qo'lyozma zaxiralarimizni yangi badiiyat namunalarini bilan boyitish kabi ishga ulkan hissa qo'shgan.

Biz so'zni dastlab moziydan boshlashni ma'qul ko'rdik. Sababi, faqat hind adabiy jarayonining real tarixi va diniy-falsafiy dunyoqarashlari bilan imkon darajada tanishib, muayyan ma'lumotga ega bo'lgandan so'nggina fors tili badiiyatining azim Himolay tog'i ortida qanday o'zlashganligi haqida to'g'ri xulosaga kelish mumkin. Aks holda, hindistonlik forsiygo'y shoirlarning ijodi, ularning g'oyalari va she'riy san'atdagi mahorati to'g'risida gapirish, nazarimizda, majozan, bamisoli yuragi sug'urib olingan odam anatomiyasi xususida fikr yuritish bilan barobardek! Shuning uchun, muqaddimani qadim hind diniy-falsafiy tafakkurini musulmon dunyosida birinchi bo'lib sanskrit tilidagi asl manbalardan o'qib o'rgangan va ularni o'z tarjimai bilan dunyoga tanitgan buyuk Beruniyning Hindistondagi hayoti va ilmiy faoliyatining muxtasar bayonidan boshlaymiz. Faqat shundagina ajdodlarimizning Hindiston xalqlari ilm-fani, madaniyati va xususan, adabiyotiga qo'shgan hissalarini haqida aniq ma'lumotga ega bo'lamiz. Uning hind fani va madaniyati yuzasidan uzoq yillar olib borgan izlanishlarining mahsuli bo'lgan mashhur «Hindiston» asari hind aql-zakovati durdonalarini dunyoga targ'ib qilishda

³Кудратуллаев Х. Бобурнинг давлатчилик сийсати ва дипломатияси. Т.: Шарк, 2011. – Б. 349-350.



beqiyos manba sifatida tan olinganligi, shubhasiz, haqiqat. Ya'ni hind jamoatchiligining taniqli vakili Hamid Rizo e'tirof etganidek: «O'rta asr va yangi zamon tadqiqotchilaridan birortasi ham hind madaniyatining chigal masalalarini chuqur ilmiy ruhda tushunishda Beruniyning erishgan yutuqlarini qo'lga kiritgan olmagan. Muallifning «Hindiston»i shu yo'nalishdagi tadqiqotlar tarixida klassik namuna bo'lib qolishi bilan birga, ijodkor tomonidan hind fani va madaniyatiga qilingan katta tortiq hamdir». Fikrimizcha, asrlar osha hamon o'z ilmiy ahamiyatini yo'qotmay kelayotgan mazkur tarixiy manbaga berilgan bu muxtasar, lekin, mazmunan yuksak bahoning ikki jihati alohida ko'zga tashlanadi: biri - bu Beruniyning «hind madaniyatiga doir chigal masalalar» muammosini idrok etishdagi daholigi bo'lsa, ikkinchisi, uning «hind fani va madaniyatiga qilgan tortig'i» orqali xalqlarimizning fan va madaniyat sohasiga bo'lgan mushtarak munosabatlarini ilmiy ravishda yuzaga chiqarganligi. Demak, Hindiston forsiyzabon adabiyotini o'rganishda ham hind va forsiy adabiyotning barobar manfaatdor ekanligini nazarda tutib, mavzuni forsiy va hind xalqlarining umumadabiy merosi nuqtayi nazaridan tadqiq etmoq lozim. Va qolaversa, hatto ma'lum darajada xalqaro ahamiyatga ega bo'lgan bunday baynalminal ruhdagi badiiy merosni o'rganish, mustaqillik davri adabiyotshunosligi uchun ham qarz, ham farz. Pirovardida vatandosh ijod ahlining taqdir taqozosi bilan turli ajnabiy yurtlarda yashab ilm-fan, adabiyot va san'at sohasida yaratgan asarlariga nisbatan xalqimiz e'tiborining ortib borayotganligi, ularni targ'ibu tashviq qilish ko'lamini ham kun sayin kengaytirishni taqozo qilmoqda. Ana shu jihatdan Hindiston forsiygo'y shoirlari asarlarining tasavvuf tafakkuriga yaqin bo'lgan «bhaqtiy» diniy-falsafiy ta'limoti adabiyoti bilan qiyosiy o'rganilishi ham, nafaqat forsiy va hind she'riyati sarhadlarini kengaytiradi, balki shuningdek, ulardagi mavjud g'oyaviy, ijtimoiy hamda badiiy mushtarak tomonlarni ochib berishda ham katta ahamiyat kasb etadi. Hind adabiyoti, mo'tabar manbalarda zikr etilishicha, azaldan o'zining mahalliy va

xorijiy muxlislari qatori dunyo adabiyotshunos olimlarining ham diqqat-e'tiborini jalb qilib kelgan. Lekin, mazkur adabiyot bosib o'tgan uzoq adabiy-tarixiy jarayonning yana shunday bosqichlari ham borki, ular ayrim obyektiv va subyektiv sabablarga ko'ra o'tgan asrning so'nggi choragiga qadar fanda alohida tadqiqot doirasini tashkil etgan emasdi. Bu hol – avvalo, o'rta asr hind badiiyatida markaziy mavzu hisoblangan bhaqtiy ta'limoti muhitida vujudga kelgan Hindiston forsiyzabon adabiyotiga taalluqlidir.

Salkam o'n asr (X-XIX) mobaynida o'z bag'rida Amir Xusrav Dehlaviy, Najmiddin Muhammad Kohiy, Fayziy, Bayramxon va Abdurahim xoni xononlar, Urfiy Sheroziy, Naziriy, Tolib Amuliy, Mirzo Abdulqodir Bedil va Zebunnisobegim kabi yuzlab betakror ijod ahlini mahorat mezoniga etkazgan hind turkiy va forsiy so'z san'ati, ma'lum darajada, forsiy she'riyatning mahalliy adabiy muhitga kirib kelishiga ham sharoit yaratdi, deyish mumkin. Chunki, turkiygo'y shoirlarning aksariyati o'z tillari qatori ayni vaqtda forsiyda ham qalam surganlar. shu sababdan ham «ikki tilli ijodkorlarning nomi» bizgacha tazkiralarda orqali yetib kelgan. Demak, forsiy va turkiyzabon adabiyotlar tarixidagi bunday an'anaviy uzviylik Hindistonda ham o'z ibtidoiy tabiatiga sodiq qolgan. Shuningdek, mazkur har ikki badiiyatning xorijdagi taqdirida tarix yoki tasodif bois yana shunday bir «o'zaro bog'liqlik» borki, bu quyidagi omillarga asoslangan: a) yuqorida aytganimizdek, avvaliga G'arb adabiyotshunoslari fikricha, «hind forsiyzabon she'riyati o'z asliga nisbatan original emas»ligi uchun (Xusrav Dehlaviy ijodidan mustasno!) maxsus tadqiq etishga loyiq topilmagan⁴; b) keyinchalik – davr o'tishi bilan o'z navbatida turkiy nazm ham, «ba'zi mutaxassislar» tomonidan forsiyzabon adabiyotga qiyosan ayni shu qismatga «mahkum» etilgan⁵. Muqaddam qayd qilingan Hindiston forsiyzabon adabiyotining tadqiqoti

⁴Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии. М.: Наука, 1968. – 96 с.

⁵Афанасий Никитин. Хождения затри моря. М.-Л.: Наука, 1986. – 72 с.



bilan bog'liq masalalar, nihoyat, o'tgan asrning 70-80- yillarining oxiriga kelib fanda aktuallik xususiyatini kasb eta boshladi. Bu jihatdan 1966-yili S.Azimjonovning kirish so'zi bilan «Boburning hind devoni» matnining e'lon qilinishi, so'ngra H.Sulaymonovning tashabbusi bilan Hindistonga uyushtirilgan ekspeditsiya materiallari yuzasidan chop etilgan risola va maqolalar bu dolzarb mavzuning yaxlit tadqiqoti uchun debocha bo'ldi desak, mutlaqo yanglishmaymiz. Yaqin o'tmishgacha fan olamiga noma'lum ayrim shoirlarning ijodi, bordi-yu «Boburiylar davrida Hindistonga borgan allomalar bilan birga keltirilgan qo'lyozma kitoblar» jumlasiga kirgan taqdirda ham, ularning nima sababdan hind diyorida besh asrdan ziyod bezavol umr ko'rib kelayotganligi haqidagi haqqoniy savolga ertami-kechmi adabiyotshunosligimizdan javob izlanishi tabiiy edi. Binobarin, hindistonlik forsiy qalam sohiblari ijodiy merosining mustaqil mavzu maqomida yuzaga chiqarilishidan maqsad, xalqimizning xorijiy mamlakatlar bilan asrlar osha o'rnatgan va mustahkamlab kelayotgan adabiy aloqalari amaliy natijalarining navbatdagi namunasi sifatida targ'ib qilishdir.

Biz bu masala yuzasidan tadqiqot olib borishda asosiy e'tiborni mantiqiy tayanch sifatida Hindiston omiliga qaratdik. Chunki forsiy nazmning hind adabiyoti sirasiga kirishi masalasini o'sha davr mahalliy diniy-falsafiy ta'limotlari asosidagi adabiy jarayondan ayri holda tadqiq etilishi, «yangi forsiy badiiyat»ga o'zlashib ulgurgan ijodiy muhit va g'oyaviy mushtaraklikka soya solishga intilish bo'lar edi. Shuning uchun forsiy she'riyatning hind adabiyoti dargohiga tashrifi borasidagi tahlilimizda turli falsafiy ta'limotlardan tortib, to ijtimoiy-madaniy hayot masalalari tahliliga qadar keng o'rin berildi. Va fikrimizcha, mana shunday mantiqqa yetarli ahamiyat berilgan taqdiridagina, ushbu tadqiqning mavjud ilmiy nashrlarga nisbatan qamrovi va o'ziga xos xususiyati nimada ekanligini his qilish mumkin. Yana, XV-XIX asr Hindiston forsiyzabon adabiyoti xususidagi izlanishlarda, adabiy aloqalarimiz tarixi va

uning natijalarini aniqlash hamda tiklash asnosida «hind-musulmon madaniyati» dagi an'anaviy hind, fors va arab kabi turkiy unsurlar masalasini maxsus o'rganishga ham alohida e'tibor berilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Bundan maqsad, o'z davri nuqtayi nazarida baynalminal xarakterdagi – Maxatma Gandi ta'riflagan «Ikki din – bir millat» madaniy merosining boburiylar sulolasi davrida qanday bashariy ma'no kasb etganligini ilmiy asosda teran anglab yetish. Aslida, jamlangan ma'noda, forsiy til qadimdan nihoyatda keng tarqalgan bo'lib, uning tarixida turli siyosiy voqea yoxud iqtisodiy va madaniy aloqalar sababli o'z hududi sarhadlaridan o'tib boshqa o'lka va hatto mintaqalarda o'zlashib qolgan hollari ko'p uchraydi.

So'nggi ming yillik mobaynida hind adabiy muhitiga kirib kelgan xorijiy fors tili hamda adabiyoti o'z davri shart-sharoitiga ko'ra, aytish mumkinki, mahalliy muhitda undi, o'sdi va unga o'zlashdi.

Forsiy adabiyot bir xil davr, bir xil ijtimoiy-siyosiy tuzum, bir xil madaniyatga mansub bo'lsa-da, ularning hind tuprog'ida qaror topishi forsiy adabiyot vatani bo'lgan mamlakatlarning Hindiston bilan muayyan davrlarda olib borgan savdo-iqtisodiy va madaniy aloqalarining nasib etgan taqdiridagina yuz beradigan mantiqiy davomi – natijasi edi. Holbuki, tarixan u yoki bu ikki mamlakat o'rtasidagi o'tmish munosabatlarining mevasi doim ham mushtarak fan, san'at va adabiyot ko'rinishida namoyon bo'lavermagan.

Ma'lumki, har bir adabiyotning o'z ijod ahli bo'lgani kabi, uning taqdirida azaldan berilgan o'z umri va qismati ham bo'ladi. Balki bir qarashda, bunday dunyoviy - ilmiy tahlil masalasiga go'yo «taqdiri ilohiy»ning dahli yo'qdek ko'rinishi mumkin, biroq, odatda xuddi ana shu omilni inobatga olmaslik kishini ko'pincha haqiqatdan uzoqlashtiruvchi savollar xurujiga duchor qiladi. Shuning uchun bu kabi voqelik asoslarini o'rganishda, e'tiborni dastavval sharqona adabiy tafakkurning an'anaviy jihatlariga qaratilgani yaxshi. Sirasini aytganda, mustaqillik davrigacha masalaning bu tarafiga noiloj e'tibor bermaslik oqibatida



«turfa adabiy tafakkurdagi yagona go‘zallik», «yagona adabiy tafakkur qobig‘idagi turfa go‘zallik»ka aylanib qolgan edi.

Hind xalqining g‘ururiga aylangan Amir Xusrav Dehlaviy, Fayziy va Bedildek buyuk shoirlarni yetishtirgan forsiyzabon adabiyoti rolini o‘ziga olganligida, deb biladi. Kim bilsin, balki ushbu mutaxassis ko‘zi bilan qaraganda, forsiyzabon va ingliz adabiyotining Hindistondagi «taqdiri» - tutgan o‘rni va mohiyatida shunday o‘xshashlik bordir? Yoki muallifning o‘z asarida ta’riflaganidek, «Hindistonda yangi adabiyotning paydo bo‘lishi mamlakatni zabt etganlarning zabt etilganlarga o‘tkazgan madaniyatining ta’siri oqibati»dir? Ammo shunisi ham borki, tadqiqotchi, mavzu tahliliga kirishishdan ilgari, Amir Xusrav Dehlaviydek siymoning qaysi davrga taalluqli ekanligi hamda Movarounnahr, Eron va Hindiston xalqlarining o‘ziga xos sharqona tafakkuri va tarixiy-adabiy aloqalari kabi e’tiborga olinishi zarur bo‘lgan muhim omillarni nazardan qochirgan ko‘rinadi. Demak, adabiy aloqalar va ular tufayli vujudga kelgan yangi adabiyotning u yoki bu mamlakat madaniyatida tutgan o‘rniga baho berilganda, diqqatni faqatgina uning jug‘rofiy ahamiyati yoki ijtimoiy-siyosiy mohiyatiga emas, balki avval e’tiborni bu jihatning tarixiy asosiga qaratish zarur, aks holda, voqelik zanjirining birorta xalqasi uzilishi bilan tarixiy uzviylikka putur yetib, masala o‘z ma’nosini yo‘qotadi. Endi «o‘zga til muhitidagi muhojir adabiyot qaysi xalqqa mansub deb sanalishi va qanday o‘lchovlar bilan belgilanishi kerak?» yoki, «muhojir adabiyot qay darajada milliy va qay darajada mahalliy hisoblanadi?» kabi tug‘ilishi mumkin bo‘lgan savollarga kelsak, bizning tushunchamizda, ularga munosib javob sifatida sharq xalqlari adabiyoti tarixida tajribadan o‘tgan bir-ikki misolni keltirishning o‘zi kifoya. Masalan, deyarli bir umr Bag‘dodda yashab ijod etgan buyuk Ozarbayjon shoiri Fuzuliy yoki aytaylik, Hirot muzofotida tavallud topib, asosan Xuroson hududida hayot kechirgan – o‘zbek adabiy tili va mumtoz adabiyotining asoschisi Alisher Navoiyning asarlariga «mahalliy yoki muhojir» ma’nosida munosabatda bo‘lish, bu

siymolarning insoniy ezgulikni ilohiy e’tiqod me’rojiga ko‘targan ruhi pokiga mutlaqo zid! Binobarin, tadqiqotda zikr etilgan forsiygo‘y shoirlar orasidagi ayrim tarjimai holi aniq bo‘lmagan ijodkorlar merosi ham, ta’bir joiz bo‘lsa, asrlar osha hamon hind qo‘lyozma kitoblari javonidan o‘z o‘rnini yo‘qotmagan “muhojir adabiyot”ning mahalliy manbalaridir! Xullas, forsiyda bitilgan devonlar, bayozlar, turkiy-forsiy lug‘atlar ham o‘zining g‘oyaviy-badiiy va ijtimoiy qiymati bilan, xuddi hindistonlik me’mor Ahmad Lohuriy, samarqandlik chizmakash Muhammad Sharif, buxorolik usta Ota Muhammadlarning bevosita ishtirokida bunyod etilgan Toj-mahal yoki Movarounnahr, Eron va Xuroson qilqalam san’ati sohiblarining hamkorliklari evaziga shuhrati dunyoga tanilgan «Hind miniatyura maktabi» kabi turli millat va diniy e’tiqodga mansub ijodkorlar yaratgan «hind-musulmon madaniyati» majmuiga kiradi. Akad. A.Mirzoyev «Sharqshunoslarning XXVI xalqaro konferensiyasi»da qilgan ma’ruzasida «tarix va adabiyot tarixi»ga doir ilmiy ishlarida Movarounnahr va Hindiston o‘rtasidagi adabiy aloqalarga umuman ahamiyat berilmayotir» deya, o‘tgan asrning 60-yillari sobiq ittifoqda adabiy aloqalarni o‘rganish masalasi qanday ahvolda ekanligini ko‘rsatib bergan edi. Ammo anjumandan so‘ng, nisbatan qisqa muddat ichida S.Azimjonova tomonidan «Boburning «Hind devoni»ning mufassal tavsifi bilan chop etilishi «Hindiston va Movarounnahrning adabiy aloqalar tarixi» mavzuida chindan ham katta voqea bo‘ldi. Olima Boburning ilmiy, siyosiy, ijtimoiy faoliyatiga bag‘ishlangan o‘z izlanishlarida, markazlashgan boburiylar davlatining barpo bo‘lishi O‘rta Osiyo va Hindiston xalqlari madaniyatining o‘zaro yaqinlashuviga olib kelganligini haqqoniy ravishda isbotlab berdi. Yoki Alisher Navoiyning «Mezon ul-avzon» asaridan so‘ng o‘zbek aruzi haqida yozilgan ikkinchi yirik ilmiy risola «Muxtasar» faksimilining 1971-yil nashr qilinishi keyinchalik Boburning «Aruz risolasi» asarining yozilishiga sabab bo‘ldi; Abu Rayhon Beruniy nomli O‘zbekiston FA sharqshunoslik instituti ilmiy xodimlari nashrga tayyorlagan «O‘rta Osiyo



va Hindiston xalqlari madaniy aloqalari tarixidan» to'plamida Hindistonda yashagan forsiy hamda turkiygo'y shoirlar hayoti va ijodi haqida talay ma'lumotlar keltirildi. Prof. I.Nizomiddinovning «Madaniy hamkorligimiz sahifalaridan» nomli risolasi o'quvchilarni ellikdan ortiq Hindistonda ijod etgan o'rta osiyolik xattot, musavvir va shoirlarning faoliyati bilan tanishtirdi. Muarrax o'zining «XVI asrdan XX asr boshlarigacha bo'lgan davrda O'rta Osiyo va Hindiston o'rtasidagi madaniy aloqalar» asarida «Nafois al-maosir» hamda «Tizkirai majma al-havvas» singari qo'lyozma manbalar asosida hindistonlik forsiygo'y qalam sohiblari ijodiga aloqador ba'zi qimmatli faktlarni keltirgan. R.Inomxojayevning «XVI asr Hindiston adabiy hayotida turkiy-forsiy ikki tillilik» monografiyasida o'n beshdan ziyod hindistonlik forsiygo'y shoirlarning adabiy

faoliyati XVI-XVII asrlarning birinchi choragigacha bo'lgan deyarli bir asrlik muddatni qamraganligi bayon qilingan. Muallifning ta'kidlashicha, bu davrga taalluqli Manzariy Samarqandiy, Mir Mahmud Mahviy, Ulfatiy, Yazdiy, Tazarviy Abhariy, Forig'iy, Sheroziy, Fahmiy Qazviniy, Navidiy, Siyakiy kabi shoirlar ijodiy kamoloti, muayyan darajada Bayramxonning rag'bati va xomiyligi bilan bog'liq bo'lgan.

Hindistondan topilgan qo'lyozmalar ro'yxati qo'limizdagi manbalar bilan cheklanmaydi. Ya'ni, marhum prof. A.Abdug'afurovning Buyuk Britaniyadagi «Indian Offis» fondi qo'lyozma nusxalari tahliliga bag'ishlangan maqolalari forsiy manbalar xazinasini yanada chuqur va izchil o'rganishga da'vat qiladi.

Adabiyotlar:

- 1.Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии.- М.: Наука, 1968. – 96 с.
- 2.Афанасий Никитин. Хождения затри моря. -М-Л.: Наука, 1986. – 72 с.
- 3.Низомиддинов Н. Бобурийлар даври Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти. -Тошкент, 2010. 651-б.
- 4.Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. -Т.: Шарқ, 2011. – Б. 349-350.

Каримова С. История индийско-персидской литературы. В настоящей статье исследуется процесс формирования и развития персидской литературы в Индии. Автор выделяет несколько этапов становления индийско-персидской литературы и приводит образцы художественных произведений этого периода.

Karimova S. The history of Indian-Persian literature. The present article is devoted to investigation of the process of formation and development of the Persian literature in India. The author defines several stages of the development of Indian-Persian literature and gives examples of the literary works of that period.



«ДЕВОНИ ГАДО» XV АСР ТУРКИЙ ЎЗБЕК ДЕВОНЧИЛИГИНИНГ ДЕБОЧАСИ СИФАТИДА

Асланова Ҳафиза Абдурахимовна,

СамДЧТИ доцент в.б., филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Калит сўзлар: *бадий санъатлар, поэтика, девон, газал, туюқ, қитъа, рубоий, қасида, жанр, поэма.*

XV асрнинг I ярми шеърятти туркий халқлар адабиёти тарихида алоҳида саҳифани ташкил этиши сир эмас. Шунга қадар асосан форс-тожик шеърятидан андоза олиб унга эргашиш йўлидан борган туркийзабон ижод аҳли айни шу даврга келиб ўз услуби, индивидуал ижодий маҳоратини намоён эта бошлади. Бир томондан, ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда “форсий... шуаро муқобаласида” бўла оладиган даражадаги қалам аҳлининг етишиб чиқиши, иккинчи томондан эса шеърятнинг ранг-баранг жанрларида юксак санъат намуналарини яратиш “соҳибдевор” шоир мақомига эга бўлган ижодкорларнинг майдонга келиши бу давр ўзбек шеърятининг муҳим ютуқлари эди. Жаҳон адабиёти йўлининг шохбекати бўлмиш Ҳазрат Навоийнинг туркий шеърятти учун замин ҳозирлаган бадий истеъдод соҳибларидан бири Мавлоно Гадоийдир. XV аср туркий шеърятнинг ўзига хос услуб ва овоз эгаси бўлган Мавлоно Гадоий «ўз даврининг истеъдодли вакили ва халқ ижодининг ихлосмандларидан» [6, 145- с] бўлиб, адабиётимиз тарихининг янги саҳифасини яратишда бевосита иштирок этди. Туркий шеърятга бир қатор янги шакл ва жанрлар, бадий топилма ва поэтик воситаларнинг кириб келиши Гадоий шеърятти билан боғлиқдир. Шоирнинг асл исми, туғилган йили номаълум. Бизга шоирнинг фақат Гадо тахаллуси аён, холос. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида: «Мавлононинг ёши тўксондин ўтубдур» [1, 105-с] деган қайдни ўқишимиз мумкин. Маълумки, «Мажолис ун-нафоис» дастлаб хижрий 807-(мелодий 1491-1492) йилда тузилган.

Агар шу пайтларда Гадоийнинг хижрий ҳисобда 90 ёшларда бўлганлигини назарда тутсак, адиб тахминан XV аср бошларида, яъни 1403/1404 йилларда туғилганлигини қайд этиш мумкин. Ҳазрат Навоий тазкирада яна шундай ёзганлар: «Бобир Мирзо замонида шеъри шуҳрат тутти» [1, 105-с]. Абулқосим Бобир Мирзо 1452-1457 йилларда ҳукмронлик қилган. Демак, Мавлоно Гадоий ижоди айни шу даврда камолот касб этган. XV аср туркий ижодкорлари ичида Гадоий лирикаси ҳам муҳим ўринга эга. Шоирнинг ягона девони – «Девони Гадо» Париждаги «Biblaticque Nationale» («Миллий кутубхона»)нинг «Departament des. Manuscrits Suppl ture» («Турк қўлёзмалари бўлими»)да 981-рақамли инвентарь остида сақланиб келинмоқда. Унинг фотонусхаси эса, 1968 йилда профессор Ҳ.Сулаймон томонидан келтирилиб, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига топширилган. Мавлоно Гадоийнинг бошқа девонлари ёхуд мазкур девоннинг бошқа нусхалари ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Мавлоно Гадоий девони мумтоз девончилик анъаналари асосида тартиб берилган. Унда етакчи жанр газал бўлиб, ғазаллар қофия ёки радифнинг сўнгги ҳарфига кўра араб алифбоси тартибида жойлаштирилган (девондаги илк ғазал - ҳамд ва кейинги наът ғазал бундан мустасно, чунки улар ^ҳ ва ^н-нун ҳарфлари билан тугайди). Девон таркибидаги қасида (қўлёзманинг 152-а, б варағи) ҳамда мустаод (149- а, б варақ) ғазаллар орасида жойлашган. Девонда жами йигирмата ҳарф билан тугайдиган ғазаллар мавжуд. Ҳар бир ҳарф



Харф туркумлари	Ғазаллар сони	Харф туркумлари	Ғазаллар сони
ا	27	غ	3
ب	7	ع	2
ت	3	ف	2
ج	1	ق	10
ح	2	ك	7
خ	1	ل	21
د	3	م	19
ر	47	ن	23
س	5	ه	11
ش	3	ی	28

Девон таркибидаги қасида (“хе” харфи билан тугайди) ҳамда мустазод (“алиф”) ғазаллар орасида жойлаштирилган. Тўртлик шаклидаги шеърлар алифбо тартибда жойлаштирилмаган бўлса-да, кофия, тажнис ёхуд радиф қўлланган жуфт мисралари “ёй” (битта), “қоф” (иккита), “алиф” (битта) ҳамда “ре” (битта) харфлари билан тугалланганлигини қайд этиш мумкин. Девондаги алифбо тартибидан кўриниб турибдики, Мавлоно Гадоий араб алифбосидаги йигирмата харф билан тугалланганидан ғазаллар битган. Булар асосан туркий тил фонетикасига хос бўлган товушларни ифодаловчи харфлардир (араб тилига хос бўлган “айн” харфи бундан мустасно). Араб тили фонетикасига хос бўлган товушларни ифодаловчи харфлар туркуми (жумладан, “се”, “зол”, “сод”, “зот”, “то”, “зо”) Гадоий девонида учрамайди. Шунингдек, девонда кофия ва радиф танлашда ноқулайлик туғдирадиган “зе” ва “вов” харфлари билан тугалланувчи ғазаллар ҳам учрамайди. Навойшуносликда кўп бора таъкидланганидек, араб алифбосидаги барча харфлар билан тугалланувчи ғазаллар битиб, мукамал девон тартиб

бериш анъанаси адабиётимиз тарихида Алишер Навоийдан бошланган.

Гадоий девони Лутфий девони билан бир муқовада бирлаштирилганлиги ўз вақтида кўпгина фикрларга ҳам сабаб бўлган. Бу ҳақида Э.Аҳмадхўжаев шундай ёзади: «Гадоийнинг девони Лутфий девони билан бирга китобат қилинганлиги учун биз Лутфий девонига Гадоий ғазалларидан кириб қолмаганмикин деган мулоҳаза билан Лутфийнинг девонини ҳам кўздан кечирдик. Аммо, гумонимиз исботланмади» [2, 22-с]. Тўғри, Мавлоно Гадоий ва Мавлоно Лутфий бир адабий муҳит вакиллари ҳамда улар ижодий ҳамкорликдаги шоирлардир. Бу ҳақида Гадоий шундай ёзган:

Гар иноят бўлса ҳақдин, доғи султондин назар,

Бу Гадодек Лутфи(й) ким бўлгайки, Салмон бўлмагай [7, 153-с].

Албатта бу ғазалда девон ҳақида фикр билдирилмаган. Аммо, адабий жараёндаги елкадош ҳамфикрлар, бири-бирига саҳоблар бўлганлигини англашимиз мумкин. Ғазалда Гадоий ўзини Лутфий ва Салмон Соважий билан тенглаша оладиган истеъдод соҳиби



эканлигини фахрия санъати ёрдамида эслашиб ўтади.

Гадоий шеърини таркиби жанрига кўра ғазал, қасида, мустазад ва туюқ деб эътироф этилади. Жами 237 та шеърни ўз ичига оладиган адабий мерос орасида 230 та ғазал, 1 та мустазад, 1 та қасида ва 5 та туюқ мавжуд. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мустазад ва қасида ғазаллар таркибида келтирилган. Табиийки, мустазаднинг ёзилган йили маълум эмас. Бинобарин, уни ушбу жанрнинг илк намуналаридан бири сифатида эътироф этиш ҳам мумкин:

*Эй ғамзаси фитна, кўзи фаттон,
ўзи офат, раҳм айла бу жона,*

*Хатм ўлди санга салтанати мулки
латофат, эй шоҳи ягона...*

*Жондин рамаке қолди Гадонинг
баданинда, эй руҳи мужассам,*

*Ширин дудоқингдин қадаре қилгин
изофат, тиргуз ани ёна.*

Девонда темурийзода Султон Ҳалилга бағишланган битта қасида мавжуд бўлиб, унинг ўзаро қофияланувчи матлаъ байти мавжуд бўлмаганлиги учун бошланиш қисми тушиб қолган деб ҳисобланади.

Қасида девонда ғазаллар орасида 204-ўринда келган. Унинг ҳажми 13 байтдан иборат бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

*Замоне субҳидам андеша бирла
ҳамнишин бўлдум,*

*Ки, муддатлар анингла бўлмиш
эрдим ҳар қаён ҳамроҳ.*

Қасидада мадҳ этилган шахс ҳақида адабиётшуносликда турлича қарашлар мавжуд. Бу ҳақда мамлакатимиздаги гадоийшуносликнинг асосчиларидан бири С.Ғаниева шундай ёзадилар: “Гадоийнинг Шохруҳнинг набираси Ҳалил Султонга бағишланган бир қасидаси бор. Уни Э.Рустамов Темур набираси Ҳалил Султонга хато нисбат берган эди” [1, 257-с]. Адабиётшунос М.Ҳасановнинг фикрига кўра эса, қасида “Султон Ҳалил ибн Абусаидга бағишланган” [9, 64-69-с].

*Лисонул гайбдин келди қулогимга
хитобеким,*

*Шаҳанишоҳзодаларнинг сарвари
Султон Ҳалиллуллоҳ...*

*Шоир мамдуҳни қуйидагича
таърифлайди:*

*Асоси базмини кўргач хирад ҳайрон
бўлуб айтур,*

*Зиҳи шират, зиҳи ҳашият, ажойиб
фар, ажойиб жоҳ!..*

*Қасидада ҳам шоир тахаллуси
“Гадо” тарзида қўлланган:*

*Гадо айтур дуое сидқ бирла,
мустажоб ўлсун,*

*Ким, эрур жумла зарроти жаҳонга
бу дуо дилхоҳ.*

*Ки бу шаҳзоданинг кунглиндаги
матлубини бергин,*

*Баҳаққи Мустафо-ву олиу авлоди, ё
Аллоҳ! [5, 189-с].*

Қайд этиш лозимки, Э.Аҳмадхўжаев ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари, шунингдек, Гадоий девони нашрларида шоирнинг битта қасидаси қайд этилади. Бироқ, Янош Экман томонидан АҚШдаги Индиана университетида 1971 йилда чоп этирилган Гадоий девонининг нашрида қасидалар 2 та деб кўрсатилган («The Divan of Gadai comprises 229 gazals, 2 qasidas (№ 204, 229), 1 mustazad (№199) And 5 tuyugs» яъни «Гадоий девони 229 та ғазал, 2 қасида (№ 204, 229), 1 та мустазад (№199) ва 5 та туюқдан иборат). Экман назарда тутган иккинчи қасида девондаги 229-шеър бўлиб, қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Меҳру маҳ ижтимоъидин тугди
ажойиб ахтаре,*

*Даври қамарда филмасал бўлди
қирони акбаре.*

Мазкур шеър шаклан етти байтли ғазалдир. Бироқ, ғазал мазмунан қайсидир шахзодага бағишланганлиги сезилади. Қуйидаги байтда, айниқса, бу мазмун яққол акс этган:

*Хор соғинма, муддаъий, они кичик
дебонким уш,*

*Шоҳ отаси бикин бўлур дам-бадаме
газанфаре.*

Бироқ, ушбу мазмуннинг ўзи шеърни қасида жанрига мансуб деб билиш учун етарли асос бўла олмайди. Зеро, мумтоз адабиётимизда реал шахсларга



бағишланган мадҳ ғазаллар ҳам кўплаб учрайди. Шу билан бирга шеърнинг вазни ҳам ғазалларга хосдир. Маълумки, мумтоз касидалар (шу жумладан Назрат Навоийнинг туркий ва форсий касидалари) асосан учта баҳрда – ҳазаж, рамал ва мужтасс баҳрларида ёзилган. Юқоридаги ғазал эса арузнинг ражази мусаммани матвийи маҳбун (муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун) вазнида яратилган. Бу ҳам унинг қасидага нисбатан ғазал жанрига яқин эканлигини асослайди.

Шоир девонидаги ғазаллар девончилик анъаналари тартибида жойлаштирилган. Табиийки, уларнинг ёзилган даври маълум эмас. Девондан ўрин олган гўзал ва сермазмун лирик асарлар, шубҳасиз, салкам бир асрлик Гадоий умрининг турли даврларида яратилган. Устоз адабиётшунос Ҳамид Сулаймон қайд этганларидек: «Шарқ халқлари адабиётида лирик асарларнинг ёзилиш тарихини шеър остида кўрсатиш, айниқса, ўрта аср даврларида одат бўлган эмас... Туркий ва форсий тилда шеър ёзган шоирларимиз... ғазал охирида шоир тахаллусини кўрсатиш билан кифояланганлар, холос» [2, 22-с]. Девонда «Гадоий» тахаллуси 9 та ғазалда қўлланган бўлса, 197 та ғазал, 1 қасида, 1 та мустазод ва 1 та туюқда шоир тахаллуси «Гадо» тарзида ёзилган, 28 та ғазалда эса тахаллус қўлланмаган. Шоир тахаллуси 205 та ғазалнинг мактаи - охирги байтида, 4 та шеърнинг эса мактадан олдинги байтида қўлланган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, шоир тахаллусининг ғазаллар матнида ёзилиш тарзи айрим эътирозларга сабаб бўлади. Нашрларда “Гадоий” тарзда ёзилган ўринлар кўлёмзада икки хил тарзда ифодаланган.

Аксарият ҳолларда (аниқроғи, саккиз ўринда) бу тахаллус форсча изофа билан (кўпинча “хаста” сўзи билан) қўлланган:

Мен Гадоий хастага теккайму, ё раб, журъае,

Жоми васлингдин яна, эй соқийи сиймин сақоқ? [8, 562-с].

Бир ўринда ноаниқликни ифодаловчи “ёй” (форс тили грамматикасида “ёйи накале – ноаниқлик ёйи деб номланади) сифатида қўлланган (юқоридаги байтда келган “журъае” сўзидаги каби):

*Гадоий беш эмастур, дер рақибинг,
Гадодурмен, вале султондин ортуқ [8, 556-с].*

Аслиятда эса, биринчи байтдаги сўз (كداى) кўлёмза 126 b саҳифа), иккинчи байтдаги сўз эса (كداى) кўлёмза 125 а саҳифа) тарзда ёзилган, яъни талаффузда қисқа тўхташни акс эттирувчи “ҳамза” белгиси билан фарқ қилади. Бизнингча, мазкур икки байт кирилл ёзувида фарқланиши ва куйидагича ифодаланиши лозим:

Мен Гадоий хастага теккайму, ё Раб, журъае,

Жоми васлингдин яна, эй соқийи сиймин сақоқ?..

*Гадое беш эмастур, дер рақибинг,
Гадодурмен, вале султондин ортуқ.*

Мазмуни: *Рақибинг (мени) шунчаки бир гадо, ундан ортиқ эмас деб айтади. Мен Гадоман, бироқ (ишқда) султондан ҳам ортиқман.*

Бундан эса шоир тахаллусини қандай ёзиш керак: “Гадоий”ми ёхуд “Гадоий” деган ҳақли савол туғилади. Аслида илмий матнларда шоир тахаллусини “Гадо” тарзда ёзиш мақсадга мувофиқ, назаримизда. Агар кўшимча қўшиш лозим бўлса, уни “-ий” тарзида эмас “-йи” (Атойи каби) тарзда ёзиш мақсадга мувофиқ.

Гадоий адабий мероси мамлакатимизда илк маротаба 1965 йилда С.Ғаниева томонидан «Шоир Гадоий» номи билан нашр этирилди. Мазкур китобда шоирнинг 47 ғазали ва 1 та мустазоди ўрин олган. Шоирнинг 1973 йилда Э.Аҳмадхўжаев томонидан нашр этирилган “Девон”и 230 та ғазал, 1 та мустазод, 5 та китъадан ташкил топган. 1986 йилда нашр этирилган «Навоийнинг нигоҳи тушган» тўпламидан Гадоийнинг 80 ғазали ва 1 та мустазоди ўрин олган. Шунингдек, 1988 йилда нашр этирилган «Ҳаёт васфи» тўпламига ҳам Гадоий



лирикаси киритилди. Унда шоирнинг 223 та ғазали, 1 та қасида, 1 та мустазод ва 5 та тўртлик шаклидаги шеърли ўрин олди.

Мумтоз адабиётимиз намуналари борки, улар сўз сеҳри сифатида намоён бўлишини биламиз, шунинг билан бир қаторда, инсон руҳиятини чархлашга хизмат қилади. Гадоий ҳазратларининг ғазалларида ёр васлининг ҳижрони ва маҳбубанинг гўзаллиги мадҳи сўз воситасида нафис чизилган. Аввало, Гадоийнинг шоир сифатидаги юксак даражасини унинг ғазаллари орқали аниқлаш лозим. Қолаверса, Гадоий ўзининг сермазмун, ёрқин ғазаллари орқали мумтоз анъанани ўзига хос тарзда, ҳам давом эттирди, ҳам уни такомиллаштирди. Мумтоз адабиётимиз тарихида Гадоийгача ва ундан кейин ҳам

ғазалдаги байтлар чегараси турлича белгиланган бўлиб, байтлар сонини, микдорини белгилаш масаласи узоқ вақт мунозарага сабаб бўлган. Гадоий ғазаллари композицион жиҳатдан 4 байтдан 9 байтгача бўлган доирада ёзилган бўлиб, шоир асосан ўз шеърларининг ихчам бўлишига эътибор қилган. Гадоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг йирик намояндаси сифатида забардаст ғазалнавис замондошлари Лутфий, Атойи, Саккокийлар сингари лирик жанрлар, айниқса, «туркий» деб аталувчи арузнинг рамал баҳридаги ошиқона ғазалларнинг ривожланиб, бойиб, мавзуий доираси ва образлар силсиласининг кенгайишига, унинг янада юқори тараққиёт босқичига ўсиб чиқишига, такомил топишига ўз хиссасини қўша олди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 13-том. - Т.: Фан, 1997.
2. Аҳмадхужаев Э. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси) -Т.: «Фан», 1978.
3. Воҳидов Р. «Мажолисун-нафойис»нинг таржималари. - Т.: «ФАН» нашриёти, 1984.
4. Девони Гадо. (Нашрга тайёрловчи: Асланова Х.) - Тошкент: «Vneshinvestprom», 2020.
5. Рустамов М. Гадоий девонининг луғати ва матни. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат музейи таҳрир бўлими. - Т., 2007. 189-б.
6. Рустамов. Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века, ИВЛ, М., 1963.
7. Фахрий Ҳиротий «Латойифнома». Инвентарь-7669, 83-б
8. Ҳаёт васфи. –Тошкент: “ФАН”, 1988.
9. Ҳасанова М. “Гадоий қасидаси ва унинг мамдуҳи тўғрисида” // “Сўз санъати” журнали. № 3 (2018), 64-69-бетлар.

Асланова Х. "Девони Гадо" как один из самых первых образцов турецко-узбекских девонов XV века. В статье анализируется творческое наследие Гадои и его поэтика. Речь идёт о его навыках использования художественных средств. Приводится анализ художественного сравнения с творчеством его современника Лютфи.

Aslanova Kh. "Devoni Gado" as one of the first samples of XV century Turkish-Uzbek devons. The article analyzes the creative heritage of Gadoi and his poetics. It is said about his mastery in the use of artistic skills. An artistic comparative analysis with the work of his contemporary Lutfi is described.



К ВОПРОСУ О ТЕНДЕНЦИИ К АНАЛИТИЗМУ В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

*Содикова Назокат Гафоровна,
Старший преподаватель СамГИИЯ*

Ключевые слова: аналитизм, аналитическая форма, аналитическая конструкция.

Проблемы языкового аналитизма принадлежат к области базового лингвистического знания, формировавшегося на протяжении длительного времени. Исследование аналитизма предпринималось представителями разных направлений описывавших на материале различных языков его самые разнообразные проявления.

Итак, попробуем проследить процессы формирования отдельных аспектов аналитических тенденций на материале немецкого языка. Немецкий язык восходит к общему индоевропейскому праязыку. Родство индоевропейских языков очевидно и сегодня, несмотря на то, что на протяжении многих веков у каждого из них был свой собственный путь развития. Это выражается в сходстве основной лексики, многих основополагающих элементов морфологической структуры, в одинаковых средствах словообразования, в сходстве формообразования.

Аналитические черты (использование служебных слов) в той или иной мере присущи всем языкам. Во всех языках существуют союзы, в большинстве языков есть частицы и предлоги. В процессе исторического развития многих индоевропейских языков степень их аналитизма нарастает. Из истории немецкого языка известно, что в нем развились аналитические формы глагола, артикль.

В немецком языке в наибольшей степени аналитизм при формообразовании проявляется в системе глагола. Аналитические тенденции имеют два случая проявления: аналитическая форма и аналитическая конструкция.

Аналитическая форма состоит, по меньшей мере, из двух компонентов и служит для выражения грамматического значения путем взаимодействия формата, являющегося носителем лексического значения, и служебного формата, выступающего отдельно от первого, ср.: *ich werde lesen, ich habe gelesen* [1, 200]. При этом форма носителя лексического значения также грамматически значима.

Компоненты аналитической формы разделены и подвижны. Главная особенность аналитической формы состоит в том, что она выражает новое грамматическое значение, которое возникает только при сочетании определённых компонентов и выступает как значение неразложимого целого.

Грамматическое значение аналитической формы - это не просто сумма грамматических значений обоих компонентов. Аналитическая форма по своему идиоматична.

К аналитическим средствам современного немецкого языка относятся вспомогательные глаголы «haben», «sein», «werden» и артикли [5, 165].

Аналитические средства образуют в сочетании с полнозначными словами аналитические формы: перфект (разговорная форма прошедшего времени, результат действия непосредственно связан с действительностью: *haben/ sein + Partizip II*), плюсквамперфект (предпрошедшее, или давно прошедшее время: *haben/ sein* (в претеритуме) + *Partizip II*), будущее время (Futur I: *werden + Infinitiv I*; Futur II: *werden + Infinitiv II*) в изъявительном и сослагательном наклонениях, *Konditionalis I* и *II*, все формы страдательного залога (*Passiv*:



werden + Partizip II; Stativ: sein + Partizip II), инфинитив пассив (Infinitiv + werden), инфинитив II страдательного и действительного залога, а также сочетания артикля и существительного. Лексическое единство этих форм основывается на том, что глаголы haben, sein, werden выполняют формообразующую функцию, так как они становятся вспомогательными глаголами, в то время как второй компонент сочетания несёт всю лексическую информацию. На этом основании аналитические глагольные конструкции не относятся к аналитическим формам. Но кроме аналитических форм глагола, в современном немецком языке существуют и многочисленные аналитические глагольные конструкции.

Аналитические конструкции отличаются от аналитических форм тем, что они не являются специальным средством для выражения нового грамматического значения. Грамматические значения несёт в себе один из компонентов конструкции, но при этом лексически значимыми остаются все компоненты. Аналитическая конструкция также состоит, по меньшей мере, из двух компонентов, они разделены и подвижны. Выявляя аналитические тенденции в языке, необходимо принимать во внимание обе формы их проявления.

Возможность образования в современном немецком языке глагольных аналитических конструкций обусловлена существованием в языке широкозначных глаголов, таких как wollen, sollen, mogen, dürfen, können, müssen, lassen, bleiben, scheinen, sein, werden и многие другие [3, 41]. Широкозначные глаголы вносят определённую лексическую информацию в общее значение конструкции, основанное на лексическом значении второго «полнозначного» компонента (это может быть не только глагол), и при этом выражают грамматическое значение конструкции. Аналитические глагольные конструкции широко употребительны в современном немецком языке, особенно в научной прозе, публицистике, а также в языке современной газеты. Ср.: Anderswo

dürfen Personen, die mit dem Gesetz **in Konflikt stehen**, erst gar nicht Politik machen [6, 5]; Damit ist, nach Göttingen, Regensburg und München, schon das vierte deutsche Transplantationszentrum **in Verruf geraten** [6, 30]; Amerikanische Kampfdrohnen **sind** seit einigen **Jahren** vor allem in Pakistan und Afghanistan **im Einsatz** [7, 10]; Dieser rettende Stimmentransfer **ist** auch jetzt wieder **im Gange**, und auch diesmal könnte er zum Überleben reichen [7, 1];

Аналитические конструкции в значительной степени восполняют отсутствующую грамматическую категорию вида, выражая различные видовые значения начала, длительности, окончания, результата действия и т.д.; они служат также выражению каузативности и пассивности [3, 77]. К широкозначным глаголам примыкают фазовые глаголы - начинать, начать, кончить, продолжить. В конструкциях, организуемых ими, значение предикативного признака, выраженное инфинитивом основного глагола, сочетается со значением его начала, конца или продолжения. Такие аналитические конструкции служат для выражения фазовых значений.

Они представляют собой соединение постоянного компонента, выражающего фазовое значение, и переменного, передающего индивидуализированные значения процессуальных лексем (Er fing anzulesen. Er fuhr fort zu singen. Es hörte auf zu regnen) [4, 94]. Распространены и аналитические конструкции, включающие в себя модальные глаголы: хотеть, мочь, желать и т.д. (к подобным компонентам относят и краткие прилагательные должен, готов, намерен, способен, обязан). В конструкциях, организуемых ими, значение предикативного признака, выраженное инфинитивом основного глагола, сочетается со значением намерения, волеизъявления, решения, желания, долженствования, возможности. В подобных конструкциях основное грамматическое значение выражает изменяемый компонент (широкозначный глагол).



В последнее время в текстах научного, а также публицистического и официально-делового стиля получили широкое распространение глагольно-именные конструкции типа *zum Abschlusskommen, in Verdacht kommen, in Bewegung bleiben, Anspruch haben, Verhandlungen führen* и т.п. они также являются аналитическими, так как неразрывно друг от друга выражают грамматические и лексические значения, обладают в некоторой степени идиоматичностью [6, 698].

В немецком языке два основных способа словоизменения, а именно синтетический (аффиксация и внутренняя флексия) и аналитический (при помощи служебных слов), развиты приблизительно в равной степени.

Аналитические формы немецкого языка образуются при помощи флексии служебных слов, т.е. представляют собой флективно-аналитические формы. Артикль, при помощи которого образуются формы падежей, склоняется, причём именно его флексия выражает падеж (а также род и число), а вспомогательные глаголы (*sein, haben, werden*) спрягаются, выражая лицо и число знаменательного глагола при помощи личных окончаний. В процессе своего исторического развития немецкий язык претерпел коренные перемены, принципиально изменилось формообразование глагола. В немецком языке была создана сложная система залого-временных форм индикатива [2, 86].

На начальном этапе своего развития немецкий язык имел формы прошлого времени глагола перфект и плюсквамперфект, где *sein, haben* выступали в качестве глаголов-связки, а основной глагол выступал в форме причастия, которое изначально было изменяемым в составе данной аналитической формы. Несмотря на эти изменения формы прошедшего времени не утратили своей аналитичности, и даже наоборот, прочно вошли в глагольную парадигму и стали предпочтительными в

разговорной речи. Произошедшие изменения в глагольной системе немецкого языка свидетельствуют о том, что они не носят случайного характера, а связаны с общим развитием немецкого языка в сторону аналитизма. Аналитизм, аналитический строй более широкое понятие, чем аналитическая форма, являющаяся частью морфологической системы того или иного языка. Аналитическая форма входит в парадигму слова; она состоит в немецком языке из вспомогательного глагола + Partizip II (Infinitiv) или артикля + существительное. Однако, немалое значение имеют аналитические глагольные конструкции. Они имеют похожую структуру и служат для выражения одинаковых значений (модальных, фазисных, обладания признаком и т.д.).

Продуктивность моделей аналитических конструкций является предпосылкой создания новых лексем, в данном случае аналитических, при этом используются уже имеющиеся в языке лексические единицы.

Аналитические конструкции - это не инновация, это единицы центра грамматической системы, которые существуют в языке давно, но в процессе развития языка модифицируются. С точки зрения системы языка в целом аналитические формы являются зачастую более унифицированным способом выражения грамматических значений, а аналитические конструкции – средством модификации лексических значений. Однако считать, что развитие от синтетического строя к аналитическому есть всеобщая закономерность, было бы ошибкой, историческому языкознанию известны случаи превращения аналитических форм в синтетические (так произошло с русским языком).

Наблюдается распространение аналитических глагольных конструкций, которые образуются уже не для выражения грамматического значения, а для создания определённого целостного лексического значения. Немецкий язык, эволюционирует в сторону аналитизма,



таким образом можно говорить об аналитических тенденциях в развитии языка.

В дальнейшем для подтверждения гипотезы о все более растущей тенденции аналитизма в современном немецком

языке необходимо провести достаточно объемный статистический анализ прежде всего публицистических, газетных, научных текстов, представляющих собой сферу языка, наиболее восприимчивую к преобразованиям и новообразованиям.

Литература:

- 1.Абрамов Б.А. Теоретическая грамматика немецкого языка. Сопоставительная типология нем. и русс. языков // Б.А. Абрамов. – М., 1999.– 286 с.
2. Гулыга Е.В. Новое и старое в лексике и грамматике немецкого языка / Е.В. Гулыга, Е.В. Розен. – Л.: Просвещение, 1977. – 160 с.
3. Соколова В.М. К проблеме слов широкозначной семантики / В.М. Соколова // Вопросы германской филологии. - Волгоград, 1977. – С. 41-77.
4. Ризаев Б.Х. Функционально-семантическое поле лимитативности в современном немецком языке Самарканд: СамГИИЯ. – 2013. – 164 стр.
5. Moskalskaja O. I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. –М.: Akademia, 2004. – 352 S.
6. Die Zeit. –Hamburg: Zeitverlag Gerd Bucerius GmbH Co. KG., 10. Januar 2013. –№ 3. –S. 1-65.
7. Die Zeit. –Hamburg: Zeitverlag Gerd Bucerius GmbH Co. KG., 17. Januar 2013. –№ 4. –S. 1-65.

Содиқова Н. Ҳозирги замон немис тилида аналитизм тенденцияси масаласига доир. Ушбу мақола ҳозирги замон немис тилида аналитизм муаммосига бағишланган. Мақолада немис тили материалида аналитик тенденциялар айрим аспектларининг шаклланиш жараёнлари кўриб чиқилади, аналитик шакл ва аналитик конструкциянинг чегараланиши белгилаб берилди.

Sodikova N. To the question about the tendency of analytizm in the modern German language. This article is devoted to the problem of analyticism in modern German. The article examines the processes of formation of certain aspects of analytical tendencies on the material of the German language, distinguishes between the analytical form and the analytical structure.



XX АСР БОШЛАРИ ТОЖИК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИ ЭВРИЛИШИНING АЙРИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Хўжақулов Сирожиддин Холмаҳматович,
СамДУ доценти, филология фанлари номзоди*

Калим сўзлар: шакл, мазмун, анъана, янгилик, эврилиш, синтез, тамойил, лирика, жанр, поэтик меъёр, тадриж, мафкуравийлик, ижтимоийлашув, поэзия.

XX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги сиёсий, тарихий, ижтимоий ва илмий-маърифий эврилишлар барча соҳалар каби бадиий адабиётнинг тадрижий тақомилини таъминлаб берди. Шеърият ва умуман адабиётга бўлган ўзгача ёндашувлар, янги мавзу ва мазмун талқини, хусусан, бадиий ижод моҳиятидаги функционал ўзгаришлари, бадиий тафаккурнинг тадрижий тақомили каби масалалар адабий жараёнда муҳим ва долзарб масалалар сифатида юзага келди. Бу каби адабий-инқилобий ўзгаришларни кўпгина ўзбек жадид шоирлари қаторида Мирзо Сирож Ҳаким Бухороий, Мирзажалол Юсуфзода, Мирзо Азим Самий, Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Мунзим, Абдулқодир Шакурӣ ва Садриддин Айний каби етук тожик маърифатпарвар ижодкорлари шеъриятида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Айнийнинг юксак шоирлик қобилияти ва истеъдоди ўша даврдаёқ ўз замондошлари томонидан эътироф этилган бўлиб, унинг мураббий ва маънавий устози Садри Зиё Айний шеъриятини насрий ижодидан устун билган эди. Пайванди Гулмуродзода ўзининг «Айний шеърияти ва ҳаётӣ воқелик» номли мақоласида: «Устоз Айний ўзининг бир қатор шеърларида мактабни васф этиб, мамлакат аҳлини билим олишга даъват этади, зеро, янгилик ва эскилик тарафдорлари бўлган икки тоифа кишиларнинг ғоявий қарама-қаршилигининг шиддат касб этиши даврида бу фавқулудда муҳим аҳамиятга эга. Унинг мактабни “сув” ва “нон” деб билиши, ўша давр маърифатпарварлик ғояси, янги даврда аста-секинлик билан шаклланаётган адабий-эстетик қарашлар асосида келиб чиқади [3, 41]. Бу ғоя эса

Аҳмад Дониш туфайли вужудга келган ва унинг маслақдошлари, салафлари ва издошлари туфайли даставвал Бухорода, кейинчалик Самарқанд ва унинг теваарак-атрофида ривож топган эди.

Эрон олими Зиё Бараҳоний фикрича “янги аср бўсағасида, янги ашъ ва унсурларнинг шеърият ва адабий тилга кириб келиши табиий ва мўътадил ҳолат”. Айтиш мумкинки, тожик шеъриятида “ислоҳот”, “мактаб”, “маърифат” (илм), “таждид” (янгилик), “иршод” (дастур), “ирфон” (билим), “истиқлол”, “хуррият” (озодлик), “рууннат” (нодонлик), “жаҳолат” (нодонлик) каби янги ижтимоий мотивдаги талқинлар, ўзгача тимсоллар, мафкуравий қарашлар, эскилик ва маънавий саркитлардан халос бўлишга интилишлар, XX аср бошларида замонавий илм-фан тараққиёти ва дунёвий ҳаёт тарзини тарғиб ва ташвиқ этиш каби мотивлар, бадиий асарларда мутлақо жадидона туркум бадиий тасвир воситаларини, янги бадиий ифода ва талқинлар юзага келишини таъминлаб берди. Ушбу давр шеъриятининг асосий мундарижасини юқорида тилга олинган муҳим ғоявий тематик мотив ва пафослар, тил қисмати, миллат тақдири, покиза эътиқод, саводхонлик масаласи ва дунёвий маърифат тарғиби каби глобал масалалар ташкил этди. Мумтоз поэтиканинг бадиий қолип меъёрлари дарз кетди.

Бу даврда бадиий адабиёт жамиятнинг иллат ва нуқсонларини фош этишда асосий мавқе касб этганлиги, том маънода халқнинг реал ҳаётининг ифода воситасига айланганлиги, адабиётдаги мазмун, мавзу, ғоя, услуб ва шу асосда шакл унсурлари ва бадиий ифода воситаларининг синхрон тарзда ўзгариб



бориши кузатилади. Зеро, маърифатпарвар зиёлиларнинг асл мақсад-муддаоси, дунёқарашини, улар илгари сурган ғоялар уларнинг асарларида ўз аксини топди. Тожик адабиётининг «рихвот ва рукуд» (таназзулга юз тутиш, маънавий карахтлиқ) давридан кейин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бадиий адабиётда янгича йўналишлар ва тамойиллар юзага келди. Аслида бу янгиланиш жараёнининг туб моҳияти маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг асосий ғоялари билан боғлиқ эди.

Маълумки, янги маърифатпарварлик ғояларининг пайдо бўлиши XIX асрнинг иккинчи ярмида бутун Шарқ мамлакатларида янгича адабиётнинг юзага келишига сабаб бўлди. Халқ ва ундаги зиёли табақа айнан ҳаётнинг муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳамда адабий жараён масалалари ечимини шунда топди. Нафақат тожик, балки бутун яқин Шарқ халқлари адабиётида вужудга келган янгича тамойил ва йўналишлар адабиётнинг ўзига хос мазмун ва мундарижаси шаклланишида муҳим роль ўйнаган бўлса, кейинги босқичда жадид адабиётининг юзага келишини таъминлаб берди ҳамда миллий уйғониш мафкураси сифатида бутун адабиётни ўзининг улуғвор ғоялари тарғибига бўйсундирди. Бошқача қилиб айтганда, адабиёт ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ўзгаришларга учради. Масалага чуқурроқ назар ташланса, нафақат XX аср бошларида, балки ундан аввалроқ, XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам тожик адабиётида янги ғоялар куртак ҳолида вужудга келаётганлигини кузатиш мумкин. Қисқа бир муддатда адабиётда илгари мисли кўрилмаган адабий жанрларнинг тадрижий тарзда шаклланиши юзага келиб, адабий жараён янгича қонуният ва тамойиллар асосида тараққий эта бошлади. Бу даврда тавсифий ва мадҳий мазмундаги адабиётдан, воқеликка танқидий назар билан қаровчи, ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда реалистик унсурларга таянувчи, мумтоз адабиёт поэтик меъёрларига парадоксиал андозалар

кўринишдаги адабий жараён ва йўналишларни кузатиш мумкин. Таҳлилий ва танқидий мотивлар шеърий жанрларда учрагани каби насрда янги услубдаги асарларнинг юзага келишини таъминлади. Худди шу жараён янги бадиий шакллар, бадиий асарларда янгича услубнинг шаклланишини тақозо этди. Дарҳақиқат, бундай даъват ва хитоблар бадиий ижодга таъсир этмасдан қолмасди. Сиддикий Ажзий ўзининг бир ғазалида:

Ба сар чоҳе кан, обе каш зи баҳри манзилободий,

Хаёли осмонгарди макун бош аз заминуҳо.. [8,33]

(Мазмуни: “Юрт ободлиги учун бош (ақлу тафаккур) инг билан бўлса-да қудук қазиб сув чиқар, осмонларда сайр этишни хаёл этма, ерга туш ва бу ердаги кишилар каби бўл” деб куйлаганида, маъшуқанинг ҳусну жамолини тасвирлаш, мавҳум ва мубҳам такаллуфпардозликдан воз кечиб, ғафлатда қолган миллатнинг манфаати йўлида ижод қилишни, мамлакат озодлиги ва ободлиги учун саъй-ҳаракат қилишни назарда тутган эди. Ёки Абдурауф Фитратнинг “Фарёд” номли куйидаги шеърида (1912 йил 29 июнда «Бухорои шариф»да чоп этилган) шунга яқин бўлган оҳангдорликни кузатишимиз мумкин:

*Фарёд, ки зору нотавамонем,
Берўхтарин мардумонем.
Наикуфта ба гулиани тамаддун,
Афсурдаи меҳнати хазонем.
Сармоия мардумӣ надорем,
Лекин ба қатори мардумонем.
Не чуръати он, ки як қадам пеш
Дар ҳодаи мардумӣ бимонем,
Не тоқати ин ки хештанро
Бегайрату беҳунар бихонем...
Эй панҷаи беамони гафлат,
Моро зи чӣ рӯ хароб кардӣ..... [6, 3].*

Бу шеър ҳам ўзининг мазмун ва моҳияти нуқтаи назаридан ва услубий хусусиятлари борасида XX аср бошлари маърифатпарвар ва жадид адабиёти намояндаларининг ижодиёти анъанавий жанрларни қўллаш масаласида мумтоз адабиёт вакиллари ижодидан тубдан фарқ қилишга ёрқин далилдир. Бу фарқ шундан иборатки, мумтоз адабиётдаги ғазал,



маснавий, китъа, қасида, рубоий, дубайтий, мухаммас, таржеъбанд ва бошқа лирик жанрларда романтик тасвир услуби яққол устунлик қилса, XX аср бошлари маърифатпарварлик адабиёти лирик шеърлари мазмун-мундарижасида ижтимоий-воқеий муаммоларнинг бадиий талқини ёхуд, бир сўз билан айтганда, ҳаётий прагматик тамойиллар устуворлик қилади. Аслида мазкур шеър ҳажм нуқтаи назаридан анча катта. Лекин, унинг кейинги бандларида келтирилган фикр-мулоҳазалар ҳам аслида ҳар бир банд охирида такрорланиб келган байт мазмунини қувватлайди, яъни жоҳиллик ва нодонлик оқибатида маҳаллий халқнинг маънавий таназзулга юз тутганлиги танқид қилинган.

Мазмун шаклга нисбатан тез ўзгарувчан бўлиб, унинг ўзгариши асосида шакл ҳам ўзгаришларга учрайди. Бадиий асар шакли ва мазмуни ўзгаришининг диалектик муносабати ҳам шунда. Бадиий асарларда бу ҳолат жанр имкониятлари, ижодкорнинг тасвир маҳорати билан боғлиқ бўлади. Бу эса даврнинг ижтимоий ва маданий ўзгаришлари билан алоқадор бўлиб, у ўз навбатида, адабий жараён йўналишининг ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бадиий асарнинг мавжуд барча шакл хусусиятлари мазмунга нисбатан устувор саналиб, мазмун ўзгаришлари маълум муддатда жанрлар тақомилида ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан давр адабиётининг энг муҳим жиҳатларидан бири, мумтоз анъанавий қолип ва андозаларнинг барҳам топиши ёки тамоман янгиланиши, янги бадиий ижод усуллари ва шаклларининг вужудга келиши билан характерлидир. Давр адабиётидаги ўзгаришлар, лирик ва эпик асарлардаги поэтик хусусиятларнинг янгиланишида фикрий инқилоблар катта таъсирга эга бўлди. Зеро, фикрий инқилоб, янги тафаккур тарзи, бадиий мафкура тадрижи, шеъринг ва насрий асарнинг шакл хусусиятларини ҳам ўзгартирди. Адабиётшунос олим Ш.Раҳмонов таъбири билан айтганда: “Бу ҳолат оригинал шоирона мавзу ифодалари, янги маънавий қуймаларни юзага келтирди. Унинг янги ва

оригиналлигини фақат анъаналар ва даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда тушуниш мумкин” [5,133]. Ўрганилаётган даврда анъанавий шеъринг поэтик архитектониясининг ўзгариши ижтимоий муҳит, замон ва лирик қаҳрамон табиати билан уйғун ҳолда юзага келди. Зеро, лирик асарларда вазн ва қофия, бадиий образлар, бадиий тасвир усуллари мумтоз адабиётнинг энг яхши анъаналаридан баҳраманд бўлиш баробарида замонавий Шарқ ва Ғарб шеърингидеги илғор тенденциялар, улардаги руҳият ва тасвир воситаларининг кириб келиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Давр маърифатпарварларининг асосий даъволари бадиий ижод тамойиллари тақомилига қаратилган эди. Шу даъво таъсири ўлароқ, баъзи лирик жанрлар мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан бу даврда ўзгаришга учради. Зеро, маърифатпарварлик шеърингидеги моддиончилик (материалистик), дунёқарашнинг бир ифодаси бўлиб, унда моддий олам унсурлари тавсифи ва реалистик тасвир тарзи катта мавқега эга бўлди, шу жиҳатдан у руҳ ва руҳият олами тасвирига таянувчи мумтоз шеърингидан жиддий фарқ қилди. Асарлар давомида инсон руҳияти ва қалбига хос ҳис-туйғуларни ифода этган форс-тожик лирик жанрлари XX аср бошларида ақл ва тафаккурга таянувчи борлиқ ва воқелик, инсон турмушининг реал муаммоларини ифода этувчи, ижтимоийлашув жараёнини бошдан кечираётган тарғибот ва ташвиқот минбарига айланди. Бир томондан, бундай янги ижтимоий оҳанглар, танқидий ва тарғибий мазмун ва ғоялар, кучли сафарбарликнинг сиёсий қуввати, ижтимоий арзодлик оҳанглари мазкур давр тожик шеърининг таъсир қувватини оширган бўлса, бошқа томондан, анъанавий лирик жанрларни инкор этиш, бадиий тасвир қонуниятларидан воз кечиш, ишқий жанрларнинг жадал тарзда шаклланмаганлиги «миллий шеър»нинг ривожланишига сабаб бўлди. Баъзи лирик жанрлардаги шакл ва мазмун



номутаносиблиги анъанавий шеърятдан узоқлашиш натижасида юзага келди. Ш.Раҳмонов фикрича, «Бегоналик, миллий маънавиятга шубҳа билан қараш, кечаги жанрларни бугунги замонга мувофиқ қила олмаслик кўпчилик анъанавий жанрларнинг аҳамияти ва мавқеини пасайтирди» [5,9].

Бироқ, барча анъанавий адабий жанрлар ҳам қайта шаклланиш ва янгиланиш масаласида бир хил сатҳ ва даражадаги эврилишга эга эмас. Янги ижтимоий мавзу ва мазмун ҳамда ғоявий мундарижа тузилиши жиҳатидан жанрий белгилари шу янгиланишларни акс эттириш учун нисбатан мослаша олган жанрлар асосий мавқега эга бўлди, холос. Амалда тадрижий равишда юксалиб бораётган ижтимоий мафкура ва янги ғоялар тарғиби бадиий адабиётда юксак доирада ўз аксини топди. Шу жиҳатдан, XX аср бошлари маърифатпарварлик адабиётида муҳим ижтимоий-маърифий масалаларни таҳлил, талқин, тарғиб ва ташвиқ этиш имконияти кенгроқ бўлган адабий жанрлар истеъмолда бўлди. Жумладан, бу даврда лирик жанрлардан ғазал, мухаммас, мусаддас, янги типдаги маснавий адабиётнинг асосий анъанавий жанрлари бўлиб, қасида, қитъа, рубоий, дубайтий, фард каби жанрлар асосан сарой адабиёти ва анъанавий йўналишдаги адабиёт вакиллари ижодида муҳим мавқега эга бўлди. Масалан, қасида анъанавий жанр сифатида маърифатпарварлик ва жадид адабиётида катта мавқега эга бўлмаса-да, баъзи шоирлар ижодида кўлланди. Адабиётшунос олим Ш.Раҳмонов таъкидлайдики, «Эрон инқилобининг аввалги йилларида Ориф Қазвиний, Абулқосим Лоҳутий, Маликушшуаро Баҳор, Мирзодаи Ишқийнинг инқилобий шеърлари тасниф қолипи ва тарзидаги шеърлар сифатида яратилган. Тасниф шеърнинг бир тури бўлиб, содда ва самимий, қизғин, шўх, ўйноқи оҳангда ёзилади, бениҳоя ошиқона, жозибали оҳангга эга бўлиб, ҳажв ва танқид мазмунида ҳам қўлланилиши мумкин, халққа завқ ва ҳаяжон бахш этади» [5, 70].

Али Асғар Буванди Шаҳриёрийнинг «Тоҷик поэзиясида «янги шеър» шаклланиши» рисоласида мумтоз шеърят жанрларининг истеъмолда эканлиги, умуман, мумтоз жанрларнинг саристеъмоллиги масаласи муҳокама этилган. Тадқиқотчи қиёслаш ва далиллаш учун шу давр Эрон ва Афғонистон адабиёти материалларига мурожаат этади ҳамда Эрон маърифатпарварлик адабиётида ҳам сўз усталари «ўзларининг ўша амалдаги жанрлари – қасида, ғазал ва маснавий ва рубоий каби қолиплардан кўпроқ фойдаланганликларини таъкидлайди. Олимнинг фикрича “Мусаммат турлари, мустаназод, таржеъбанд ва таркиббанд каби бошқа шеърий шакллар камроқ ривожланди ва камроқ истеъмолда эди. Ҳатто, Эрон ва Афғон маърифатпарварлик адабиётида ижодкорлар ўз бадиий ниятини баён этиш учун энг кўп мурожаат этадиган шеърий қолиплар анъанавий шеърий шакллар - қасида, ғазал, маснавий, рубоий, мухаммас ва таърих эди» [2, 14].

Шу тариқа, давр адабиётида жанрлар таракқиети ва янгиланишига сабаб бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётда юзага келган тарихий шароит, давр воқелиги ва янги ижтимоий ва адабий жараён; миллий матбуотнинг юзага келиши, маърифатпарварлик ғояларининг таъсири ва кенг миқёсда ёйилиши, инқилобий тафаккур, адабий-эстетик қарашларнинг шаклланиши; адабий жанрларга бўлган ўзгача муносабат, адабиётнинг ички қонуниятлари, бадиий ижод принципларининг ўзгариши, маърифатпарварлик реализмининг ижодий метод сифатида вужудга келиши; бошқа халқлар маърифатпарварлик адабиётининг таъсири, бадиий ижодга халқона оҳанг ва мотивларнинг кириб келиши муҳим тамойиллар сифатида белгиланади.

Шунингдек, XIX аср охири ва XX аср бошлари адабиёти янги тарихий шароит, янги сиёсий-ижтимоий ҳаёт, барча жабҳалардаги изчил ислохотлар, давр воқелигининг турли соҳалардаги умумий ўзгаришлар маҳсулидир.



Маърифатпарварлик адабиётида ғазал, китъа, қасида, маснавий, мусаддас, мухаммас, таржеъбанд каби анъанавий лирик жанрлар янгича мазмун, ўзгача функционал хусусиятлар касб этди. Лирик шеъриятда мазмун ва шакл

компонентлари, поэтик тимсоллар янгиланди, тасвир тарзи, шеърнинг тузилиши, архитектуроникасида жиддий ўзгаришлар юзага келди ва вазн ҳамда қофия тузилиши жиҳатидан янгиликка юз тутди.

Адабиётлар:

1. Айний С. Куллиёт, Ҷ.7. – Душанбе: Нашр. Давл. Тоҷик, 1962. – 646 с.
2. Али Асғар Буванд Шахриёрӣ. Становление «новых стихов» в таджикской поэзии. АКД. – Душанбе: ДМТ, 2002. – 22 с.
3. Гулмуродзода П. Маорифпарварони тоҷик ва матбуот. //Журналистика ва чома. – Душанбе: Эҷод, 1999. – 59 с.
4. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 461 б.
5. Раҳмонов Ш. Сухане чанд аз лирикаи форсии тоҷикӣ. - Душанбе: Шарқи озод, 1999. - С. 133.
6. Фитрат (Абдурауф). Фарёд! //Бухорои шариф, 29 июн– 3 июл (7 июл) –и 1912. – С. 4.
7. Шарифов Х. Шоир ва шеър (Маҷмӯаи мақолаҳо). //Мазмун ва шакл дар шеъри имрӯзаи мо. – Душанбе: Адиб, 1998. – 216 с.
8. Ҳаёт Неъмат. Сипехри орзу. (Намунаи адабиёти тоҷики Самарқанд дар асри 20 ва ибтидои асри 21). – Душанбе: 2019. Иборат аз 400 саҳ.

Хужакулов С. Некоторые особенности таджикской джадидской поэтики начала 20 века. В статье рассматриваются принципы эволюции элементов содержания и формы, формирования традиционных лирических жанров на основе феномена художественного синтеза, проблема постепенного совершенствования классических поэтических норм, принципы идейности и социализации поэзии. Исследована роль пропаганды и критических мотивов в традиционных лирических жанровых образцах.

Xujakulov S. Some peculiarities of Tajik Jadid poetics of the beginning of the 20th century. The article deals with the principles of evolution of content and form elements that gradually emerged in the Enlightenment and Jadid literature, the formation of traditional lyrical genres on the basis of the phenomenon of artistic synthesis, the gradual improvement of classical poetic norms, the principles of ideological and socialization of poetry. The role of propaganda and critical motives in traditional lyrical genre patterns has been explored.



ФРАНЦУЗ ТИЛИДА “LE POLITIQUEMENT CORRECT”(НУТҚИЙ ҲУШЁРЛИК) ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛАШДА ЛИТОТА ВОСИТАСИНING ЎРНИ

*Маматқулов Абдулхафиз Латипович,
АндДУ доценти, филология фанлари номзоди*

Калит сўзлар: “нутқий ҳушёрлик”, тил, нутқ, нутқ объекти, тасвирий воситалар, литота, префикс, мейозис, негатив маъно.

Ижтимоий ҳодиса сифатида фаолият кўрсатаётган тил доимий ҳаракатдадир. Тил - нафақат тафаккур маҳсули, маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки у бутун бир олам, коинотнинг таркиби ҳамда мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттиришга хизмат қилувчи мураккаб ҳодиса саналади.

Тил халқларни яқинлаштирувчи, жипслаштирувчи, энг қудратли ва энг ишончли воситадир. У ўзида инсоннинг жамики ҳис-туйғуларини, ақл-идрокини, иймон-этикодини ва борлигини намоён қилади, мужассам қилади, тафаккурни шакллантиради [1. 5].

Шунингдек, тил биринчи навбатда инсондаги ўзини ўзи англашнинг мавжудлик усулидир. У ёки бу тилда гапириш тилнинг туб моҳиятига етиб бориш, моҳият истиқомат қиладиган жойга кириш демакдир. Демак, инсоннинг мавжудлиги, унинг моҳияти тилда мавжуд бўлади. Тил кишиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ифодалайди, улар учун мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади. Тил айна вақтнинг ўзида инсон маданиятининг буюк маҳсули ва ривожланиш имконияти ҳамдир, чунки инсоннинг инсон сифатида шаклланишида унинг тафаккури ва нутқи асосий аҳамиятга эга, тилни эгаллаш инсоннинг энг зарур вазифасидир.

Маълумки, тил миллатлараро алоқа воситаси, тажриба ва билимларни, миллий маданиятни сақлаш, уларни авлодлардан авлодларга етказиш қуроли ҳам бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тил фикр ва мулоҳазани шакллантиради, кундалик мулоқотни юзага келтиради.

Шу кунгача француз адабий тилининг, шунингдек, шева ва

диалектларнинг фонетикаси, морфологик системаси, имлоси, графикаси ва орфографиясини ўрганиш бўйича бир қатор муваффақиятларга эришилди. Бундай тадқиқот натижалари француз адабий тилининг лингвистик хусусиятларини очиш ва илмий умумлаштиришга хизмат қилибгина қолмасдан, француз адабий тили маданиятини кўтаришга ҳам сезиларли даражада ҳисса қўшди. Шу кунга қадар француз тилшунослигида нутқнинг ўзи, яъни француз нутқи ўзига хос ҳодиса, махсус категория сифатида етарлича ўрганилмаган. Бунда нутқ ва тил, нутқнинг муҳим лингвистик ва лингвистик бўлмаган томонлари, монологик ва диалогик нутқ уларнинг ўзаро муносабатини тил-норманутқ, тил-адабий, тил-адабий норма-адабий нутқ, тил системаси ва нутқий система, француз нутқининг типлари, турлари, нутқ стиллари, ички ва ташқи нутқ, нутқдаги лингвистик, психологик, мантиқий, этикавий томонлар ва уларнинг ўзаро муносабати, француз тилидаги тилга хос воситалар, уларнинг ўзаро муносабати сингари муаммолар етарлича тадқиқ қилинмаган.

Сўзлашув нутқиға бағишланган турли илмий адабиётларда ушбу нутқий ҳодисаларнинг баъзи томонлари ҳақида маълумотлар берилди, яъни тадқиқотчилар сўзлашув нутқиға хос белгилар, хусусиятлар, унинг ўзига хос томонларини аниқлашга интилдилар. Аммо, сўзлашув нутқиға хос бундай томонларни кўрсатиш авторларда турли хил учрайди.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар тилда, албатта, ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам нутқий фаолиятнинг



таркибий қисми ҳисобланган “Je politiquement correct” (нутқий хушёрлик) тушунчасини ижтимоий ҳодиса сифатида тилшунослик нуктаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Нутқий хушёрлик” – тилшуносликда янгича ёндашув бўлиб, нутқ фаолиятида ҳар қандай камситишларга йўл қўймасликни, ноқулай ибораларни қўлламасликни билдиради. Бу тушунчанинг асл моҳияти нутқ жараёнида у ёки бу майда этник (ирқий, жинсий, ижтимоий) гуруҳ вакилларининг иззат-нафсига, нафсониятига, ҳамиятига тегиб кетмаслик ёки ҳаётдаги нохуш воқеа-ҳодисаларни яшириш ёки ниқоблаш, сўзловчининг мақоми ва гапнинг нима ҳақида бораётганлигини аниқ кўрсатишдан иборат. Шунга мос равишда тилда янги-янги тушунчалар пайдо бўла бошлайди, улар нутқ объектини тўғридан-тўғри, дангал, ошқора ифодаламай, уни юмшоқроқ, қочиримлар йўли билан тавсифлашга хизмат қилади.

“Нутқий хушёрлик” тушунчасини ифодаловчи тасвирий воситалар: эвфемизм, табу, таянч сўзлар, иборалар, перифраза, гипероним, литота, махсус атамалар, аббревиатура, ўзлаштирилган сўз ва иборалар, метафоризация, эллипсис, фикрни яшириш, окказионал сўз ва бирикмалар, номнинг турдан турга кўчирилиши, метонимик кўчим, сўз яшаш, алмаштириш усулида ифодаланди.

Нутқнинг “нутқий хушёрлик” ҳолатини ифодаловчи сўз ва иборалар литота риторик воситаси билан ифодаланиши мумкин.

А.Ҳожиев таъбирича литота (< грекча. *litótés* – оддийлик) – “нарса, ҳодиса ёки белгининг ҳажми, кучи кабиларни камайтириб тасвирлаш. Масалан, *кўп ўрнига оз эмас, яхши ўрнида ёмон эмас* формасининг қўлланилиши” [2. 52].

Демак, литота – бу:

Биринчидан, “риторик кичрайтириш” воситаси бўлиб, зид маънодаги антонимлардан иборат бўлади:

ўзбек тилида: Буни тушуниш қийин эмас – буни тушуниш осон ;

рус тилида: “*Нетрудно догадаться*” – “*Легко догадаться*” ;

француз тилида: “*Pas mal*” – “*bien*” .

Иккинчидан, бу – мейозис, яъни бирор нарсанинг маълум-машҳур даражаси ёки хусусиятини камайтириб кўрсатувчи нутқ фигура: *мальчик с пальчик* (*тирноқдай бола*).

Шундай қилиб, литота – бу қарама-қарши маънони зидлаш орқали алмашинган сўзнинг ижобийлашган, яхшиланган варианты. Бунда зиддийлик ташқи унсурлар воситасида белгиланади.

Сўзловчи ахборотидаги нохушлик, денотатва ифода ўртасидаги номутаносиблик гипероним ва литоталар орқали юмшатилиб ифодаланади. Тил тизимида денотатга хос салбий кўшимча маъно, коннотация бу ерда текисланади, юмшоқ, силлиқ ифодага эга бўлади. Фикрни аниқ билдириш, айтилаётган хабарда қатъийликнинг йўқлиги билан стилистик самарага эришилади. Демак, “нутқий хушёрлик” услубининг асосий талаби – акс эттирилаётган тушунчанинг негатив маъно компонентларини яшириш учун нарса, воқеа-ҳодиса юмшоқ, пардали ифодалашдир.

“Нутқий хушёрлик”ни ҳосил қилишда бу стилистик воситанинг аҳамияти катталиги ва кенг тарқалганлиги боис кўпчилик француз тилшунослари *унилитотомания* деб аташмоқда. Биз нутқий хушёр литоталарнинг қуйидаги шаклий кўрсаткичларини аниқладик:

1) предметнинг маълум хусусиятини камайтириб беришга хизмат қилувчи *pas très, ne plus* каби жуфт равишлардан фойдаланиш:

Аёл кишининг хунуқлигини кўрсатиш учун “*laide*” сўзи ўрнига *Elle n'est pas très belle* (у жуда чиройли эмас);

Бирор кишининг катта ёшда эканлигини кўрсатиш учун “*vieux*” ўрнига *Je n'ai plus 20 ans* ; катта ёшни бевосита ифодалаш учун эса *Il (elle) n'est pas maigre* қўлланилади.

2) *Non-, dé-, sous-, in-, im-, anti-, mal-* префикслари ва префикс унсурлари



ёрдамида яратилган янги сўзлар – неологизмларнинг пайдо бўлиши:

Non префикси ёрдамида ясалган “нуткий хушёр” литоталар ҳозирги француз тилида анчагина. Масалан:

ўлимни ифодаловчи “*la mort*” сўзи ўрнида янги *la non-vie* (айн.: “хаётмас”) пайдо бўлди;

ўликни ифодаловчи “*mort*” ўрнига *une personne non-vivante* пайдо бўлди;

ногиронни ифодаловчи “*un invalide*”, “*un handicapé*” ўрнига *une personne non-mouvante* (айн.: – “харакатланмайдиган киши”);

силликбош кишини ифодаловчи “*un chauve*” ўрнига *Un non-peignant* (айн.: “тароқ ишлатмайдиган киши”) пайдо бўлди;

мағлубият билан тугаган матчни ифодаловчи “*un mauvais match*” ўрнига “*Un non-match*” пайдо бўлди;

ҳийла, найрангни ифодаловчи “*une dérobade*” ўрнига *Une non-réponse* (“жавоб эмас”) пайдо бўлди;

мағлубият маъносидаги «*un échec*» ўрнига *Une non-réussite* (айн.: “ютук эмас”) пайдо бўлди;

“*le chômage*” (ишсизлик) ўрнига *Le non-travail* (“иш эмас”) пайдо бўлди;

“*la campagne*” (қишлоқ) ўрнига *La non-ville* (“шаҳармас”) пайдо бўлди;

“*couples contre nature*” (гомосексуал жуфтлик) ўрнига *Des couples non-traditionnels* (“ноанъанавий жуфтлик”) пайдо бўлди;

Dé префиксибевани ифодаловчи “*un veuf*” ўрнига *Un déconjoint involontaire* (боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра эрсиз қолган аёл) пайдо бўлди;

pauvre (камбағал) ўрнига *Un défavorise / un désaxe* (нохуш шароитга тушиб қолган киши) пайдо бўлди;

ёлғонни ифодаловчи “*mensonge*” ўрнига *Une désinformation* (дезинформация) пайдо бўлди;

“*fou*”(телба) ўрнига *Un déstabilisé mental* (ақлан ноқис) пайдо бўлди;

ажралишни ифодаловчи “*divorce*” ўрнига *Un démariage* пайдо бўлди;

такиқни ифодаловчи “*interdire*” ўрнига *Déconseiller* пайдо бўлди;

“*licenciements*” (ишдан бўшатиш) ўрнига *Un dégraissage* пайдо бўлди ваҳ.

In-/im префикслари “*grossiereté*” (кўполлик) ўрнига *Indélicatesse*

“*grossier*” (кўпол) ўрнига *Impoli*

“*saleté*” (лой) ўрнига *Impureté*

“*faim*” (очлик) ўрнига *Insécurité alimentaire*

Mal префикси кар кишини ифодаловчи “*un sourd*” ўрнига *Un mal-entendant* (ёмон эшитадиган) пайдо бўлди; нокулай уйни ифодаловчи “*un taudis*” (кулба) ўрнига *Un mal-logement* (ёмон уй) пайдо бўлди;

эси паст маъносидаги “*un sou*” (тентак) ўрнига *Un mal comprenant* (айн.: – “ёмон тушунадиган”) пайдо бўлди.

Sous префикси камбағал мамлакатларни ифодаловчи “*des pays pauvres*” ўрнига *Des pays sous-développés* пайдо бўлди;

Аҳолининг камбағал қатламини ифодаловчи “*pauvres*” ўрнига *Des sous-privilegiés* пайдо бўлди.

1. **Мейозисдан** фойдаланиш: *miro (miraud)* (сўзнинг туб маъноси “кўзи ожизроқ”).

2. **Кичрайтириши -эркалатиши шакллари** нохуш тасаввурни силлиқлаштиришга ёрдам беради: “семиз” маъносида *grassouillet, rondelet*, “озғин” маъносида *maigrelet, sécot* ишлатилади.

Бундан ташқари, муқобил сўзлар билан алмаштиришда қуйидагиларга эътибор қилинади:

1) **мейозис** муаммонинг даражасини камайтириш ва анча силлиқ самара кўрсаткичини таъминлашда кўл келади. Масалан, “касалик” ўрнига *malaise, indisposition*, “оғримок” ўрнига *être indisposé* ишлатилади.

2) кекса одамга нисбатан қўлланган *âges* сўзи– **мейозис ҳодисасини** ифодалайди, чунки бу сўз чекланган сифат даражасини билдиради.

3) семизлик ва озғинликнинг сўз ва иборалар билан ифодалашда белгининг



интенсивлик даражасини камайтириб
ифодаловчи *мейозис* катта роль ўйнайди.
Масалан, “gros” ўрнига *corpulent, replet,*
“obésité” ўрнига *embonpoint,* “maigre”
ўрнига *sec* ишлатилади.

Хулоса қилиб айтганда, француз
тилида нутқ одоби доирасида нутқий
хушёрлик тушунчасини ифодалашда
литота воситасининг ўрни муҳим аҳамият
қасб этади.

Адабиётлар:

- 1) Маматов А.Э. “Тилнинг энг муҳим 100 та функцияси”. -Т.: -2014. Bayoz. 5-бет
- 2) Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1985 . - Б 168
- 3) Dictionnaire de la langue française. Lexis. - Larousse, 1974. -2110p.
- 4) Le Petit Robert. Dictionnaire de la langue française. - Paris.: Dictionnaire le Robert, 1997. - 2555 p.
- 5) Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. - М.: Астрель, АСТ, 2000. - 624 с.

Маматқулов А. Роль средства litota в выражении “политкорректности” во французском языке. В данной статье обсуждается роль инструмента litota в выражении концепции «политкорректность» в контексте речевого этикета во французском языке.

Mamatqulov A. The role of litota in the expression of “political correctness” in the French language. This article discusses the role of the litota in expressing the concept of "political correctness" in the context of speech etiquette in French.



ВОПРОС ФОРМИРОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В СОВРЕМЕННОЙ МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

*Исмаилов Анвар Рустамович,
доцент СамГИИЯ, кандидат филологических наук*

Ключевые слова: методика обучения, педагогическая культура, социализация, учебный процесс, речевое поведение.

Большую роль в современной методике преподавания любой теоретической или практической дисциплины в системе высшего образования играет педагогическая культура, состоящая, в свою очередь, из духовных и материальных ценностей и способов педагогической деятельности с целью воспитания и социализации личности учащегося. Педагогическая культура представляет собой важное звено самореализации преподавателя и студентов, эффективности их взаимоотношений в учебном процессе.

Вопрос педагогической культуры представляет безусловный научно-практический интерес, поскольку он связан с эстетической, духовной и интеллектуальной сторонами педагогического взаимодействия двух основных объектов: преподавателя и учеников/студентов. Выражаясь иными словами, педагогическая культура представляет собой целую систему педагогических и профессиональных ценностей, необходимых в создании необходимого уровня педагогического взаимодействия.

Безусловно, педагогическая культура имеет прямейшую связь с личностными качествами педагога, уровнем его образованности, интеллекта и способов педагогического общения с участниками учебного процесса. Далее значимым представляется речевое поведение педагога, направленное на правильное течение учебного процесса в

рамках требуемого уровня педагогического воздействия.

В неразрывной связи с педагогическим поведением находится педагогическая позиция, т.е. определённый выбор поведения преподавателя в той или иной ситуации с целью повышения эффективности педагогического воздействия на обучающихся. К примеру, если студент не проявляет интерес к объясняемому на занятии материалу, педагог может выбрать какую-либо педагогическую позицию с одной целью – заинтересовать безразличного студента и вовлечь его в учебный процесс. Здесь следует отметить, что одна и та же цель может быть достигнута (полностью, частично или не достигнута вообще) с использованием разных педагогических позиций. Так, один педагог может внести игровой элемент или какое-либо интерактивное задание с целью повышения заинтересованности учащихся. Другой педагог может сделать строгое замечание студенту по поводу его отрешённости от учебного процесса. Третий педагог может вовсе не обращать внимания, продолжая занятие без внесения каких-либо изменений. Как видно из приведенных примеров, использование разных педагогических позиций приводит к самым разным результатам педагогического воздействия, причём как положительных, так и отрицательных.

Учёные в области методики преподавания и педагогической деятельности доказали, что педагогическая культура создаёт необходимые условия



для самореализации учащегося и формирования его личности. К сожалению, вопрос о педагогической культуре как необходимом элементе эффективного учебного процесса не привлекал достойного внимания педагогов в прошлом столетии. По этой причине традиционное обучение опиралось на централизацию роли учителя, имевшего право поругать непослушного или безразличного учащегося, выразить недовольство по отношению к его учебной деятельности, раскритиковать в классе или группе в присутствии других учащихся, причём, чаще в грубой форме.

Здесь следует отметить, что современные условия обучения и подъём общественного сознания на более высокий уровень диктуют использование других, более развитых способов педагогического воздействия в рамках педагогической культуры и приемлемых норм педагогического поведения. За основу такого подхода берутся такие понятия, как гуманизм, интеллигентность, уважение к личности учащегося, которые исполняют роль «строительного материала» в создании условий обучающей коммуникации между преподавателем и

учащимися. Всё это, как доказывает практика преподавания, способствует развитию мышления учащихся, нормализации их поведения и проявлению уважения по отношению к педагогу и другим учащимся.

Немаловажную роль в формировании педагогической культуры играют также знания педагога, которые подразделяются на теоретические, методологические и технологические [Е.В. Бондаревская, 2000, с.38]. Теоретические знания позволяют педагогу ориентироваться в педагогической концепции. Пути познания педагогических процессов воспринимаются на основе методологических знаний. Технологические знания диктуют педагогу способы и методы передачи содержания учебного материала. Различают также общепедагогические знания, проявляемые в педагогической деятельности, а также прикладные знания, подразумевающие знания по отдельным дисциплинам.

Проанализированные виды педагогических знаний можно изобразить в виде следующей взаимосвязи друг с другом:

Схема 1.





Согласимся с мнением Е.П. Белозерцева о том, что «способность педагогической личности к выполнению профессионально-обучающей деятельности посредством комплекса компетенций, знаний, навыков и умений обеспечивает профессиональную деятельность педагога» [Е.П.Белозерцев, 2004, с. 123].

Отношение педагога к знаниям и формам их приобретения определяет содержание педагогической культуры и указывает на уровень педагогического мышления. Выделяются несколько видов мышления, одним из которых является критическое мышление, опирающееся на анализ педагогом своего отношения к учащимся. Критическое мышление педагога позволяет воспринимать собственные ошибки и недостатки в построении эффективного учебного взаимодействия с обучающимися. Традиционное обучение имело ряд недостатков, основным из которых являлось отсутствие самокритики педагогов. Другой формой мышления педагога является созидательная направленность, призывающая учителя работать над собой и не быть одинаковым на всех занятиях. Другим компонентом педагогической культуры является комплекс профессиональных знаний педагога.

Несмотря на самостоятельное развитие, культура общества и культура личности дополняют и обогащают друг друга. Эту связь можно обосновать следующим образом: культура личности напрямую зависит от культуры общества, которое, в свою очередь, определяется совокупностью культур личностей, входящих в это общество. Эта совокупность вносит стимул развития общества и порождает индивидуальные интересы его членов. Иначе говоря, культура общества является движущим механизмом его развития и самосохранения.

Культура личности формируется из духовного восприятия объектов мира, усвоения человеческих ценностей и

идеалов. Культура определяет уровень гуманизма в индивиде и создает его творческую активность. Если рассматривать культуру личности и общества сквозь призму педагогической деятельности, то можно утверждать, что педагогическая культура позволяет оценивать педагогические явления и процессы, усваивать педагогические ценности, направленные на творческую деятельность личности. В контексте педагогической культуры педагог не только воспроизводит её, но и внедряет в педагогическую деятельность.

Содержание культуры личности включает такие понятия, как общая культура человека, профессиональная культура, педагогическая культура.

Составляющие культуры личности

Несмотря на широкое использование термина «педагогическая культура» в современной педагогической науке, отдельных исследований, посвящённых содержанию и формированию педагогической культуры, мало.

Носителями педагогической культуры являются преподаватели, передающие знания обучающимся.

А.В.Барабанщиков определяет педагогическую культуру как степень овладения педагогическим опытом и степень его совершенства в педагогической деятельности. Среди компонентов педагогической деятельности он указывает на педагогическую компетенцию педагога, уровень интеллигентности, эрудицию, нравственность, педагогическое мастерство, научно-исследовательскую деятельность, профессиональные качества, работу над собой [А.В.Барабанщиков, 2006, с. 18]. Перечисленные составные части педагогической культуры взаимосвязаны и взаимозависимы между собой, однако основным элементом педагогической культуры считается педагогическая деятельность. Формирование педагогической культуры напрямую зависит от индивидуальных, творческих, психофизиологических,



возрастных характеристик педагога и его жизненно-педагогического опыта [А.В. Барабанщиков, 2006, с. 19].

Элементами профессионально-педагогической культуры являются аксиологический, технологический и личностно-творческий компоненты. Аксиологический компонент представляет собой комплекс педагогических ценностей, внедрённых в учебный процесс и способствующих овладению новыми знаниями, идеями и концепциями. Аксиологический аспект намечен на создание модели профессионально-педагогической культуры преподавателя, состоящей из совокупности педагогических ценностей, управляющих профессиональной деятельностью педагога.

Технологический компонент опирается на способы и приёмы осуществления педагогической деятельности преподавателя, передачи знаний и опыта учащимся в процессе обучающего общения.

Личностно-творческий компонент направлен на процесс овладения профессионально-педагогической культурой. В рамках определённой педагогической концепции, преподаватель использует свой педагогический опыт и интеллектуальный потенциал, преобразуя имеющиеся знания в процессе обучения студентов.

Профессионально-педагогическая культура параллельно развивает творческую деятельность педагога, набирая опыт в аспекте преподавания. Педагогическая культура формирует адекватные модели поведения педагога в конкретной ситуации, при этом сохраняя человеческие ценности и формируя нравственные, эстетические и общественно-правовые отношения между педагогом и обучающимся коллективом. Педагог, воздействуя на своих воспитанников, реализует себя и развивается вместе с ними.

Человеческая натура – глубоко социальная, ибо человек не может существовать в одиночку. Где проявляется социальная сторона личности, там

демонстрируется его культурное содержание. Культура общества и общественных отношений является необходимым инструментом человеческих взаимоотношений. Культура представляет собой комплекс духовных ценностей и концепций о жизни, внешнего и внутреннего мира человека. Вспомним, что слово «культура» зародилось в античном Риме. Первоначальное значение было связано с обработкой земли. Далее великий римский оратор, писатель и философ М.Т.Цицерон внёс другое значение в понятие «культура» - это «возделывание человеческого ума», «образование» [интернет ресурс].

В 19 веке слово «культура» стало обозначать совершенствование духовного потенциала человека. В прошлом столетии возникло много разных толкований этого понятия. Так, например, И.Кант ассоциировал её с духовной красотой и нравственностью. Г.Гегель рассматривал культуру как развитие абсолютного духа. З.Фрейд определял культуру как сублимацию инстинктов. К.Леви-Строс интерпретировал культуру как совокупность знаков и символов [интернет ресурс].

Культура состоит из ценностей, которые, в свою очередь, могут быть материальными и духовными. К материальным ценностям относятся произведения искусства, литературы и т.д. К духовным ценностям относятся обычаи, традиции и религиозные принципы людей.

Проанализировав существующие точки зрения по поводу определения термина «педагогическая культура», можно обобщить его дефиницию: педагогическая культура представляет собой способ профессионально-творческой деятельности педагога с целью передачи знаний по определённому предмету или обучаемой дисциплине на базе педагогических технологий. Педагогическая деятельность неразрывно связано с культурой педагогического общения, которая, в свою очередь, опирается на общую культуру педагога. Педагогическая деятельность



осуществляется с использованием различных видов и технологий в соответствии с потребностями и интересами обучаемых.

Педагогическая культура должна формироваться в рамках объективности и внедряться в развитие общества и учебно-образовательных учреждений. В процессе формирования личности педагога приобретаются педагогические ценности, которые указывают на личностно-профессиональную компетентность педагога, уровень его педагогической культуры.

В содержании педагогической деятельности выделяется группа учебной, воспитательной, научной, методической и общественной работы педагога. Такое многообразие педагогической активности преподавателя способствует его росту и развитию как в профессиональном, так и научном и общечеловеческом плане. У каждого педагога разрабатывается собственная система педагогических ценностей и профессиональных убеждений.

Говоря о педагогических ценностях, следует не забывать, что они зависят от динамики общества и с изменением потребностей общества, тоже подвергаются изменениям и дополнениям. На каждом историческом этапе развития человеческого общества существовали разные педагогические ценности, соответствующие той или иной эпохе и отвечающие требованиям времени. Так, к примеру, в прошлом столетии существовал объяснительно-иллюстративный и грамматический подход в обучении иностранного языка, а в настоящее время внедрён коммуникативный подход с использованием новых компьютерных и педагогических технологий. В разные времена существовала разная оценка и мера использования тех или иных педагогических технологий и методов обучения в зависимости от потребностей образования.

Анализ педагогических ценностей показывает, что они представляют собой совокупность ориентиров педагогической

деятельности преподавателя. Вопрос о содержании педагогических ценностей представляет безусловный научно-практический интерес с точки зрения личностных качеств педагога, таких как справедливость, доброта, гуманность, честь и равноправие. Они создают фундамент для формирования совершенной личности педагога и осуществления правильно развивающейся педагогической деятельности. Всё это отражает внутренний мир педагога, ведь ценностное отношение является способом отражения действительности в человеческом сознании.

Многовековой опыт и анализ педагогической деятельности преподавателя показывает, что педагог обязан обладать высокой культурой общения и коммуникативной толерантностью, которые проявляются в его отношении не только к своим воспитанникам, но и их родителям, коллегам и другим людям. Педагогическая профессия испокон веков пользуется особым почтением в обществе и занимает высокое положение в иерархии авторитетов. Коммуникативная толерантность призывает учителя к уравниловке, терпимости и коммуникабельности с членами общества даже в неловких и эмоционально напряжённых ситуациях. В итоге формируется благоприятная обстановка для осуществления профессионально-педагогической деятельности учителя и учебной работы обучающихся.

Педагогической аксиомой является факт, что учитель должен принять ученика или студента таким, какой он есть, со всеми недостатками, и лишь позже, в учебном процессе использовать своё педагогическое мастерство и воспитательную функцию для уменьшения или устранения этих недостатков, причём на высоком уровне воспитанности и культуры общения.

В процессе проявления и реализации себя в речевом поведении языковая личность выбирает соответствующий своей цели,



коммуникативному заданию стиль общения, который может быть фамильярным или официальным, прямым или косвенным и т.п. [Т.А.Чеботникова, 2011].

Под толерантностью педагога понимается стремление помочь своим ученикам/студентам, проявление уважения к их личности, а также учёт их индивидуальных и психологических особенностей. Задачей педагога является развитие духовного мира и уровня интеллекта обучающихся, проявление веры в их способности. Педагог должен уметь выслушать своего воспитанника, понять его, рассмотреть ситуацию с его стороны, а не в стереотипных рамках традиционного подхода в образовании. Только так педагог сможет «установить мост» эффективного, доброжелательного и, самое главное, правильного педагогического общения с учащимися. В этом русле выявляется коммуникативная компетенция преподавателя.

Коммуникативный акт, происходящий между преподавателем и учащимися, опирается на процесс слушания. Общеизвестно, что умение выслушать является составной частью общечеловеческой культуры общения, когда слушающий даёт понять собеседнику, что его слушают, понимают и их речь интересна. Психологи утверждают, что в процессе слушания необходимо поддерживать беседу киванием головой, жестами и короткими фразами или репликами «да», «нет» и т.п. Самым лучшим видом слушания является эмпатическое, которое формируется на переживании эмоций вместе с говорящим. Обычно при таком виде слушания не задают дополнительных вопросов, не критикуют и не оценивают ситуацию, а просто слушают и, тем самым успокаивают говорящего. В педагогической практике такой вид слушания позволяет учащемуся высказать своё мнение и быть дослушанным до конца.

Слушая, педагог должен уметь вслушиваться в то, что говорят его

воспитанники, слушать с интересом, не перебивая. Многие учителя слушают лишь для того, чтобы оценить учащихся, и это становится барьером коммуникативного характера. В процессе педагогического общения со своими студентами / учениками педагог играет главную роль, поскольку он «рулит» ситуацией. Желательно, чтобы в этом процессе педагог проявлял терпение, доброжелательность к своим собеседникам, уважительное отношение к их точке зрения, контроль за своим эмоциональным тоном, соблюдение норм этикета, оптимизм и его внушение, сохранение дисциплины класса/аудитории.

Т.К.Саттаров определяет профессиональную иноязычную коммуникативную компетенцию педагога, помимо языковой (лингвистической) и речевой разновидностей, социокультурным, компенсаторским и учебным компонентами [Т.К.Саттаров, 2009, с. 235].

Профессиональная компетенция опирается на правильное выборе языковых средств для выражения мыслей и осуществления диалога с учащимися. Способность сделать правильный выбор, осуществить необходимое ролевое речевое переключение, адекватно заявив о себе в различных ситуациях общения, является показателем сформированной коммуникативной личности, понимаемой как одно из проявлений личности, обусловленное совокупностью ее индивидуальных свойств и характеристик, которые определяются степенью ее коммуникативных потребностей, когнитивным диапазоном, сформировавшимся в процессе познавательного опыта, и собственно коммуникативной или социолингвистической компетенцией, позволяющей человеку быть не просто говорящим, а членом социально обусловленной системы общения [Т.А.Чеботникова, 2011].

Коммуникативный контекст предписывает участникам общения



определенные типы речевого поведения в зависимости от их социального статуса, адекватная реализация которых возможна при условии правильного их определения и выбора соответствующих способов их языкового выражения.

Педагогические ценности составляют совокупность индивидуальных, профессионально-групповых и общественных ценностей, которые функционируют в масштабах общества в виде морально-нравственных убеждений, философских принципов и общественного мнения. Это, выражаясь обычными словами, комплекс идей, норм, правил осуществления профессионально-педагогической деятельности преподавателя школы, среднего специализированного или высшего учебного заведения.

Педагогическая культура достигает различные уровни развития у разных педагогов, поскольку каждый педагог имеет собственную модель организации учебного процесса, индивидуальный ориентир по применению тех или иных технологий и собственную точку зрения по моделям поведения в конкретной педагогической ситуации. Следует не забывать, что у каждого учителя вырабатывается собственный подход как в обучении, так и в воспитательной функции в работе с аудиторией. Важную

значимость в данной системе приобретают педагогические ценности, раскрывающие личностные качества педагога и его профессиональную компетенцию. Сопоставление педагогической культуры и профессиональной деятельности преподавателей позволяет выявить разницу оценки педагогической личности. Причём, оценка общества складывается из совокупности индивидуальных оценок.

Таким образом, работая над собой, педагог получает удовлетворение от образовательного процесса и приобретает навыки регулирования и устранения проблем, возникающих в нём. Педагогическая культура формирует в сознании преподавателя модели поведения в аудитории, общения с учениками или студентами, а также с коллегами и коллективом вообще. Педагогическая культура, как становится очевидным из анализа составных компонентов, базируется на их переплетении и взаимосвязи. Богатый потенциал педагогических ценностей создают почву для эффективного и правильно организованного обучения, от которого получают удовлетворение как преподаватель, так и обучаемые. Вопрос педагогической культуры занимает важное место во всей профессиональной и педагогической деятельности учителя.

Литература:

1. Барабанщиков А.В. Психология восприятия. Организация и развитие перцептивного процесса. – Москва: Высшая школа психологии, 2006. – 240 с.
2. Белозерцев Е.П. и др. Педагогика профессионального образования. – Москва: Академия, 2004. – 368 с.
3. Бондаревская Е.В. Теория и практика личностно-ориентированного образования. – Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского педагогического университета, 2000. – 352 с.
4. Сагтаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 52 с.
5. Чеботникова Т.А. Социальная роль и речевое поведение личности: инвариант и вариант. // Современные исследования социальных проблем, Т. 8, № 4, 2011. – С. 104. // Электронный ресурс: <http://sisp.nkras.ru/4/chebotnikova.pdf>.
6. <http://www.springer.com/978-1-85233-953-1>



Исмаилов А. Чет тилларни ўқитиш замонавий методикасида педагогик маданиятнинг шаклланиш масаласи. Мазкур мақола чет тилларни ўқитиш методикасида зарур бўлган педагогик маданиятнинг шаклланиш масаласи тадқиқига бағишланган. Педагогик маданиятнинг асосий компонентлари ҳамда унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Ismailov A. The problem of the formation of pedagogical culture in the modern methodics of teaching foreign languages. The article investigates the problem of the formation of pedagogical culture which is so necessary in the modern methodic of teaching foreign languages. The main components of pedagogical culture as well as the factors which influence on its formation have been revealed.



**ФРАЗЕОЛОГИЯДА “ОҚ РАНГ”НИНГ ЛИНГВО-ПСИХОЛОГИК
ТАЛҚИНИ**
(француз ва ўзбек тиллари материалида)

Сувонова Нигорабону Низомиддиновна,

СамДЧТИ доценти

Исламова Озода Ғулом қизи,

СамДЧТИ талабаси

Калим сўзлар: “оқ ранг”, тилшунослик, психология, маъно оттенкалари, фразеологик иборалар, ижобий, салбий, нейтрал, шахс фазилати, шахс иллати.

Қадим замонлардан буён инсонлар ранг ва уларнинг амалий, назарий ҳамда маънавий, психологик хусусиятларига алоҳида қизиқиб келишган. Хусусан, антик даврларда машҳур файлусуфлар Эмпедокл, Демокрит, Афлотуон ва Аристотеллар ранглар борасида илмий ва амалий қарашларни илгари сурган, яъни улар ўша давр эстетик нормаларидан келиб чиққан ҳолда рангларни табиий-илмий, диний ҳамда мавҳум рамзий маънолари нуқтаи назаридан тавсифлаганлар [<http://cvet-psy.ru/tsvet-v-antichnoj-kulture-drevnyaya-grets>].

Ҳозирги кунда ҳам рангларни турли соҳа нуқтаи назаридан ўрганиш билан бир қаторда, улар тўғрисидаги илмий ғояни ривожлантириш масалалари илмий тадқиқотчилар диққат марказидан ўрин олмоқда. Хусусан, рангларнинг ўзига хос турли-туман ранг-баранглик асосидаги кўзни қамаштирадиган жилоси санъатшунослик, фалсафа, физика, физиология, психология ҳамда тилшунослик фанлари нуқтаи назаридан кенг тадқиқ қилиб келинган. Шундай экан, ранглар жилосини нафақат санъатшунослик соҳаси доирасида, балки, тилда ва психологияда акс эттириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, кейинги ўн йил мобайнида филология соҳасида ранг ва унинг тилдаги тасвири муаммосига бағишланган илмий изланишлар кўпчиликни ташкил этади. Яъни тилшуносликда рангларнинг коммуникатив, когнитив, прагматик ва лингвомаданий хусусиятлари доимо тадқиқот марказида эканлиги ушбу

соҳага нисбатан тадқиқотчилар қизиқишининг янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, тилшунослик фани ҳам ранглар масаласига бошқа фанлар сингари алоҳида ўрганиш объекти сифатида ёндашган. Рангларнинг психологик турфа жиҳатларини лисоний ҳодисалар билан ўзаро боғлаган ҳолда тадқиқ этиш анча кенг қамровли соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, Р.М.Фрумкина таъкидлаганидек, “ранглар олами” – соф психик ҳодиса ҳисобланиб, табиатда мавжуд ёруғлик тўлқинлари инсонлар кўзи орқали турли хил жилоланиб, инсон миясига таъсир кўрсата олади [Р.М. Фрумкина: 6]. Шундай экан, ранг ва унинг реал борлиқдаги сержило тасвирини психологик ва лисоний нуқтаи назардан талқин қилиш фанда ранг борасидаги ғоя ва қарашлар мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

Ранглар маданияти ва унинг бошқа фанлар, хусусан, психология, физиология ва маданиятшунослик каби фанлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги Н.В.Серовнинг “*Цвет культуры. Психология, культурология, физиология*” [Н.В.Серов: 672] номли китобида кенг қамровли тарзда акс этган бўлиб, унда рангларнинг маданий, ижтимоий-сиёсий, диний, психологик, семантик ва бошқа хусусиятлари борасидаги маълумотлар қомусий мажмуа тарзида акс этган. Бироқ, ушбу масала кейинги йилларда айнан ноқардош тиллар кесимида бироз эътибордан четда қолмоқда.



Ранг борасидаги мазкур мавзуни тадқиқ этиш мақсадида Ғарб ва Шарқ олами маданияти ва тилини қиёсий ўрганишдан келиб чиққан ҳолда бир-бирига нисбатан ноқардош тиллар ҳисобланган француз ва ўзбек тилининг “ранг” тушунчаси доирасидаги луғат бойлиги ҳамда “ранг” хусусидаги психологик қарашлар эътиборга олинади.

Ушбу мақолада француз ва ўзбек тилида ранг тушунчасини тавсифлаш учун оқ ранг иштирокидаги фразеологик бирликлар танлаб олинган. Ушбу рангнинг ўзига хос қонуниятларини турли тиллар асосида ўрганиш борлиқни идрок этиш механизмини тўғри тушуниш, баҳолаш ҳамда тафаккурнинг ўзига хослигини англаш имконини беради.

Оқ рангнинг психологик тавсифига эътибор қилсак, у *поклик, айбсизлик, қувонч, садоқат, тенглик, очиқлик, равонлик* ва *осонлик* тимсоли сифатида талқин қилинади [Psixologik ranglarning ma'nosi. <https://uz.tierient.com/>]. Ушбу ранг ҳеч қайси манбада салбий тавсифга эга эмас. Бироқ, оқ ранг инсон руҳиятини ифодаловчи фразеологик иборалар таркибида қўлланилганда юқорида

келтирилган тушунчаларга нисбатан батамом тескари маъноларни ифодалашга ҳам хизмат қилади. Хусусан, *қўрқув, саросима* ва *газаб* ҳолатлари шулар жумласидандир [L. Doliyeva :129 -136].

Оқ рангнинг тиллардаги маъноси хусусида тўхталадиган бўлсак, ушбу ранг француз тилидаги фразеологик иборалар таркибида *blanc, blanche* сифати ва *blanchir* феълига хос грамматик шакллар асосида жуда кенг тарзда қўлланилади ва у француз фразеологиясида қўлланилиш частотасига кўра ранглар ичида қора рангдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди [Л.Р.Гатауллина :18].

Мазкур кичик илмий изланиш учун эса 150 га яқин французча фразеологик бирликлар таҳлил қилинди. Таҳлил қилиш давомида оқ ранг француз фразеологиясида турли хил маъноларда қўлланилиши кўзга ташланади. Масалан, унинг фразеологик иборалар ичида энг доминант маъноларидан *бум-бўш*, яъни *тўлдирилмаган ҳужжат, ёзилмаган варақ* ёки *ёзувда ташлаб кетилган бўш жой* каби маънолари кўплаб ўринларда учрайди:

Французча фразеологизмлар:	Талқини:
<i>chèque en blanc ;</i>	суммаси ёзилмаган чек;
<i>signer en blanc ;</i>	оқ қоғозга имзо қўймоқ;
<i>billet blanc ;</i>	сайловдаги тўлдирилмаган бюллетень;
<i>feuille en blanc ;</i>	бир томонига ёзилган қоғоз;
<i>à blanc ;</i>	интервал;
<i>laisser un blanc ;</i>	ёзувда бўш жой қолдирмоқ;
<i>bureaux en blanc ;</i>	бўш офислар ;
<i>sortir avec le bâton blanc ;</i>	икки кўли бум-бўш чиқиб кетмоқ;

Оқ ранг маъносидаги *blanc* сўзининг *бум-бўш* маъноси нафақат қоғозлардаги ёзилмаган ҳолат, балки, бошқа объектларнинг ҳам бўшлигини ёки суҳбат жараёнидаги жим, сукунат ҳолатини ҳам ифодалайди. Масалан, куйидаги мисолларга эътибор қилайлик:

Французча фразеологизмлар:	Ўзбекча талқини:
<i>bureaux en blanc ;</i>	бўш (эгасиз) офислар ;
<i>avoir un blanc ;</i>	сукут сақламоқ;
<i>silence blanc ;</i>	сукунат;
<i>laisser une marge blanche</i>	жим сукут сақламоқ;
<i>blanche mémoire</i>	суст хотира (бум-бўш хотира);

Тилда оқ ранг маъносидаги лексик бирликнинг қўлланиши ва улар билан боғлиқ экспрессив-эмоционал хусусиятларнинг айнан фразеология соҳасида ҳам тадқиқ этиш инсон ички кечинмалари ва руҳиятини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан,



фразеологик ибораларда рангларнинг қўлланилиши ички руҳиятни ташқи руҳиятда акс эттириш жараёнини анча осонлаштиради, яъни бошқача қилиб айтганда, руҳият оламидаги ички ҳис-туйғунинг рангин манзарасини «кўра олиш»га ёрдам беради.

Тилда инсонларнинг ички руҳий оламини ранг лексемалари орқали экспрессив-эмоционал тарзда тасвирлаш жараёнида руҳият ва ранглар ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг метафорик ва метонимик хусусиятлари доирасида амалга ошади. Турли хил эмоционал вазиятларда инсонлар юзининг ранги қизариши, оқариши ёки кўкариши мумкин. Бундай ташқи руҳият тасвирини ифодалашда французча *blanc*, яъни оқ ранг маъносидаги сўз ўзига яраша аҳамият касб этади. Хусусан, бу ранг иштирокидаги фразеологик иборалар қўрқув маъноларини ифодалайди. Масалан:

Французча фразеологизмлар:	Ўзбекча талқини:
<i>être blanc comme un linge ;</i>	докадек оқариб кетмоқ;
<i>être blanc comme un mort ;</i>	мурдадек оқариб кетмоқ;
<i>être blanc comme un mur ;</i>	девордек оқариб кетмоқ;
<i>blanc comme un linceul;</i>	ниҳоятда оқариб кетган;
<i>blanc comme un cire ;</i>	ранги мурдадек оқариб кетган;
<i>blanc comme un cachet d'aspirine ;</i>	ранги докадек оқарган;
<i>avoir les fois blancs ;</i>	жони ҳалқумига келмоқ;

Ушбу мисоллар қўрқув эмоционал ҳолатининг ташқи руҳий тасвирини ифодаловчи иборалар ҳисобланса, яна бир туркум иборалар мавжуд бўлиб, улар ушбу ҳолатнинг ўзини ифодаловчи номинатив фразеологизмлар сифатида хизмат қилади. Масалан, *peur blanche* ; - даҳшатли қўрқув; *voix blanche* ; - қўрқувдан чиқмаган овоз; *soldat de fer blanc* ; - қўрқоқ одам кабилар шулар жумласидандир. Эмоционал ҳолатнинг қўрқувдан ташқари азоб чекиши (*cracher blanc*); тушкунликка тушмоқ (*être blanc*); кўр-қурона рашик (*jalousie blanche*); руҳини кутармоқ (*monter le blanc en neige*); *colère blanche* (қаттақ ғазаб) сингари маънолари ҳам кам сонли бўлса-да, оқ ранг - *blanc* орқали ифодаланади.

Қуйида оқ ранг маъносидаги *blanc* лексемасининг фразеологиядаги яна бошқа салбий ва ижобий маъно оттенкаларини келтириб ўтамыз:

“blanc” сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкалари			
Ижобий маъно:		Салбий маъно:	
Яхшилик ва эзгулик:	<i>âme blanc ; blanche main ; magie blanche ;</i>	Сохталик:	<i>sourire blanc ; mariage blanc ; faire blanc de qch. ;</i>
Айбсизлик:	<i>sortir blanc ;</i>	Қадрсизлик:	<i>raide à blanc ;</i>
Билимдонлик:	<i>donner dans le blanc ;</i>	Алдов :	<i>traiter des blancs ; messe blanche ;</i>
Имтиёз :	<i>carte blanche ; montrer patte blanche ;</i>	Зўравонлик :	<i>bâton blanc ; armes blanches ; être tout à blanc armée ;</i>
Бахт :	<i>voir tout en blanc ; fils de la poule blanche ;</i>	Мағлубият, омадсизлик:	<i>arborer le drapeau blanc de son épée ; choux blanc ; faire du blanc ;</i>
Мақтов :	<i>se faire blanc de son épée ;</i>	Қатъиятсизлик :	<i>aller du blanc au noir ;</i>
Тоза, янги:	<i>eau blanche ; page blanche ;</i>	Қолоқлик:	<i>n'avoir pas du sang blanc ; ne connaitre ni le blanc, ni le noir ;</i>
Тантанали :	<i>marquer de blanc ;</i>	Ёмон	<i>oie blanche ; aigle blanc ; avoir</i>



		иллат:	<i>une ivresse blanche;</i>
Аъло, зўр :	<i>boule blanche;</i>	Зарар:	<i>éléphant blanc;</i>
		Азоб :	<i>cracher blanc ;</i>
		Уйқусизлик :	<i>nuit blanche;</i>

Тилшунос олим Ш.Сафаров таъкидлаганидек, ташқи дунёдаги турли воқеа ва предметлар хусусий кўринишдаги белги, хусусиятларга эга. Лисоний тафаккур фаолиятининг когнитив босқичидан лисоний воқеланиш босқичига ўтишда қиёслаш, анализ ва синтез амаллари муҳим роль ўйнайди. Шу амаллар воситасида умумийлик ва хусусийлик фаркланади [Ш.Сафаров: 229].

Шунга биноан, агар оқ рангнинг француз фразеологиясидаги бу каби семантик маъно оттенкалари умумий тарзда таҳлил қилинса, уларни икки катта гуруҳга, яъни “ҲАЁТ ЗАВҚИ” ва “ҲАЁТ АЗОБИ” сингари туркумлаш мумкин. Масалан, ҳаётда кимгадир доимо яхшилик қилиш (*âme blanc ; blanche main ;*), эзгулик йўлидан бориш (*magie blanche ;*), ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш (*sortir blanc ;*), ўткир зехн билан ўз билимини намоеън этиш (*donner dans le blanc ;*), ожизлик устун бўлиб турган бир пайтда бирор имтиёз ёки имконга эга бўлиш (*carte blanche ; montrer patte blanche*), ҳаётда бахт нашидаси билан яшаш (*voir tout en blanc ; fils de la poule blanche ;*) бошқалар томонидан ўзинга нисбатан мақтов эшитиш (*se faire blanc de son épée;*), ҳаётнинг завқли дамларини тантанали нишонлаш (*marquer de blanc;*), самимий қилинган ҳаракат учун аъло, зўр натижага эришиш (*boule blanche;*) каби вазиятлар ҳақиқатан ҳам “ҲАЁТ ЗАВҚИ” тушунчасини ифодалайди. Ушбу маъноларнинг акси ҳисобланган, яъни ўзи била туриб, сохта ишларни амалга ошириш (*sourire blanc ; mariage blanc ; faire blanc de qch. ;*), ҳаётда қадрсизланиш (*raide à blanc;*), яшашдан мақсадсиз тарзда қоқоқ инсонга айланиб қолиш (*n’avoir pas du sang blanc ; ne connaître ni le blanc, ni le noir ;*), ҳар бир ҳаракат ёки сўзда қатъият етишмаслиги (*aller du blanc au noir ;*), ҳаёт сўқмоқларида мағлубият ёки омадсизликка дуч келиш

(*arborer le drapeau blanc de son épée ; choux blanc ; faire du blanc ;*), зўравонлик қилиш (*armes blanches ; être tout à blanc armée ; bâton blanc ;*), ёмонлик йўлидаги алдовлар (*traiter des blancs ; messe blanche ;*), бирор нарсадан зарар кўриш (*éléphant blanc;*), ҳаёт ташвишларидан азоб чекиш (*cracher blanc ;*), турли хил иллатларни ўзига доимий одат қилиш (*oie blanche ; aigle blanc ; avoir une ivresse blanche;*), носоғлом турмуш тарзига хос уйқусизлик (*nuit blanche;*) каби вазиятлар эса, бир сўз билан айтганда “ҲАЁТ АЗОБИ” тушунчасини акс эттиради. Яъни француз фразеологиясида оқ ранг (*blanc*) маъноси параллелизм асосидаги икки хил қарама-қарши тушунчани, яъни ижобий маънода *ҳаёт завқи* ва салбий маънода *ҳаёт азоби* тушунчаларини ифода эта олади.

Оқ ранг (*blanc*)иштирокидаги французча фразеологик бирликлар орасида ижобий ва салбий тушунчалардан ташқари, оралик, яъни нейтрал маънодаги тушунчалар ҳам мавжуд. Масалан, қоғозлардаги “бум-бўш” тушунчаси (бу хусусда юқорида батафсил тўхталиб ўтилди), бир қарорга кела олмасдан иккиланиш (*dire blanc et noir ;*), жуда ёш бўлиш (*blanc bec;*), бирор нарсани таг-томири билан тозалаш (*couper un arbre à blanc estoc ; comme une tornade blanche ; coupe blanche ;*), ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳаракат қилиш (*mettre des gants blancs;*), бирор нарсани синаб кўриш (*examen blanc ; faire passer une col blanche;*) кабилар шулар жумласидандир.

Оқ ранг француз тилида юқоридаги каби ижобий, салбий ва нейтрал тушунчалардан ташқари, борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни метафорик ва метонимик тарзда номлаш хусусиятига ҳам эга. Масалан, оқ либос ёки ички кийим (*vêtu de lin blanc ; magasin de blanc ;*), касаллик турлари (*mal blanc ; canne blanche ; nègre blanc ; n’y voir que du*



blanc ;), касб номлари (*les hommes en blanc ; cornette blanche ; cul blanc ; col blanc* ;), табиат ҳодисалари номи (*marée blanche; gelée blanche;*), объектларнинг оклигига ишора қилинган оқ ранг маъноси (*cheveux blancs ; loup blanc ; sable blanc ; fromage blanc ; fée blanche ; un blanc lime* ;), қиёсланган ва кучайтирилган оппоқ ранг тушунчаси (*blanc comme albâtre (blanc comme plâtre; blanc comme neige; blanc comme un cygne)*) кабилар оқ рангнинг номинатив хусусиятларини намоён этишга ёрдам беради.

Оқ ранг маъносини ифодаловчи сифат ўзбек тилида “оқ” тарзида, ҳаракат маъносида эса “оқартирмоқ” феъли кўринишида ифодаланади. Ўзбек халқи оқ рангга яхшилик тимсоли сифатида қарайди. Шу асосда мазкур лексема ёрдамида, асосан, ижобий маъноли фразеологизмлар шаклланган [А.Маматов : 156].

Бироқ, бошқа тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам оқ рангнинг ҳам ижобий ҳамда ҳам салбий маъно оттенкалари мавжуддир:

Ўзбек тилидаги “оқ” сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкалари			
Ижобий маъно:		Салбий маъно:	
Меҳр-оқибат:	оқ кўнгил; оқ ювиб оқ тарамоқ; кўзининг оқи қораси; оқ йўл; оқ кўнгилнинг юзи кўркам;	Ғазаб :	кўзи ола-бўла бўлмоқ; оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқмоқ; кўзларининг оқини ўйнатмоқ; кўзига оқ-қора кўринмаслик; оқ калтак-қора калтак бўлмоқ;
Баркамол улғайиш:	оқ-қорани танимоқ; оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ;	Фош бўлиш:	Оқ товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар;
Розилик :	оқ фотиҳа; она сутини оқламоқ; тузини оқламоқ;	Норозилик :	оқпадар ; оқ қилинган фарзанд; оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ;
Айбсизлик:	судда оқланмоқ; юзи оқармоқ; оқловчи;	Баракасизлик:	Косаси оқармаслик;
Ризқ :	оғзи оққа тегмоқ; оқлик бор уйга оғриқ доримас;	Лаган-бардорлик:	“оқ” деса-оқ, “кўк” деса – кўк;
Соғлик:	Оқи – оқ, қизили – қизил;	Хасислик:	Оппоқ бўлган оқ уйим, ош-нони йўқ қоқ уйим;
Бахт:	манглайи оқ бўлмоқ;		
Ҳурмат:	соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ;		

Агар оқ рангнинг ўзбек фразеологиясидаги бу каби семантик маъно оттенкалари умумий тарзда таҳлил қилинса, уларни икки катта гуруҳга, яъни “ФАЗИЛАТЛИ ШАХС” ва “ИЛЛАТЛИ ШАХС” сифатида туркумлаш мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги “оқ” сўзининг фразеологиядаги маъно оттенкаларидан инсонлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши (*оқ кўнгил; оқ ювиб оқ тарамоқ;*), ҳаётнинг барча паст-баландликларини

англаб етадиган баркамол шахс тарзида улғайиши (*оқ-қорани танимоқ;*), ота-онага бўлган ҳурмат юзасидан яҳаёт мазмуни сифатида ота-онани рози қилиш (*оқ фотиҳа; она сутини оқламоқ;*), ҳаётнинг қинғир ишларидан ҳазар қилувчи софдил инсон (*судда оқланмоқ; юзи оқармоқ;*), ҳаётда ризқ-насибали бўлиш (*оғзи оққа тегмоқ; оқлик бор уйга оғриқ доримас;*), ўз танасига бирор дард – касал юқтирмасдан соғлом юриш (*оқи – оқ,*



қизили – қизил;), бахтли инсон бўлиш, яъни Оллоҳдан бахт берилиши (*манглайи оқ бўлмоқ;*), ўзидан катталарни ҳурмат қилиш (*соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ;*) каби маъно тушунчалари тасаввуримизда “ФАЗИЛАТЛИ ШАХС” образи гавдаланишига ёрдам беради.

Ушбу образнинг қарама-қарши акси эса, ўзини ақл билан бошқара олмайдиган ғазаб талвасасига тушиб қолиш (*кўзига оқ-қора кўринмаслик; оқ калтак-қора калтак бўлмоқ;*), ота-онасини норози қилиш (*оқпадар; оқ қилинган фарзанд;*), ўз иши битгунча лаганбардорлик қилиш (“оқ” *деса-оқ, “кўк” деса – кўк;*), бировга бирор нарса беришни истамасдан хасислик қилиш (*Оппоқ бўлган оқ уйим, ош-нони йўқ қоқ уйим;*), ҳаётда ўз ёрига нисбатан бевафолик қилиш (*Оқ бошдан ўтин бўлмас, уйнашдан – хотин;*), ўзини-ўзи кирдикорларини очиб, фош қилиши (*Оқ товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар;*), ҳаётда шунча меҳнат қилиб, кўп пул топса ҳам оила ва рўзғорда Оллоҳ марҳаматининг йўқлиги (*қосаси оқармаслик;*) каби инсонларга хос салбий хусусиятлар тасаввуримизда “ИЛЛАТЛИ ШАХС” образининг гавдаланишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, ўзбек тилида ҳам нейтрал тушунчаларни ифодаловчи фразеологизмлар мавжуд бўлиб, улар каторига “сир сақлаш”ни ифодаловчи (*Оқ туя кўрдингми йўқ, кўк туя кўрдингми йўқ; тишининг оқини кўрсатмаслик;*), “кишининг асл кимлиги”ни кўрсатувчи (*Оқ бадан, қора бадан сувга тушганда маълум; Оқ уйда бўлган киши олачиқда ҳам бўлади; Оқ ит қора ит барибир ит; Оқ қўй ҳам ўз оёғидан осилади, қора қўй ҳам*), “қора кунга оз-оздан маблағ тўплаш” маъносидаги (*Оқ танга – қора кунга;*), “ҳар бир киши ўз тенги билан дўст тутиниши” лозимлиги (*Оқ иштоннинг балози қора иштонга ярашмас;*), “кишилар ўртасидаги

ижтимоий фарқ” маъносидаги (*оқ танли; оқсуяк;*), аёлларда кўп учрайдиган таннозлик ёки нафислик хусусияти (*оқ бадан; оқ юзли; оқ билак;*), кексайиш жараёни (*сочи оқармоқ; сочига оқ ораламоқ;*), табиий жараён сифатида тонгинг ёришиб отиши (*гира-шира оқармоқ;*), янги, тоза ва покиза (*оққа кўчирмоқ; оқсув;*) каби маъноларни ифодаловчи ибораларни киритиш мумкин.

Оқ ранг ўзбек тилида ҳам ижобий, салбий ва нейтрал тушунчалардан ташқари, борликдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни метафорик ва метонимик тарзда номлаш хусусиятига ҳам эгадир. Бунда фразеологик бирликларнинг ясалиши нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг оқ рангли хусусиятига асосланган ҳолда амалга ошади. Масалан, қор ёққанда ишлатиладиган *ерлар оқармоқ;* пахта толаси учун қўлланиладиган *оқ олтин;* тоғда ўсадиган ўсимлик номи *оқпарчой;* *оққуйруқ;* кишиларнинг юз ва соч рангидан келиб чиққан *оқ-сарик;* *оқ соч* каби иборалар шулар жумласидандир.

Француз тилида оқ ранг ҳаётдаги кенг қамровли ижобий ва салбий вазиятлар ифодаси учун қўлланилса, ўзбек тилида эса асосан, шахс фазилати ва иллатига хос тор доирадаги вазиятлар ифодаси учун ишлатилади. Бошқача қилиб айтганда, француз тилидаги “*blanc*” сўзи ёрдамида ҳосил бўлган фразеологик бирликларнинг семантик маъно майдони умумий объектда (ҳаётнинг турли жабҳасида) фаоллашса, ўзбек тилидаги “оқ” сўзи ёрдамида ҳосил бўлган фразеологик бирликларнинг семантик маъно майдони эса хусусий объектда (фақат шахс фаолияти доирасида) фаоллашади.

Француз ва ўзбек тилидаги “*blanc*” - “оқ” сўзининг фразеологиядаги нейтрал маъно оттенкалари қиёсий таҳлил қилинганда эса қўйидагича ҳолат намоён бўлади:



Француз тилида :	Ўзбек тилида:
Бум-бўшлик	Тенглик
Сукунат	Сир сақлаш
Иккиланиш	Эртани ўйлаш
Тажрибасизлик	Поклик
Тозалаш	Ижтимоий фарқ
Эҳтиёткорлик	Таннозлик/ нафислик
Синов	Кексалик
Моҳият	Моҳият
	Янги
	Ёруғлик
Умумий маъно: МАВЖУДСИЗЛИК	Умумий маъно: ИЖТИМОЙЛИК

Француз тилидаги оқ ранг иштирокидаги нейтраллик тушунчаси асосидаги фразеологизмларда асосан, “мавжудсизлик”, яъни “йўқлик” маъноси ҳукм суради. Бинобарин, юқорида келтирилганидек, “бум-бўш”, бир қарорга кела олмасдан “иккиланиш”, жимжитликдаги “сукунат”, “тажрибанинг йўқлиги”, бирор нарсани таг-томири билан “тозалаб йўқотиш” каби тушунчаларнинг туб моҳиятида “мавжудсизлик” тушунчаси акс этган. Ўзбек тилида эса маълум бир объект, яъни шахсга қаратилган турли хусусият, ҳолат ва вазиятлар ўз ифодасини топган. Хусусан, инсонлар ўртасидаги “тенглик”, “сир сақлаш”, “эртани ўйлаш”, “поклик”, “ижтимоий фарқ”, “таннозлик”, “нафислик” ва “кексалик” каби тушунчалар умумий маънода “ижтимоийлик” тушунчасини ифодалай олади.

Оқ ранг турли хил халқ маданиятида турлича талқин қилинади. Масалан, Америкада “тозалик”, Францияда “нейтраллик”, Мисрда “шодлик”, Ҳиндистонда “мотам”, Хитойда эса “мотам / тозалик” маъносини англатади, дейди А.Хроленко [А.Т. Хроленко: 18]. Ушбу рўйхатни мантиқан давом эттирган ҳолда юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, оқ ранг ўзбек халқида асосан, “яхшилик” тушунчасини ифодалайди, деган хулосага келиш мумкин. Француз халқида эса оқ ранг “нейтраллик”ни ифодалаши юқорида таҳлил қилинганидек, аксарият

французча фразеологик иборалардаги қоғоз ва ҳужжатларга нисбатан “бум-бўш” маъносида кенг тарзда ишлатилиши, шунингдек, ҳам ижобий ва ҳам салбий тушунчаларни ифодалаши ушбу фикрни янада мустаҳкамлайди. Турли миллат эгаларининг оқ рангга нисбатан бундай қарашлари мазкур халқларнинг ўз қадриятлари асосидаги миллий қарашлари замирида пайдо бўлган. Хусусан, олим Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, инсон фаолияти маълум миллий маданият ва миллий муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билиш жараёнига оид структуралар ва тузилмаларда миллий колорит мавжуд бўлиши ҳам табиийдир [Ш.Сафаров: 54].

Оқ рангнинг тил (француз ва ўзбек тили) ва психология соҳаси жиҳатдан ифодалаган маъно оттенкалари ўзаро таққосланганда таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ушбу рангнинг ифодалаётган маъно турлари тилда анча хилма-хил хусусий маънолардан иборат бўлиб, улар психологик нуқтаи назардан анча умумийлашган тарзда акс этади. Бошқача қилиб айтганда, оқ ранг орқали ифодаланган инсонларга хос хусусий фазилятлар фақат ижобий хислатлар нуқтаи назаридан олиб қаралганда психологияда маълум даражада умумлашади. Масалан, ўзбек тилидаги инсонларга хос *меҳр-оқибат*, *ҳурмат*, *баркамоллик*, *рози-ризалик*, *айбсизлик*, *бахт*, *соғлик* ва *ризқ-насиба* каби маънолар ҳамда француз тилидаги *эзгулик*, *яхшилик*,



айбсизлик, билимдонлик, бахт, мақтов ва имтиёз тушунчалари психологияда умумлашган ҳолда қалб поклиги, яхшилик ва эзгулик маъноси остида жам бўлади. Яъни оқ рангнинг “шахс” ва “реал борлик” ўртасидаги изчил ифодаси психологик ва тилга хос характерларда кетма-кет тарзда фаоллашган дейиш мумкин.

Юқорида келтирилган ушбу таҳлил оқ рангнинг ижобий хусусиятларига асосланган. Бироқ, унинг салбий хусусиятларига келсак, оқ рангнинг салбий маънолари психологияда мавжуд эмас. Фақат тилдагина оқ рангнинг салбий маънолари мавжуддир. Нейтрал маънолар хусусида тўхталсак, оқ рангнинг лингвистик ва психологик талқини анча хилма-хил бўлиб, уларни маълум бир

маънолар туркумида умумлаштириш эса мумкин эмас.

Шуни қайд этиш лозимки, оқ ранг ифодалаётган маънолар кўлами фақат, ҳаётнинг турли хил вазиятларида ва шахсларнинг турли характер шаклларида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, оқ ранг асосан “ижтимоий ҳаёт” ва “шахс” категорияларини ифодалаш учун хизмат қилади.

Табиатда мавжуд турфа ранглар ва уларнинг ҳар бирини тилшунослик, психология ва бошқа фанлар билан юқоридаги сингари қиёсий тарзда ўрганиш орқали тилшунослик фанида “ранглар олами” ҳамда “ранглар тили”ни кенг тадқиқ этиш имкони янада кенгайди ва ранг лингвистикаси соҳасини қиёсий аспектда чуқурроқ ўрганишга доир айрим муаммолар ўз ечимини топиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Гак В. Г. и др. Новый большой французско- русский фразеологический словарь - Le nouveau grand dictionnaire phraséologique français-russe : более 50000 выражений (под ред. В. Г. Гака.)- Москва: Рус. яз. - Медиа, 2005. – 1624 с.
2. Гатауллина Л. Р. Роль цветообозначений в концептуализации мира: на материале фразеологизмов английского, немецкого, французского, русского и татарского языков. Автореф. диссер. кан. филол. Наук. – Уфа, 2005. -25 с.
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. –Тошкент: Наврўз, 2019. -260 б.
4. Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизиқ. –Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. –148 б.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 407 б.
6. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллийэнциклопедияси, 2008. -318 б.
8. Серов Н.В.Цвет культуры: психология, культурология, физиология. – Санкт-Петербург: Речь, 2003. -672 с.
9. Фрумкина Р.М. Цвет, смысл, сходство (аспекты психолингвистического анализа). –Москва: Наука, 1984. – 176 с.
10. Хроленко А. Т. Основы лингвокультурологии. [Электрон ресурс] : учеб. пособие – Электрон. дан. – Москва : ФЛИНТА, 2016. – 181 с. –URL: <https://e.lanbook.com/book/>
11. Шомақсудов Ш., Шарахмедов Ш. Маънолар маҳзани. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. - 477 б.
12. Цвет в античной культуре. Древняя Греция и Древний Рим. <http://cvet-psy.ru/tsvet-y-antichnoj-kulture-drevnyaya-grets>
13. Doliyeva L. Fransuz frazeologiyasida rang va ruhiyat oppozitsiyasi. // Хорижий филология №4, 2020. – В. 129 -136 [Электрон ресурс: <http://samxorfil.uz/maqola/archiv>]
14. Psixologik ranglarning ma'nosi/ <https://uz.tierient.com/>
15. Rey A., Chantreau S. Dictionnaire des expressions et locutions. -Nouv. ed. rev. etaugm. – Paris, 1984. –1035 p.



Suvonova N., Islomova O. Linguo-psychological interpretation of "WHITE" colour in phraseology (in the example of the French and Uzbek languages). This article provides a comparative analysis of the symbolic and categorical meanings of "white" colour in terms of linguistics and psychology in "color linguistics". In particular, the interpretation of "white" colour in the context of these two criteria has been studied comparatively on the basis of linguistic meanings in the example of unrelated languages, i.e. phraseological units in French and Uzbek, symbolic concepts in psychological views. Accordingly, a detailed analysis of the expression of "white" colour in French and Uzbek phraseology in positive, negative and neutral meanings explains the situation in various spheres of social life and the manifestation of individual characteristics and traits.

Сувонова Н., Исломова О. Лингво-психологическая интерпретация «БЕЛОГО ЦВЕТА» во фразеологии (на материале французского и узбекского языков). В статье дается сравнительный анализ символического и категориального значения выражения «белый цвет» с точки зрения лингвистики и психологии в «лингвистике цвета». В частности, интерпретация «белого цвета» в контексте этих двух критериев была сравнительно изучена на основе языковых значений на примере фразеологизмов несовместимых языков, т.е. французского и узбекского, символических понятий в психологических представлениях. Соответственно, представленный подробный анализ выражения «белый цвет» во французской и узбекской фразеологии в положительном, отрицательном и нейтральном значениях объясняет ситуацию в различных сферах общественной жизни и проявление индивидуальных особенностей и черт.



ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР СТРУКТУРАСИДА ИШЛАТИЛИШИ

*Обруева Гулчехра Хамрокуловна,
СамДЧТИ доценти, филология фанлари номзоди,*

Калит сўзлар: фразеология, фразеологик бирлик, атоқли от, структура, маъно, тилшунослик.

Фразеология тилшуносликда мустақил фан сифатида яқинда пайдо бўлган. Биламизки, унинг шаклланиши таниқли тилшунослар номи билан узвий боғлиқдир. Шунини айтиш жоизки, фразеология соҳасидаги долзарб муаммоларни ёритишда В.В.Виноградов, Н.Н.Амосова, А.В.Кунин ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшган ва шу сабабли янги изланишларга кенг йўл очиб беришган.

Шунини таъкидлаш жоизки, тадқиқ қилинаётган фразеологик бирликлар ҳали тўлиқ кўриб чиқилмаган. Бир нечта илмий ишларда асосан этимологик жиҳатларга эътибор берилган [Т.В.Лиховидова, 1971, б. 23].

Шундай экан, тадқиқотчилар фразеологик микроконтекстдан ташқаридаги атоқли отлардан (кейин АО) фарқли ўлароқ, АОнинг фразеологик бирликлар (кейин ФБ) компоненти сифатида шаклланишига камроқ аҳамият беришади (яъни фразеологик шаклларга). Бироқ, ҳозирги кунда ушбу масала энг муҳим ва долзарб ҳисобланади. Атоқли отлар фразеологик бирлик структурасидаги атоқли отҳамда турдош от билан таққослаш, улар ўртасидаги алоқасини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу категорияларни таҳлил қилиш, уларнинг тил сатҳида ўрнини, шунингдек, улар ичидаги ўзаро таъсирини аниқлашга ёрдам беради [G. Cook, 1994, p. 120].

Маълумки, бир гуруҳ олимлар атоқли отларнинг индикатив функцияни бажариш қобилятини қатъиян рад этишиб, уларнинг мазмунини оддий номинация деб қабул қилишади [P. Baumann, 1996, p. 85-91].

Ж. Милл АО маънога эга эмас,

фақатгина ном ташувчиларни фарқлашчун хизмат қилади деб таъкидлайди [Дж.Милль, 1999, б. 27]. Шунингдек, уларни объектга ёпиштириб, унга ўхшаш бошқа объектлардан ажратиб турадиган ёрликларга ўхшатади.

Ушбу йўналиш вакиллари АО семантик равишда маънога эга эмас деб таъкидлашади [L.Dunkling, 2007, p. 114-115]. Улар ўз фикрини қуйидаги далиллар билан исботлашади: АОлар маъно ифода этмайди, чунки улар (ТОдан фарқли ўлароқ) объектларнинг белгиларини ўз ичига олмайди, умумлаштириш хусусиятига эга эмас, бу эса ўз навбатида уларнинг лексик маъноси йўқлигини белгилайди.

Хуллас, юқорида айтиб ўтилган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган олимлар сўзнинг семантик томонини умумлаштириш хусусиятини кўп сонли бир хил объектлар тушунчаси билан боғлайдилар. Шу билан бирга, билиш ва умумлаштириш объекти нафақат объектлар синфи, балки унинг индивидуал вакили - АО ташучаси ҳам бўлиши мумкин.

Аслини олганда, ушбу тадқиқотчиларнинг барча саъй-ҳаракатлари АОлар турдош отларнинг семантик хусусиятларига эга эмаслигини исботлашга қаратилган бўлиб, "апеллятив" маънога эга эмас деган фикрни олға суришади. Бироқ, бу иккала тоифанинг фарқи уларнинг ўзига хос хусусиятларини яратади ва уларни ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга олимларнинг яна бир гуруҳи АОларнинг лексик маъносини тан олишни талаб қилади. Таъкидлаш



жоизки, ушбу йўналиш вакиллари нуқтаи назар бирдамлигида фарқ қилмайди.

Шундай қилиб, баъзи тадқиқотчилар АОларнинг моҳиятини ўрганишга фақат тил тизими нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлса, баъзилари АОнинг нутқдаги функциясига урғу беришади, бошқалари эса буниники йўналишда кўриб чиқишади: яъни тил ва нутқда [E. Bates, 2006, p. 214-215].

Масалан, Л.П.Ступин, АОнинг лексик маъноси фақат тилда нутқда эмас деб ҳисоблайди. Ушбу маънонинг асоси, унинг фикрига кўра, ҳар бири берилган ном билан аталиши мумкин, яъни предметлар гуруҳи ёки синфининг умумий тушунчасидир, деб таъкидлайди. Сўзнинг маъносини фақат тилнинг мулки деб тан олган Л.П.Ступин “аниқ АО умумий маъноси гапда тўлдирилади” деган фикрни олға суради [Л.П. Ступин, 1969, б. 218].

Шуни таъкидлаш керакки, АОнинг семантик ўзига хослигини ўрганиш парадигматика доирасида чекланган, яъни уни фақат умумий аҳамиятга эга деб билиш, унинг мазмуни сусайтиради, чунки АО фақат ўзига хос белги билан ўзаро боғлиқлиги натижасида тўлиқ ўзини намоён қилади.

Шу сабабли АОни ҳақиқий динамикасини тадқиқ қилиш катта қизиқиш уйғотади. АОни айнан шу йўналишда тадқиқ қилаётган кўплаб олимлар АОни тилдаги ёрлик, тасодифий оғзаки белги, ҳар қандай семантик маънога эга эмас. Тадқиқотчидан тадқиқотчига ўтган сайин АО моҳияти ўзгариб бораверади.

Махсус фразеологик бирлик таркибидаги АОларни кўриб чиққан олимлар тадқиқи шуни кўрсатадики, фразеологизация пайтида АО ТО каби семантик жараёнга дуч келади.

АО маъноси "онтогенетик", чунки ҳар сафар битта денотатнинг хусусияти билан белгиланади. John ["Жохн"] исми, бошқа ҳар қандай исм сингари, барча шахсий маъноларни ўзлаштира олмайди ва унинг кейинги эгасини башорат қила олмайди (маълум бир шахс нуқтаи назаридан).

Хуллас, А.В.Суперанская АОни ассоциатив психология нуқтаи назаридан кўриб чиқади: "Умумий тилга эга бўлган тилшунослар ТО маъноси билан камми ёки кўпми бирдир. АО билан боғлиқ маъно эса анча кенгрокдир. Ҳатто бир неча киши Жон билан таниш бўлса ҳам, уларнинг бири дўст, бошқаси теннис ўйинидаги шерик, учинчиси эса рақиб ёки ёқимсиз суҳбатдош" [А.В.Суперанская, 1973, б. 155].

Шунинг учун АО унинг маъноси сифатида боғлашади, суҳбатдош тасавурида ёки ҳиссиётида намоён бўлади.

АОнинг маъноси ҳар қандай сифатли ишончдан маҳрум бўлган ҳодиса сифатида пайдо бўладиган бундай талқиннинг аниқ эмаслиги шубҳасиздир. Вакиллик - ҳиссий билишнинг юқори шакли - идрокга асосланган.

Сўнгиси объектив воқеликнинг субъектив қиёфаси бўлиб, объектнинг фақат индивидуал, баъзан тасодифий ва аҳамиятсиз томонларини акс эттиради, унинг моҳиятини очиб бермайди.

АОнинг шахсий маънолари [таниқлилардан ташқари) табиатда қатъий озаки эмас, чунки улар тилнинг семантик тизимида акс этмайди.

Бошқа томондан, танқидий равишда амалга оширилган АО нафақат нутқда (контекстда) муҳимдир. Нутқий вазиятдан ташқарида (лексик муҳит) у ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Иккинчиси кўпроқ ёки камроқ тор тиллар гуруҳига мансуб (лекин, бундай тил эмас!). Унинг мавжудлиги исмининг коммуникатив мавжудлиги доираси билан чекланган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, АОнинг маъносини қуйидагича умумлаштириб таърифлашимиз мумкин: атоқли от - бу оғзаки белги бўлиб, унинг маъноси (моҳиятига кўра концептуал) унинг маълум бир номлар тоифасига мансублиги нуқтаи назаридан қатъиян мавҳум бўлиб, предметга тегишлиги бўйича конкретдир.

Ушбу таърифнинг семантик "йўналтирилганлиги" биз тадқиқ қилаётган



ходисанинг моҳиятли томони билан қизиқишимизни билдиради.

АО таркибий қисмларининг семантик таркиби маъно жихатидан бойдир. АО ўзи маълум бир кишининг характерли хусусиятларини умумлаштириб, объектни аниқлашнинг тўғридан-тўғри функциясини амалга оширади.

Фразеологик бирликларнинг АО билан номинатив ўзига хослиги, шунингдек, ҳиссий оҳангнинг умумийлиги уларнинг алмашинувини таъминлайди.

Ўзаро боғлиқ компонентларга эга бўлган фразеологик бирликлар - "ички даражадаги" синонимиянинг бир тури. Улар этимологик жихатдан ифодаланадиган АО бўлиши мумкин:

а) этнонимлар:

It is Greek to me (you, etc.). It is double Dutch to me (you, etc.) - "Хитой саводхонлиги, бемаънилик";

I'm a Dutchman if -"агар менга лаънат бўлса";

I'm a Turk if -"Агар мен бу ерда муваффақиятсизликка учрасам, агар бўлмасам";

To get one's Dutch up

To get one's Indian up "жаҳл чиққан, жаҳл туфайли ўзини билмаслик"

To get one's Irish up.

Шуни таъкидлаш керакки, голланд сўзи турли хил турғун ибораларнинг бир қисми бўлиб, тўртта "этноним" билан синонимдир: юнон, хинд, ирланд, турк, бу барча эслатиб ўтилган АОларнинг асл функциясини қўйдаги мисолларда кўриш мумкин;

б) топонимлар:

from China to Peru "Хитойдан Перугача; ҳамма жойда"

from Dan to Beersheba "Дандан Варшавагача; ҳамма жойда";

в) ҳафта кунлари:

When two Sundays come together "ҳеч қачон"

When two Fridays come together "Пайшанба ёмғирдан сўнг"

г) исмлар:

Queen Ann is dead "Американи очди!"

Queen Elizabeth is dead

Шундай қилиб, АОнинг фразеологизацияси (ва шу билан унинг тизим ичидаги алоқаларининг кенгайиши) фақат умумий ва ягона маъноларни йўқотганда ва ўз номидан бошланғич семантик чекловни енгишдан иборат бўлгандагина мумкин бўлади.

Масалан:

cheap Jack (John) "кўчада юриб арзон мол сотадиган сотувчи";

poor Jack (John) "қурилган хек";

Jack (John) of all trades "ҳамма нарса қулидан келадиган киши";

Jack (Tom) of Bedlam "ақлдан озган, аҳмоқ";

John (Tom) Long the carrier "нарсани ўз вақтида олиб келолмайдиган киши" (Т.: "уни фақат ўлим учун юборинг")

Jack (Tom, John) Drum's entertainment "меҳмонни меҳмондўстлик билан кутиб олмаслик"

Jack (Tom) Fool "аҳмоқ";

Jack (Tom) Collins амер. " содали сув, жин, шакар, лимон шарбати ва муздан тайёрланган ичимлик ".

Шуни айтиш жоизки, исмлар сони чекланган (максимал 3 та). АО Jack, John, Tom юқорида айтиб ўтилган фразеологик бирликларнинг ўзгарувчанлик чегарасини ташкил қилади, яъни маълум бир контцепцияни ифодалаш учун номларни ўзбошимчалик билан танлаш мумкин эмас.

Бундай қаттиқ танловга нима сабаб бўлди? Ҳақиқат шундаки, ушбу номлар бошқа шахсий АОлар орасида энг кенг тарқалган. Ушбу ҳолат тарихий ривожланиш жараёнида улар "киши", "инсон" каби умумий исмлар билан синонимлаштириб, "умуман одам" маъносига эга бўлишларида муҳим роль ўйнади.

Айнан шу маънода АО Жек Ж. Салинжернинг "Жавдарда тутувчи" романидаги қуйидаги изоҳда ишлатилган. Ғарбда дўсти Edmund Birdsell номидан унга мурожаат қилган номаълум кишининг телефон қўнғироғи билан уйғонган Faith Cavendish уни Jek deb ataydi. Асл исми Holden Caulfield:" I don't know anybody by



that name, Jack. And if you think I enjoy being woke up in the middle".

Кўпинча бу кенг тарқалган исмлар пастги қатламлардаги кишиларга нисбатан қўлланилади:

My little critics must all have been brought up by their Aunties who petted them, and had them fixed to save them from undesirable associations. Otherwise the sight or an ordinary Tom wouldn't send them into such silly hysterics, my little critics, dear, safe little pets.

Худди шу маъноларда ушбу номлар фразеологик бирликларда пайдо бўлади, фақат АО нинг денотатив силжиши ҳоллари бундан мустасно, яъни бу ерда улар норматив бўлмаган характерли номинатив соҳага ўтадилар.

[масалан, роог John (Jack)-қуритилган мерлуза (балиқ тури); John (Tom) Collins – ичимлик].

Шундай қилиб, АО маълум бир денотацияга нисбатан ўзгарувчан потенциалдан маҳрум. Битта одам учун турли хил исмлардан фойдаланиш алоқа актини мураккаблаштириши мумкин, бу АО моҳияти ва мақсадига зид бўлади. ФБ да бундай ҳодиса (ҳатто маълум чегараларда ҳам) жуда макбулдир, чунки бу ерда АОлар бир хил объектларнинг бутун синфини белгилашда қатнашадилар ва ўзларининг ономастик функцияларини йўқотадилар, бу эса битта ФБ ичида ҳар хил АОнинг имконияти билан тасдиқланади.

Адабиётлар:

1. Лиховидова Т. В. Фразеологические единицы с именами собственными в современном английском языке // Иностранные языки в школе. – М.: 1971.- №6.– С. 22-26.
2. Милль Дж. Ст. Система логики силлогической и индуктивной. –Изд. 2-е.- М.: Academia, 1999. – 454 с.
3. Ступин Л.П. О лексическом значении имён собственных // Вопросы теории и истории языка (Сборник памяти Ларина Б. А.). –Л.: ЛГУ, 1969. – С. 216-224.
4. Bates E. Language and Context: the Acquisition of Pragmatics. – New York: Academic Press, 2006. – 312 p.
5. Baumann P. Eigennamanim Fachwortschatzder Architektur und des Bauwesens in Englischen und Deutchen // Namenkundliche Informationen. –Leipzig, 1996. – Beiheft 9.–S. 85 - 91.
6. Cook G. Discourse and Literature. – Oxford: OxfordUniversity Press, 1994. – 340 p.
7. DunklingLeslie Alan. First names first. – London: Dent, 2007. –285 p.

Обруева Г. Использование имён собственных в структуре фразеологических единиц английского языка. Статья посвящается анализу семантики имён собственных в структуре фразеологических единиц английского языка.

Obruева G. The use of proper names in the structure of phraseological units of the English language. The article is devoted to the analysis of proper names in the structure of English phraseological units.



ТАРКИБЛИ АТАМАЛАРНИНГ СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ

Шодиев Санъат Эргашевич,

СамДЧТИ доцент в.б., филология фанлари доктори (PhD)

Калит сўзлар: атама, термин, синтагма, лексик синтагма, тургун бирикма.

Энг аввал шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, *атама* ва *термин* тушунчаларининг маъно нозиклигида фарқ бор. Атама тушунчаси, бизнингча, кенг маънолидир, зотан, воқеликдаги нарса, предмет, воқеа-ҳодисалар номларининг барчаси атамдир. Термин эса бирор фан, соҳа бўйича қўлланадиган махсус сўз ёки бирикмани тақозо этади. Масалан, *олма, ўроқ, китоб, қозғоз* каби сўзлар атамани ташкил этса, *эга, кесим, тезлик, атом, ҳужайра* каби сўзлар терминлардир. Бирок, шуни ҳам айтиш лозимки, мавжуд луғатларимизда атама ва термин сўзларини ҳам айнан бир хил маъно англатувчи лексемалар тарзида изоҳланганлигини кўрамиз (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”.-М.:1981). Бизнингча, уларни фарқлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, баъзи чалкашликлар келиб чиқиши табиийдир.

А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да термин сўзига қуйидагича изоҳ берилади: “(Лот. *Terminus* –чек, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз бирикмасидир. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессия ва эмоционалликка эга эмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмол сўзлардан фарқланади” [Ҳожиёв А. –Тошкент:1985, 88-89-б.].

Шуни ҳам айтиш лозимки, терминологик тамойилларга кўра термин шаклан қисқа ва ихчам бўлиши керак [Лейчик В.М. – М., 2007. - С.13-15]. Ҳатто таркибли терминлар ҳам бундан истисно эмас. 1990 йилда Москвада чоп этилган “Лингвистический энциклопедический словарь” да термин сўзига тубандагича таъриф берилади: “Слово или

словосочетание, обозначающее понятие специальной области знания или деятельности” [Линг. Энцикл. словарь. – М.:1990.-С.508].

Кўринадики, термин ўз маъноси нозиклигига кўра умумистеъмолдаги сўзлар билан бир хил эмас ва шу боис уни умумистеъмолдаги сўзлардан, шу жумладан, атамалардан ҳам фарқлаб ўргатиш лозим деб ўйлаймиз. Терминлар тил системасида ўзига хос микросистемани тақозо этади ва ўзига хос парадигмасига эга.

Ҳар бир фанга, соҳага тааллуқли бўлган терминлар тартибга солинган лексик системани ташкил этади ва улар бир-бирлари билан систем муносабатда бўлади [Махкамов Н., 2015,15-б.].

Термин ёлғиз сўз билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланиши ҳам мумкин. Аммо, у бирикманинг қисқарган шаклини (аббревиатурани) ҳам тақозо этади дейиш, бизнингча, тўғри эмас. Зотан, бу ўринда терминга хос маъно нозиклигига путур етади. Атама ҳақида сўз юритилганда эса кун тартибига аббревиатура тушунчасини бемалол киритиш мумкин. Масалан, *Бирлашган Миллатлар Ташиқлот* тарзида берилган сўз бирикмасини тақозо этувчи таркибли атама ўрнига БМТ қисқартмасидан бемалол фойдаланса бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз мазкур тадқиқот ишимизда “таркибли атама” (мураккаб атама) ҳамда “таркибли термин” (мураккаб термин) тушунчаларининг ҳар биридан ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилдик ва бунда, асосан, Қомусий лингвистик луғатга асосландик [Лингв энцикл словарь. – М.,1990.-С.508].

Шуни ҳам айтиш лозимки, биз кўп ўринларда *атама* ва *термин*



тушунчаларини ўзаро синонимлар тарзида қўллаб келмоқдамиз. Бироқ, уларни бу ҳолатда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз. Бу хусусда Н.Маҳкамовнинг куйидаги мулоҳазалари билан қўшилиш мумкин: “Мазкур термин (*атама* термини хақида сўз юритилмоқда – С.Ш.) тилимизда фаол қўлланиб кўпинча *термин* ўрнида унга синоним сифатида қўлланилмоқда. Ҳолбуки, *атама* сўзи номинатив бирлик бўлиб, аташ билан боғлиқ барча номларни ўз ичига олади. Жумладан, ономастик бирликлар, янги топонимлар, антропонимлар ҳам атама ҳисобланади. Атама *термин* сўзини ҳам ўз ичига қамраб олади. *Атама* ва *термин* сўзлари ўзаро бутун-бўлак муносабатидаги сўзлардир. Атама умумий ном, термин – хусусий ном. Терминологияда ушбу сўзларнинг ҳар бири ўз вазифасига ва маъносига эга [Маҳкамов Н., 2015, № 6, 10 б].”

Бизнингча, мазкур мулоҳаза таркибли атамалар ва таркибли терминларнинг ҳар иккисига ҳам тааллуқлидир. Таркибли атамалар ҳам, таркибли терминлар ҳам турғун ҳолатда бўлгани учун тил системасида тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Уларнинг эркин сўз бирикмаларидан фарқи ҳам ана шундадир, зотан, эркин сўз бирикмалари нутқда шаклланади. Бундай қурилмалар турғун бирикмаларни ташкил этади ва фраземалардан фарқланади. Шу боис Ю.С.Степанов уларни нофразеологик бирикмалар жумласига киритади: *ядерный реактор, горячий привет* [Степанов Ю.С. –М.: 1975.-С.55].

Умуман олганда, турғун сўз бирикмалари таркибий қисмлари синтактик жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам яхлит ҳолдаги бирликни тақозо этади. Бунда таркибий қисмларнинг бири маъносига кўра, иккинчиси эса танланган сўзнинг талабига кўра фаоллик кўрсатади [Рублева С.А., 2014].

Юқоридагилардан ташқари, турғун ва эркин сўз бирикмаларининг ўхшашлик томони ҳам бўлиб, уни биз *синтагма* тушунчаси орқали изоҳлай оламиз. Ана шу боис бу ўринда синтагма тушунчасига изоҳ

беришга тўғри келади. Мазкур тушунча тилшуносликка дастлаб Ф.де Соссюр томонидан киритилган эди. Олим синтагма деганда, тил унсурларининг горизонтал чизик бўйлаб ўзаро аниқловчи-аниқланмиш қолипида муносабатга киришувини тушунади ва синтагма сўз бирикмаси ва ҳатто, гап шаклида бўлиши ҳам мумкинлигини эслатади [Соссюр Ф.де. –М., 1977.-С.155].

Бу ўринда биз синтагма тушунчасини Ф.де Соссюр таълимотига асосланган ҳолда талқин этмоқчимиз. Л. Шчерба эса синтагма фонетик ҳодиса тарзида изоҳлайди.

Соссюрнинг шогирди Шарль Балли ҳам синтагма аниқловчи-аниқланмиш қолипида келишини ва у ҳар доим эркин бўлишини таъкидлайди: *table ronde, table carrée* (*думалоқ стол, квадрат стол*) [Балли Ш.-М.: 1955.-С.155].

Бошқа кўпгина тилшунослар ҳам синтагмани қатъий равишда тил бирикларининг аниқловчи-аниқланмиш қолипидаги муносабати тарзида тушунадилар. Масалан, С.О.Карцевский, А.А.Холодович, А.А.Реформатскийлар тадқиқотларида бунинг далилини кузатиш мумкин [Карцевский С.О. –М.,-Л.: 1928.-С.24; Холодович А.А. –М.:1937;-М.:1975.-С.18-30].

Шуни ҳам айтиш керакки, синтагма (қўшма сўз бундан истисно) қатъий равишда нутқда шаклланади, унинг тилда тайёр ҳолдаги вариантлари бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, изоҳ талаб қилади. Чунки биз айтиш пайтда турғун бирикмаларнинг ҳам синтагма қолипида келиши хусусида фикр билдирмоқдамиз. Дарҳақиқат, турғун бирикмалар, шу жумладан, таркибли термин ва атамалар ҳам (қарийб ҳар доим) синтагма қолипида келади. Бироқ уларга нисбатан, амалдаги қоидага мувофиқ, синтагма тушунчасини қўллаб бўлмайди, зотан, синтагма эркин ҳолда нутқда шаклланади. Иккинчи томондан эса, турғун бирикмалар синтактик шакллари аниқловчи-аниқланмиш муносабатини тақозо этади. Ана шу боис вазиятдан чиқиш мақсадида француз олими Р.Ф.Микунш “лексик



синтагма” тушунчасини истеъмолга киритади [Mikus R.F. – Bruxelles-Paris, 1972. –P.13]

Лексик синтагма мақомида турғун ҳолатдаги сўз бирикмалари, шу жумладан, таркибли (мураккаб) атамалар ва терминлар ҳам келади. Бундай сўз бирикмалари функционал нуқтаи назардан мустақил лексик бирликлар сингари қўлланилса ҳам, график жиҳатдан алоҳида шаклланган компонентлардан ташкил топади. Шу боис лексик синтагмалар мураккаб тил бирлигини тақозо этади: [Хаяутин А.Д.-Самарқанд, 1983.-С.8] *турмуш ўртоғи, дарс жадвали, тест маркази, ташкилий қўмита, кун тартиби, темир ирода, ер курраси, бахт қуши* ва ҳ.к.

Келтирилган мисолларнинг ҳар бирида таркибли атама мақомида шаклланган мураккаб тил бирликларини кўрамиз. Бу ўринда берилаётган таркибли атамалар компонентлари муносабати аниқловчи-аниқланмиш моделини тақозо этмоқда ва шу боис уларда денотат сигнификат алоқалари ҳам шунга асосланмоқда: *ўртоқ* -денотат, *турмуш ўртоғи* –сигнификат, *жадвал* - денотат, *дарс жадвали*-сигнификат, *марказ-денотат, тест маркази*-сигнификат ва ҳ.к. Проф. Н.Ф.Алеференко турғун бирикмалар талқини жараёнида десигнат (ифодаланувчи) тушунчасидан фойдаланади. Бунда *десигнат* термини идеал объект маъносида қўлланади [Алеференко Н.Ф. // www.philol-journal.stedu.ru(2017)]. Бу ўринда биз дериват (ҳосила) тушунчасидан фойдаланмоқдамиз.

Келтирилган таркибли атамалар турғун ҳолат касб этганлиги ва тилимиз луғат таркибида тайёр ҳолда мавжудлигидан қатъи назар, уларнинг умумий маънолари компонентлари лексик маънолари орқали вокеланаётганини кузатамиз. Зотан, бирикмалар компонентларининг ҳар бири ўз лексик маъноларини тарк этаётгани йўқ. Бизнингча, ана шу сабабдан бу сингари турғун бирикмалар компонентларининг синтактик алоқалари ҳам, гарчи статик белгили бўлса-да, маълум даражада

сақланади. Буни қуйидагиларда кузатиш мумкин: *турмуш ўртоғи, дарс жадвали, тест маркази, кун тартиби, бахт қуши* каби бирикмалар компонентлари мослашув, *ташкилий қўмита, темир ирода* бирикмалари компонентлари эса битишув усуллари қоидаларига бўйсунмоқда. Бу, ўз навбатида, улар ўртасида синтактик алоқа мавжудлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, мазкур бирикмаларнинг турғунлик мақоми биринчи галда семантик нуқтаи назардандир, зотан, улар умумий мазмуний жиҳатларига кўра яхлит (бўлинмас) бутунликни ташкил этиб, таркибли атама ҳолатига келиб қолмоқда. Бунинг натижасида, албатта, уларнинг компонентлари синтактик алоқалари ҳам, гарчи жонли бўлса-да, мазкур семантик бутунлик доирасидагина фаоллик кўрсата олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фраземалар тадқиқига бағишланган кўпгина ишларда таркибли атама ва терминлар фразеологик ибора тарзида талқин этилади. Масалан, В.Н.Вакуров *атом энергияси, электр энергияси, ёзув машинкаси* каби таркибли атамаларни термин тарзида талқин этиб, уларни фраземалар жумласига киритади [Вакуров В.Н. қ.1.-М.:1979.-С.58].

Назаримизда, бундай бирикмаларни фраземалар тарзида ўрганиш ноўриндир, зотан, уларда фразеологик ибораларга хос бўлган идиоматик маъно кўзга ташланмайди. А.И.Смирницкий ҳам бу сингари бирикмалар ҳақида сўз юритганида уларда идиоматик маъно йўқлигини таъкидлайди: “Хорижий лингвистик адабиётларда бу сингари бирикмаларни (таркибли атамаларни-С.Ш.) идиоматик бирликлар жумласига киритадилар. Бунда гўёки мазкур бирликларда семантик бўртиш кузатилади. Масалан, *rough sketch* (қоралама нусха), *nice distinction* (нозик фарқ), *(to) take an examination* (имтиҳон топширмак) каби бирикмаларда ҳеч қандай идиоматик маъно кузатилмайди” [Смирницкий А.И. – М.: 1956.-С.224.]



Т.А.Лапаева ҳам соф турғун бирикмаларни эркин бирикмалар билан фразеологик иборалар оралиғида бўлган бирликлар сифатида талқин этади ва улар жумласига таркибли атамалар, метафорик характерли сўз бирикмалари парафразаларни киритади [Лапаева Т.А., 2007.// [https:// cyberleninka.ru/article/v/](https://cyberleninka.ru/article/v/)]

Дарҳақиқат, таркибли атамалар ҳамда терминларда идиоматик маъно ифодасини кузатиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда қўлланилганда ҳам уларнинг умумий маънолари компонентлари маъноларининг синтезидан келиб чиқади. Ҳ.Жамолхонов тўғри таъкидлаганидек: “Ҳар қандай турғун бирикма фразема бўлавермайди. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бирикмаси турғун конструкциядир, аммо тўғри маъноли турғун конструкция бўлганлигидан фразема ҳисобланмайди” [Жамолхонов Н.-Тошкент, 2005, 217-б.]

1. Олий Мажлис ҳузурида янги институт фаолиятини бошлади (“Халқ сўзи” газетаси).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарияларни кадрлаш йили” давлат дастури тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифадан келиб чиқиб, маданият ишлари вазирлиги “энг яхши публицистик ва бадий асарлар танловини эълон қилди (“Зарафшон” газетаси).

3. Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим сифатида бошлади. (“Ёшлар овози” газетаси).

Келтирилган мисолларда *Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Фанлар академияси* сингари таркибли атамалар берилаётганини кўрамиз. Мазкур атамалар турғун сўз бирикмаси қолипида бўлиб, уларнинг компонентлари ўз лексик маъноларида қўлланилмоқда. Бу эса, айни пайтда идиоматик маъно хусусида сўз юритишга йўл бермайди. Тўғри, ҳар учала ҳолатда ҳам бирикма турғун бўлгани учун яхлит бир маъно ифодасини бермоқда. Аммо, яхлит бўлса ҳам, мазкур маъно яхлитлиги уларнинг компонентлари

маънолари синтезидан ташкил топмоқда. Бошқача айтганда, берилаётган турғун сўз бирикмалари компонентлари аниқловчи-аниқланмиш қолипида келиб, лексик синтагма воқеланиши учун хизмат қилмоқда.

Бундай сўз бирикмалари эркин сўз бирикмаларидан турғунлиги билан фарқ қилади. Улар тилимиз луғат бойлигида тайёр ҳолда эканлиги, эркин бирикмаларнинг деривацион хусусиятлари нутқ билан боғлиқлиги ҳам ана шу фарқ замирида вужудга келади.

Мазкур таркибли атама қолипидаги турғун бирикмалар шаклан таркибли терминларга ўхшаса ҳам, семантик вазнига кўра уларни муштарак ҳодисалар деб бўлмайди. Фикр далили учун қуйидаги мисолларда берилган турғун бирикмаларни қиёслайлик:

1. *Гулнинг оппоқ нафис баргидан милтиллаб турган тиниқ сув томчиси кўз ёшидай юмалаб ерга тушиди (А.Мухтор. Қорақалпоқ қиссаси).*

2. *Чап эшикдан чархчилар, найчакашлар ишхонасига-“йигирув цехи”га кирилади (А.Мухтор. Опа-сингиллар).*

Биринчи мисолда берилаётган кўз ёши бирикмаси таркибли атама мақомида келаётган бўлса, иккинчи мисолда қўлланган *йигирув цехи* бирикмаси терминдир. Бошқача айтганда, кўз ёши бирикмаси умумистеъмолга тааллуқли бўлса, *йигирув цехи* маълум бир соҳа доирасида қўлланилади. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам ноидиоматик турғун бирикмаларни тақозо этишига кўра ўхшашдир. Умуман олганда, таркибли атама билан таркибли термин ўртасига “Хитой девори” кўйиб бўлмайди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, бу икки ҳодисани нозик (семантик) жиҳатларига кўра фарқлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, термин содда бўлганда ҳам, мураккаб бўлганда ҳам сўзлардан ташкил топади. Сўз фақат муайян функция бажариши жараёнидагина терминга айланади [Антимирова В.В. – Краснодар, 2011. – С.10].



Турғун бирикмаларни тақозо этувчи таркибли терминлар ҳам ана шу қоидага бўйсунди. Мазкур жараён муҳим аҳамият касб этади, зотан, терминларнинг шаклланиши фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлади ва ана шу тарзда ҳар бир соҳанинг ўзига хос терминологик системаси вужудга келади. Терминологик система эса, ўз навбатида, ҳар бир ҳалқнинг ўзлигини қай даражада билиши, турмуш тарзи билан бевосита

боғланади [Шарафутдинова Н.С. – Тамбов: Грамота, 2016, № 6. – С.169]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, соф турғун сўз бирикмалари компонентлари ўз лексик маъноларини тўлиқ бўлмаса-да, сақлаб қолади. Бошқача айтганда, турғун бирикма қайси шаклда (таркибли атама, парафраза, аналитик лексема) келишидан қатъи назар, компонентларнинг муайян лексик маъноси тарк этмайди.

Адабиётлар:

1. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати.-Тошкент: 1985, 88-89-бетлар.
2. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М.: 2007. - С.13-15.
3. Лингвистический энциклопедический словарь. –М.,1990.-С.508.
4. Махкамов Н. Терминларни меъёрлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти,2015,15-бет.
5. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. –М.: 1975.-С.55.
6. Рублева С.А. Виды и сущность устойчивых словосочетаний в английском языке//резь//cyberleninka.ru/article/v/vidy(Екатеринбург, 2014).
7. Соссюр Ф. де Труды по языкознанию.-М., 1977.-С.155.
8. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка.-М.: 1955.-С.155.
9. Карцевский С.О. Повторительный курс русского языка.-М.:-Л., 1928.-С.24; Холодович А.А.Синтаксис японского военного языка.-М.:1937; Реформатский А.А. Фонологические этюды.-М.:1975.-С.18-30.
10. Mikus R.F.Principe de syntagmatique. – Bruxelles-Paris, 1972. –Р.13.
11. Хаятин А.Д.Сложные лингвистические единицы в словарях французского языка XVI-XIX вв.-Самарканд, 1983.-С.8.
12. Алеференко Н.Ф. Фраземосемиозис как процесс лингвокреативного мышления// www.philol-journal.stedu.ru.(2017).
13. Вакуров В.Н. Фразеология // Современный русский язык, ч.1.-М.:1979.-С.58.
14. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка –М.: 1956.-С.224.
15. Лапаева Т.А. Устойчивые сочетания в системе языковых единиц// Вестник Новгородского государственного университета, 2007.// <https://cyberleninka.ru/article/v/>
16. Жамолхонов Н. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Тошкент: 2005, 217-бет.
17. Антимирова В.В. Лексико-семантические и деривационные характеристики русской лингвистической терминологии// Кандидатская дис. – Краснодар, 2011. – С.10.
18. Шарафутдинова Н.С. О понятиях “терминология”, “терминосистема” и “терминополе” // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2016, № 6. – С.169 (интернет материалы).

Shodiyev S. The syntactic derivation of terms. This article is devoted to the identification and expression of linguistic notions as “atama” – nomination and “termin”-term, which are used as a synonym in speech. The author aims to differentiate and find similar functions of these issues.

Шодиев С. Синтаксическая деривация терминов. Статья посвящена выявлению и выражению лингвистических понятий как «атама» - наименование и «термин» - термин, которые используются в речи как синонимы. Автор стремится различить и находить схожие функции этих понятий.



FRANSUZCHA DEFISLI QO'SHMA SO'ZLAR TAHLILIGA DOIR

*Shukurova Ra'no Akmalovna,
SamDCHTI katta o'qituvchisi
Islamova Ozoda G'ulom qizi,
SamDCHTI talabasi*

Kalit so'zlar: *qo'shma so'zlar, so'z yasash, defis, komponent, struktur modellar, ko'plik shakli, semantik xususiyat.*

„So'z yasash usuli“ tushunchasi so'z yasalishi bo'limining asosiy tushunchalaridan biri, desak xato bo'lmaydi. Uning mohiyatini to'g'ri anglamasdan, avvalo, so'z yasashning qanday usuli yoki usullari borligini aniq belgilab bo'lmaydi. [1:6]. So'z yasash usuli bo'yicha juda ko'p izlanish olib borilgan. Biroq, fransuz tilshunosligida bu hodisaning mohiyati aynan defis bilan yoziladigan qo'shma so'zlar misolida kam e'tibor qaratilgan.

So'z yasash deganda, ma'lum bir lug'aviy birlikdan so'z yasovchi vosita yordamida yangi so'z hosil qilish tushuniladi. So'z yasashning „kompozitsiya usuli“ tillarda keng tarqalgan bo'lib, u so'z yasashning mahsuldor usuli sifatida ta'riflanadi. Kompozitsiya usuli bilan so'z yasash deganda, so'z qo'shish yo'li bilan so'z yasash tushuniladi. Ya'ni ikki mustaqil so'z ma'lum grammatik shaklda birikadi va birikuvchi so'zlar o'rtasida grammatik aloqa borligi sezilib turadi.

Tilda „qo'shma so'z“ deb ataladigan so'zlar ham ma'lum bir usullar orqali yasaladi. Lekin, tilda biror so'zning u yoki bu yo'l orqali, biror hodisa tufayli yuzaga kelishi asosida yangi so'z hosil qilish hodisasi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

-so'z yasash usuli bilan yangi so'z hosil qilishda so'z yasovchi maxsus vositadan foydalanish ;

- so'z yasash usuli bilan hosil qilingan so'z (yasama so'z) so'z yasovchi yordamida

ma'lum bir so'zdan hosil qilinadi va bu so'z (yasama so'zning shu qismi) so'z yasash asosi hisoblanadi;

- maxsus usul bilan, maxsus birliklar yordamida yasalgan so'zlarning ma'nosi uning qismlari ma'nosidan yuzaga keladi, uning ma'nosini qismlari ma'nosi bilan asoslash [1: 14].

Fransuz tilida defis bilan yoziladigan so'zlar, asosan, qo'shma so'zlar hisoblanadi. Ularning tuzilishida juda ko'p o'ziga xosliklar, ya'ni struktur xususiyatlar mavjud. Masalan, predlog bilan ravish bitta ot turkumidagi so'zni, yoki fe'l bilan fe'l ham ot so'z turkumini yasashi mumkin. Aynan shunday so'zlar yuzasidan ilmiy va amaliy izlanish olib borilganda, ularning o'ziga xos struktur qirralari ma'lum bo'ldi. Jumladan, ularni tashkil qilgan komponentlarning morfologik tavsifi va ular birgalikda paydo qilgan leksik hosilaning grammatik xususiyatlari xilma-xil ekanligi ko'zga tashlanadi [2: 21].

Fransuz tilida bunday qo'shma so'zlar juda ko'pchilikni tashkil etadi. Ularning aksariyat qismini ot so'z turkumiga xos so'zlar tashkil etadi. Bundan tashqari, sifat va ravish so'z turkumiga xos so'zlar ham ular orasidan keng o'rin olgan. Biroq, fe'l so'z turkumiga xos so'zlar juda sanoqlidir. Quyida ularning aynan *Le petit Robert* lug'atining „A“ va „B“ harflari asosida olib borilgan kuzatish natijalariga ko'ra shunday misollar keltirish mumkin [3]:

Ot:	Sifat:	Ravish:	Fe'l:
<i>Bain-marie</i>	<i>Bas-jointé</i>	<i>Bras-le-corps</i>	<i>Arc-debouter</i>
<i>Balai-brosse</i>	<i>Bucco-dentaire</i>	<i>Au-devant</i>	
<i>Banc-titre</i>	<i>Bucco-génital(e)</i>	<i>Brule-pourpoint</i>	
<i>Ballet-pantomime</i>	<i>Attrape-tout</i>	<i>Au-dehors</i>	



Bundan tashqari, fransuzcha qo'shma so'zlar orasida ikkala so'z turkumi sifatida qo'llaniladigan turlari ham mavjud. Masalan, bitta qo'shma so'z ham ot, ham sifat tariqasida ishlatilishi ham mumkin. Misol uchun:

anti-age (adj. et nom)
bien-pensant-e (adj. et nom)
afro-américain-e (adj. et nom)
anglo-saxon,onne (adj. et nom)

Bunday so'zlar ustida izlanish olib borilganda, albatta, ularga xos dastlabki muammo - ularning son, ya'ni birlik va ko'plik shakllarini yasash muammosi paydo bo'ladi. Haqiqatan ham, qo'shma so'zlarning ko'plik shaklida ko'plikni ifodalovchi qo'shimcha ushbu murakkab leksik birlikning

qaysi qismiga qo'shilishi ancha muammoli vaziyat sanaladi. Negaki, ularda ko'plik shaklining yasalishi uchun maxsus qoida yoki orfografik mezonning o'zi mavjud emas. Bu xususda ular xilma-xil orfografik qoidalarni o'z ichiga oladi [4:42].

Fransuz tilidagi qo'shma so'zlar uch xil tarzda ko'plik shaklini hosil qiladi. Bu holat ularni tashkil etuvchi komponentlar bilan birga amalga oshadi. Ya'ni, qo'shma so'zlarning ko'plik shakli ularning 1) birinchi komponentiga, 2) ikkinchi komponentiga va 3) ikkala komponentiga ham ko'plik qo'shimchasini qo'shish orqali yasaladi [5:67]. Bu uch xil shaklga quyidagicha misol keltirish mumkin:

1.	Birinchi komponentga qo'shimcha qo'shish:	
	<i>Singulier</i>	<i>Pluriel</i>
	<i>bébé-éprouvette</i>	<i>bébés-éprouvette</i>
	<i>année-lumière</i>	<i>années-lumière</i>
2.	Ikkinchi komponentga qo'shimcha qo'shish:	
	<i>baby-boom</i>	<i>baby-booms</i>
	<i>avant-trou</i>	<i>avant-trous</i>
3.	Ikkala komponentga qo'shimcha qo'shish:	
	<i>balai-brosse</i>	<i>balais-brosses</i>
	<i>avant-centre</i>	<i>avants-centres</i>

Bundan tashqari, faqat birlikda qo'llaniladigan otlar ham ko'pchilikni tashkil etadi. Masalan: *baby-foot* (n.m); *à-côté* (n.m);

boute-en-train (n.m); *blue-jean*(n.m);
aberden-angus (n.m); *burn-out* (n.m).

Fransuzcha qo'shma so'zlar struktur nuqtayi nazardan morfologik tahlil qilinganda ularning bir qancha struktur modellari mavjudligi aniqlandi. Ularni quyidagicha besh turga ajratib tasniflash maqsadga muvofiqdir:

Ot bilan boshlanadigan qo'shma so'zlar	Sifat bilan boshlanadigan qo'shma so'zlar	Fe'l bilan boshlanadigan qo'shma so'zlar	Ravish bilan boshlanadigan qo'shma so'zlar	Predlog bilan boshlanadigan qo'shma so'zlar
<i>Ot+ot;</i>	<i>Sifat+ot;</i>	<i>Fe`l+fe`l;</i>	<i>Ravish+ot;</i>	<i>Predlog+sifat;</i>
<i>Ot+predlog +ot;</i>	<i>Sifat+fe`l ;</i>	<i>Fe`l+ot;</i>	<i>Ravish+ravish;</i>	<i>Predlog+fe`l;</i>
<i>Ot+sifat ;</i>	<i>Sifat+Sifatdosh;</i>	<i>Fel+ot;</i>	-	<i>Predlog+ot;</i>
<i>Ot+predlog+ Fel ;</i>	<i>Sifat+sifat;</i>	-	-	-
-	<i>Sifat+predlog +ot.</i>	-	-	-



Ko'rinib turibdiki, fransuzcha qo'shma so'zlarning 17 ta struktur turi mavjud bo'lib, ularning birinchi komponentini tashkil etuvchi so'zlar turiga ko'ra besh sinfga ajratib tahlil qilish mumkin, ya'ni sifat, ot, fe'l, ravish va predlog bilan boshlanadigan qo'shma so'zlar singari. Bunda sifat bilan boshlanadigan qo'shma so'zlarning besh xil, ot bilan boshlanadigan qo'shma so'zlarning to'rt xil, fe'l bilan boshlanadigan qo'shma so'zlarning uch xil, ravish bilan boshlanadigan qo'shma so'zlarning ikki xil hamda predlog bilan boshlanadigan qo'shma so'zlarning uch xil struktur modellari mavjuddir. Quyida bu struktur modellarga misollar keltirib o'tamiz:

<i>Sifat+ot</i>	<i>blanc-bec</i>	<i>Sifat+fe'l</i>	<i>blanc-manger</i>
<i>Ot+sifat</i>	<i>amour-propre</i>	<i>Ot+predlog+ot</i>	<i>boute-en-train</i>
<i>Predlog+ot</i>	<i>avant-bras</i>	<i>Ot+ot</i>	<i>bateau-mouche</i>
<i>Fe'l+fe'l</i>	<i>aller-retour</i>	<i>Sifat+sifatdosh</i>	<i>bien-aime</i>
<i>fe'l+ot</i>	<i>brise-vent</i>	<i>Fel+ot</i>	<i>attrape-mouche</i>
<i>Sifat+sifat</i>	<i>aigre-doux</i>	<i>Predlog+sifat</i>	<i>avant-veille</i>
<i>ravish+ravish</i>	<i>avant-hier</i>	<i>Sifat+predlog+ot</i>	<i>belle-de-jour</i>
<i>Ravish+ot</i>	<i>avant-scene</i>	<i>Ot+predlog+fel</i>	<i>bonnet-de-prêtre</i>
<i>Predlog+fe'l</i>	<i>après-diner</i>		

Fransuz tilida defis bilan yoziladigan so'zlar leksik-semantik jihatdan tahlil qilinganda, juda ko'plab qiziqarli jihatlar ko'zga tashlanadi. Bunday so'zlarning aksariyat qismi fransuz tilida bo'lishiga qaramasdan, ularning orasida dunyoning turli tillaridan kirib kelgan so'zlarni, faqat ma'lum bir soha doirasidagina qo'llanadigan so'zlarni ham uchratish mumkin bo'ladi.

Bunday so'zlar aynan mana shunday jihatdan leksik-semantik nuqtayi nazardan tahlil qilinganda, ularning juda ham ko'plab xususiyatlari ko'zga tashlanadi. Xususan, ularni kasb-hunar, sport, texnika, qurilish, asbob-uskunalar, ilm-fan, tashkilot va joy nomlari, kelib chiqish, hayvonot, parranda, qarindoshlik, o'simliklar, kosmetika va hujjat nomlari kabi sohalarga doir so'zlar shular jumlasidandir. Quyida ularga shunday misollar keltirish mumkin:

- 1) Kasb-hunar sohasiga doir so'zlar:
Aide-soignant, e (n)- tibbiy yordam ko'rsatuvchi;
Brigadier-chef(n)- rahbar;
- 2) Sport sohasiga doir so'zlar :
Avant-centre(n)- markaziy himoyachi;
Basket-balle(n.m)- basketbol;
- 3) Texnika sohasiga doir so'zlar :
Anti-sous-marin, e (adj et n)- Suvosti kemasiga qarshi qurol(jangda);
Bateau-mouche (n.m)- Syenada yo'lovchi tashuvchi paroxod;

4) Qurilish sohasiga doir so'zlar :

- Arc-boutant (n.m)*- tirgak,
tirkagich gumbaz
Arc-bouter (de bouter) (v.t)-
tirkagich qo'ymoq;

5) Asbob-uskuna so'zlari:

- Brule-pourpoin (á)*- o't
o'chirgich;
Bec-de-corbeau (n.m)- ombur;

6) Ilm-fanga doir so'zlar :

- a) Kimyo: *Atome-gramme (n.m)*- atomgramm
Auto-induction(n.f)- elektromagnit induksiya
- b) Tibbiyot: *Bec-de-perroquet-(n.m)*-
umurtqa ostreoxondrozi
Bec-de-lievre(n.m)- og'iz
bo'shlig'i kasalligi;
- c) Kino-teatr: *Avant-scène (n.f)*- sahnaning
parda orti qismi;
Ballet-pantomime (n.m)- so'zsiz va
qo'shiqsiz xoreografik spektakl;
- d) Kosmos-koinot: *Année-lumière (n.f)*-
yorug'lik yili;
- e) Geologiya :
Block-daigramme (n.m)- geologik
birliklarning 3 o'lchamda berilishi;
- f) Tarix: *Anglo-saxonne (adj et n)*- angol-
sakslar;
- g) Adabiyot: *Bout-rimé (n.m)*- sher qatorlari;
Belle -lettres (n.f)- adabiy, ritorik, poetik
san'atlar birligi;
- h) Anatomiya : *Auto-immunité(n.f)* -
immunitet;



Bucco-dentaire (adj) - og'izga va tishga aloqador;

7) Tashkilot, joy nomlariga doir so'zlar :

Auto-école (n.f) - avtomobil boshqaruv markazi;

Boui-boui (n.m) - kichik kafelarning umumiy nomi;

8) Millatni ifodalovchi so'zlar:

Afro-américain,e (adj et nom)- Afrika va AQSH fuqarosi;

Afro-cubain,e (adj et n)- ham Afrika ham Kubaga oid;

9) Hayvon va parranda nomlarini ifodalovchi so'zlar:

Bec-croisé (n.m)- Uzuntumshuq qush nomi;

Bas-jointé,e- (adj)- Ot turi;

10) Qarindosh-urug'ni ifodalovchi so'zlar :

Arrière-grand-tante (n.f)- bobo yoki buvining inglisi;

Beau-parent (n.m)- o'gay ota-ona;

11) Tabiat hodisalarini ifodalovchi so'zlar:

Arc-en-ciel (n.m)- kamalak;

12) Rasmiy hujjatlarni ifodalovchi so'zlar :

Bulletin-reponse (n.m)- savollar varaqaasi;

Blanc-seing (n.m)- Imzo qo'yilgan hujjat;

13) O'simliklarni ifodalovchi so'zlar :

Bouton- d'argent (n.m)- oq gul;

Belle-de-nuit (n.f)- tog'olcha ;

14) Kosmetikaga doir so'zlar :

Après-soleil (adj et n)- quyoshdan keyingi krem;

Après-rasage (adj et n)- Soqol olgach, surtiladigan krem.

Fransuz tilidagi defis bilan yoziladigan qo'shma so'zlarni bu kabi semantik nuqtayi nazardan tahlil qilish fransuz tili lug'at tarkibidagi qo'shma so'zlar muammosiga doir ayrim masalalarning echimini topishga yordam beradi.

Shuningdek, fransuz tilidagi qo'shma so'zlarga xos yuqoridagi singari struktur modellarning har biri alohida maxsus ilmiy izlanishni talab etadi va bunday izlanish natijalari tildagi qo'shma so'zlar muammolariga asoslangan ayrim leksik, grammatik va struktur xususiyatlarni kashf etish imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясашиши тизими. –Тошкент: Ўқитувчи, 2007. -168 б.
2. Corbin D. La formation des mots: structure et interprétation// Lexique 10.-Villeneuve d'Asq: Presses universitaires de Lille. - 1991 – P. 7-30.
3. Nouveau petit le Robert. – Paris, 1994. – 2467 p.
4. Corbin D. Hypothèses sur les frontières de la composition nominale.// Cahiers de grammaire 17. – 1992. – P. 25-55.
5. Foucault B de. Les structures linguistiques de la genese des jeux des mots. – Berne etc. Lang,1988.– 144 p. -(Sciences pour la communication, 23)
6. Умбаров Н., Ҳамроқулов Г. Ҳозирги замон француз тили лексикологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 104 б.

Шукурова Р., Исламова О. Анализ сложных слов с дефисом во французском языке.

В этой статье рассмотрены некоторые особенности сложных слов, которые пишутся с дефисом во французском языке. В частности, присущие им грамматические, лексические и семантические особенности помогают различать парадигматические отношения между такими словами. Также в статье проанализирована структурная специфика составных слов, которые пишутся через дефис.

Shukurova R., Islamova O. The analysis of compound words with hyphen in French.

This article will discuss some of the features of complex words that are written with a hyphen in French. In particular, their inherent grammatical, lexical, and semantic features help distinguish the paradigmatic relationships between such words. The article also analyzes the structural specifics of compound words that are written with a hyphen.



АДВЕРБИАЛ БИРЛИКЛАР ЁРДАМИДА ИФОДАЛАНДИГАН ИТЕРАТИВ СЕМАНТИКА (инглиз тили мисолида)

*Жураев Ботир Илхомович,
СамДЧТИ эркин тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: итеративлик, адвербаллик, функционал-семантика, такрорийлик, семантика.

Мулоқот жараёнида бирор аниқ мазмуннинг шаклланишида семантик категориялар функционал танлов вазифасида иштирок этади. Мазмунга эга бўлган нутқ ифодасининг ҳосил бўлиши нутқий актнинг қўлланишига боғлиқ. Мулоқот жараёнида сўзловчи нутқда маълум семантик категориянинг функционал ифодасидан фойдаланади. Бунда тил воситаларидан унумли фойдаланиш назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан, семантик категорияларнинг функционал вазифаларини ўрганиш долзарб саналади. Мулоқот жараёнида фаоллашадиган семантик категориялар қаторига аспектualiликни киритиш мумкин. Мулоқот жараёнида аспектuali мазмунга эга бўлган вазиятлар қаторига такрорийлик ҳодисасини киритиш мумкин. Нутқ вазиятида турли воқеа-ҳодисалар такрорийлигининг ифодаланиши мулоқот жараёнида қўлланиладиган лисоний бирликларнинг лексик маъноси, грамматик шакли ҳамда лисоний бирликнинг функционал вазифасига боғлиқ.

Лисоний бирликлар таҳлиliga функционал ёндашув А.В.Бондарко ишларида кенг кузатилади. Олим тил таркибида мавжуд функционал ифода усулларини ёритиш ва тасвирлаш мақсадида “функционал-семантик категория”, “функционал-семантик майдон” каби лисоний таҳлил тушунчаларини киритади. Семантик категорияларнинг нутқда фаоллашувини тасвирланишига нисбатан “категориал вазият” атамасини қўллайди. Маълум вазиятда тил бирлигининг амалий қўлланилишига нисбатан “функционал имконият” тушунчаси фойдаланилади (Бондарко, 2004; 42–43). Функционал

имконият маълум тил бирлигининг нутқда фаоллашиш имкониятларини барча ифода турларига нисбатан қўлланилади.

Функционал-семантик категория лисоний мазмун ва ифодага эга бўлган лисоний категория сифатида ўрганилади. Кўпгина ҳолларда семантик мазмунга эга бўлган категориялар морфологик категорияларга маъно жиҳатдан ўхшаш бўлади. Ифода планига кўра морфологик, синтактик, сўз ясаиши, лексик, контекстдаги лисоний воситаларнинг турлича бирикуви турли лисоний сатҳларни ҳосил қилади (Бондарко, 2013; 28–31). Шунинг учун ҳам функционал-семантик категория систем таҳлил принципларига асосланади. Систем таҳлил одатда маълум маъно ва мазмунни англатувчи барча лисоний воситаларни қамраб олади.

Функционал-семантик категория таркибига кирувчи итеративлик феълнинг микдорий кўрсаткичлари, такрорий маъно англатувчи лисоний бирликлар ва контекстуал ифода воситаларини қамраб олади. Феълнинг микдорий мазмунини ўрганишда эътибор лексик-грамматик воситаларга қаратилади, яъни тус грамматик категорияси ва ҳаракат тарзи билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Хусусан, феълнинг микдорий аспектuali маъноси лимитативлик функционал-семантик майдон (Шелякин, 2013; 83–85) доирасига тегишли итератив ҳаракат тарзи сифатида қаралади.

Маълумки, феъл динамик ва статик каби гуруҳларга таснифланишдан ташқари, феълнинг нутқда ва матнга мослашиш имкониятларига қараб микдорий ва сифатий турларга ҳам ажратилади. Феълнинг микдорий



категорияси тил бирликларининг микдорий кўрсаткичларини бирлаштирувчи умумий микдор категориясининг энг муҳим гуруҳи саналади. Бунда микдорий таҳлил объекти феъл билан ифодаланадиган воқеа-ходисалар асосий планга кўтарилади. В. Дресслер қирқга яқин тиллардаги эмперик материаллар асосида феълнинг микдорий кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида предикат маъноси билан боғлиқ ҳолда ифодаланадиган тўртта гуруҳини аниқлайди: итератив, дистрибутив, континуатив, интенсив (Dressler, 1968; 62–84). Мазкур гуруҳлар орасида итеративлик унверсал ҳодиса ҳисобланади ва итеративлик функционал-семантик категориясини ҳосил қилади ҳамда функционал-семантик майдонда фаоллашади. Итеративлик функционал-семантик категорияси вазиятларнинг темпорал карралигида аниқланади. Мазкур семантик хусусият турли сатҳдаги тил воситаларини бирлаштиради ҳамда функционал-семантик майдонни ташкил қилади.

Итеративлик функционал-семантик категория микдорий категория тушунчасига мос келади ва вазиятларнинг карралиги, саналиши каби семантик ифодани қамраб олади.

Итеративликнинг лисоний тушунчаси турли хил мазмунга эга. Лингвистик терминларга бағишланган луғатларда итеративлик атамасига “кўп карралик”, “такрорийлик” каби изоҳлар берилади ҳамда такрорий ифодага эга равишларнинг лексик маъноси, сўз яшаш компоненти, аспектнинг хусусияти, феълнинг ҳаракат тарзи семантик категориясининг бир тури, феълнинг семантик маъно турини ифодалашга нисбатан қўлланилиши берилади. Жумладан, Ахмановнинг лингвистик терминларнинг изоҳли луғатида итератив сўзлар (такрорийликни англатувчи сўзлар) (инглиз тилида *iterative compound*, француз тилида *compose iteratif*, испан тилида *compuesto iterativo* тарзида изоҳланади (Ахманова, 1969; 75). Россияда чоп этилган “Большой лингвистический

энциклопедический словарь”да такрорийликни, кўп карраликни англатувчи тусга оид феъл категорияси сифатида ёритилади (БЭС: 441-551).

А. Грекова итеративликни аниқлашда кўпроқ эътиборни равишларга қаратади. Унинг фикрича, итеративликни англатувчи лисоний бирликлар борасида ҳол синтактик позициясида келувчи равишлар феълга нисбатан муқимроқ саналади. Чунки, улар феъл билан бирикканда кўшимча маъно юзага келмайди (Грекова, 1979; 39). Аммо, В.В. Богданов эса ҳол вазифасидаги ушбу равишлар аспектун оператор сифатида талқин қилади. Муаллифнинг таъкидлашича, равишлар гап семантикасини боғловчи вазифани бажаради (Богданов, 2007; 128). Б.М. Балин такрорийлик маъносини англатувчи ҳол вазифасидаги бирликлар феълнинг чегараланмаганлик маъносини кучайтиришга хизмат қилади, деган мулоҳазани илгари суради (Балин, 1969; 131).

Умуман олганда, тилшунослар итеративликни ҳаракат тарзининг тури сифатида баҳолашади ҳамда ўзига ҳос аспектун тузилма эканлигини тан олишади. Итеративлик семантик категорияси турли лисоний бирликлар ёрдамида ифодаланиши боис такрорийлик маънони англатувчи бирликларга нисбатан турли атамаларнинг қўлланилишига олиб келди. Жумладан, кўп карраликни англатувчи феълларга нисбатан мультипликатив термини қўлланилса, бир карраликни ифодаловчи феълларга нисбатан семилфактив атамаси қўлланилади. Равишларга нисбатан эса итератив адвербиаллар юритилади.

Маълумки, такрорийлик маъносининг ифодаланиши барча тилларга ҳос жиҳат саналади. Аммо, мазкур маъно ифодаланиши тилнинг структур хусусиятига кўра фарқланади. Шунинг учун ҳам итеративлик унверсал семантик категория сифатида баҳоланади. Итеративлик ҳаракат тарзининг қатор турлари аниқланган: 1) дисконтинуатив (ифодаланадиган ҳаракатлар оралиғидаги



такрорийлик); 2) репититив (маълум пауза сақланмайдиган тез-тез юз берадиган такрорийлик); 3) дубликатив (бир ёки бир неча шахслар томонидан амалга ошириладиган бир хилдаги такрорий ҳаракатлар); 4) реверсатив (юриш ҳаракати феъллари билан ифодаланадиган олдинга ва орқага амалга ошириладиган ҳаракатлар; 5) фреквентатив (бошқариладиган такрорийлик); 6) конатив (маълум ҳаракатлар, воқеа-ҳодисаларнинг қайта амалга оширилиши); 7) альтернатив (қарама-қарши йўналтирилган ҳаракатларнинг кетма-кет такрорланиши) (Dressler, 1968; 62–65).

Номаълум вақт оралиғини англатувчи равишлар барча акционал хусусиятли (чегараланган, чегараланмаган, лимимтатив нейтрал) (Ризаев, 1999; Мирсанов, 2009) феъллар билан қўлланилади. Номаълум вақт оралиғини англатувчи равишлар инглиз тилида *sometimes, often, seldom* ва шу кабилар ташкил қилиб, улар алоҳида воқеа-ҳодисаларнинг такрорланишини англатади. Шунингдек, *again and again*, каби бирликлар ҳосил қилади. Мазкур лисоний бирликлар алоҳида тугалланган воқеа-ҳодисаларнинг такрорийлигини ифодалайди. Бу такрорийлик кўпгина ҳоларда чегараланган хусусиятли феъллар қўлланилганда кузатилади. Масалан:

1) 'Where do you see these - these men? At your home?'

'Of course not. I meet them just as I did you. Sometimes on the boat, sometimes in the park, sometimes on the street. I'm a pretty good judge of a man (O'Henry, 146);

2) All these things were too much to think about. Like the really black bit after John had seized his chance and arranged to meet Kate again and again, and his mother had said that he was to bring no flighty Dublin girl into this pub, the business belonged to the whole family. (Meave Binchy 32).

Мазкур мисолларда инглиз тилида номаълум частотали маънони англатувчи адвербиаллар чегараланган хусусиятли (*touch, spend, send, get, end, shake, come, go*) феъллар ифодаладиган воқеа-ҳодисанинг тартибсиз равишда

такрорланишини англатади. Ҳар бир воқеа-ҳодиса алоҳида тугалланган вазият сифатида баҳоланади. Мазкур воқеа-ҳодисалардаги тугалланганлик семаси бевосита феълнинг чегараланган хусусиятига алоқадор ҳолат саналади. Масалан:

3) "Oh, yes," says Mrs. Avery. "I have so many deals of this sort I sometimes get them confused. (O'Henry, 202);

4) So me and Andy goes back to our hotel and waits. Andy walks up and down and chews the left end of his moustache. (O'Henry, 202).

Итеративлик чегараланган хусусиятли феълларнинг турли адвербиал бирликлар билан модификацияланиши натижасида юзага келади. Мазкур адвербиал бирликлар ҳар бир итератив воқеа-ҳодисанинг ниҳоясига етганлигини англатади. Улар жумасига қуйидаги адвербиалларни киритиш мумкин: *seldom, sporadically, at times, three times, four times, five times, a few times, many times, several times, twice a year, four times a week*.

5) "What is it! For Christ's sake! I've called ten times. You have to see Judge Urbanovich at half past one. Your lawyer's been trying to get you, too. (Saul Bellow, 72);

6) "How? I've surrendered five times. Each time I surrender Denise and her guy up their demands." (Saul Bellow, 72).

Шунингдек, итератив воқеа-ҳодисаларнинг давомийлигини англатувчи адвербиаллар гуруҳига *always, continuously, systematically, constantly, usually, regularly, mostly, very often, often, without ceasing, non-stop, permanently, uninterruptedly, rarely, commonly, habitually, everlasting* кабиларни киритиш мумкин. Масалан:

7) Three seats ahead there was a dumpling of a woman, all soft hills under faded blue gingham, her cheeks round as rising buns, hair white as good flour. A keen-eyed pastor in black, his white collar in sharp relief against a jet lapel, scanned the car constantly, frowning, as if on perpetual alert for signs of sin and decadence. (Susan Key, 13);

8) My, my, she thought. It really is a good thing he rarely does that. It's too potent a



weapon to be unleashed on the world on a regular basis. (Susan Key, 29);

9) She'd wondered a hundred times since she'd first seen him. And yet there was a part of her that didn't want to know. The more she learned of him, the more real he became, the less the fantasy man that she could build into anything and anyone she wanted. (Susan Key, 29).

Юқорида таъкидланган адвербиаллардан ташқири итеративликни англатувчи адвербиаллар инглиз тилида турли таркибий қисмлардан иборат бўлиб улар куйидаги конструкцияларни ҳосил қилади:

1. Prp -N - Prp - N; from morning to evening, from morning to evening, from morning to night, from day to day, from year to year, year in and year out, on and on, from night to morning.

2) Adv -conj-Adv // N - Prp-N; again and again *year-in-year day in and day out*, day by day, year by year;

3) Adv - Nom: every time, all the time, *very often etc.*

10) That's lovely for them to see that kind of carry on if they pass the window,' she said shaking his hand away. (Meave Binchy,71);

11) One of Mrs. Cassidy's eyes sparkled like a diamond. The other twinkled at least like paste (O'Henry, 172).

Таъкидланган ушбу тузилмалар семантик миқдорий вазибаларни бажаради ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг турли частотасини аниқлаш учун хизмат қилади. Адвербиал бирликлар ва бирикмалар маълум семантик ифодани акс эттирувчи асосий воситалар сифатида амал қилади. Шунингдек, мазкур адвербиал бирликлар феъл семантикасига ўз таъсирини ўтказди. Мисол учун *gradually* чегараланган хусусиятли феъл англатадиган ҳаракатнинг кетма-кет тарзда давомийлик семасини беради. Масалан:

12) This is by way of explaining that I took Von Humboldt Fleisher as the subject of my meditation that morning. Such meditation supposedly strengthened the will. Then, gradually strengthened by such exercises, the will might become an organ of perception. (Saul Bellow,57).

Адвербиал бирликлар сифатдош шакллари билан ҳам бирикиб, сифатдош англатадиган маънонинг частоталарини чекланганлиги ёки чекланмаганлигини ифодалайди. Ифодаланган частотали ҳаракатнинг ҳар бир тугалланган семантикани билдиради. Масалан:

13) As Sue was sketching a pair of elegant horses how riding trousers and a monocle on the figure of the hero, an Idaho cowboy, she heard a low sound, several times repeated. (O'Henry, 180).

Инглиз тилидаги *now and then*, *occasionally*, *sometimes* каби адвербиал бирликлар ўзига хос семантик имкониятга эга бўлиб, улар “макондаги кечим”, “такрорий ҳаракатларнинг хилма-хиллиги”, “ғасодиғийлик” каби семантик хусусиятларни ҳосил қилиши мумкин. Мазкур семантик фарқланишлар контекстуал мазмун ёки феълнинг лексик-семантик ҳамда акционал хусусиятларига боғлиқ тарзда юзага келади.

14) At fifty tables sat princes and queens clad in all the silks and gems of the world. And *now and then* one of them would look curiously at Jerry's fare. (O'Henry, 70);

15) I would have thought,' said I, 'that *occasionally*, anyhow, you would have found the wit and intuition of woman invaluable to you in your lines of - er - business.' (O'Henry, 211);

16) "I have so many deals of this sort I *sometimes* get them confused. (O'Henry, 213).

Келтирилган (14) мисолда *now and then* маълум макондаги ҳаракатлар итеративликнинг номаълум вақтга нисбатан такрорийлигини ифодалаш учун хизмат қилган бўлса, *occasionally* равиши ноаниқ вақт кечимида маълум воқеа-ҳодисаларнинг такрорланишини билдиришга кўмаклашган. Кейинги мисолдаги *sometimes* равиши субъект томонидан бажариладиган ҳаракатнинг такрорийлигини ифодалаб келган.

Инглиз тилидаги адвербиал бирликлар ва бирикмалар итеративликнинг функционал семантик воқеланишини таъминловчи, воқеа-ҳодисалар, ҳаракатларнинг карралик семасини



таъминловчи воситалар сифатида муҳим ўринга эга. Итеративлик турли сатҳлардаги лисоний бирликларни бирлаштирувчи категория сифатида миқдорий ифода, темпораллик, аспектиаллик каби категориялар билан узвий боғлиқ.

Итератив адвербиал бирликлар миқдорий маъноларни фаоллаштирувчи воситалар бўлиб гапнинг семантик таркибининг фарқланишини белгиловчи

бирликлар ҳисобланади. Инглиз тилида адвербиал бирликлар гап таркибига мустақил бирикувчи бирликлар саналишмайди. Улар предикат билан боғланиб, гап семантикаси ва гап мазмунини боғлиқлигини таъминлайди.

Итеративлик семантикаси карралик, миқдорийлик, узвийлик, боғлиқлик каби категориал семалар билан белгиланади. Мазкур семаларнинг шаклланишида итератив адвербиаллар муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. 3-е изд., стереотип. -М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1969. – 608 с.
2. Балин Б.М. Немецкий аспектологический контекст в сопоставлении с английским: спецкурс для студ. и аспирантов фак. иностр. яз. Калинин: КГПИ им. М.И. Калинина, 1969. – 432 с.
3. Большой энциклопедический словарь / гл. ред. В.Н. Ярцева. 2-е изд. -М.: Большая Росс. энцикл., 1998. 685 с.
4. Богданов В.В. Предложение и текст в содержательном аспекте. СПб.: Филол. фак. СПбГУ, 2007. – 280 с.
5. Бондарко А.В. Теоретические проблемы русской грамматики. СПб.: Изд-во СПбГУ, 2004. 208 с.
6. Бондарко А.В. Введение. Основание функциональной грамматики // Теория функциональной грамматики: Введение, аспектуальность, временная локализованность, таксис / отв. ред. А.В. Бондарко. М.: Кн. дом «Либроком», 2013. – С. 5–39.
7. Грекова О.К. Виды значений повторяемости и средства их выражения // Вестник МГУ. Сер. 9. Филология. № 2. 1979.– С. 37–48.
8. Мирсанов Ф.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектиал хусусиятлари. Филол.фан.н.дисс. автореф. –Т.: 2009. – 21 б.
9. Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита.– Т.: Фан, 1999. –121 с.
10. Шелякин М.А. Способы действия в поле лимитативности // Теория функциональной грамматики: Введение, аспектуальность, временная локализованность, таксис / отв. ред. А.В. Бондарко. -М.: Кн. дом «Либроком», 2013. – С. 63–85.
11. Dressler W. Studien zur verbalen Pluralität. Iterativum, Distributivum, Durativum, Intensivum in der allgemeinen Grammatik, im Lateinischen und Hethitischen. Wien: Kommissionsverl. der Osterreichischen Akademie der Wissenschaften, 1968. – 253 S.

Жураев Б. Итеративная семантика, выражаемая с помощью адвербиальных единиц. В статье обсуждается итеративная семантика английских наречий и дифференциация итеративной семантики в структурном плане и в функционально-семантическом поле.

Djurayev B. Iterative semantics which is expressed with the help of adverbial units. The article discusses iterative semantics of English adverbials and differentiation of iterative semantics structurally and in functional semantic field.



ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК СИФАТЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

*Бегматов Қувончбек Мухторович,
СамДЧТИ мустақил тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: касбий компетентлик, касбий-педагогик сифатлар, мулоқот, педагогик фаолият, мотивацион компонент, функциялар, маданиятлараро мулоқот, нутқий фаолият.

XXI асрнинг таълим эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган янги самарали ривожланаётган таълим парадигмаси, хорижий тилларни ўқитишда глобал тенденцияларни ҳисобга олишдан ташқари, чет тили ўқитувчисининг роли ва касбий фаолиятида сезиларли ўзгаришларни белгилайди. Олимларнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, чет тилларни ўқитишда инновацион ёндашувни амалга оширувчи ўқитувчи таълим-тарбия вазифаларини ҳал этиш жараёнида, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида талабалар билан ҳамкорлик қилувчи катта тажрибали дўстга айланади.

Иккинчи чет тили (немис тили) ўқитувчисининг касбий компетентлиги: коммуникантларга муайян ижтимоий аниқланган “коммуникатив вазиятларда самарали таъсир ўтказиш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик, маданий, стратегик ва дискурсив билим, кўникма ва малакалар тизими, шунингдек, кўникмаларга эга бўлиш ва мавжуд билимларни педагогика, психология ва чет тилини ўқитиш усуллари орқали белгиланади [1:97].”

Иккинчи чет тили ўқитувчисининг касбий сифатларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, ўқитилаётган тил билими (амалий ва назарий) ва она тили маданияти. Иккинчи гуруҳ, ўқитувчининг методик билим ва кўникмаларидан иборат бўлиб, учинчиси-педагогик билимлардан иборат. Ҳар бир гуруҳ сифатларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб ўтамыз.

Сифат мавзуси ҳар доим долзарб бўлиб келган. Тил ҳақидаги амалий билимлар предмет сифатларининг асосини ташкил этади. Фикрни оғзаки ва ёзма шаклда баён этиш, аслиятдаги бадиий ва журналистик адабиётларни тўла тушунган ҳолда ўқиш, айтилган нутқни оддий суръатда тушуниш кўникмасини ўз ичига олади. Тўғри талаффузни, интонацияни билиш, жуда кенг қамровли сўз ва ибораларга эга бўлиш ва грамматика қоидаларини билиш керак. Буларнинг барчаси ўқитувчининг коммуникатив компетентлигини таъминлайди. “У дарсда жаргон сўзлар ёки китоб тилидан фойдаланмаслик учун нутқ услубларини ҳам фарқлаши керак. Ўқитувчи умумий тилшунослик, тил ўқитиш назарияси (фонетика, лексикология, грамматика, тил тарихи элементлари) ва она тили назариясига оид билимларга эга бўлиши керак [4:48].”

Мавзу сифатларига ўргатилаётган тил (ёки мамлакатлар) маданияти – география, тарих, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, фольклор ва урф-одатларни билиш керак. Талабаларнинг она тили билан тили ўқитиладиган мамлакатнинг маданий ва бошқа алоқалари ҳақида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг барчаси ўқитувчи ижтимоий-маданий компетентлигининг асосидир.

Услубий фазилатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи чет тилини ўқитиш методикасини шу қадар яхши билиши керакки, у дарсликнинг методик тушунчасини унга кўра тушуниши ва баҳолай олиши (ёки бир неча дарсликлардан ўз шароитига энг мосини



танлай олиши) керак. Энг асосийси, олий мактабда чет тилини ўқитиш мақсадларини тушуниш ўқитиш босқичларида уларнинг модификацияларини тушунишдир.

Услубий сифатлар предмет сифатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Тил ҳақидаги амалий билимлар методик меъёрларга риоя қилган ҳолда болаларни оғзаки нутққа, ўқишга, тинглашга, ёзишга муваффақиятли ўргатиш, ўқиш учун аудио материаллар ва китобларни тўғри танлаш имконини беради. Чет ва она тиллари назариясини билиш талабаларнинг қийинчиликларини олдиндан айтиб бериш, уларга тўғри машқлар танлаш имконини беради. Маданиятлараро билимлардан фойдаланиш тил ўрганишнинг ижтимоий-маданий жиҳатини таъминлашга, талабаларнинг ўрганилаётган тилга, чет давлатга, унинг халқига бўлган кизиқишларини уйғотишга ва қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Методик билимларнинг мавжудлиги ўқитувчининг дарс занжирини (ва унга киритилган ҳар бир дарсни) ўқитиш даражасини, дарслик билан таъминланган материалнинг мазмунини, бу гуруҳдаги талабаларнинг тайёргарлигини, уларнинг қизиқиш ва майлларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш қобилиятига боғлиқ. Агар иложи бўлса, ҳар бир дарсда талабаларга янги ва қизиқарли нарсалар таклиф этилса, бу янги ҳолатми ёки ўйинми, бирор сўз, гап, гап тарихидан қизиқ факт ва бошқалар. Лекин, бу ўқитувчининг предметни яхши билиши ва методик билимлари мавжуд бўлсагина мумкин бўлади.

Методик ва субъектив сифатлар нафақат ўқув хонасида, балки ундан ташқари машғулотларда ҳам талаб қилинади. Ўқитувчи чет тили тўғраги (клуби, оқшоми, танловлар, викторина) ни ташкил қилиши, бунинг учун керакли материалларни танлаши лозим.

Ўқитиш сифати ҳар доим асосий ролни ўйнайди. Ўқитувчининг талабаларга, унинг фаолиятига, ўзига бўлган муносабати шаклланмаган бўлса, на мавзу, на методик билим ва кўникмалар

ишда муваффақиятни таъминлайди. Бундай муносабатларнинг шаклланиши педагогик сифатларда намоён бўлади. Уларда ёш психологиясига оид билимлар, талабаларга табақалаштирилган тарзда ёндашиш, ҳар бир талабанинг кучли ва заиф томонларини топиш ва уларга чет тилини ўрганиш қийинчиликларини ва бошқа болалар билан муносабатларни енгишга ёрдам бериш кўникмаси таркиб топади. Алоҳида ёндашув ва педагогик такт, айниқса, талабаларнинг муваффақияти ва уларнинг тил ўзлаштиришдаги саъй-ҳаракатларини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ўқитувчининг талабалар билан мулоқотидир. Бу, айниқса, чет тили дарсларида мулоқот фаолиятини ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Биз дарс жараёнида тинч, ишончли атмосфера ҳосил қилиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Услубий воситалар билан бир қаторда (етарли вазиятларни яратиш, ишни жуфтликда ташкил қилиш), бу асосан талабанинг ўзи билан алоқа қилиш, ҳар бир ўқувчининг шахсиятига ҳурмат, унинг қийинчиликларини тушуниш ва ҳар кимни мақсадга мувофиқ фаолиятда ўз ичига олган ёрдам билан таъминланади. Бундан ташқари, энг қобилиятли талабаларни рағбатлантириш, уларга ўзларини кўрсатиш имкониятини бериш керак.

“Педагогик сифатлар гуруҳига болаларга муҳаббат, уларнинг ҳар бирининг шахсини ривожлантиришга қизиқиш, болаларнинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳиссини мустаҳкамлаш қобилияти киради [2:112].” Ўқитувчи ижодий қобилиятга ҳам эга бўлиши керак. Бусиз турли шарт-шароитларни ҳисобга олувчи дарс занжири ғоясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, чет тили ўқитишнинг янги усулларини топиш мумкин эмас.

Педагогик сифатлар ўқитувчига ўқув жараёнини тўғри ташкил этишга ёрдам беради, улар талабалар орасида эътибор қозониш учун ҳам зарурдир. Талабаларнинг ҳурматсиз, уларга ҳеч қандай тарбиявий таъсир кўрсатиш мумкин эмас ва тўлақонли мулоқот ақлга



сигмайди. Ўқув хонасида яхши интизом ҳам ўқитувчига бўлган хурматга асосланади. Ўқитувчилар эса мавзунини билишлари, талабалар ўртасида дарс бериш ва муваффақиятларга эришишлари, баҳолашда адолатлиликлари учун хурматга сазовор бўладилар.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг функционал тузилишини ўрганувчи тадқиқотчилар “коммуникатив-ўқув функциясининг етакчи ролини қайд этадилар ва уни фарқлайдилар:

1. ахборот йўналтирилган ёндашув;
2. мотивацион ва рағбатлантирувчи ёндашув;
3. назорат ва тузатиш компонентлари [3:139].”

Коммуникатив-таълим функциясининг ахборот йўналтирилган таркибий қисми қуйидаги кўникмалар билан таъминланади:

- талабаларга ўрганилаётган тилнинг мамлакат тили ва маданияти ўртасидаги муносабатлар, унинг вакилларининг ижтимоий-маданий хулқ-атворида миллий ўзига хосликнинг намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида йўл-йўриқ бериш;
- талабаларга ўз мамлакати ва хорижий мамлакатлар маданиятларидаги ўхшашлик ва фарқлар ҳақида кўрсатмалар бериш.

Мотивацион ва рағбатлантирувчи компонент билвосита ва тўғридан-тўғри маданиятлараро мулоқот шароитида талабаларнинг чет тилидан алоқа воситаси сифатида фойдаланишлари учун ички эҳтиёжни яратиш қобилиятини ўз ичига олади:

- а) кўшимча ўқув материаллари (матнлар, шеърлар, кўшиқлар, видеолар ва бошқалар.) чет тилини ўрганиш жараёнида қўлланилади;
- б) таълимнинг фаол шакллари (муаммоли вазибалар, ижтимоий-маданий йўналишдаги ролли ўйинлар) дан фойдаланиш орқали чет тили маданияти хусусиятларини янада самарали ўзлаштиришга ёрдам беради;
- в) талабаларни мустақил ишларнинг ҳар хил турларига жалб қилиш орқали (маданий-худудий викторина ва танловлар,

чет эллик дўстлар билан ёзишмалар ва бошқалар.), миллий-маданий муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Назорат-тузатиш компоненти қуйидаги методик кўникмаларга асосланади:

- чет тилини маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида ўзлаштиришда назорат мақсадлари, шакллари, турлари ва объектларини аниқлаш;
- чет тилини билиш даражасини маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида аниқлаш мақсадида талабаларнинг нутқий кўникма ва малакаларини жорий, ўқув ва якуний назорат қилишни режалаштириш ва амалга ошириш.

Ривожлантирувчи ва тарбияловчи функциялар қуйидаги кўникмалар ёрдамида амалга оширилади:

- таълим жараёнида кўшимча материаллардан фойдаланиб, билимларни кенгайтириш, талабаларнинг хотира, тасаввур, ақлий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг ўрганилаётган маданиятлардаги ўхшашлик ва фарқларни таҳлил қилиш ва таъкидлаш қобилиятини шакллантириш;
- талабаларнинг нотаниш маданиятни мустақил ўрганиш, лингвистик ва маданий луғатлардан, хилма-хил маълумотнома-адабиётлардан ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш;
- талабаларни ўрганилаётган тил она тили ҳамда унинг ижтимоий-маданий қадриятларига хурмат, халққа ҳамдардлик руҳида тарбиялаш;
- талабаларнинг ўз она-Ватанининг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маданий меросига бўлган чуқур хурматини ошириш.

Ижтимоий-маданий функция қуйидагилар орқали амалга ошади:

- ўрганилаётган тилнинг мамлакат маданияти ҳақидаги маълумотларни ифодалаш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш нуктаи назаридан ўқув материалларини, ўқитиш воситаларини таҳлил қилиш;



- талабаларнинг нутқий фаолиятига лисоний ва ижтимоий-маданий аралашувларнинг эҳтимолий ҳолатларини олдиндан кўра билиш;
- иккала лисоний ва маданий жамоанинг миллий-маданий хусусиятларини таққослаш асосида воқеликнинг энг қийин факт ва ҳодисаларини аниқлаш.

Конструктив-режалаштириш функциясини таъминловчи услубий кўникмалар қуйидагича:

- талабаларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда кўшимча материалларни танлаш, методик ишлов бериш ва бу материалларни машғулот босқичлари бўйича тарқатиш;
- талабаларни ўрганилаётган тилнинг мамлакат маданияти билан таништиришнинг энг самарали методлари ва йўллари танлаш;
- муайян воқеликни ифодалаш мақсадида турли кўргазмаларни воситаларни тайёрлаш, танлаш, улардан фойдаланиш.

Ташкилий функция чет тили маданияти ҳақиқатларини энг самарали ўзлаштириш мақсадида уларнинг фаолиятини ва талабалар фаолиятини ташкил этишнинг энг яхши йўллари танлаш қобилияти асосида амалга оширилади, зарур сифатларга эга бўлиш учун кўпгина шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга ва бу жараён асосан индивидуалликда амалга оширилади. Энг асосийси, ўқитувчининг ўз-ўзини тарбиялаш ва унга муносабати ўз касбини эгаллашга интилиши ҳисобланади. Иккинчи шарт-ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш қобилиятидир. Таълим жараёнидаги муҳит ҳам муҳим аҳамиятга эга – ҳамкасблар билан алоқалар, бошқа ўқитувчиларнинг дарсларига қатнашиш имконияти, шунингдек, яқин атрофдаги таълим муассасалари – ўқитувчилар малакасини ошириш институти, услубий кенгашлар ва ҳоказо.

Адабиётлар:

1. Адольф В.А. Профессиональная компетентность современного учителя. Монография.- Красноярск: 1998.-120 с.
2. Захарова Л.Н., Соколова В.В., Соколов В.М. Профессиональная компетентность учителя и психолого-педагогическое проектирование. Учебное пособие. –Новгород: 1995.-136 с.
3. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. –Москва: 1977.-214 с.
4. Трофимова Г.С. Основы педагогической коммуникативной компетентности. Учебное пособие.- Ижевск: 1994.-76 с.
5. Щукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь. -М.: 2007.-746 с.

Бегматов К. Профессионально-педагогические качества и функции преподавателя второго иностранного языка. В статье представлены размышления о профессионально-педагогических качествах преподавателя второго иностранного языка. Также прилагаются точки зрения автора статьи о профессионально-педагогических качествах и компетенциях преподавателя в учебном процессе.

Begmatov K. Professional and pedagogical qualities and functions of a teacher of a second foreign language. The article presents reflections on the professional and pedagogical qualities of a teacher of a second foreign language. Also attached are the author's points of view on the professional and pedagogical qualities and competencies of the teacher in the educational process.



ABDULHAMID CHO'LPONNING "KECHA VA KUNDUZ" ROMANIDAGI IJTIMOY- INSONIY MUNOSABATLAR LISONIY TAHLIL OBEKTI SIFATIDA

*Sayitqulova Zilola Husniddin qizi,
SamDChTI mustaqil tadqiqotchisi*

Kalit so'zlar: ijtimoiy-oilaviy munosabatlar, qadriyatlar, milliy o'ziga xoslik, an'ana, kontekst, lisoniy ifoda, muhit.

Har qanday badiiy asar madaniy-adabiy an'analar zaminida yaratiladi. Yurtimizda ko'p yillik tarixga ega va muqaddas hisoblanmish oila munosabatlari badiiy asarlarimizda, xususan, ilk o'zbek romanlarida ham ma'lum darajada qiziqarli tarzda ochib berilgan. Jumladan, Cho'lponning "Kecha va Kunduz" romanida aks ettirilgan oilaviy munosabatlar va o'z davriga xos ijtimoiy-oilaviy an'analar bugungi kun nuqtai nazaridan, ayniqsa lisoniy aspektida e'tiborni tortadi. Asardagi oilaviy munosabatlarga xos xususiyatlar, ba'zi yo'qolib borayotgan an'analar, o'zbek xalqiga xos fazilatlar umum ijtimoiy kontekstda yorqin namoyon bo'ladi va o'sha davr muhitini, oila a'zolari o'rtasidagi insoniy munosabatlarni ko'rsatib berilishiga namuna bo'lib xizmat qiladi. Asarda bir qator o'tmish an'analari, sharqona axloq, o'zbek xalqiga xos fazilatlar tasviri jamlangan. Adabiyotshunos O.Sharafiddinov ta'kidlaganlaridek, "Kecha va Kunduz" romanida muallif nigohi "o'zbek xonadonining ichkarisi"ga qaratilgan [6, 59-60 b.]. Asar matnidan biz o'zbek xonadonlaridagi "yaqin moziyga xos" oilaviy-insoniy munosabatlariga, yuqorida aytilganidek, qator misollar keltirishimiz mumkin.

Romandan ilk sahifalaridan keltirilgan quyidagi parchada XX asr boshlariga qadar barcha o'zbek erkaklariga xos jihatni, ya'ni andisha fazilatining kichik bir ko'rinishini ko'zlatamiz:

– O'zbekda ahir har bir erkak o'z xotinini-o'z halol juftini qizi yo o'g'lining nomi bilan atab chaqiradi. O'z xotining ismini aytib chaqirish yaramaydi. Xotining ismi Maryam, qizining ismi Xadicha bo'lsa, mo'min-musulmon: - sharmu hayo yuzasidan

bo'lsamikan? – xotinini "Xadicha" deb chaqiradi. Aksar ona-bola baravar "labbay!" deydi; shunday-da, oilaning haqiqiy egasi bo'lgan ota: "Kattangni aytaman, kattangni!" deydi. Hatto shunda ham "Maryamni", demaydi...

Bizning so'fi mo'min-musulmonning bu urfiga ham amal qilmaydi, u o'z halol jufti Qurbonbibini hamma vaqt "Fitna" deb chaqiradi: "Fitna, sallamni ber!", "Fitna, qiz o'lguring qani?", "Fitna, puldan uzat!". [2,11b.]

Muallif tilidan aytilgan ushbu parchadan anglashiladiki, erkaklar ham o'z ahli ayyollarining hurmatini joyiga qo'yadilar, ularning ismlarini aytib chaqirishni o'zlariga ep bilmaydilar. Bu jamiyatda erkakning o'z xotiniga bo'lgan hurmatini namoyon etadi. Badiiy matn konteksti asrlar mobaynida shakllangan mavjud ijtimoiy-madaniy an'anani aks ettiradi. Shunigdek, matnda qo'llanilgan "labbay" leksemasi ko'p ma'noli so'z bo'lib, u arab tilidan kirib kelgan "labayka" – "mana, oldingdaman, huzuringdaman" ma'nosini anglatadi. U asosan birov chaqirganda beriladigan javob "Ha" o'rnida yoki "Nima deysiz", "Nima dedingiz" ma'nolaridagi so'roqlarni ifodalash uchun ishlatiladi [1, 480b.]. "Kattangni aytaman, kattangni!" jumlasini erkakning o'z xotiniga bo'lgan andishasini ular o'rtasida ko'rinmas devor, ya'ni masofa borligini anglatadi va o'ziga xos semantik maydon hosil qiladi. Cho'lpon bu fikrini kontekstual antonimni qo'llagan holda dalillaydi va uning ta'sirchanligini oshiradi. Buni "... so'fi mo'min-musulmonning bu urfiga ham amal qilmaydi, ..." jumllarida ko'rishimiz mumkin. So'fi o'z nomidan ko'rinib turibdiki, taqvodor, dindor inson shunga qaramasdan u musulmonlarning bu urfiga amal qilmaydi va



o‘z mansabi ga (so‘filigi) zid ish tutadi, o‘z xotinini “Fitna” deb chaqiradi. “Fitna” so‘zi arab tilidan kirib kelgan bo‘lib, maftun etish, yo‘ldan ozdirish, isyon, g‘alayon ma‘nolarini anglatuvchi salbiy ma‘noli so‘z, g‘arazli maqsadga erishish yo‘lida birovni qoralash uchun qilinadigan yashirin xatti-harakat, buzg‘unchilikdir [1, 349 b.]. Ushbu jumalarda ifodalangan muallif fikri yana bir bor insoniy munosabatlarni aks ettirish bilan birga asarning ta‘sirchanligi va ishonchliligini, matn pragmatikasi salmog‘ini oshiradi uni yanada o‘qimishliroq bo‘lishiga yordam beradi.

Ayollar esa o‘z erlariga bundanda ortiq hurmat ko‘rsatadilar, hattoki o‘z turmush o‘rtog‘ining yuziga, ko‘zlariga tik qaramaydilar, turmush o‘rtog‘ining har bir gapini so‘zsiz bajaradilar. Bu esa boshqa millatlarda uchramaydigan, faqatgina o‘zbek ayyollariga xos bo‘lgan xususiyatdir. Biz buni roman matnidagi Akbarali mingboshi va Zebi o‘rtasidagi munosabatda ko‘rishimiz mumkin:

“ - Tur, hay! – dedi Zebiga.

Zebi yotgan joyidan turib, fonarni balandlatdi.

- Dasturxonni yoz! Yegulik narsang bormi?

- Ha kosada osh bor.

- Ber buyoqqa.

Zebi erining mast ekanligini bilsa-da, uning ovoqidagi bu g‘ayritabiiy qo‘rslik va qattiqlikka hayron bo‘ldi, boshini ko‘tarib, unga tikildi, “o‘zimi, boshqami?” deganday...

- Nimaga menga qaraysan? Yo mastmisan, sintaloq? – dedi mingboshi.

Zebi indamasdan dasturxonni yoyib, oshni qo‘ydi. ” [2, 294-295 bb.]

Mana shu sodda undov, so‘roq va qisqa darak gaplardan iborat dialogda o‘zbek ayollariga xos bir qancha fazilatlar aks etgan. Keltirilgan jumalarda muallif Zebi timsolida o‘zbek ayollariga xos er-xotin munosabatlarida turmush o‘rtog‘iga itoatkorlikni, uning barcha gaplarini so‘zsiz bajarishini ko‘rsatiladi. Zebi o‘rnidan turib Akbarali mingboshining buyruqlarini bajara boshlaydi va uning g‘ayritabiiy qo‘rsigidan hayratlanib unga qaraydi. Akbarali

mingboshining bu nigohdan jahli chiqadi. Sababi, mavjud madaniy makonda erkak kishining ko‘ziga qarash, tik boqish unga nisbatan hurmatsizlik va betgachoparlikni bildiradi. Biroq Zebi hurmatsizlik yuzasidan emas, balki hayratdan unga tikilib qolgandi. Mingboshi “ – Nimaga menga qaraysan? Yo mastmisan, ...” deb uni nohaq koyishiga qaramasdan, Zebi e‘tiroz bildirmaydi, indamaydi, aksincha, dasturxonni yozadi, o‘z ishida davom etadi. Zebining e‘tiroz bildirmagani, uning o‘zbek ayollariga xos iboli, hayoli hamda andishali ekanini ko‘rsatadi. Cho‘lpon lisoniy unsurlar, xususan, gap tuzilishi orqali bunga erishadi, milliy o‘ziga xoslikni ko‘rsatadi.

O‘zbek ayollarining e‘tirofga loyiq yana bir jihati shundaki, ular turmush o‘rtog‘idan ruxsatsiz ish qilmaydilar. Asar boshida Zebining dugonasi Saltanat Enaxonlarnikiga mehmonga Zebini olib borish niyatida keladi. Ammo, Zebining onasi Qurbonbibi otasi namozdan kelganidan so‘ng izn so‘rab ko‘rishini aytadi. Bu ham sharqona odobning bir ko‘rinishi:

“Sukut uzoqqa cho‘zilgandan keyin Qurbonbibi endi bu safar jiddiy bir chehra bilan:

- Nimaga indamaysiz? Xo‘p deng! Katta odam, uyat bo‘ladi. Bir yaxshi xotinlari, bir otincha qizlari borki... O‘zlarini bo‘lsa, o‘zingiz bilasiz, - dedi.

So‘fi negadir:

- Bilaman, Fitna, bilaman! – deb qo‘yib, yana jim bo‘ldi.

Endi Qurbonbibi yana ham jiddiylashdi:

- Bo‘lmasa, “yo‘q”, deng. Saltanatxonga javob beray, ketsin! Azonda kelgan edi.

Shundan so‘ng so‘fining tili aylandi:

- Shoshma, Fitna, “yo‘q”, dema, mayli, bora qolsin...”. [2, 21b.]

Qurbonbibi qizining qish bo‘yi siqilib o‘tirganini ko‘rib, uning ko‘nglini yozib kelishi uchun, uni azbaroyi yaxshi ko‘rganidan mana shu yolg‘onni o‘ylab topadi. Ammo, uni o‘zi uchun emas, qizi uchun ishlatgan va bu kichik yolg‘oni katta fojialarga sabab bo‘lishini u hatto tasavvuriga ham keltirmagan edi.



Qurbonbibi Xalfa eshonning oilasiga xos muhit va munosabatlarni juda jo‘n sodda tilda, barchaga tushunarli so‘zlar bilan ta’riflaydi: “Katta odam, uyat bo‘ladi. Bir yaxshi xotinlari, bir otincha qizlari borki... O‘zlarini bo‘lsa, o‘zingiz bilasiz, ...”. “Katta odam” so‘zi hurmatli, obro‘- e’tiborli insonni nazarda tutmoqda. “Otin” so‘zi arxaik so‘z hisoblanib, eski maktablarda qizlar o‘qituvchisi, din va shariat bilimdoni sifatida tushunilgan. “Otincha” so‘zi esa o‘sha otinlar qo‘lida tahsil oladigan yosh qizlarga nisbatan qo‘llanilgan [1,155b.]. Qurbonbibining so‘zlari juda sodda bo‘lsada, “-Bo‘lmasa, “yo‘q”, deng. Saltanatxonga javob beray, ketsin! Azonda kelgan edi”, – degan so‘zlari undagi o‘zbek ayollariga xos bo‘lgan qa’riyatni ko‘rsatadi. Bundan tashqari ushbu parchada o‘zbek onalariga xos farzandparvarlik tuyg‘usi ham anglashiladi. Asarda Qurbonbibidan tashqari, onalik motivi xos bo‘lgan yetakchi personajlar talaygina. Ular sirasiga Saltining onasi – Umrinisabibi – O‘lmasjonning onasi – Xadichaxon – Sultonxonning onasi – Miryoqubning xotini [5, 337 b.] kabilarni kiritish mumkin. Bu qahramonlarning asarda turli xarakteri, badiiy-estetik pozitsiyasi va o‘z dunyosi bor. Biroq ularning barchasi umr bo‘yi farzandi uchun yashaydi, ularning xoxishlarini qo‘ldan kelguncha bajarishga intiladi, ular uchun qayg‘uradi, kuyunadi va kerak bo‘lsa fidokorlik ko‘rsatadi. Bu esa ularni farzandparvarlik tuyg‘usi atrofida birlashtirib turadi.

Hech bir millatda uchramaydigan faqatgina o‘zbek ayollariga xos bo‘lgan xususiyatlardan yana biri bu ularning kundoshlari bilan bir uyda ahil va bir-biriga xushmuomala bo‘lib yashashidir. Bu maqomdagi personajlar munosabati nasrimizda ilk marta A. Cho‘lpon tomonidan tasvirlanadi. Buni biz Xadichaxon va Poshshaxon o‘rtasidagi suhbatda kuzatamiz:

“- Ha, eringiz shaharda qolib ketdi. Bilmadim, yana bitta-yarimtaga ko‘ngli tushdimikin?

- Nazarlari qursin u kishining! Hadeb tusha berar ekan-da...

- Siz-biz “tushmasin” deganimiz bilan tushmay qolarmidi? Xudo o‘zi tushadigan qilib yaratgan ekan-da.

- Xudovandi karim bu erkaklarni muncha yaxshi ko‘rar ekan, a...

-O‘zimizdan qiyos-da... Oramizda erkakni yaxshi ko‘rmaydigan kim bor?.. Nondan oling! Qiyomga qarab o‘tirsangiz-chi...”[2, 50 b.].

“Kundosh” so‘zi eskirgan so‘zlardan biri bo‘lib, bir er nikohidagi bir necha xotinga nisbatan qo‘llaniladi [1, 431 b.]. Kundoshlik munosabati islom diniga mansub davlatlar uchun, jumladan, XX asr boshlarida O‘zbekistonda ham, tabiiy hol hisoblangan. Suhbatdan anglashiladiki, kundoshlar bir-birlarini juda yaxshi tushunadilar. Garchi bir birlarini yoqtirmasada, ko‘nglidan o‘tayotgan kechinmalarni sir saqlab, bir-birlariga iliq munosabatda bo‘ladilar. Bir dasturxon atrofida o‘tirib, bir-biriga mehmondo‘stlik ko‘rsatadilar.

“Kecha va Kunduz” romanida xalq va jamiyat hayotida muhim ahamiyatga molik bo‘lgan barcha ziddiyatlar, adibning bor orzulari ifodalangan. Unda mehnatkash xalqning, xususan, xotin-qizlarning og‘ir kulfatu, mashaqqatlarga to‘liq hayoti jonli voqealar, yorqin obrazlar vositasida ta’sirli va ishonarli tasvirlangan. Asardagi asosiy ijobiy qahramonlardan biri bo‘lgan go‘zal va xushovoz, sodda va huquqsiz Zebi timsoli fikrimizni dalillaydi [7, 170 b.]. Muallif Zebi taqdirida, Razzoq so‘fi va Qurbonbibi taqdirida butun bir xalqning davrga xos fojeali hayotini yaqqol ko‘rsatib beradi [4, 411 b.]. A. Cho‘lpon asarning boshidan oxirigacha Zebi xarakteridagi samimiyatni, ochiqlikni eng muhim belgi sifatida ko‘rsatadi. Zebida o‘zbek ayollariga xos sifatlar jamlangan bo‘lib, u poklik, tozalik, go‘zallik va navqironlik timsoli hisoblanadi. Uning ko‘nglida atrofidagilarga, dugonalariga, bahorga, hamma-hamma narsaga muhabbat bor. U hali hayotning achchiq-chuchugini ko‘rmagan. Uning murg‘ak qalbi dunyoda razolat va qabihlik, yomonlik va yovuzlik borligini sig‘dira olmaydi. Bunga biz asarda Zebi va uning dugonasi Salti o‘rtasidagi munosabatlarda guvoh bo‘lamiz:



“... *Salti endi gap ochdi:*

- *Erta saharlab chopganim bekorga emas...*

- *Men ham sezganman... Yuragim bir qur seskanib ham oldi...*

- *Nimaga o'rtog'jon?*

- *O'zingiz bilgan sovchilar balosi-da...*

Qish ichi keti uzilmadi.

- *Menam bezganman, jonim qaqa... shuning uchun bir qishloqqa chiqib kelsammikan, deb edim...*

- *Nimasini aytasiz-a... Ariqdagi suv ham muzning tagidan chiqadi-ku.*” [2, 5 b.]

Yuqorida keltirilgan dialog shaklidagi parchadan qizlarning bir-birlariga bo'lgan samimiyati, hurmati seziladi. Ularning oxiriga yetmay qolgan jumalari qizlarning bir-birlarini so'zsiz tushunishini bildiradi. Ularning bolalarcha beg'ubor, sodda ekanligini ko'rsatadi. Parcha so'ngida Zebining o'z dardlarini ifodalash uchun qo'llagan “Ariqdagi suv ham muzning tagidan chiqadi-ku” o'xshatishi uning erksiz tutqun kabi ekanligini aytish barobarida, o'zbek ayollariga xos sirliligini, zehniligini ham namoyon etadi:

“*Zebi uni uzr aytib qarshi oldi:*

- *O'rtog'jon, - dedi, - otam avrodda o'tirib qoldi, shekilli, shunaqa odati bor. Endiyoq kirib kelsa kerak. Xafa bo'lmang-a?*” [2, 8 b.]

Zebining otasi kelmayotgani uchun uzr so'rashi faqatgina otasi uchun emas, balki o'zi uchun ham, o'zining mehmonni unutib qo'ygani uchun hamdir. Uning hijolatli chehrasida o'zbek qizlariga xos uyatchanlik bilan birgalikda samimiyat ham namoyon bo'ladi. “Endiyoq kirib kelsa kerak. Xafa bo'lmang-a?” qisqa jumalari samimiyat va sharm-hayoga to'la bo'lib, ikki dugonaning bir-birini yaxshi ko'rishini, bir-biriga yaqinligini, bir-birini ranjitib qo'yishdan qo'rqishini ko'rsatadi. Salti o'zi qisqa vaqtga kelgan bo'lsada u shoshilayotganini o'rtog'iga bildirmaydi va uning yuzidan o'tolmaydi. Bunday munosabat faqatgina yaqin dugonalar o'rtasidagina bo'ladi xolos. Parchada ishlatilgan “avrod” so'zi diniy xususiyatni ifodalovchi so'z bo'lib, duolar, Bomdod, tong namozidan so'ng o'qiladigan duo, oyat yohud ko'p takrorlanadigan, o'qib

yuriladigan oyatlar, duolar ma'nosini anglatadi [1,33 b.].

O'zbek xonadonlarida qarindoshchilik, qo'shnichilik munosabatlari hurmat-izzatga asoslanadi. Asarda ham kattaga hurmat kichikka izzat munosabatlari ulug'lanadi. Kattalarga hurmat munosabatlaridan birini muallif Zebi va Sarvibibi o'rtasidagi suhbatda ko'rsatadi:

Qizlar o'zlarini tappa-tappa aravadan tashlab, eshikdan ichkariga kirarkan, Zebi sekingina kampirni uyg'otdi:

- *Enajon, turing kelib qoldik!*

Enajondan javob bo'lmadi. Zebi o'sha past ovoz bilan yana bir uyg'otdi, enajon hali ham jim edi. [2, 29 b.]

Safar boshidayoq Zebining tizzasiga boshini qo'yib, uyquga ketgan bu kampirni bezovta qilishga jur'ati yetmagan Zebi qizlar aravadan tushayotganda uni past ovoz bilan uyg'otadi. Enajondan javob bo'lmagach, uni yana o'sha past ovozda uyg'otishi, Zebining andishaliligini ko'rsatish bilan bir qatorda uning o'zbek qizlariga xos kattalarga bo'lgan hurmatini ham ifoda etadi. Qahramonga xos bu fazilatlar *past ovoz, enajon, pastgina* kabi sifatli birikma va ot bilan hamda qarshilantirish usulidan foydalangan holda tasvirlanadi.

Kichiklarga izzatni biz Hamro enayning chaqaloqqa bo'lgan munosabatida ko'rishimiz mumkin:

Bolani yo'rgaklaganidan keyin hali u qadar odam kepatasiga kirmagan yuzlariga tikilgan va mana bu so'zlar bilan erkalatganmish:

“- *Aylanay, mehmon, kimdan xafa bo'lib tushdingiz? Kim ozor berdi sizga? Ayting! Qovog'ingizni ochsangiz-chi! Yorug'dunyoga keldingiz! Shukr qiling! Sevining! Mundoq bir kuling! Kulimsirang! Iljaying!..*” [2, 9b.]

Hamro enayning chaqaloqni sizlab gapirishi, unga sertakalluf so'zlar bilan murojat qilishi, “Sevining! Mundoq bir kuling! Kulimsirang! Iljaying!” kabi iltimosnamo so'zlari uning kichik mehmonga, yani chaqaloqqa bo'lgan izzat-ikromini ko'rsatadi.

O'zbek xalqining tahsinga sazovor bu xususiyatini biz shunigdek, Razzoq so'fi va



uning akasi o'rtasidagi suhbatda ham ko'rishimiz mumkin.

“ - *Shaharni tashlang! Bu hovlini soting! Shaharda hovli-joyini yaxshi pulga oladi. Qishloqdan kichkina bir hovli olamiz – muning yarim puliga yoki uchdan biriga. Qolganiga asbob olamiz. O'z yerimiz yoniberidan bir parcha yana yer topamiz... Uni ham olamiz. Hali bardamsiz, birgalashib ishlaymiz. Durustmi?*

So'fi indamasdi; oq do'ppisini boshidan olib, buklab o'ynardi...

- Qani bir narsa deng!

So'fi hech narsa demay, o'rnidan turdi. Yana damini chiqarmasdan, ichkariga tomon bir-ikki qadam bosdi. Keyin yana orqasiga qayrilib, dedi:

- Men salla-to'nimni kiyib chiqay. Jumani xonaqoda o'qiyamiz. Kech qoldik... ” [2,16 b.]

Ushbu parchada ham kattalarga hurmat, ham kichiklarga izzat munosabati ifodasini birga uchratamiz. Akasining so'figa, ya'ni o'z ukasiga “siz”lab murojat qilishi, masalani har tomonlana mukammal tushuntirishga urinishi hamda masalani takror va takror bayon etishga yetgan sabr-toqati uning timsolida o'zbek xalqiga xos kichiklarga izzat munosabatini ifodalasa, so'fining akasining taklifiga rad javobini berolmay “Yo'q” so'zini aytishga tili aylanmasligi, buni xatti-harakatlar orqali ko'rsatishga urinishi va katta inson gapirganda sukut saqlashi uning kattalarga bo'lgan hurmat munosabatini ifodalaydi.

Asarda izzat-ikrom va hurmat xislatlari qo'shnilar o'rtasidagi munosabatlarda ham namoyon bo'ladi:

“... Oshdan so'ng qishloq qizlaridan o'ziga durustroq bir dehqonning qizi o'rnidan turib:

- Ertaga mehmonlarni biz kutamiz, - dedi.

Shundan keyin mingboshining kichik xotini Sultonxon katta kundoshining qizi bilan gapni bir joyga qo'yib, o'rnidan turdi va Enaxonga tomon yuzlanib:

- Bo'lmasa, mehmonlaringiz indinga biznikida bo'lishadi, - dedi, - tuzukmi? Endi bizga ruxsat! ” [2, 44-45 b.]

Barchamizga ma'lumki, o'zbek xalqi qadimdan mehmondo'st xalq hisoblanadi. Hattoki, qo'shnisining mehmoniga ham izzat-ikrom ko'rsatadi. Yuqorida keltirilgan parchada, hozirgi paytda yo'qolib borayotgan qo'shnilar o'rtasidagi chiroyli bir an'anani ko'rishimiz mumkin. Bu an'ana qo'shnisining uyiga kelgan mehmonni o'z uyiga chaqirtirish uni o'z mehmonidek kutib olish va uni izzat-ikrom bilan kuzatishdir. Bilamizki, o'sha vaqtlarda oddiy xalq anchagina qiyinchilik bilan hayot kechirgan, lekin shunday bo'lsada, ular bu an'anaga amal qilishgan.

Enaxonlarnikiga kelgan mehmonlarni dastlab shu qishloqdagi durustroq bir xonadonning qizi taklif qilgan bo'lsa, undan keyin ularning yaqin qo'shnisi, kelin bo'lib kelganiga endigina besh oy bo'lgan Sultonxon taklif qiladi. Bunday taklifdan Enaxon va uning oilasi juda sevinadi. Sababi, Enaxon do'stlari uchun to'kin dasturxon yozishni xoxlardi. Sultonxonning esa bunga qurbi yetar edi. Ammo uning o'zi ham mehmonlarni qo'lidan kelguncha yaxshi kutib olishga urindi. Biz buni quyidagi parchadan bilishimiz mumkin:

“Mehmonlarga qo'lidan kelguncha yaxshi dasturxon solib, qo'ni-qo'shni qizlar va kelinchaklarni chaqirtirib, allaqaylardan tori uzilgan dutorlarni toptirib kelgan va ularni xursand qilmoq uchun tirishib-tirmashgan” [2, 35 b.]

Cho'lpon Enaxon timsolida o'zbek xalqiga xos mehmondo'stlik fazilati bilan bir qatorda mehr-oqibat tuyg'usini ham ifodalagan. Enaxonning mehmonlar yoniga qo'ni-qo'shni qizlar va kelinchaklarni chaqirishi o'sha davrda insonlar o'rtasidagi mehr oqibatni hamda go'zal xulqni namoyon etadi.

Asarda shuningdek, o'zbek qizlariga xos odob-axloq, go'zal xulq namunalari Xadichaxon va uning qizi Fazilat, Zebi va notanish kishi o'rtasidagi suhbatlarda qiziqarli ko'rinish kasb etadi:

“Dasturxonni muncha yomon ekan, sen chaqirmabsanda, mehmonlarni. Biz bu yerda qiyomat qilib kuzatardik...”

-Shuni ayting-a! – dedi Poshshaxon.

- Men sizdan so'roqsiz chaqirishga botinolmadim. Ikkovimiz maslahat qilishdik,



ertagi kunga Sultonxon ayam chaqirib keldi." [2, 56 b.]

Fazilat va onasi o'rtasidagi suhbatda qizning go'zal xulqi odob-ahloqi namoyon bo'ladi. Buni biz uning "... sizdan so'roqsiz chaqirishga botinolmadim" degan so'zlarida aniq, ravshan ko'rishimiz mumkin. U boy xonadonning yolg'iz qizi bo'lishiga qaramasdan o'z onasidan beruxsat ish qilmasligi qizning go'zal axloq sohibi ekanini ko'rsatadi.

Darhaqiqat, inson uchun odob, xulq va yaxshi tarbiya har qancha boylikdan ham ustundir. Zero, boylik bilan topib bo'lmaydigan narsalar xushxulqlik, chiroyli muomala bilan topilishi mumkin. Chiroyli odob va xulq atvor insonning ba'zi ayb va kamchiliklarini yopishi mumkin.

Go'zal xulq bu insonning ichki dunyosinigia go'zallashtirib qolmay, balki uning fe'l atvorida ham namoyon bo'ladigan fazilatdir. Zebining go'zal xulqi va shirali ovozi uni dugonalari o'rtasida hurmatga sazovor etadi. Asarda Zebining go'zal axloqidan namunalarni ko'plab uchratish mumkin. Jumladan uning notanish kishi bilan suhbatida yoki sud zalidagi holatida ham ana shunday odob namunalarni ko'rish mumkin:

– *Kimsiz? Nima deysiz? – deb so'radi.*

U yoqdan sodda va biroz dag'al, lekin quvnoq bir erkak ovozi keldi:

- *Ha, Razzoq so'fining ojizalarimisiz?*

Qalaysizlar, omon-eson bormisizlar?

- *Xudoga shukr – deb qo'ydi Zebi.*

- *Men otangizni aytgali kelib edim...*

- *Uxlab yotgan bo'lsa kerak. Uyg'otib beraymi? Zarurmi?*

- *Eshon bobom yo'qlatdilar.*

Uyg'otmasangiz bo'lmaydi. "Tez, oldinga solib kel!" dedilar...

- *Xo'p bo'lmasa uyg'otib berayin.*" [2, 113 b.]

Ushbu holatda Zebining ro'molini pana qilib eshik oldiga kelishi va notanish

odam bilan eshikni ochmasdan uning qilgan suhbatini, o'zbek ayollariga xos ibo-hayo va go'zal odobini namoyon etadi. Uning ketma-ket bergan qisqa so'roqlari o'zbek qizlariga xos soddalikni ifodalaydi:

"Sud raisi, nihoyat, tilmochga yuzlandi:

- *Aytingiz aybdor yuzini ochsin.*

Tilmoch bu buyruqni Zebiga tushuntirib berdi.

- *Voy, o'laqolay! Shuncha nomahramning oldida yuzimni ochamanmi? Undan ko'ra o'lganim yaxshi emasmi?"*[2, 304 b.]

Ushbu parchada Zebining xarakteri va ruhiyati nihoyatda tabiiy va jonli ochib berilgan. U shu qadar sodda va beg'uborki, hattoki sud qamoq degan tushunchalar haqida tasavvurga ham ega emas. Bu sodda musulmon ayol sudda qora kursida o'tirganda ham hukm, jazo qanday bo'lishini emas, balki butunlay boshqa narsani – musulmonlik, sha'riyat qoidalariga shak keltirmaslikni o'ylaydi. Parchada qo'llangan "nomahram" so'zi diniy ma'noni ifodalovchi so'z bo'lib, yaqin qarindoshlik aloqasi bo'lmaganligi sababli bir-birini ko'rish yoki bir-biriga ko'rinish man etilgan, lekin nikohlanishi mumkin bo'lgan erkak va ayol (bir-biriga nisbatan) zid mahram ma'nosini anglatadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, asar tili boy, jozibador. Muallif tili ham, qahramonlar tili ham ixcham va obrazli. Romanning syujeti go'zal va serjilo bo'lish bilan birgalikda qiziqarli va ta'sirlidir. Uning qamrovi juda ham keng. Biz faqat "Kecha va Kunduz" romani qahramonlari orasidagi ijtimoiy-shaxsiy munosabatari tasviridan foydalangan holda, XX asr boshlaridagi o'zbek xonadonlarini, undagi er-xotin, dugonalar, qo'shnilar va qarindoshlar munosabatlarini va o'zbek xalqiga xos ayrim jihatlarni va hozirgi kunga kelib yo'qolib borayotgan ba'zi an'analarni qisqacha talqin qilishga urindik.

Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". Давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси.
2. Абдулхамид Чўлпон. Кеча ва кундуз: Роман – Т.: "Янги аср авлоди", 2013 – 332 б.



3. Алишер Навоий. Назм ул-жавохир. МАТ. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1999 – 552 б.
4. Каримов Наим. Чўлпон: Маърифий роман. - Т.: "Шарқ", 2003 – 464 б.
5. Куронов Дилмурод. Чўлпон насри поетикаси / Масъул мух. О.Шарафиддинов, У.Норматов. – Т.: «Шарқ», 2004. – 288 б.
6. Шарафиддинов О. Чўлпон. – Т: Фан ва турмуш, 1991 – 153б.
7. Saydulla Mirzayev. "XX asr o'zbek adabiyoti" – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2005 – 415b.

Сайиткулова З. Социально-личностные взаимоотношения в произведении «Ночь и день» Абдулхамида Чулпана как объект лингвистического анализа. В этой статье на основе лексики романа Чулпана «Ночь и день» («Кеча ва Кундуз») анализируются семейные, супружеские, дружеские и добрососедские социально-личностные отношения в узбекских домах начала двадцатого века. В нём также освещаются элементы узбекской национальной культуры и её исчезающие традиции.

Sayitkulova Z. The linguistic analysis of humans inter relations in the work "Kecha va Kunduz". Based on the plots of Chulpan's novel "Kecha va Kunduz", the present article analyzes family, marital, friendship and good neighborly relations in Uzbek homes in the twentieth century. It also highlights elements of the Uzbek national culture and its disappearing traditions.



ЭКСПРЕССИВНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ АВТОРОСКОГО СТИЛЯ ЭДГАРА АЛЛАНА ПО

*Акрамова Тахмина Камилжановна,
Старший преподаватель, МУТ «Шёлковый путь»*

Ключевые слова: читательская аудитория, мегаполис, эстетические взгляды, идеальная взаимосвязь, пределы земного бытия, душевное влияние.

На сегодняшний день творчество и литературный язык великого прозаика и гения американской литературы Эдгара Аллана По представляет значительную заинтересованность для ученых-литераторов и переводчиков всего мира. Неоспоримым является его вклад в мировую литературу, а идеи его преобразились в энциклопедию знаний, повлияв на поэзию мировой культуры.

Известная фигура современной словесности, основоположник ряда новейших жанров, первопроходец Американского литературного искусства, виртуоз, соединивший поэтическую гармонию, знаток смысла, путешественник загадочных просторов сознания, человек, чьё наследие мало интересовало современность, ныне запомнится потомкам навсегда.

Всемирная известность и авторитет пришли к Эдгару По уже после смерти и создали искажённый имидж о нём как о гениальном авторе. Поэтический трактат Эдгара Аллана По состоит из чуть более полусотни произведений, среди которых мы выделяем лишь два относительно длинных стихотворения (поэмы) - «Тамерлан» и «Аль Арааф». А остальные – относительно небольшие лирические произведения различной степени значимости. Томас Элиот отметил, что из всех стихотворений Эдгара По «только полдюжины были действительно удачными». Но ни одно из стихотворений, не имело в мире столь широкой читательской аудитории и не укладывалось так крепко в памяти человечества, нежели эти несколько произведений По» [Ю.В. Ковалев, 1989, с. 575].

Эдгар По особенно продуктивно трудился в течение последних двенадцати лет своей жизни. Пока он жил в Нью-Йорке, Бостоне, Филадельфии – центрах северно-буржуазного мегаполиса, чьи идеалы были ему глубоко чужды, он был убежденным ретроградным лидером, «аристократичным в духовных ценностях». Непринятие такого рода нового общества, упадок идеалов древнего Доминиона – всё это нашло своё отражение в лирике Аллана По и его кратких историях. Определяющей чертой творчества По стала идея Дуализма. Его расхождение с мещанской Америкой началось с осмысления эстетической оценки реальности и его определения места искусства в жизни. С презрением отзывался об американских бизнесменах как о «любителях денег», рассказывая о том, как доллар стал символом страны, а если в США нет кровавой элиты, то есть «долларовая аристократия, славящаяся богатством». В нынешнем обществе нет места для поэзии и великолепия. А без стихотворчества жизнь неполноценна, несовершенна. Для человека, как воздух, важна красота; поэзия облагораживает его душу.

В своей философской литературе По доказывал, что «под воздействием одностороннего развития науки мир слишком рано стал устаревать» («Беседа Моноса и Уны»), а отсутствие гармоничной системы развития жизни на деле и в искусстве привело бы к падению и разрушению человечества [Т.В. Колчева, 2004, с. 70].

Данное мнение является важным для понимания эстетических взглядов По, его значимости в литературной



деятельности, а также для восприятия сути его творчества. Он возложил на себя задачу повышения эстетического уровня жителей Америки, он искал возможности для налаживания отношений идеальной взаимосвязи между искусством и практичностью в обществе американцев. Чарльз Бодлер, узнавший позже А.Э. По, писал: «Соединенные Штаты были для По лишь большой тюрьмой, через которую он запикивал себя с жаром, как существо, которое было рождено для того, чтобы дышать».

Ряд эссе («Философия творения», «Поэтический принцип», «Теория стиха») и аналитических статей о творчестве Н. Хоторна отображают творческую концепцию Эдгара По как творца и поэта. Его «Философия творения» свидетельствует о том, что в своих поэтических произведениях Эдгар По не использовал вымысел в как основу при создании образов и всей художественной системы поэтического произведения, а ссылаясь на действительность, аргументировал идею о важности поэтического высказывания в романтической манере.

При этом общий принцип стихотворной концепции Эдгара Аллана По опирается на эмоционально-психологическое воздействие какого-либо произведения. Такой результат он назвал «эффектом тотальности», наиболее важной особенностью, которого является целостность. Именно «эффект тотальности» предполагает подчиненность каждого из аспектов художественного произведения, всех определенных правил его постановки.

Поэзия Эдгара По содержит только один сюжет – великолепный, воспринимаемый в более широком смысле. Для поэта красивое – это три составляющие бытия: природа, искусство и мир человеческих отношений, рассматриваемые, однако, достаточно в узком смысле этого слова. Внимание поэта приковано только к отношениям, которые возникают как производная эмоций от чувств, связанных с любовью и смертью.

Двусмысленность и одухотворённость поэзии обусловили её метафоричность. Тем не менее, метафоричность По имеет две характерные особенности: во-первых, его метафоры группируются вокруг условных обозначений, которые для читателя, совершающего свой путь по «метафорическому морю», подобны указателям; во-вторых, сами метафоры несут в себе притягательность к условным обозначениям и во многих случаях выполняют функцию этих обозначений. Иногда различие между ними носит условный характер.

По стал одним из первых критиков в Америке, чья работа дополнила эстетическую теорию как слаженную структуру. В 1880-е годы его произведения искусства и художественная теория стали влиять на художественную литературу и искусство. Максимально уловив художественную концепцию американского романтизма, знатоки отметили поэзию Э.А. По и его «романы ужасов» и психологические новеллы («Лигея», «Морелла», «Падение дома Ашерофф»).

Символисты (С.Малларме, П.Верлен, В. Брюсов, К.Бальмонт, Д.Мережковский) назвали По первопроходцем символизма в особенности франкоязычного стиля. Произведения предшественников французского символизма (Ш.Бодлера, Т.Готье, Ш.Леконт де Лиля) и других знатоков (П.Верлена, А.Рембо, С.Малларме), внесли значительный вклад в формирование знакового символизма в России; накопленный ими опыт стал весьма актуален, в частности, для «старшего» поколения знатоков: Д.Мережковского, З.Гиппиуса, Ф.Сологуба, а также К.Бальмонта и В.Брюсова. Творчество Эдгара Аллана По, чьи ранние переводы были опубликованы в середине 19 века, было по достоинству оценено символистами-поэтами лишь полвека спустя, которые не только осуществляли переводы его произведений, но и черпали из них эстетику и поэтику



американского автора, отразившиеся в их работах. В отечественной литературоведении весьма подробно исследуется задача влияния Э. По на упомянутых поэтов-символистов (Д. Мережковского, З. Гиппиуса, Ф. Сологуба, К. Бальмонта, В. Брюсова) [Дж. Д. Гроссман, 1998, с. 176], а кроме того, достаточно подробно исследуется проблема русских переводов произведений По. Переводы имели важнейшее влияние на формирование того или иного понимания личности и деятельности американского литератора на русском языке.

Основным стержнем поэтического достояния Эдгара По являются его небольшие повествования. Именно в малой прозе он познал свое блестящее умение и добился апогея художественного совершенства.

Вклад Э.А. По в становление американского и мирового романтизма обусловлен практикой создания ряда его жанровых направлений – детектива, научной фантастики и психологического сюжета. Как известно, американские писатели-романтики стремились придать жизненную сущность самым удивительным рассуждениям. Простейшим и наиболее привычным способом, к которому они прибегали, являлось отражение в сюжетах разного рода повседневных и мирских подробностей. Именно Эдгар По стал инициатором такой достоверности, прибегая к помощи научных методов – основного источника, на основе которого формируется все литературное творчество в сфере художественной фантастики. Благодаря Жюль Верну и Герберту Уэллсу, корифеям, в деятельности которых сформировались две основные ветви научной фантастики (технологическая и социологическая), Эдгар Аллан По был единодушно признан их прародителем и учителем. Одним из своих романов Жюль Верн посвятил его памяти.

Монография американского профессора Джоан Гроссман «Эдгар По в России» посвящена анализу приема

выдающего литератора Эдгара По. Анализируя процесс понимания Эдгара По в России от эпизодических и недостаточно корректных переводов его трудов в 30-80-е годы до признания русских знатоков. Джоан Гроссман рассказывает также о том, как мировые прозаики Достоевский и Тургенев отзывались о произведениях американского литератора. Интересным является факт сходства стиля Достоевского в произведении «Преступления и наказания». Таинственные и загадочные произведения Тургенева, персонажи которых находятся под влиянием магнетизма, и живые контактируют с мертвыми, напоминают излюбленную тему По, желающего проникнуть в пределы земного бытия. Джоан Гроссман отмечает, однако, что труды Тургенева и Достоевского настолько оригинальны и самобытны, что в них нет никакого влияния. О чем можно говорить, так это об «употреблении частичных элементов, заимствованных автором из других источников, в своих целях» [J.O.Grossman, 1973, p. 18].

Не воспринимаемое всерьез современниками творчество Э.По стало на рубеже веков откровением не только для поэтов и писателей, но и композиторов различных стран, которые не могли оставаться равнодушными к его таланту передачи мыслей. Среди них Морис Равель и Клод Дебюсси, которые оценили влияние американского поэта на их творчество и написали музыку на сюжеты Э.А.По, плененные звучанием его лирических произведений. На текст «Колокола», переведенный К. Бальмонтом, Рахманинов сочинил ораторию. Образ Эдгара Аллана По и множества упоминаний о его творчестве нередко встречаются в массовой культуре второй половины XX века – в эстрадной музыке и кинематографии.

Никто не относился к нему серьезно на родине, он скончался в неизвестности и безнадежной нищете, его кончина была окутана загадочной, не менее волнующей, чем его воображаемые сюжеты. А после смерти поэта его называли «демоном»,



«святым», «сумасшедшим», «психологическим феноменом». Немногие стали бы спорить с Альфредом Теннисоном, который назвал По «самым экстраординарным дарованием, когда-либо порожденным Америкой».

Эдгар Аллан По был подвергнут осуждению за склонность к формализму, механистичность, поскольку своей целью он считал сохранность художественного впечатления, заключающегося в единстве и целостности формы, в котором гармонично сочетаются содержание и форма, при этом последнему уделяется не менее значимое внимание. В противовес общепринятому убеждению, что поэзия рождается в «порыве высочайшего безумства», писатель неустанно отстаивал идею о целесообразности тщательной, поэтапной и систематизированной работы над стихотворным произведением. Он неоднократно подчеркивал, что поэзия – это красота. Говоря о красоте, он подразумевал упорядоченность, пропорциональность и гармонию. Любая диспропорция, любое несоответствие мер, в том числе пафос, были отвергнуты им. Эдгар Аллан По верил, что любовь к гармонии и отвращение к беспорядку, передавались человеку самой природой. Его стихи говорят о соотношении, идентичности, обладают особым ритмом, рифмой, размером и линией.

По мнению По, его художественное представление (или «эффект», как его определяет По) поможет читателю осмыслить нечто неизведанное, взойти над земным царством – это свидетельствует о принадлежности По к эпохе позднего романтизма.

Эффект – это основа стилистики произведений Эдгара По. Ему подвластны все компоненты произведений, от темы, сюжета, до таких условностей, как объем стихотворения, строфа, ритмическая структура, применение метафор и др. Для абсолютного мастера все должно срабатывать, а мастер – это «эффект», т.е. целенаправленное душевное влияния стихотворения на чтеца [Э.А. По, 2002, с. 98]. По рассматривает поэму не как объект

умственного или эмоционального мастерства, а как своего рода некое магическое воздействие или завораживающее подтекстовое начало.

В своей работе об общих принципах поэтического звукового выражения Татьяна Зырянова предлагает повторение лейтмотивных языковых единиц как один из способов создания специфической звуковой картины, когда единый преобладающий звуковой тон, отвечающий основной выразительной строке произведения, создаёт особенную звуко-семантическую игру тонов уже на базовом уровне [Т.Зырянова, 2004].

Рассматривая материал для анализа, русские классики-символисты (М. Волошина, В. Брюсова), которых с полной уверенностью можно назвать не только ярчайшими исследователями произведений По, но и его последователями и учениками, выявили оригинальность способов выражения звукового содержания в работах По.

Х. Оден в своём очерке о жизни и деятельности американского классика утверждает, что никто из современников Эдгара По «не потратил столько усилий и таланта на то, чтобы... познать закономерности стихотворения и не допустить ошибок в его звукообразующей структуре». [У.Х. Оден, 1998, с. 157].

Следовательно, вполне логичным и обоснованным является утверждение, что одной из ярчайших особенностей творчества Эдгара По является его музыкальность. «Поэзия – это творение красоты с использованием ее ритма», - уверял он [Э.А.По, 2001, с. 68]. И действительно, По рассматривал звучную стройность стиха как один из способов создания эмоционального смысла. Эдгар Аллан По был великим художником – поэтом и философом, мечтателем и рационалистом, ищущим более высокую красоту, и смекалистый сатирик. Благодаря этому Эдгар Аллан По запечатлелся в мировой книжной истории. Он подарил нам множество разнообразного, интересного, увлекательного и загадочного.



Литература:

1. Злобин Г. "Писатели США". // Краткие творческие биографии. Москва, "Радуга", 1990.
2. Зырянова Т. Средства создания звуковой экспрессии [Электронный ресурс] // Зеленая лампа. – 2004. – № 1. – Библиогр.: 20 назв. – URL: <http://lamp.semiotics.ru/express.htm> (23.05.06).
3. Колчева Т.В. Мистицизм поэтического ритма Эдгара По в восприятии К. Бальмонта: (На основе анализа стихотворения Э. По «The Bells» и перевода К. Бальмонта «Колокольчики и колокола») // Русский символизм и мировая культура. - М., 2004. - Вып. 2. - С. 68-78.
4. Оден У. Х. Чтение. Письмо. Эссе о литературе. – М: Независимая Газета, 1998. – 318 с.–Библиогр.: с. 144 - 169
5. По Э. Поэтический принцип. //Эстетика американского романтизма. М., 2001 – С.57-85
6. По Э. Философия творчества. //Эстетика американского романтизма. М., 2002. – С.4-120
7. По Э. Стихотворения. Проза. /Сост. и вст. статья Г. Злобин. - М.,1976.
8. Grossman J.O Edgar Allan Poe in Russia, A Study in Legend and Literary Influence, Gal Verlag, Würzburg, 1973.

Akramova T. Edgar Allan Poning yozish uslubining ifoda listilistik va badiiy xususiyatlari. Ushbu maqola Edgar Allan Po ishining o'ziga xos xususiyatlariga mos keladi. Muallifning oyatdagi konsepsiyasining umumiy prinsiplaridan foydalanish, u erda ishning hissiy va ruhiy ta'siriga tayanadi. Ushbu natija "umumiyeffekt" deb nomlandi, ularningengmuhimxususiyati - yaxlilik, eng oson va tanish usullarning tavsifi, hikoyalarda har kuni va vaqtincha tafsilotlarni aks ettirishi kerak.

Akramova T. Expressive stylistic and artistic features of Edgar Allan Poe's writing style. This article is devoted to the peculiarities of the author's style in the works of Edgar Allan Poe. The use of general principles of the author's verse concept, where he relies on the emotional and psychological impact of a work. This result has been called the "total effect", the most important feature of which is the integrity. A description of the easiest and most familiar ways, the reflection of various kinds of everyday and temporal details in the stories is provided.



МАТН ВА УНИНГ ИЧКИ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шукуров Уктам Баходирович,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Калим сўзлар: матн, гап, матн ҳодисаси, дискурс тушунчаси.

Матн тилшунослиги билан машғул бўлган тадқиқотчиларнинг матн ҳодисасига берган таърифларида унинг таркибий-мазмуний яхлитлиги структура жиҳатдан бутунлиги, маълум ғоя ва мавзу ифодасига йўналтирилганлиги каби жиҳатлари таъкидланади.

Лондон функционал тилшунослик мактаби вакилларининг эътибори кўпроқ матн ҳодисасига қаратилган. Уларнинг таъбирича, матн оғзаки ёки ёзма кўринишда, наср ёки назм шаклида, диалог ёки монолог тузилишида бўлиши мумкин. У ҳажм жиҳатидан ҳам чегараланмаган, ёрдам, чақириш, қичқириш ва тўлиқ роман ҳам матн бўла олади. Матн тилдан фойдаланиш намунасида, у гап каби грамматик бирлик эмас, у гап ва бошқа грамматик қурилмалардан тубдан фарқ қилади. Унинг матн билан боғлиқлиги воқеланишида намоён бўлади, зеро, бу бир рамзий тизимнинг бошқаси воситасида кодлашувидир. “Аслида матн гаплардан ташкил топмайди, у гаплар орқали, уларнинг қўлланишида воқеланади” (Halliday, Hasan 1976: 1).

Келтирилган таърифдан маълум бўлишича, функционалистлар мулоқотнинг ёзма ва оғзаки шаклларида матн бир хил вазифа бажаришини эътироф этадилар.

Матн ҳодисасига энг батафсил таъриф немис тилшунослари томонидан берилган. В.Богранд ва В.Дресслернинг “Матн тилшунослигига кириш” асарига мурожаат қилмайдиган тадқиқотчини учратиш қийин. Ушбу ишда матн коммуникатив воқелик сифатида қаралиб, унинг еттита кўрсаткичга бўлиниши таъкидланган. Муаллифларнинг фикрича, қуйидаги кўрсаткичлар матни бошқа турдаги тузилмалардан фарқловчи мезонлар вазифасини ўтайди: когезия,

когерентлик, интенционаллик, адресатлик, информативлик, ситуативлик ва антертекстуаллик (Beaugrande, Dressler 1981: 3).

Когезия-матн сиртки тузилишига тааллуқли бўлиб, биз эшитаётган ёки ўқиётган тил бирликларининг тузилма таркибида ўзаро боғланишини таъминлайди. Сиртки қатлам бирликларининг бир-бирига боғланиши грамматик шакллар замирида ва маълум қоидалар қамровида кечади. Демак, когезия грамматик тобелик кўринишида юзага келади.

Иккинчи кўрсаткич сифатида қайд этилаётган когерентлик матннинг мазмунан яхлитлиги таъминланиши, қисмлар остида яширинган тушунчаларнинг ўзаро боғланишини акс эттиради. Бундай тушунча, билимлар тўпламидан иборат ва тафаккур фаолияти давомида фаоллашади. Муносабатлар эса тушунчалар ўртасидаги алоқалардан иборат ва матн доирасида фаоллашади ва ҳар бир алоқа боғлами маълум бир тушунчага ишора қилади.

Учинчи кўрсаткич, яъни интенционаллик матн муаллифининг коммуникатив мақсадини рўёбга чиқаради. Бинобарин, билим тарқатиш ёки режани амалга ошириш амаллари шу мақсад учун хизмат қилади.

Навбатдаги кўрсаткич сифатида ажратилаётган адресатлик белгиси ҳам олдингиси билан яқин алоҳида пайдо бўлади. Бунда матнда ифодаланаётган ахборотнинг адресат томонидан қабул қилиниши назарда тутилади. Зеро, ушбу ахборот тингловчида қизиқиш уйғотиши ва унинг билиминини бойитиши зарур.

Матннинг категориал хусусиятларидан яна бири информативлик



бўлиб, ундан мазмуний тугалликни таъминлаш кутилади.

Ҳар қандай матн маълум даражада ахборот манбаси бўлиши зарур. Аммо, ушбу ахборотни воқелантирувчи воситалар ўзгариб туриши мумкин.

Ситуативлик атамасини олган олтинчи кўрсаткич мазмуннинг вазият билан боғлиқлигига ишора қилади. Ушбу кўрсаткич билан боғлиқ омиллар матнни у ёки бу вазият билан боғлиқ ҳолда воқелантиради.

Ниҳоят, охириги кўрсаткич интертекстуаллик мазкур матнда олдинги матнларда баён қилинган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимнинг қайта фаоллашувини акс эттиради. Интертекстуалликнинг воқеланиши турлича кечади, унинг фаоллашув даражаси матн жанри билан боғлиқ (Beaugrande, Dressler 1981: 11).

Кўплаб фан соҳаларининг тадқиқ объектига айланган матн ҳодисасига берилаётган таърифларнинг охири кўринмаётганидек, ҳаттоки, ҳозиргача тадқиқотчилар матннинг тил ёки нутқ тизимларига оидлиги тўғрисида бир фикрга келгани йўқ. Матннинг коммуникатив табиатини инobatга оладиганлар унинг нутқ бирлиги эканлигини эътироф этишса, бошқалари эса уни тил бирлиги, деб қарашни маъқул кўрадилар. Чунки матн лисоний белги хусусиятига эга ҳамда ифода ва мазмун планлари мослашувини тақозо этадиган “мураккаб структур–семантик тузилмадир” (Гальперин 1981: 18; Тураева 1986; Колшанский 1984). Биз ҳамюртларимиз Д.У.Ашурова ва М.Р.Галиеваларнинг фикрига қўшилишни маъқул топдик. Зеро, матн иккала тизимда намоён бўладиган бирликдир, унда бир томондан, “воқелик парчаси” акс топса, иккинчи томондан, ҳар қандай матн лисоний воситалар иштирокида таркиб топади. Шу жиҳатдан, матнни турли категориялар белгилари билан ажралиб турадиган мавҳум модель сифатида тасаввур қилиш мумкин (Ashurova, Galieva 2016: 19).

Шу билан бирга матнни ўрганишнинг коммуникатив-прагматик

йўналиши ва унинг асосий муаммолари, матнни шакллантиришда параметрлаш ва оптималлаштириш усулларининг роли, Н.Хомский таълимоти ва унинг матнда лисоний қобилятнинг ўрнини ўрганишдаги аҳамияти, билвосита нутқий мулоқот ва матннинг семантика ҳамда прагматикага муносабати, билвосита нутқий актларнинг ифода ва мазмун жиҳатдан турлари, уларнинг матн билан алоқадорлиги, нутқий акт назарияси ва матнда коммуникатив мақсаднинг ифодаланиш йўллари, нутқий акт мазмунининг шаклланиши ва унинг матндаги инъикоси каби қатор масалаларни ҳам “Матн тилшунослиги” фанида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, “Матн тилшунослиги”да нутқий мулоқот тизими, дискурснинг матннинг таркибий қисми сифатидаги тузилиши ва унинг компонент таҳлили, мулоқот структурасининг таркиб топиши ва бунда дискурснинг матн таркибий қисми сифатидаги ўрни, нутқий мулоқот тизимининг кўп босқичли характери ва дискурс ҳамда матн тушунчалари, дискурс лисоннинг гапдан юқори турадиган сатҳи сифатида ва унинг матн тилшунослигидаги ўрни сингари қатор долзарб прагматингвистик муаммолар ҳам ёритилиши мақсадга мувофиқ.

Матннинг мавҳум бирликлар қаторига киритилиши унинг дискурс билан қиёсий ўрганилишига бориб тақалади. Ушбу ҳодисаларнинг қиёсий ўрганилиши “дискурс таҳлили” йўналиши ривожининг оқибатидир. Бундан кўринадики, муаллифлар “дискурс” тушунчасини бевосита кузатилаётган мулоқот жараёни билан боғламоқдалар.

Дискурс қатор лисоний ва нолисоний ҳодисалар, шу жумладан, прагматик омилларни ўрганиш учун муҳим манбадир. Замонавий прагматика фани йўналишларида дискурс ҳодисаси тил тизими бажарадиган вазифалар уйғунлашадиган майдон сифатида қаралиб, унинг тавсифига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки тилнинг инсон фаолиятида тутган ўрни фақат унинг маълум мулоқот вазиятларида



қўлланишида намоён бўлади. Хуллас, прагматик-дискурсив ёндашув нутқий фаолиятининг лисоний, когнитив, психологик, ижтимоий-маданий ва бошқа жиҳатлари тадқиқини назарда тутди.

Бундан ташқари, прагматика когнитологияни таҳлил учун яроқли лисоний фактлар билан таъминлаётиб, уларни таснифловчи категориялар ва изоҳлаш усулларини тавсия қилади.

Кўринадики, дискурс матн тилшунослиги доирасида ўрганиб келинмоқда ва дискурсив таҳлил ушбу соҳанинг усулларидан биридир. Шу боис, комусий луғатда дискурс прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий ва бошқа нолисоний омиллар қамровида бўлган матн сифатида таърифланади. Таърифда таъкидланишича, дискурс “ҳаётга сингиган нутқ”дир ва шу сабабли дискурс тушунчасини, матн тушунчасидан фарқли равишда қадимги ёзма ёдгорликларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки уларни бевосита нутқ жараёни билан боғлаб бўлмайди (Арутюнова 1990: 136-137).

Матн ва дискурс ходисалари муносабати Е.С.Кубрякова ва О.В.Александровалар томонидан ҳақиқатга яқинроқ тасвирланган. Уларнинг қайдича, “дискурс” ва “матн” тушунчаларини тўғри англаш учун уларни когнитив парадигма доирасида талқин қилиш зарур. Когнитив талқинда матн тугалланган маҳсулот сифатида ўрганилиши мумкин, дискурс эса матнларни ҳосил қилувчи жараёндир. Матн бевосита материал объект кўринишида ўрганилади, дискурс бироз мураккаб ходиса ва уни таҳлил қилиш учун сўзловчининг мақсадида прагматик мўлжалини аниқлаш лозим бўлади. Муаллифлар таъбирича, матн ва дискурс фақат инсон томонидан эришилган натижаларни акс эттирувчи тузилма сифатида эмас, балки “янги оламни яратувчи жараён” кўринишида тасаввур қилиниши керак. Ҳар бир матнни реал воқеликда акс топиши мумкин бўлган “имкониятдаги олам намунасидир”. Матн ва дискурс доимий равишда инсон тафаккури ҳаракатини акс эттиради ва

ушбу ҳаракатни лисоний воқелантирувчи воситадир. Оқибатда, дискурс on-line усулида яратиладиган нутқий фаолият маҳсулидир (Кубрякова, Александрова 1999: 194-195).

Дарҳақиқат, дискурс ва матн таҳлили зарур коммуникатив ахборотни танлаш ҳамда ушбу танловни умумий ва хусусий семантик структураларни ҳосил қилишга йўналтирилган ментал қолипларни аниқлаши зарур бўлади. Дискурснинг моҳияти шундаки, матн идроки айтилган моделлардан фойдаланишни талаб қилади. Мазкур моделлар шахсий билим ва умумқабул қилинган тамойилларга асосланган.

Демак, қиёсланаётган ходисалар муносабатини аниқлашда, бир томондан, тузилмаларнинг лисоний таркиби ва тузилишини ўрганиш керак бўлса, иккинчи томондан, лингвистик мазмун-мундарижага таъсир кўрсатадиган ташқи омилларни ўрганиш талаб қилинади (Александрова 1999: 11; Verdonk 2002: 17-19).

Айнан шундай ёндашув асосида матн ва дискурс ходисаларининг семантик-стилистик коммуникатив-прагматив, когнитив қатламларини фарқлаш ва уларнинг умумий мазмун ифодасидаги ролини аниқлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Н.З.Нормуродова кўрсатилган қатламларнинг умумий вазифаси ва фарқли жиҳатлари куйидагилардан иборатлигини кўрсатиб ўтади (Нормуродова 2020: 31-32).

а) семантик–стилистик қатлам, авваламбор, структур ва семантик яхлитлик, боғлиқлик (лексик, грамматик, стилистик) ҳамда образлилик, эмотивлик каби стилистик кўрсаткичлар билан бир қаторда, тағмаёнолилик, лисоний ижодкорлик хусусиятларига эга. Лисоний ижодкорлик (лингвокреативлик) шахс лисоний қоблиятининг ижодга, янги маъно, ғоя, концептлар яратишга йўналишида намоён бўлади.

Коммуникатив-прагматик қатламда мулоқотдошлар муносабат, сўзловчи шахсияти, мулоқот мақсади ва вазифалари,



мулоқот вазияти, ижтимоий-маданий контекст кабилар акс топади.

Дискурсининг когнитив қатлами таҳлилида модаллик, концептуаллик, интертекстуаллик каби кўрсаткичлар ўрганилади. Матн когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинишида когнитологияда тажрибадан ўтган усул ва амалларга мурожаат қилинади.

Матн эстетик-маданий қатламга ҳам эга бўлиб, бунда унинг маданий моҳияти, миллий белгилари, баҳоланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинади.

Санаб ўтилган қатламлар таҳлили замирида албатта, дискурс ҳодисасининг коммуникатив-когнитив ҳодиса сифатида таърифланиши туради.

Бунда “матннинг бевосита коммуникацияда, ҳаракатда, ижтимоий-маданий контекстда, лисоний ва нолисоний омиллар ўзаро алоқасида, лисоний ва нолисоний билим доирасида” фаоллашуви назарда тутилади (Нормуродова 2020: 29).

Назаримизда юқорида келтирилган таъриф матн ва дискурс ҳодисаларини қарама-қаршиликлар кесимида эмас, балки ўзаро алоқадорлик кўламида ўрганишга ундайди. “Дискурс ва матн ҳодисаларининг ҳар иккаласи ҳам, - деб таъкидлайди Ш.Сафаров, - мулоқот иштирокчиларининг онгли фаолияти туташадиган макондир. Онгли фаолият эса

доимо маънавий-маданий асосга эга бўлади” (Ш.Сафаров).

Хуллас, матн ва дискурс бир хилда мақсадли ахборот ташувчи тузилмалар бўлиб, турли лисоний ва нолисоний кўрсаткичларга эгадир. Шу боис, улар: а) ёзма ва оғзаки шаклда бўлиши мумкин; б) улар семантик ва грамматик жиҳатдан яхлитлик хусусиятига эга; в) уларнинг семантик ва грамматик яхлитлиги лисоний воситалар ёрдамида шаклланади; г) уларни шакллантирувчи нолисоний омиллар қаторига миллий-маданий, тарихий, рухий (ментал), сиёсий-ижтимоий кўрсаткичлар киради.

Айтиш жоизки, дискурс ва матн ҳодисалари билан боғлиқ муаммоларни фақат тилшунослик доирасида муҳокама қилиш даври тугади. Эндиликда фанлараро таҳлил объектига айланиб улгурган ушбу муаммолар когнитологлар диққат марказида турибди. Бу йўналишдаги таҳлил, матн тилшунослигининг изчил ривожини натижаси сифатида, алоҳида тадқиқот парадигмаси кўринишини олмоқда (Макаров 2003; Сафаров 2018).

Матн тилшунослиги ва дискурс таҳлилини умумлаштирадиган нуқта-тил тизимининг янги қатлами, яъни матн ва дискурсни синтаксис сатҳи тузилмаси бўлган гапдан кескин фарқлаш ва ажратишдир.

Адабиётлар:

1. Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Text Linguistics. – Т.: Turon – Iqbol, 2016. – 324 p.
2. Beagrande R., Dressler W. Introduction to Text Linguistics. – London: Longman, 1981.
3. Halliday M.A.K., Hasan R. Cohesion in English. – London: Longman, 1976.
4. Арутюнова Н.Д. Дискурс // Лингвистических энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 136-137.
5. Гальперин И.Р. Текст к объект лингвистического анализа. – М.: Наука, 1981.
6. Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. – М.: Наука,
7. Кубрякова Е.С., Александрова О.В. О контурах новой парадигмы знания в лингвистике // структура и семантика художественного текста. – М.: Спорт – Академ Пресс, 1999. – 480 с.
8. Макаров М.Л. Основы теории дискурса. – М.: Гнозис, 2003. – 2820 с.
9. Нормуродова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном тексте: Дисс....доктора филол. наук. – Т., 2020. – 245 с.
10. Попов А. Ю. Основные отличия текста от дискурса // Текст и дискурс: Проблемы экономического дискурса. – СПб. 2001. – С. 41-44.



11. Рикёр П. Герменевтика. Этика. Политика // Московские лекции и интервью. – М.: Akademia, 1995.
12. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – 315 с.
13. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.
14. Тураева З. Я. Лингвистика текста. – М.: Просвещение, 1986.

Shukurov U. The text and its internal structural-semantic features. In the descriptions of the text phenomenon, the article reveals its structural integrity, structural integrity, theoretical foundations and scientific significance, focused on the expression of a particular idea and topic.

Шукуров У. Текст и его внутренние структурно-смысловые особенности. В описании текстового феномена статья раскрывает его структурную целостность, структурную целостность, теоретические основы и научную значимость, ориентирована на выражение той или иной идеи и темы.



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИДА “БИЛИМ” ТУШУНЧАСИНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОНИ

*Рофеева Шохида Давроновна,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Калим сўзлар: билим, когнитив, семантика, мақол, паремиологик бирлик, лисоний маданият, концепт.

Билим инсон интеллектини ривожлантирувчи, ҳаёт кечириш учун зарур манбадир. Билим инсонга турли ғояларни шакллантиришга, уларни лисоний ифодалашга, оламда содир бўлаётган воқеаларни қабул қилиб таҳлил қилишга ва турли объектлардан олинган маълумотларга жавоб қайтаришга ёрдам беради. С.Г.Воркачёв таъкидлашича, «концептга оид турли фикрларнинг мажмуаси унинг жамоавий билим бирлиги эканлигини исботлайди. Билим, ўз навбатида, тил бирликлари ёрдамида акс топади ва этномаданий хусусиятларга эга бўлади» [С.К. Воркачёв, 2001, б. 68].

У ёки бу лисоний маданият соҳиблари онгида кечаётган тафаккур жараёнини тилда ўз изини қолдиради ва мазкур онг “бўлакчалари” дунё ва воқелик объектлари ҳақидаги билим тизимлари бўлган лисоний концептлар кўринишида авлоддан авлодга тил орқали етказиб берилади. Демак, мазкур лисоний маданият соҳибларининг перцептив, концептуал ва процессуал билимлари йиғиндиси бўлган концептлар тўғридан-тўғри онг билан боғлиқ. Ушбу билим паремиологик бирликлар семантикасида фаоллашади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларнинг таъкидлашича, паремиялар барча таркибий қисмлари иштирокида миллий маданиятни мажмуавий тарзда акс эттиради [Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаров, 1990, б.23].

Мақоллар инсоннинг субъектив дунёқараши ёки маънавий фаолияти негизида турган оламнинг глобал сиймосини батафсил намоён қилади ва ифодалайди. Объектив воқеликнинг бундай субъектив ифодаси, воқеликни нафақат кўзгудагидек акс эттирувчи,

балки уни ижодий тарзда талқин қилувчи турли хил баҳоларни ўзида мужассам этган ҳолда лисоний код кўринишини олади. Кўплаб тилшунослар мақолларнинг келиб чиқиши масаласида фикр билдириб, уларнинг муаллифи халқ ва халқ донишмандлиги эканлигини қайд этишган. А.В.Кунин мақолларни ибратли маъно ва турғунлашган шаклга эга бўлган ихчам ҳикматлар сифатида талқин қилади [А.В. Кунин, 2005, с.432]. Мақоллар – турмушда орттирилган донишмандлик дурдоналари, азалий тажрибада синаб кўрилган халқнинг маънавий бойлиги ва маданий меросидир [П.У.Бакиров, 2018, б. 98]. Мақол ва маталлар ўз структуравий ёки семантик хусусиятлари билан фарқланади. “Мақоллар – қисқа рамзли ҳикоя, халқчил лўнда, қочирим маънода айтилган ва муомалага чиқарилган ҳукм, насиҳатдир. Матал – ҳам шаъма, қочиримдир, бироқ унда рамзли ҳикоя ва ҳукм йўқ. Матал мақолнинг ярми ҳисобланади” [В.И.Даль, 1998, б.8].

Маҳаллий ва хорижий фольклоршуносларнинг турли нуқтаи назарларидан хулоса чиқариб, паремияларнинг келиб чиқиши тўғрисида иккита қарашнинг мавжудлигини кўриш мумкин: 1) мақоллар халқ ижоди маҳсули эканлигини таъкидловчи романтик қараш; 2) паремиологик бирликларда муаллиф мавжудлиги ғоясини илгари сурувчи ёндашув. Биз кўп ҳолларда биринчи, яъни романтик йўналиш нуқтаи назарига қўшиламыз.

Паремиялар семантикасида ахлоқий-диний, ижтимоий-иқтисодий, тарихий-жўғрофий маълумотлар жой олади. Дунё халқлари ва уларнинг авлод-аждодлари ранг-баранг воқеа-



ходисаларнинг гувоҳи бўлиб, турфа паремияларни яратишган. Паремиялар кўп асрлик фольклорга дахлдор. Ҳар қандай тилдаги паремияларнинг катта қисмини инсоннинг ташқи ва шахсий хусусиятларини тавсифловчи ҳамда жамоатчиликнинг уларга берган баҳосини билдирувчи паремиялар ташкил этади. Мақоллар авлоддан авлодга ўтиб келаётган инсон ҳақидаги қарашларнинг майда тафсилотлари ва нозикликларини билдирувчи антропоцентрик маълумотни келгуси авлодга узатиб боради.

Мақолларнинг вазифаси маълум низолар ечими ёки музокаралар воситасида келишувга қаратилмаган. Бирор нарсани таъкидловчи ёки инкор этувчи мақоллар ёрдамида катта авлод ёшларга инсонлар тажрибасини етказиб, таълим беради. Уларнинг маъноси негизида, шак-шубҳасиз, ҳақиқат мавжуд. Мақолнинг прагматик мақсади тингловчига таъсир кўрсатишдан иборат, шунинг учун унинг баҳолаш вазифаси муҳим роль ўйнайди. Паремиялар маълум афористик маъноларни, атрофдаги воқеа, ҳолат ёки ходисаларга нисбатан ҳар хил муносабатни ифодалайди. Паремиялар маъносида акс этган баҳо ижобий, салбий ва бетараф (нейтрал) бўлиши мумкин. Ҳажвий, аччиқ, истехзоли, ҳамда кулгили ва кинояли мақоллар аслида баҳолаш вазифасини бажаради. Баҳоларнинг асосий қисми инсонни тавсифлаш билан боғлиқ бўлиб, айнан, инсон у ёки бу провербиал тузилма юзага келаётган ҳаётини вазиятларнинг марказида бўлади.

Мазкур тадқиқотда 250 дан ортиқ “билим” концептосферасига оид инглиз ва ўзбек мақоллари таҳлил қилинди ва улар турли гуруҳларга ажратилди:

- 1) Билим олиш, билимни қабул қилиш вақти ва шароитларини тасвирловчилар;
- 2) Ҳаётини муаммоларда билимнинг аҳамияти, билимга бўлган эҳтиёжни акс эттирадиганлар;
- 3) Билимнинг имконияти, билимга эга бўлишнинг афзаллиги ҳақидагилар;

- 4) Билимни баҳолаш мазмунидагилар;
- 5) Билимни бировга ўргатишга йўналтирилганлар;
- 6) Билимдан тўғри фойдаланишга ундовчилар;
- 7) Билимни йўқотиш ва бу ходисанинг сабаблари ҳақидагилар.

Дарҳақиқат, билим турли ходисалар ва ҳаёт жараёнларида намоён бўлади. Инсон дунёга келиши билан унинг билимга бўлган эҳтиёжи пайдо бўлади ва ҳаёти давомида билимни ўзлаштиради.

“**Билим олиш, билимни қабул қилиш вақти ва шароитлари**” мавзусига оид мақоллари иккала тилда ҳам аниқланди. Масалан, инглиз тилидаги *If you want knowledge, you must toil for it* (Билим тиласанг, ҳаракатда бўласан) мақоли инсонни билим олиш учун ҳаракат қилишига чорлайди, зеро, ҳаракатсиз самарали натижа бўлмайди.

Билим олиш ҳеч қачон кеч эмас: *It is never too late to learn* – Ўрганиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди.

Билим олиш вақти чегараланмаган бўлса-да, мақоллар уни ёшлик пайтида қабул қилиши осон ва самарали эканлигига ишора қилади: *A young twig is easier twisted than an old tree*.

Билимни олиш учун, уни севиш, унга интилиш керак: *A man doesn't learn to understand anything unless he loves it* – То одам ишини севмаса, уни ҳеч қачон англамайди.

“**Билимнинг имконияти, билимга эга бўлишнинг афзаллиги**” мавзуси доирасида қуйидаги мақоллар иккала тилда ҳам кенг фойдаланилади: *Investment in knowledge pays the best interest* – Билим олиш юксакдир.

Билим – катта кучдир: *He who has knowledge has force* – Билимга эга, демак, кучга эга; *Knowledge is power* – Билим – куч.

Мақолларда билимнинг катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади: *Lamp of knowledge burns brightly* – Билимнинг чироғи ёруғ бўлади.



Билим – инсоннинг маънавий бойлиги ҳисобланади: *Knowledge is the treasure of the mind* – Билим бошнинг хазинасидир.

Билим моддий бойликдан устун туради: *Knowledge is better than riches* – Билим бойликдан афзал.

“**Билимни баҳолаш**” мавзусига куйидаги мақолларни келтириш мумкин: *Knowledge has bitter roots but sweet fruits* мақоласи билим олиш машаққатли меҳнат эканлигига ишора қилиб, билимнинг “мевалари”, яъни натижалари, яхши эканлигини тасдиқлайди. Билим олишда ҳажм ҳам катта роль ўйнайди, зеро, мақоллар маъносида билимнинг ортиқчаси салбий баҳоланади: *Increase your knowledge and increase your grief* – Билимнинг кўпайтирсанг, ғаминг кўпаяди. Бироқ, мақолларда билим олишнинг чегараси йўқлиги намоён қилинган: *Weight of knowledge is never measured* – Билимнинг ўлчови йўқ.

Мақоллар бўйича билим олиш ўзини англашдан бошланади: *Knowledge begins with awareness of self* – Билим ўзини англаганидан бошланади. Ўзини англаган одам эса, бошқаларни ҳам тушуна бошлайди: *He that knows himself knows others* – Ким ўзини англаса, бошқаларни ҳам англайди.

Билим камлиги ёки йўқлиги мақолларда негатив баҳоланади: *Little knowledge is a dangerous thing* – Билимнинг камлиги жуда хавфли; йўқлиги эса – фалокат: *Nothing between the ears*.

Билимнинг ҳажмига келсак, унинг ҳажми қанчалиги эмас, балки сифати аҳамиятга эга: *It isn't how much you know, but what you know* – Қанчасини эмас, нимани билганинг керак.

Билимга эга бўлган инсон бундан мақтанмаслиги керак: *He that boasts of his own knowledge proclaims his ignorance* – Ким билимини мақтаса, демак, у нодон.

“**Ҳаёт масалаларида билимнинг аҳамияти, билимга бўлган эҳтиёж**” масаласи паремиологияда ўз аксини топган: *A child must learn to crawl before it can walk* – Бола оёғида юришидан олдин, эмаклаб юришни ўрганиши керак.

“**Билимни бировга ўргатиш**” мавзуси паремиологияда юқори баҳоланади, чунки бировга билим бериш жамиятнинг ривожига ҳисса қўшади: *If you have knowledge, you should let others light their candles by it* – Билиминг бўлса, уни бошқаларга беришинг керак, улар сенинг билиминг ёрдамида чирокларини ёқишсин. Мазкур мақолнинг маъноси метафоризация асосида воқеланади ва билим ёруғлик эканлигига ишора мавжуд.

“**Билимдан тўғри фойдаланиш**” мавзусига оид мақолларни таҳлилга тортамыз: *It is good to know much but better to have use of what we know* – Кўп нарсани билганинг – яхши, аммо, уни қандай ишлатишни билсанг – ундан яхшироқ.

“**Билимни йўқотиш ва бу ҳодисанинг сабаблари**” мавзуси инглиз ва ўзбек паремиологиясида фаол. Масалан, тезда ва тажрибасиз равишда олинган билим тезда унутилади: *What is quickly done is quickly undone* – Тез олинди, тез йўқолди.

Маълумки, инсоннинг ҳаёти давомида ақл ва заковати ўсиб бораверади. Бунга ҳаётий тажриба туртки берувчи омиллардан биттаси сифатида хизмат қилади:

Adversity is a good disciple – Машаққат – яхши мактаб [К.М. Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.4]. Мазкур мақолдан кўришиб турибдики, инсонни машаққат, меҳнат, ҳаётнинг ўзи кўп нарсани ўргатади. Ўзбек тилида ҳам унга аналогич мақол мавжуд: *Бош тошга тегса, ақл бошга кирар*. Мазкур мақолда “тош” лексемаси метафорик маънони ифодалайди: қийинчилик, машаққат, оғир кунлар. Одам машаққат орқали кучайиб боради ва ақли кўпаяди, тажрибаси ўсади.

Шундай қилиб, ҳаёт қийинчиликлари инсонни маънавий ва руҳий тарбиялайди, унинг ақлини кўпайтиради:

Adversity makes a man wise, not rich – Қийинчилик одамни доно қилар, аммо, бойитмас = *Замон сени ўқитар, таёқ билан сўқитар* [К.М. Караматова, Ҳ.С. Караматов, 2000, б.5]. Мақолларда, шуни таъкидлаш керакки, бойликдан кўра ақл



баланд поғонада туради. Ҳақиқатан ҳам, бойлик вақтинчалик бўлиши мумкин, ақл эса инсонни улуғлайди, уни ҳурмат-иззатга сазовор қилади. Бундан ташқари, тажрибали одамни алдаш ва енгил қийин бўлади:

Old birds are not to be caught with chaff – Қари қушни тузоқ билан тутиб бўлмас [К.М. Караматова, Ҳ.С. Караматов, 2000, б.28]. Мақолда “old bird” (қари қуш) бирикмаси метафорик кўчма маънони ифодалайди, яъни тажрибали, кўпни кўрган инсон. Ўзбек тилида ҳам шунга ўхшаган мақол метафорик кўчма маънони воқелантиради: *Тўрга тушган балиқ қармоқдан қўрқмас*.

Инсонлар ақл ва идрок нуқтаи назардан бир-биридан ажралиб туради. Ҳар бир инсон ўзига хос ақлий қобилиятига эга. Инглиз ва ўзбек тилларида буни исботловчи мақоллар тез-тез ишлатилади:

All bread is not baked in one oven – Ҳамма нон ҳам битта тандирда ёпилган эмас. Ўзбекча аналог: *Беш қўл баробар эмас; Ҳар супранинг нони бор* [К.М. Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.7]. “Нон” ёки “қўл” деганимизда, биз инсонни назарда тутамиз. Мақолларда бундай компонентлар метафора асосида ўз маъносига эга бўлади.

Ақлнинг қарама-қарши тушунчаси – бу аҳмоқликдир, телбалик. Телбалик баъзан ақл-хуши жойида бўлган инсонда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунга асосий сабаб – ғазабдир. Мақолларда айнан ғазаб инсонни ақлидан жудо қиладиган салбий туйғу сифатида намоён қилинади:

Anger is a short madness – Ғазаб – қисқа муддатли телбалик. Ўзбек мақоли ҳам худди шуни тасдиқлайди: *Жаҳл келганда ақл кетади* [К.М.Караматова, Ҳ.С. Караматов, 2000, б.10]. Демак, ақл ва жаҳл бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар. Жаҳли чиққан одам ақл доирасида иш қилиши мураккаб.

Ақлли одамнинг нияти ҳам, ҳаётидаги мақсади ҳам тўғри танланган бўлади:

A good archer is not known by his arrow, but his aim – Яхши мерган камон

ўқи билан эмас, пойлаган нишони билан машҳур = *Уста овчи бекорга ўқ отмас* [К.М. Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.12].

Маълумки, санъат ақл ва заковат билан жуда яқин муносабатларда. Зеро, санъатни тушуниш ҳам одамдан ақлий фаолиятни талаб қилади. Ақли паст одам ҳеч қачон санъатни, гўзалликни қадрига етмас. Иккала тилда ҳам буни исботловчи мақоллар аниқланди:

Art has no enemy except ignorance – Санъатнинг нодонликдан ўзга душмани йўқ [К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.12]. Энди ўзбек паремиясига назар ташлаймиз: *Аҳмоқнинг ўзи билмас, билганинг сўзига кирмас*. Мақолдан кўриниб турибдики, аҳмоқ деб ўзи билмаган, лекин, билган инсоннинг гапига кирмайдиган, маслаҳатига риоя қилмайдиган одам аталади. Ақлли одам ўзи билмаган билимни излайди ва топади, уни қабул қилади ва унга таянган ҳолда ҳаракат қилади.

Китоб – ақлнинг манбаси ҳисобланади. Китобдан кўплаб маълумотлар ва маслаҳатлар олинади. Лекин, китоблар турли хил бўлади. Инсон одатда ўзига ёққан мавзуда, жанрда ва ўзига ёққан муаллифлар томонидан ёзилган китобни ўқийди. Мақоллар ҳам шуни тасдиқлайди:

Choose an author as you choose a friend – Китоб муаллифини дўст танлагандек танла [К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.15].

Ўзбек паремияологиясида китобни ўқиш аҳамияти катта эканлиги намоён бўлади: *Китоб кўрмаган калла – гиёҳ унмаган дала* [К.М.Караматова, Ҳ.С. Караматов, 2000, б.15].

Мақоллар инсонни бир ишни бошлашдан олдин уни кўп ўйлаб кўриб, таҳлил қилиб, натижаси ҳақида фикрлашини маслаҳат беради:

In every beginning think of the end – Ҳар ишни бошлаётганда, охирини ўйла [К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.21]. Мазкур мақолда семантик оппозиция “beginning” (бошланиш) ва “end” (охири) антонимлар ёрдамида шаклланган. Ўзбек



тилида ҳам яқин маъноли аналог мақол мавжуд:

Яхши ерга ётсанг, яхши туш кўрасан, ёмон ерга ётсанг, ёмон туш кўрасан [К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.21].

Ўқиш, илм олиш ҳеч қачон кеч эмас ва мақоллар шуни ифодалайди:

Better late than never – Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани афзал = Ҳечдан кўра кеч яхши [К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.25].

Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳаёти давомида кўп билим ва тажриба орттиради. Лекин, одамлар орасида шунақа тоифадагилари борки, улар билим олишни хохламайди. Бундай одамлар инглиз мақолларида “blind” (кўр) деб аталади. “Кўр” деганда инсоннинг кўзи эмас, унинг қалби ва ички дунёси билим, илм-фан учун ёпик эканлиги назарда тутилади:

None so blind as those who won't see – Кўришни истамаганлардан кўрроқ одам топилмас = *Кўрмас – туяни ҳам кўрмас*

[К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.29].

Таълимнинг сифати ҳақида қатор мақоллар мавжуд:

Better untaught than ill-taught – Чаласаводдан саводсиз афзал [К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматов, 2000, б.26].

Мақоллардан кўриниб турибдики, чаласавод, яъни таълимнинг сифати паст ёки ўқиши тугалланмаган киши умуман саводсиз ёки ўқимаган одамдан паст поғонада туради. Бунинг сабаби шундаки, саводсиз одам биронта касбий ишга қўл урмайди, чаласавод одам эса, биронта ишни бошлаб, уни нотўғри бажариши мумкин. Бу эса, катта хатога олиб келиши мумкин.

Хуллас, мақол тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи ва инсоннинг ички (руҳий) дунёсини баҳоловчи лингвокультуремадир (лисоний-маданий бирлик). Мақоллар инсон когнитив фаолиятининг тайёр қолипи бўлиб, оламнинг маданий, миллий ва касбий манзаралари билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Бакиров П.У. Концепт и пословицы. // Филология ва маданиятлараро коммуникация: долзарб масалалар ва истикболлар. – Тошкент: 30 апрель 2018. – С. 98-101.
2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. – Москва: Русский язык, 1990. – 246 с.
3. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки, 2001. - №1. – С.64-72.
4. Даль В.И. Пословицы и поговорки русского народа. – Спб., 1998. – 544 с.
5. Караматова К.М., Караматов Х.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – 398 б.
6. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Дубна: Феникс+, 2005. – 488 с.

Рофеева Ш. Семантическое поле понятия “знания” в английских и узбекских пословицах. В статье исследуются английские и узбекские пословицы, в которых реализуется содержание концепта “знания” и раскрывается информация о роли знаний в жизни и деятельности человека.

Rofoeva Sh. The semantics of the notion “knowledge” in the English and Uzbek proverbs. The article is devoted to the analysis of the English and Uzbek proverbs which enlighten the content of the concept “knowledge” and present information about the role of knowledge in human’s life and activity.



“WALK” ЮРИШ ҲАРАКАТИ ФЕЪЛИНИНГ СЕМАНТИК ТАРАҚҚИЁТИ

*Мардонова Ситора Мардоновна,
СамДЧТИ стажёр ўқитувчиси*

Калит сўзлар: Walk, семантика, этимология, эквивалент, юриш ҳаракати феъли, лексик-семантика, диахроника, тезаурслар, контраст, лексема.

Феъл лексик-семантикасининг турли лисоний сатҳларда воқеланиши борасида кўплаб тилларда синхрон ифодаси, қиёсий таҳлилларини амалга оширишга йўналтирилган етарлича тадқиқотлар бажарилган, мақола ва монографиялар чоп этилган. Бу борада инглиз тили тадқиқига бағишланган ишларни етакчи сифатида кўрсатиш мумкин. Аммо, маълум туркумга оид тил бирикмаларининг диахроник босқичларини тадқиқ ва таҳлил этишга қаратилган ишлар борасида ҳеч бир лингвистик соҳа йўналишлари вакиллари мақтана олишмайди.

Хусусан, феълнинг лексик-семантик тараққиёти билан боғлиқ тадқиқотлар кўпчилики ташкил этмайди. Мазкур тадқиқотлар сирасига Тереса Фанегонинг шахс томонидан бошқарилмайдиган ҳаракатини билдирувчи юриш ҳаракати феъллари устида олиб борган диахроник тараққиёти борасидаги ишини мисол тариқасида келтириш мумкин (Fanego, 2012; 27). Умуман олганда, феъл тараққиётини ўрганиш ҳар бир феълнинг замонавий кўринишдаги лексик ва семантик маънолари воқеланишининг асосини аниқлашга хизмат қилади.

Тадқиқотчи ўз таҳлилларини мазкур феъллар гуруҳини этимологик луғатлардаги маълумотлар асосида олиб борган. У замонавий инглиз тилида мавжуд юриш ҳаракат феълларининг тарихий эквивалентлари ва миқдорини аниқлашга эътибор беради. Шунга кўра Тереса Фанего қадимги инглиз тили даврида 81 та Ўрта инглиз тили даврида 190 та лексик birlikни аниқлайди (Fanego, 2012; 51). Фанего замонавий феълларнинг эквивалентларини (муқобил) аниқлашда этимологик луғатлар ва

тезаурсларга таянади. Шу асосда у янги маъно ҳосил қилган феълларни маъно ўзлаштириш усулларига эътибор қаратади. Натижада, қадимги инглиз тили даври учун 71 та, ўрта инглиз тили даври учун 181 та, дастлабки замонавий инглиз тили даври учун 205 та, кейинги замонавий инглиз тили даври учун 250 та усулларни топади (Fanego, 2012; 54).

Маълумки, қадимги инглиз тили даврида феъл системаси бошқа тил бирикмалари билан синтетик тарзда муносабатга киришган. Шунинг учун ҳам ўша даврда жуда кўп феъллар семантик жиҳатдан замонавий феъл шаклларида маълум маънода фарқ қилган бўлса, бошқаларида семантик маъно жиҳатдан ўзгаришга учрамаганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, “ahealtian”-(to limp, crawl), “climban”-(to climb), “hoppian”-(to hop), “leap”-(dance) феъллари “fundian”-(to hasten), “hlēapan”-(to rush), “scēotan”-(to shoot, move rapidly, dart, run, rush) кабиларга ўзгарган.

Қадимги инглиз тилидаги “tōwan”-(to row, sail), “seglan”-(to sail) каби феъллар сув транспорт воситалари орқали ташиш, транспорт ҳаракати маъноларини англаган. Масалан: *Before he set sail for Egypt, the French had taken possession of Rome.*

Шунингдек, мазкур феъллар замонавий инглиз тилида транспорт воситалари ҳаракати билан алоқадор бўлган кўшимча маълумотларни ҳам олганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан: “row”- баржада саёҳат қилиш, қаторда турган одамлар сони, шиддатли шовқин ёки “to scull” ‘қайиқ орқали ҳаракат қилиш (Oxford concise dictionary of English etymology, 2017; 409).



Феълларнинг сўз яшашдаги янги услубий манбалари ўзлашган ва ҳис-ҳаяжонни билдирувчи феълларда ҳаракат маънолари ривожланган. Масалан: “to hasten, rush, ruse” сингари феъллар қадимги инглиз тили даврида ҳаракат услубини англлатувчи феъл сифатида тан олинмаган, аммо, улар “to give a sounding blow, to smack” маъноларини англлатган. Масалан: There is little doubt that poor medical treatment hastened her death.

Келтирилган мисоллар таҳлили Солбин S-тиллardaги семантик жиҳатдан бўйсунувчи ҳаракат усулларининг янги лексик бандларини доимо ўзгариб туриш эҳтимоли юқори деган фарази мантиқан тўғрилигини тасдиқлайди (Slobin, 2006; 57).

Замонавий инглиз тилида бевосита юриш ҳаракат феълнинг асосини ташкил этувчи “to walk” феъли тараққиёти давомида лексик ва семантик ўзгаришларга учраганлигини, маъно жиҳатдан бойиганлиги ва шунинг сабабларини аниқлашга эътиборимизни қаратамиз.

Қадимги инглиз тили даврида “walken” феъли “roll about, toss”-“айланмоқ, улоқтириш” маъноларини англлатганлиги маълум. XI асрда лотин тилида “walk” феъли “денгизда сайр қилмоқ” маъносини ҳам ифодалаган. Кейинчалик “move about” – “юрмоқ” ифодаси “go on journey”- “сафарга чиқмоқ” ифодасига ўзгарган, лекин, XIII асрга қадар “travelling on foot”-“оёқ воситасида ҳаракат”ни ифодаловчи махсус маъно мавжуд бўлмаган. (Oxford concise dictionary of English etymology, 2017; 410). “Walk” юриш ҳаракати феъли қадимги гот тилидан ўзлашган “walkan” феъли бўлиб, англо-сакс тилида “walken” зарба орқали сезиш маъносини англлатган.

Масалан:

1. He stah up on an treow: Оёқларда тезроқ ҳаракатланиш маъносида.

2. Zachee stih ardllice adune: Ҳайдаш ўрнига ёқимли пиёда юриш.

3. Ðu forhogdes alle stigende from rehtwisnissum ðinum forðon unreht gedoht

heara is: Инсон томонидан бажариладиган оёқлардаги ҳаракат маъносида.

4. Hweorfaþ eft to me: Майин ҳаракат қилиш маъносида.

5. Hig into helle cuce siðodon: Бахтсиз ҳодисада омон қолиш маъносида.

6. Næfre ic from hweorfe ac ic: Саломатликни тиклаш маъносида.

7. Swa scriþende gesceapum hweorfað gleomen gumena geond grunda fela: Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини сайр қилмоқ маъносида.

8. Ða ða se Hælend siðode, sum man him cwæþ to: ‘Ic wille siðian mid ðe and ðe folgian: Бирор бир жойга нисбатан ҳаракат қилмоқ.

9. For ðe sceal ælc flæsc forþ siðian: Юриш пайтида бирон бир ҳаракатни келтириб чиқариш.

10. Þurh ðe Frea on ðas eorþan ut siðade: Нарса буюмни юриш ҳаракатига ўхшатиб ҳаракатлантириш маъносида (Huber, 2017, 69-70).

Матнларда ифодаланадиган сўзларнинг сони чекланганлиги сабабли баъзи бир умумий муаммоларга дуч келиш ҳолатлари учраган. Айниқса, қадимги инглиз тили даврида юриш ҳаракати феъли мисолида тасвирланган. Қадимги инглиз тили даврида (1) мисолда келтирилгани каби “walkan” феъли “айланмоқ, отиш” маъноларини англлатган.

1. þa geseah he an scip ut on þære sæ swa swiðe torfigende fram þan wealcendum sæs uðum (LS 9 (Giles) B3.3.9)

Кейин у денгиз тўлқинлари туфайли ишдат билан улоқтирилиб денгизда сузаетган кемани кўрди.

Қадимги инглиз тили даврида “wealcendum” феъли субъектнинг оёқлар воситасидаги олдинга ҳаракати маъносидан фарқли равишда (ўзбекча toss айланмоқ) кеманинг денгиздаги ҳаракати маъносини ҳам ифодалаган. Малумки, мазкур даврда кемалар ҳаракати техник (двигатель) восита ёрдамида эмас, балки, инсонларнинг эшаклар воситасида кемаларни ҳаракатлантиргани билан боғлаш мумкин.

2. Ða ingeðoncas ðe wealcaþ in ðæs monnes mode (quando cogitationes volvuntur



in mente) (Past. 21; Swt. 155, 22, BT s.v. wealcan, sense IIb.2 ‘of other movement: metaphorical: of thought’)

Инсоннинг онгида айланиб юрадиган фикрлар маъносида қўлланилиб, инсоннинг ақлий ва психологик ҳолатидан келиб чиқиб бажариладиган ҳаракатни ифодаловчи маъно сифатида ишлатилган.

Ўрта инглиз тили даврига келиб (3) мисолидаги ҳолат сақланиб қолган. Аммо, “walken” юриш ҳаракат феъли, яъни “rolling” ёки “tossing” маъноси сифатида ишлатилган.

3 þe grete wawes That as wyndes and wedres walkeþ aboute. (c.1400 PPI.B

(Trin- C B.15.17) 8.40, MED s.v. walken, sense 1 ‘to roll, toss, toss about etc.’)

Об-ҳаво ва шамол эвазига кучли силкинишлар маъносида келиб, Ўрта инглиз тили даврида “Walkan” феъли нафақат бирор бир йўналишга ҳаракатланиш маъносида, балки “айлантормок, улоқтормок” маъноларида келган.

4. Gij as pilgrim zede; He welke about wiþ glad chere þurch mani londes fer

& nere (c.1330(?a.1300) Guy(2) (Auch) p.416, MED s.v. walken, sense 2a ‘to wander, travel, journey’)

Узоқ ва яқин шаҳарларда саёҳат қилган йигит зиёратчига айланди. Ушбу мисолда қадимги инглиз тили давридаги “walken” юриш ҳаракати феъли зиёрат қилмоқ маъносида келган. Бундан кўринадики ушбу феъл ҳаракат қилиб диққатга сазовор жойларни кезмоқ лексемаларини ифодалаб келган.

5.Elþes arn in Inde riche . . . Nu he reste. him, .is der, .anne he walked wide, herkne wu it telle. her. (a.1300(a.1250) Bestiary (Arun 292) 505, MED s.v. walken, sense 3a ‘to go on foot, walk, etc.’)

Ҳиндистон - филларнинг макони саналади. Улар Ватанидан узоқлашса қандай яшашиди? У нима дейишини тингланг. Мазкур мисолда “walken” феъли Маконни тарк этиш маъносида келган. Бирор бир ўзига қадрдон бўлган жойдан кетиш ёки ундан узоқлашиш маъноларида ишлатилган.

Қадимги инглиз тили даврида ишлатилган “wealcand” юриш ҳаракат феъли XII-XV асрларга келиб Ўрта инглиз тили даврида урғусиз бўғиндаги унлиларнинг редукцияга учраши натижасида шакли ўзгарган. Яъни “e” ҳарфининг тушиб қолиши оқибатида “walcand” кейинчалик эса француз котибларининг таъсири натижасида “c” ҳарфи “k” ҳарфига ўзгариб “walkand” ҳамда келишиқ кўшимчаларининг қўшилиши орқали “walken” шаклига айланган.

Қадимги инглиз тили даври ва ўрта инглиз тили даврлари оралиғида баъзи феълларда сезиларли семантик ўзгариш юз берганлиги борасида фикрлар мавжуд (Traugott & Richard 2002, 106). Ушбу семантик ўзгаришлар ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлардан ташқари, ўша даврдаги тараккиёт маҳсули сифатида баҳоланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, қадимги инглиз тили даври охирида асосий маънога эга “walk – юриш” феъли (кучли ва кучсиз), яъни “roll -айланмоқ” маъносини англаган бўлса, Ўрта инглиз тили даврининг бошига келиб – “кўчиш, саёҳат” маъноларини ҳам ифодалай бошлаган. Ушбу феъл семантикасидаги бундай кескин ўзгариш қадимги инглиз тили даврига нисбатан ушбу феълнинг оғзаки нутқда кенгроқ қўлланишга эга бўла бошлаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўша даврда ушбу феълнинг ёзма нутқда ишлатилганлиги борасида маълумотлар кам учрайди. Бу ҳолат Ўрта инглиз тили даврида ёзма адабиётни тараккий эта бошлаганга қадар давом этган. Ушбу даврда семантик тараккиёт натижасида “walken” феълида куйидаги шакллар юзага келганлиги кузатилади. “to roll-силжиш, fluctuate-тебраниш, move back-орқага ва forth-олдинга силжиш” феълларидан “to move to ва fro, roam about, wander here and there-у ёқга, бу ерга, у ерга юриш” феълларидан “to journey-саёҳатга чиқиш, travel-саёҳат қилмоқ, go on foot-сайр қилмоқ” феълларида намоён бўлган.

Зеро, “to travel-саёҳат қилмоқ”, “to roam about-атрофда юриш” феъл маънолари Ўрта инглиз тили даврида



тўсатдан пайдо бўлмаган. Қадимги инглиз тили давридаги “walken” феъли оғзаки нутқда қўшимча маънолар учун ишлатила бошлаганлиги бунга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, ўша даврдаги диалектларнинг фарқ қилганлиги ва ушбу диалектларнинг барчасида ёзма манбаларнинг кам сақланиб қолинганлиги “wealcan” феълининг қадимги инглиз тили давридаги маънолари борасида тўлиқ тасаввурга эга бўла олмаслигимизга сабаб сифатида келтириш мумкин.

Материаллар далилича ушбу феъл тахлили бизгача етиб келмаган ёзма манбалар (бадий адабиётлар намуналари, этимологик луғатлар) асосида амалга

ошириб бўлганлигидан кейин “walk” феъли қандай қўшимча семантик маъноларга эга бўлганлиги борасида тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, қадимги инглиз тили давридаги барча юриш ҳаракат феъллари тўлалигича бизгача етиб келмаган ва уларнинг семантик ўзгариши сабаблари борасида маълумотлар етарли эмас. Энг муҳими шундаки, асосан, қадимги инглиз тили даврида фақатгина баъзи бир феъллар манбаларда кенг қўлланилган. Шунинг учун қадимги инглиз тили даврида юриш ҳаракати феълларининг тўлиқ семантик маъноларини аниқлаш бироз мураккаблик туғдиради.

Адабиётлар:

1. Fanego T. Motion events in English // The emergence and diachrony of manner salience from Old English to Late Modern English. *Folia Linguistica Historica* 33., 2012. -P 29– 85.
2. Judith H. Motion and the English verb //Oxford University Press. 2017-69-70
3. Hoad T. The Concise Oxford Dictionary of English Etymology. Oxford New York Oxford University Press., 2017. – P 409-411.
4. Slobin Dan I. Two ways to travel: Verbs of motion in English and Spanish // Grammatical constructions: Their form and meaning., Oxford: Clarendon Press., 1996. - P 195– 220.
5. Slobin Dan I. What makes manner of motion salient? // Explorations in linguistic typology, discourse, and cognition // Linguistic systems and cognitive categories., Amsterdam: John Benjamins., (Typological Studies in Language 66), 2006. - P 59– 81.
6. Traugott E. Richard B. Regularity in semantic change., Cambridge, U.K.: Cambridge University Press., 2002.
7. Traugott E. Linguistic levels: Semantics and the lexicon. // English historical linguistics: An international handbook, Berlin: De Gruyter., 2012. - P 164– 77.
8. Traugott E. Syntax. The Cambridge history of the English language. Vol. I: U.K.: Cambridge University Press, 1992. - P 168– 289.
9. <https://quod.lib.umich.edu/c/cme/AHA2638.0001.001/1:2?rgn=div1;view=fulltext>
10. https://dloadoktatas.educatio.hu/erettsegi/feladatok_2020osz_emelt/e_angol_20okt_fl.pdf
11. https://www.academia.edu/8153826/Old_English_Life_of_St_Giles

Mardonova S. The semantic development of the verb "walk". The aim of this article is to identify the lexical and semantic variability, semantic enrichment, and the reasons for the historical development of some motion verbs in modern English. The main focus is on the lexical-semantic development of the verb "walk" in modern English (Old English "wealcan") and the definition of their development factors.

Мардонова С. Семантическое развитие глагола “walk”. Целью данной статьи является выявление лексической и семантической изменчивости, семантического обогащения и причин исторического развития некоторых глаголов ходьбы в современном английском языке. Основное внимание уделяется лексико-семантическому развитию глагола «ходить» в современном английском языке («wealcan» в древнеанглийском языке) и определению факторов их развития.



ДИНИЙ МАРКЕРЛАНГАН АЛЛЮЗИВ АНТРОПОНИМ ВА ТОПОНИМЛАРНИНГ СИМВОЛИК АҲАМИЯТИ

*Файзуллаева Мухайё Рахматиллаевна,
ЎзДЖТУ ўқитувчиси*

Калим сўзлар: символ, диний-мифологик символ, аллюзия, диний маркерланган аллюзия, прецедент матн, реципиент матн, диний маркерланган аллюзив антропоним ва топоним.

Символлар турли фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади, семиотика, маданиятшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу фанларнинг ҳар бири мақсади, вазифалари ва йўналишларидан келиб чиқиб символ тушунчасини турлича изоҳлайди. Аммо, ушбу таърифларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда символ сўзининг луғавий маъносини хорижий сўзлар изоҳли луғатидан қуйидагича шакллантириш мумкин: Символ – 1) маълум бир жамоа (қабила) учун нарса, воқеа-ҳодисаларнинг шартли белгилари мажмуи; 2) бирор бир образ, тушунча, ғояни шартли равишда англатувчи предмет ёки ҳаракат; 3) маълум бир ғояни амалга оширишда кўмаклашувчи бадиий образ; 4) у ёки бу фан доирасида бирор бир тенглик ёки тенгсизликнинг шартли номланиши; 5) эътиқод рамзи – диний қарашларда мавжуд йўналишларнинг қисқа баёни (7, 464). Н. М. Джусуповнинг таърифига кўра, символ когнитив аҳамиятга эга бўлган универсал бирлик бўлиб, унинг концептуал негизида билим тузилмалари акс этган ҳамда у маъновий жиҳатдан маълум бир концептларни интерпретация қилиш имконини беради. Символ қуйидаги хусусиятларга эга: 1) адабий асарда такрорий қўлланилиши; 2) баъзи тил бирликларига урғу бериши; 3) билим тузилмаларини фаоллаштириши; 4) тил воситаларининг концептуаллашуви (6, 9). Шундай қилиб, символ мураккаб тил феномени бўлиб, таркибан катта ҳажмдаги эксплицит ва имплицит ахборотни ўзида мужассам эта олиши билан бир қаторда

турли когнитив, маданий ва диний ахборотни ўқувчига етказиб беради.

Символлар ҳар бир дин ва диний йўналишларда катта аҳамиятга эга. Чунки динлараро мавжуд барча тушунчалар борлиқдаги у ёки бу конкрет ёки абстракт предмет, воқеа-ҳодисаларнинг символик акси бўлиб хизмат қилади. Диний-мифологик символлар инсонлар концептуал ва лингвистик дунёқарашидан чуқур ўрин эгаллаган бўлиб, кундалик ҳаётимизда биз билиб-билмай кўп бора уларга мурожаат қиламиз. Диний-мифологик символлар ишора этувчи предмети ёки воқеа-ҳодисасига кўра қуйидаги семантик гуруҳларга бўлинади: диний маркерланган символик зоонимлар, топонимлар, антропонимлар, рақамлар, ранглар ва фитонимлар (4, 208). Таъкидлаш жоизки, айрим диний-мифологик символлар барча динлар учун универсал характерга эга бўлса, айримлари карама-қарши маъно касб этиши мумкин. Масалан, ранглар мисолида кўрадиган бўлсак, деярли барча динларда қора ранг ўлим, ёвузлик тимсоли бўлса, оқ ранг – беғуборлик, поклик рамзи саналади. Аксинча, қизил ранг яҳудийлик ва христианликда қон ва гуноҳ рамзи бўлса, қадимги Миср мифологиясида қизил рангнинг олов ҳамда ғалаба билан ассоциацияси тилга олинади.

Бадиий матнда символлар кўпинча аллюзиялар орқали ифодаланади. Аллюзия стилистик воситалардан бири бўлиб, машҳур адабий, диний, тарихий, мифологик факт, воқеа-ҳодиса, шахс ва жой номининг бошқа ёзма ёки оғзаки нутқ жараёнида келтирилишидир (5, 110). Аллюзия стилистик ва когнитив аҳамиятга



эгаллиги билан характерлидир: биринчидан, аллюзия прецедент матн орқали маълум бир билим тузилмасига ишора қилса, иккинчидан, реципиент матнда аллюзия кўпинча эмотив ва экспрессив характерга эга имплицит маънони ифода этади (1, 43; 2).

Мазкур тадқиқот доирасида адабий матнда айнан диний аллюзиянинг рамзий маъно касб этиши ҳолати таҳлил қилинади. Диний маркерланган аллюзиялар семантик қатламига кўра ишоравий характерга эга бўлиб, диний дунёқарашда у ёки бу нарса, воқеа-ҳодисанинг рамзий ифодаси бўлиб гаўдаланади. Кўпгина ҳолларда диний маркерланган аллюзия ҳамда диний-мифологик символлар ўртасидаги чегара ювилиб кетгандек туюлади. Аммо, ҳар икки тушунча қатъий ўрнатилган қонун-қоидалар асосида юзага келади: 1) диний маркерланган аллюзиялар реципиент матнда маълум бир диний манбадаги предмет, шахс, воқеликка ишора қилувчи лингвистик восита бўлса, диний-мифологик символлар динларда мавжуд феноменларнинг рамзий маъносини ифодалайди; 2) диний маркерланган аллюзиялар интертекстдаги имплицит маънони очиш учун ўқувчидан диний билимини ишга солишни талаб этса, диний-мифологик символлар маълум бир прецедент манбага ишора қилмайди ва ўқувчидан катта кўламдаги билимни талаб қилмайди (4, 219).

Шундай қилиб, диний маркерланган аллюзиялар инсон онгида аллақачонлар шаклланган диний билим асосида предмет, воқеа-ҳодиса ёки шахсга нисбатан символик муносабатларни вужудга келтиради. Диний маркерланган аллюзиялар бирор диний манбадаги таниқли ҳодисотга (жонли ёки жонсиз) референт бўлиб, унинг реципиент матндаги воқеалар ривожини билан интеграциялашуви интертекстда диний маркерланган аллюзияларнинг символик аҳамиятини юзага келтиради. Қуйида диний маркерланган аллюзияларнинг айрим турларининг рамзий маъно

ифодалаши бадиий матнлар таҳлили асосида кўриб чиқилади.

Диний аллюзиянинг символик аҳамиятга эга турларидан бири диний маркерланган аллюзив антропоним бўлиб, уни бадиий матнда ишлатиш орқали бирор бир диний манбадаги тарихий шахс ёки бадиий тўқимага ишора қилинади. Бадиий асарларда асли диний манбага тегишли бўлган антропонимнинг келтирилиши бежиз бўлмасдан, бундан кўзланган асосий мақсад реципиент матнда ўқувчига аввалдан диний билими орқали маълум бўлган муҳитни яширин тарзда яратиш ҳамда ўқувчидан диний маркерланган аллюзив антропонимнинг символик маъносини интерпретация қилишни талаб этишдан иборат. Универсал символ даражасига етган диний антропонимлар кўп бўлиб, қуйида шундай аллюзив антропонимлардан бирининг репрезентациясини бир нечта инглиз адабий матнлари таҳлили асосида кўриб чиқамиз. Кўпгина бадиий асарларда Инжилга референт, яъни интертекстуаллик воситаси сифатида фойдаланиладиган “Juda’s kiss” (Яхудо ўпичи) аллюзив антропоними хиёнат тушунчаси рамзи сифатида интерпретация қилинади. Инжилга кўра, Яхудо Ишқариот Исо пайғамбарга эргашган ҳамда ундан таълим олган 12 шогирдларидан бири бўлиб, Исо пайғамбар билан бошқаларга қараганда яқинроқ муносабатда бўлган. У ўша даврда ҳукмронлик қилаётган Яхудийлар ҳокимиятига Исо пайғамбарни топиб беришини ва буни ўпич орқали амалга оширишини ваъда қилади. Воқеа охириги тушликдан сўнг Исо пайғамбарнинг нутқ сўзлаб турганида содир бўлади. Айни шу вақтда Яхудо бир тўда оломон ҳамда руҳонийлар билан Гетсеман боғига кириб келади ва аввал ваъда қилганидай ўпич билан белги беради, натижада Исо қўлга олинади: “*Just as he was speaking, Judas, one of the Twelve, appeared. With him was a crowd armed with swords and clubs, sent from the chief priests, the teachers of the law, and the elders.*

Now the betrayer had arranged a signal with them: “The one I kiss is the man; arrest



him and lead him away under guard.” Going at once to Jesus, Judas said, “Rabbi!” and kissed him. The men seized Jesus and arrested him” (3).

Ушбу лавҳа христиан дини вакиллари учун жуда муҳим бўлган ва натижада Яҳудо исми, “Juda’s kiss” фразеологик бирлиги ҳозирги символлар луғатлари ва энциклопедиясида ҳам “хоин” тимсолини ўзида гавдалантиради.

Бадиий адабиётда “Juda’s kiss” иборасига ёзувчилар томонидан кўплаб мурожаат қилинган бўлиб, у “ўлим ўпичи”, яъни хиёнат рамзи сифатида талқин қилинади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий асарларда Яҳудо образи тилга олиниши у ёки бу қаҳрамонга нисбатан хоин, хиёнаткор сифатлари қиёси берилганидан даракдир. Инглиз ва Америка адабиётининг турли даврларида кўплаб ёзувчилар томонидан Яҳудо диний аллюзив антропоними кўп маротаба фойдаланилган. Масалан, Уилям Шекспирнинг “Ричард иккинчи” пьесасида ушбу диний маркерланган аллюзив антропонимга мурожаат қилинган:

O villains, vipers, damn'd without redemption!

Dogs, easily won to fawn on any man!

Snakes, in my heart-blood warm'd, that sting my heart!

Three Judases, each one thrice worse than Judas!

Would they make peace? terrible hell make war

Upon their spotted souls for this offence! (8)

Асарда XIV аср воқеалари, хусусан, Плантагенетлар сулоласининг сўнгги вакили Ричард Иккинчининг тахтдан кулаши ва унинг ўрнини Ланкастерлардан бўлган Генри Болингброук эгаллаши воқеалари ҳикоя қилинади. Ричард Иккинчи бойликка ниҳоятда ружу қўйган, дўстлари билан биргаликда мазмунсиз вақт ўтказувчи, қироллик ва унинг авом халқига нисбатан эътиборсиз, қироллик ғазнасини исроф қилувчи ҳамда турли солиқларни ўз нафсини қондириш учун тез-тез жорий қилувчи ҳукмдор сифатида таърифланади. Ўз амакисини қотилига айланган ва халқ ғазабига учраган Ричард

иккинчи жияни Генри Болингброук томонидан тахтдан ағдарилади ва кейинчалик зиндонда ўлдирилади. Юқорида асардан келтирилган парчада Ричард Иккинчи ўзига содиқ бўлган “дўстлари” Буши, Бегот ва Гринга нисбатан 3 нафар Яҳудолар дея хитоб қилади, яъни уларни ўзига хиёнат қилганликда айблади: Ричард Иккинчи Англияга қайтгач, ўзига тегишли ҳамма нарсанинг Генри тасарруфига ўтиб кетганидан хабар топади ва ўзининг 3 нафар содиқ амалдорларининг (Буши, Бегот ва Грин) олдига келмаганлиги сабабини улар янги қирол томонига ўтиб кетиб, ўзига хиёнат қилганликда гумон қилади. Зеро, Буши ва Гриннинг аввалроқ Генри Болингброук томонидан қатл этилганлигидан ҳамда Беготнинг Ирландияга қочиб кетганидан беҳабар ҳолда уларни Яҳудодан ҳам батарроқ хоинлар, деб атади. Бу билан Ричард Иккинчи ўзини Исога қиёслади (Исо пайғамбар ҳам душманларига ўз яқин кишиси Яҳудо томонидан сотилган эди). Лекин эътиборлиси шундаки, Ричард ўзини Исога қиёслганида ўз тақдирини анчайин аламли дея баҳолайди: Исо пайғамбарга биргина шогирди Яҳудо хиёнат қилган бўлса, унга минглаб яқин кишилари хиёнат қилганини ўқинч билан хитоб қилади:

The favours of these men: were they not mine?

Did they not sometime cry, 'all hail!' to me?

So Judas did to Christ: but he, in twelve,

Found truth in all but one: I, in twelve thousand, none (8).

Генри Болингброук эса Ричарднинг гумашталарига (Бегот, Буши ва Грин) нисбатан “The caterpillars of the commonwealth” (умумхалқ, мамлакат мулки қуртлари) деб атади ва уларни юлиб олиб, улоқтиришга ваъда беради (Which I have sworn to weed and pluck away).

Демак, Уилям Шекспирнинг “Ричард II” пьесасидаги қаҳрамонлар Бегот, Буши, Грин ҳамда Инжилдаги



Яҳудо ўртасидаги параллеллик қуйидагича умумлаштирилиши мумкин: Шекспир Яҳудо диний аллюзив антропонимини келтириш орқали ўқувчи кўз ўнгида ушбу 3 қахрамонни хоин сифатида гавдалантиради, зеро, диний билимга эга ҳамда диний дунёқараши шаклланган зукко ўқувчи ушбу ўхшатишни англашда ортиқча қийналмайди: Ричард қироллиги даврларида унга содиқ бўлган, уни қўллаб қувватлаб, унга хуш келувчи гапларни такрорлаган амалдорлар (*The favours of these men: were they not mine? Did they not sometime cry, 'all hail!' to me?*) унинг ҳукмронлиги адоғига етганида унинг ёнида эмас эдилар. Яҳудо ҳам Исонинг охирги тушликдан кейинги нутқида қатнашмайди, кейин эса уни ҳукумат кишиларига ушлаб беради.

Ҳозирги кунда ҳам Яҳудо диний аллюзив антропонимининг хиёнаткорлик рамзи сифатида талқин этилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, фикримиз далилини Климент Чипанденинг қуйидаги шеъри мисолида кўриш мумкин:

*I am just a country
So be my patriot
Not a tourist that comes
And turns into Judas Iscariot
When darkness storms (9)*

Ушбу шеърий тўртликда шоир Яҳудо Ишқариот номини келтириш орқали Инжилга кўра Исо парғамбарга хиёнат қилган Яҳудо образини ўқувчи онгида жонлантормоқда ва ундан Яҳудога ўхшамасликка, яъни хоинлик қилмасликка чақирмоқда. Аҳамиятлиси, семантик қатламда *patriot (ватанпарвар)* сўзи Яҳудо Ишқариот номи билан зиддият, яъни антонимик маъно ҳосил қилган.

Кейинги тимсолий аҳамиятга эга тил бирлиги диний маркерланган аллюзив топоним бўлиб, диний манбаларда номлари келтирилган макон, манзил, жой номларига нисбатан ишора қилиш билан бир қаторда уларнинг кўпчилиги инсон концептуал дунёқарашида ўз рамзий аксига эга. Ана шундай машҳур диний ҳудудлардан бири Иуресалем – муқаддас ўлка рамзи бўлиб, Инжилга кўра Иуресалим нафақат Исроил, балки бутун

дунёнинг маънавий ва диний пойтахти ҳисобланган бўлиб, унга муқаддас диёр, дея таъриф берилган. Бунинг асосий сабаби айнан шу ернинг қоқ марказида Худонинг уйи жойлашган, деб ишонганлар. Хусусан, Инжилда Иуресалим шаҳри номи тўртликларда қуйидагича ўз аксини топган:

'Jerusalem shall be inhabited as villages without walls, because of the multitude of people and livestock in it. And I will be to her a wall of fire all around, declares the LORD, and I will be the glory in her midst' (*Zechariah 2:2-5*).

As the mountains surround Jerusalem, so the LORD surrounds his people, from this time forth and forevermore (*Psalms 125:2*).

"..But I have chosen Jerusalem that My name might be there, and I have chosen David to be over My people Israel."

And I saw the holy city, new Jerusalem, coming down out of heaven from God, prepared as a bride adorned for her husband (*Revelation 21:2*).

Демак, шаҳар Худо танлаган макон, унинг аҳолиси эса бошқа миллатларга нур сифатида таърифланган. Иуресалим Инжилда қуйидаги сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида таърифланган: муқаддас, кўкдан тушган, безанган келинчак, ҳақиқат ўлкаси, муқаддас тепалик, шон-шухратли юрт. Аммо ушбу синономик қаторда Иуресалимга асосан муқаддаслик нисбати доминантлик ҳосил қилган.

Иуресалим муқаддас шаҳар симболи бўлиб, кўпгина асарларда интертекстуаллик белгиси, яъни диний маркерланган аллюзия сифатида фойдаланилган. Масалан, Уилям Шекспирнинг “Генри Тўртинчи” пьесасида қирол Генрининг ўлими воқеаси тасвирланган қисмида Иуресалим аллюзив топонимидан фойдаланилган:

It hath been prophesied to me many years,

*I should not die but in Jerusalem,
Which vainly I supposed the Holy Land.
But bear me to that chamber; there I'll lie.*

In that Jerusalem shall Harry die (10).



Ушбу байтларда қирол Генрининг ўлими олдидан хитоб қилган иқрори акс эттирилган: қирол ўзини фақат Иуресалим, яъни муқаддас ўлкада жон беришини ҳис этиб келганини айтади. Аммо, энди билса, у Иуресалим шаҳрида эмас, балки шу ном билан аталган хонада жон таслим қилиш арафасида бўлади. Генрининг узоқ йиллар бундай фикрда бўлиб келганлигининг асосий сабаби қирол ўзини муқаддас юрт (Иуресалим) ва унинг табарруклик муҳитига ўзини бевосита боғлиқ ҳисоблайди, чунки ҳали тахтга ўтирмасидан аввал у таомил асосида Иуресалимни зиёрат қилган эди. Шунинг учун ҳам Генри ўлим яна бир бор ўзини бу шаҳар билан боғлашига ишонади. Аммо, охир-оқибат ўлим ҳақлиги, ўзининг Иуресалим номли хонада ўлим топишига тан беради. Демак, Иуресалим шаҳри номининг асарда келтирилиши билан, аввало, Инжилга ишора қилинган, бу орқали ўқувчида ушбу жой номи билан боғлиқ билим тузилмалари фаоллаштирилади, натижада ўқувчи диний дунёқараши ва онгида Иуресалим шаҳри муқаддаслиқ рамзи сифатида қайта гавдаланади.

Юқоридаги фикримизнинг давоми сифатида машҳур инглиз шоири Уилиям Блеикнинг “Milton: A Poem in Two Books” эпик достонининг муқаддимасида келтирилган шеъридан тўртликни яна бир мисол сифатида келтиришни жоиз топдик:

*And did those feet in ancient time
Walk upon Englands mountains green:
And was the holy Lamb of God,
On Englands pleasant pastures seen!
And did the Countenance Divine,
Shine forth upon our clouded hills?
And was **Jerusalem** builded here,
Among these dark Satanic Mills?
Bring me my Bow of burning gold:
Bring me my arrows of desire:
Bring me my Spear: O clouds unfold!
Bring me my Chariot of fire!
I will not cease from Mental Fight,
Nor shall my sword sleep in my hand:
Till we have built **Jerusalem**,
In Englands green and pleasant Land*

(11).

Шеър икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида шоир ўзини қийнаган саволларни ошкор қилади (Исо пайғамбар қадамлари Англияга етганми, Англия ерларида муқаддас Иуресалим бунёд этилганми каби); шеърнинг иккинчи қисми эса даъватлардан иборат (шоир Англия ҳудудида муқаддас ўлка – Иуресалимни бунёд қилишга бел боғлаганини таъкидлайди). Бевосита тадқиқотимиз юзасидан таҳлил учун шеърнинг эътиборга молик қисми – шоир Иуресалим шаҳри номини келтирган қаторлар бўлиб, Уилиям Блеик киноя орқали ўзи яшаётган даврни танқид қилади: авваллари Худонинг жамоли ҳозирги булутли тепаликларга қарата нур сочганмикин (*And did the Countenance Divine, Shine forth upon our clouded hills?*) ёки ҳозирги саноат революциясидан “бебахра” қолмай, қоронғи шайтоний ҳудудларга айланган жойларда илгари Иуресалим қурилганмикин (*And was Jerusalem builded here, Among these dark Satanic Mills?*)? Шоир эндиликда ҳам ақлий, ҳам жисмоний “уруш”га отланган, мақсад эса ўз юртида қайтадан Иуресалим – муқаддас диёрни барпо этиш (*Till we have built Jerusalem, In Englands green and pleasant Land*). Ҳар икки ҳолатда ҳам диний маркерланган аллюзив топоним орқали символик зиддият юзага келтирилган: Иуресалим, табарруклик рамзи бўлган, диний дунёда машҳур шаҳарнинг ўқувчи онгида қайта гавдаланиши, китобхонни Англиянинг ҳозирги қоронғиликда қолган ҳолати билан таққослашга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, кўплаб диний-мифологик тил бирликлари қатори диний маркерланган аллюзиялар ҳам символик аҳамиятга эга бўлиб, таркибида катта ёки кичик ҳажмдаги эксплицит ҳамда имплицит шаклдаги маълумотни сақлайди. Тадқиқот давомида диний маркерланган аллюзияларнинг қуйидаги символик хусусиятлари кўриб чиқилди:

- Турли диний-мифологик дунёқарашларда маълум диний символлар универсаллик даражасига етган;

- Диний маркерланган аллюзиялар бадиий матнда символик ҳамда



концептуал аҳамиятлилик каби
вазифаларни бажаради;

• Айрим диний символлар турли дин вакиллари ва мифологик таассурот эгаларининг дунёқарашлари асосида бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий маъно акс этади;

• Диний маркерланган аллюзиялар орқали ифодаланган символлар

интерпретация қилиниши жараёнида турли диний-мифологик тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда уларга қўшимча маъно юкланади;

• Бадиий матнда символик аҳамиятга эга диний маркерланган аллюзив антропоним ҳамда топоним ўзида прецедент матн ва у билан боғлиқ ассоциатив маънони ифодалайди.

Адабиётлар:

1. Ashurova D.U., Galieva M.R. Stylistics of Literary Text. — Tashkent: Turon-Iqbol, 2016. — 272 p.
2. Ashurova D.U., Galieva M.R. Text Linguistics. — Tashkent, Turon-Iqbol, 2016. — 316 p.
3. Галиева М.Р. Теолингвистика: истоки, направления, перспективы. — Ташкент: Vnesh Invest Prom, 2018. — 250 с.
4. Гальперин И. Р. Текст как объект лингвистического исследования. — М.: Наука, 1981. — 139 с.
5. Джусупов Н. М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте. Авт. дис...к. ф. н. — Т., 2006. — 29 с.
6. СИС – Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1989. – 624 с.
7. <http://shakespeare.mit.edu/richardii/full.html>
8. https://www.poetrysoup.com/poem/what_i_want_you_to_be_1255915
9. <http://shakespeare.mit.edu/1henryiv/full.html>
10. <https://www.poetryfoundation.org/poems/54684/jerusalem-and-did-those-feet-in-ancient-time>

Файзуллаева М. Символическая значимость религиозно маркированных аллюзивных антропонимов и топонимов. В статье исследуется символическая значимость религиозно-маркированных аллюзивных антропонимов и топонимов; роль этих языковых единиц в отражении религиозной картины мира на основе анализа англоязычных художественных текстов.

Fayzullayeva M. The symbolic significance of religiously marked allusive anthroponyms and toponyms. The research was carried out to scrutinize the symbolic significance of religiously marked allusive anthroponyms and toponyms; the role of these linguistic units in the human religious worldview as a symbolic expression of a thing or event on the basis of the analysis of English literary texts.



“TURK DUNYOSIDAN BOLALAR SHE’RLARI” NOMLI ANTOLOGIYA XUSUSIDA

Gulshah TUG‘LAJI

Anqara Hoji Bayram Vali Universiteti (Turkiya)

Zamonaviy turkiy tillar va adabiyotlari kafedrasi tadqiqotchisi va doktoranti



Turkiya Jumhuriyati Buyuk Millat Majlisi (TBMM) G‘oziy Mustafu Kamol Otaturk boshchiligida 23-aprel 1920-yilda ochildi. Ushbu sharafli kun dunyo bolalariga sovg‘a qilindi. Turkiyada har yili 23-aprel kuni *Milliy Mustaqillik va Bolalar Bayrami* sifatida nishonlanib kelmoqda. 2020-yil — bu TBMM ochilganligining 100-yili edi. Ushbu 100-yil sharafiga dotsent Soner Sog‘lom va dotsent Erol Soqolli tahriridagi *Turk Dunyosidan Bolalar She‘rlari* (Türk Dünyasından Çocuk Şiirleri, 268 bet) nomli antologiya, 2020- yilning dekabr oyida Bengü nashriyotida bosilib chiqdi.

Kitob “Turk dunyosini tilda, fikrda va ishda birlik tushunchasi bilan birlashtiradigan, kelajagimizning vorislari bolalarimizga” bag‘ishlangan. Kitobning *so‘zboshi* (9-10- betlar) qismida tadqiqotning ahamiyati, maqsadi, metodi, tuzilishi kabi masalalar; *kirish* (11-17- betlar) bo‘limida esa bolalar adabiyoti fanining va bolalar she‘riyatining o‘ziga xos xususiyatlari yoritilgan.

Antologiya, so‘zboshi va kirishdan tashqari 6 bo‘limdan iborat bo‘lib, ushbu bo‘limlarga Ozarbayjon,

Qozog‘iston, Qibris, Qirg‘iziston, O‘zbekiston va Turkmaniston kabi turkiy davlatlarning bolalar adabiyotidan namunalar kiritilgan. Kitobning har bir bo‘limida ushbu mamlakatlarning bolalar adabiyoti haqida qishqacha ma‘lumot berilgan bo‘lib, shoirlardan tanlangan 40 ta she‘r va ularning turkcha tarjimasini yonma-yon berilgan. She‘rlar shoirlarning tug‘ilgan sanasiga qarab xronologik tartibda joylashtirilgan. Har bir bo‘limning oxirida foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati ham berilgan.

Ozarbayjon Bolalar She‘rlari (Azerbaycan Çocuk Şiirleri, 19-62- betlar) bo‘limi Erol Soqolli va O‘nder Sezar tomonidan tayyorlangan. Ushbu bo‘limga Ozarbayjon adabiyotining namoyandaligidan Mirza Alekper Sobir, Husayn Jovid, Ahmad Javad, Nariman Gasanzade, Ilyos Topdiq, Ibrohim Yusufog‘li kabi 17 ta Ozarbayjon shoirlarining she‘rlari kiritilgan. Akram Ayon tomonidan tayyorlangan *Qozog‘iston Bolalar She‘rlari* (Kazakistan Çocuk Şiirleri, 63-102- betlar) bo‘limida esa Abay Qo‘nonboyev, Mag‘jon Jumaboyev, Saken Sayfullin, Saparg‘ali Begalin kabi 11 ta qozoq shoirlaridan tanlangan she‘rlar o‘rin olgan. Go‘kche Yuksalan Pelor *Qibris Turk Bolalar She‘rlari* (Kıbrıs Türk Çocuk Şiirleri, 103-137- betlar) bo‘limini yozgan. Ushbu bo‘limda Shinosi Tekman, Ayshen Dog‘li, Shirin Zafaryulduzi, Ayshe Tural, Husayn Irkaddan she‘rlar berilgan. *Qirg‘iziston Bolalar She‘rlari* (Kırgızistan Çocuk Şiirleri, 139-184- betlar) bo‘limi muallifi bo‘lgan Jildiz Ismailova, ushbu bo‘limda To‘xtog‘ul Sotilganov, Aali To‘qumboev, Alikul Osmonov, Jalil Sodiqov, Ismoil Qodirov kabi 22 ta qirg‘iz shoirlaridan she‘rlar tanlangan. *Turkmaniston Bolalar She‘rlari* (Türkmenistan Çocuk Şiirleri, 225-268- betlar) bo‘limi Soner Sog‘lom tomonidan yozilgan. Ozod Rahmanov, Murodkeldi So‘yegov, Berdi Kerboboyev, Qora Seytliyev, Nuriy Bayramov kabi 16 ta turkman shoirlaridan tanlangan she‘rlar ushbu bo‘limga kiritilgan.



Antologiyaning *O'zbekiston Bolalar She'rlari* (Özbekistan Çocuk Şiirleri, 185-224- betlar) bo'limi Erhan So'lmaz bilan Gulshah Tug'laji tomonidan tayyorlangan. Kirish qismida o'zbek bolalar adabiyotining vujudga kelishi, rivojlanishi, namoyandalari kabi masalalar bo'yicha umumiy ma'lumotlar berilgan. Keyingi bo'limda o'zbek adabiyotining turli namoyandalaridan tanlangan 40 ta bolalar she'ri turkcha tarjimalari bilan kiritilgan. Ushbu she'rlar Quddus Muhammadiy, Nazarmat, Tolib Yo'ldosh, Obid Rasul, Po'lat Mo'min, E'tibor Oxunova, Miraziz A'zam, To'lqin, Tursunboy Adashboyev, Qambar Ota, Shodi Sattor, Anvar Obidjon, Temur Ubaydullo, Umida Abduazimova, Kavsar Turdiyeva, Abdurahmon Akbar, Ulug'bek Hamdam, Inobat Boboqulovalar tomonidan bolalarga mo'ljallab fasllar, hayvonlar, kitoblar, mehnatsevarlik, ota-ona, mehmondo'stlik, hurmat, muhabbat, vatanparvarlik, mustaqillik, ona tili kabi turli mavzularda yaratilgan.

Antologiyaga Turk dunyosidan turkcha tarjimasi bilan 240 ga yaqin she'r kiritilgan. She'rlarning tarjimalari bilan yonma-yon berilishi uning amaliy ahamiyatini oshiradi. Kitob o'quvchilarga Turk dunyosi bolalar adabiyotlari to'g'risida qiyosiy ravishda ma'lumot olishga va bolalar she'rlaridan namunalar ko'rishga imkoniyat beradi. Kitobdan turli turkiy tillar bilan shug'ullanuvchilarning ham foydalanishlari mumkin.

Ushbu antologiyaning Turk dunyosi xalqlarining do'stligini mustahkamlashtirishini va bolalarimizga Turk dunyosi xalqlarining bir ildizdan chiqib kelgan rang-barang madaniyatini tanishtirish vositasi bo'lishini tilab qolamiz. Xulosa o'rnida yana shuni ham aytishimiz kerakki Turkiy xalqlarning bolalar adabiyotlaridan hikoya, ertak, roman kabi boshqa janrlarning ham jamlanib tarjima qilinishi adabiyotshunoslar oldidagi dolzarb vazifalardandir.

“XORIJIY FILOLOGIYA” ILMIY-USLUBIY JURNALIGA MAQOLALARNI TAQDIM ETISH TARTIBI

Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal mavzusiga mos keladigan materiallar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi 10-12 betdan oshmasligi kerak. Maqola Microsoft Word dasturi, «Times New Roman» shrifti, 14 kegl, sahifa maydoni barcha tomondan 2 sm va 1,5 intervalda rasmiylashtirilishi kerak.

Oo'lyozmaning nomi:

Maqola va boshqa materiallar sarlavhasi yetarlicha qisqa, mazmunga muvofiq va 13 so'zdan oshmasligi kerak.

Mualliflar:

Mualliflarning nomlari quyidagi tartibda to'liq qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, keyin uning otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar uchun vergul bilan ajralib turiladi. Oxirgi muallif qolgan muallifdan «va» so'zi bilan ajratilishi kerak.

Muallif (lar) ning ish joyi:

Ushbu ma'lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: institut, shahar va mamlakat. Muallif o'zining pochta manzili, telefon raqami, faks raqami (agar mavjud bo'lsa), elektron pochta manzilini keltirib o'tishi kerak.

Annotatsiya va kalit so'zlar:

Agar maqola o'zbek tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya rus va ingliz tillarida; maqola rus tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya o'zbek va ingliz tillarida, xorijiy mualliflar uchun esa annotatsiya rus va o'zbek tillarida qisqa va aniq bo'lishi kerak. Annotatsiya “Adabiyotlar” dan keyin, 8-10 ta *kalit so'z va iboralar* maqolaning boshida muallif nomidan keyin ko'rsatilishi kerak.

Maqolaning mazmuni

Maqolaning *asosiy qismida* tadqiqot jarayoni va erishilgan natijalarning batafsil bayoni beriladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

Adabiyotlar ro'yxati GOST R 7.0.5.-2008 talablariga javob berishi kerak. (Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу).

Matn ichidagi adabiyotlarga havolalar kvadrat qavs ichida muallifning familiyasi, nashr yili va sahifasi tartibida beriladi. [Bo'ronov 2002: 3]. Agar havolada bir nechta adabiyotdan foydalanilganligi ko'rsatilsa ular nuqtali vergul bilan ajratiladi [Safarov 2018: 30; Hakimov 2013: 76].

Maqolada *foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati* matn oxirida, alfavit tartibida “Adabiyotlar” sarlavhasi ostida beriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatida oxirgi 10 yilda chop etilgan ishlar berilishi maqsadga muvofiqdir. Ilmiy maqoladagi adabiyotlar ro'yxati 10 tadan, adabiyotlar sharhi esa 20 tadan oshmasligi kerak.

Adabiyotlar ro'yxatini rasmiylashtirish bo'yicha namunalar:

Monografiya

Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. –Toshkent: Fan, 2007. – 234 b.

Roget P.M. Roget's Thesaurus of English Words and Phrases. London: Penguin books, 2000. 810 p.

Jurnaldan maqolalar

Трегубов, А.Н. О возможностях и сложности овладения методом бинарного семантического анализа лексики //Вестник ВЭГУ. - 2009. - №3(41). - С. 97-103.

Cornish F. Relations de coherence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages, 2006, 40e annee, n°163. P. 37–55.

To'plamlardan maqolalar

Маджаева С.И. Термин как когнитивная единица научного текста / Термины в коммуникативном пространстве. Астрахань: Изд. Астраханского гос. мед. унив., 2017. С. 237–240.

Dissertatsiya

Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте: дис. ... канд. филол. наук. Челябинск, 2007. 175 с.

Internet-manbalar:

Kipling R. The Ballad of East and West [Электронный ресурс] // Kipling Society: [сайт]. URL: http://www.kiplingsociety.co.uk/poems_eastwest.htm (дата обращения: 24.01.2017).

Jadval va rasmlar

Maqolada jadval, formula, rasm va grafiklar bayon qilinadigan jarayonni matn shaklida berish imkoniyati bo'lmagan holda berilishi maqsadga muvofiq. Barcha obyektlar oq-qora shaklda rangsiz bo'lishi kerak. Barcha formulalar Microsoft Equation komponentidan foydalangan holda yoki aniq rasmlar shaklida rasmiylashtirilishi kerak.

Oisqartmalar va belgilar

Faqat standart qisqartmalardan foydalaning. Maqolaning sarlavhasida va annotatsiyalarida qisqartmalardan foydalanmang. Qisqartma matnda birinchi marta ishlatilishdan oldin (standart o'lchov birligidan tashqari) bo'lishi kerak.

XORIJIIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Мухаррир	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ё. Қаршибоев
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов

Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 15.06.2021.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № 127. Times гарнитураси.

